



E352711

ناصر الدین رحمان الدین
ربغوزی



قصص ربغوزی

کتاب

پازوچ

НОСИРУДДИН БУРҲОНУДДИН
РАБҒУЗИЙ



ҚИСАСИ РАБҒУЗИЙ

БИРИНЧИ КИТОБ

Тошкент
«ЕЗУВЧИ» нашриёти
1990

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ Ҳ. СУЛАЙМОНОВ
НОМИДАГИ ҚҮЛЁЗМАЛАР ИНСТИТУТИ


Нашрга тайёрловчилар:

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси мухбир аъзоси, филология фанлари доктори, профессор **Эргаш Исмоилович Фозилов**, филология фанлари номзодлари **Абдулло Юнусов**, **Ҳамидулло Дадабоев**.

Оятлар, ҳадислар ва арабий шеърларни ҳозирги ўзбек тилига филология фанлари номзоди **Юсуфхон Шокиров** таржима қилган.

Масъул муҳаррир:

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ҳ. Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти катта илмий ходими, филология фанлари номзоди **Ноила Абдуфаттоҳовна Асилова**.





НОСИРУДДИН РАБҒУЗИЙ ВА УНИНГ «ҚИСАСИ РАБҒУЗИЙ» АСАРИ

Туркий адабий тиллар, туркий тилда бунёд этилган ёзма манбалар шаклланиш ва ривожланишнинг мураккаб босқичларини босиб ўтган.

Маълумки, илк туркий ёзма ёдгорликлар рун, суғд, манихей, брахма, уйғур ёзувларида битилган бўлиб (V—VIII), улар тошга (Ўрхун-Енисей битиклари), терига, ёғочга, махсус қоғозга (Турфон текстлари) ва бошқа ашёларга ёзилган. Булар тарихнинг маълум бир босқичларида Ўрта Осиёда ҳукм сурган турк, уйғур хоқонликлари ва қирғиз давлати даврида дунёга келган тарихий ёдномалардир.

Мазкур бебаҳо миллий мероснинг катта қисми В. В. Радлов, В. Томсен, П. М. Мелиоранский, С. Е. Малов, В. А. Котвич, А. Фон, Габэн, Г. Рамстедт, А. Н. Кононов, П. Циме, Бесим Аталам, Э. Н. Нажиб, Раҳмати Арат сингари атоқли рус, совет ва хорижий туркийшунос олимлар томонидан тадқиқ этилган, VI—VIII асрлар мобайнида Ўрта Осиёнинг араблар томонидан забт этилиши ва ислом динининг қабул қилиниши ерли халқлар ижтимоий, сиёсий ҳаётида, маданиятида янги босқични бошлаб берди.

Бу даврда Мовароуннаҳрда илоҳиёт, фан, фалсафада араб тили ҳукмронлик қилди.

XI—XII асрларда Шарқий Туркистон, Еттисув, Шош, Фарғона, Афғонистон, Шимолий Эрон, Хоразм ерларини ўз тасарруфига олган жуда катта майдонда туркий қабилалар бирикувидан ташкил топган Қорахонийлар салтанати ҳукмронлик қилади.

Қорахонийлар даврида илм-маърифат, маданият ривожланди, қатор илмий, фалсафий асарлар яратилди. Бу асарлар асосан араб, форс ва туркий тилда битилди. Диний мактабларда талабалар илм олган. Олий мадрасаларда риёзиёт, математика, ҳандаса, (геометрия), жабру муқобил (алгебра), жуғрофия, илми нужум (астрономия) каби фанлар ўқитилган.

XI—XIII асрлар мобайнида Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул—ҳақойиқ», «Тафсир» каби асарлар яратилди. Бу обидалар тил хусусиятларига кўра эски ўзбек тилига яқин туради.

XIII—XIV асрлар туркий халқлар ва туркий тиллар тарихида алоҳида ва мураккаб даврни ташкил этади. Бу даврда Ўрта Осиё ва Олтин Ўрда музофотларида тил хусусиятлари жиҳатидан бир-биридан фарқ қилувчи кўпгина асарлар юзага келди.

Ушбу асарларнинг бир-биридан фарқ қилишига уларнинг жуда катта майдонда ва турли жойларда бунёд этилганлиги сабаб бўлган.

Бу асарлар тил нуқтаи назаридан бир-биридан фарқ қилишдан ташқари, уларнинг барчасида туркий тилларнинг ўгуз-қипчоқ, қорлуқ-уйғур группаларига хос бўлган лексик, фонетик ва морфологик хусусиятлар ўз аксини топган. Бу ҳол XIII—XIV асрлардаги мураккаб тарихий шароит, маълум бир жойда турли туркий халқлар вакиллариининг бирга яшаганлиги, манба муаллифи ёки нусха кўчирувчи шахснинг қайси туркий халқ вакили эканлиги сингари объектив ва субъектив сабаблар билан изоҳланади. Юқорида номлари зикр этилган манбалардан қўпчилиги эски ўзбек тилининг шаклланишида муҳим замин вазифасини ўтади.

Тил жиҳатидан «Тафсир», «Хусрав ва Ширин», «Наҳж ул-Фародис», «Сирож ул-қулуб» обидаларига яқин турувчи «Қисаси Рабғузӣй» Урта Осиёда яшовчи туркий халқлар орасида «Қисасул-анбиё» номи билан машҳур бўлиб, китобхонлар томонидан эъзозлаб ўқилувчи, бахши ва оқинлар томонидан севиб куйланувчи асарлардан бири ҳисобланади.

Асар муқаддимасида айтилишича, обида Хоразмда Работўғуз деган жойнинг қозиси Бурҳонуддин ўғли Носируддин томонидан мусулмон динини қабул қилган эътиборли мўғул бекларидан ҳисобланган Носируддин Тўқбуганинг илтимосига кўра ҳижрий 709 (милодий 1309—1310) йилда ёзилган: Аммо баъд, бу китобни тузган, тоъат йўлида тизган, маъсият ёбонин кезган, оз озуқлуғ, кўп ёзуқлуғ Работ ўғзининг қозиси Бурҳон ўғли Носируддин уруғи, сатараллоҳу¹ алайҳи ас-саломата ва раҳима шиябаҳу андоғ айтур... Тож ул-умаро ва муҳиббул-уламо беклар уруғи, йигитлар ариғи², улуг отлиғ, қутлуғ зотлиғ, эзгу хуақлиғ, ислом ёриғлиқ, мўғул санилиғ, мусулмон динлиғ, одабийлар инончи, мўъминлар қувончи, ҳиммати адиз³, ақли тегиз бегимиз Носируддин Тўқбуга сабаталлоҳу ало динил-ислом ва саломуху⁴.

Асарнинг ёзилиш сабаби туғрисида муқаддимада қуйидагича қисқача маълумот берилган: ...пайғамбарлар қиссаларига ғоят рағбатим бор. Текма ерда, текма ким эрсада бўлинур баъзиси мустақим бор, баъзиси номустақим. Бир анчаси муқаррар ва бир анчаси мубаттар бор. Бир озининг сўзлари кесук бор, бир озининг мақсудлари ўксук. Эмди санинг зиммангдин чиққан, қаламунгдин оққан, китобатма санинг, иборатма санинг бўлуб «Қисас ул-анбиё» бўлса, ўқумоққа кераклиқ, ўгранмоққа яроғлиғ бўлғай эрди, теб илтимос янглиғ ишорат бўлди эрса нечама ўзумни ул ишга лойик, ул амалга мувофиқ эрмасин теб, бу оғир ишга ўградимиз.⁵ Изи азза ва жалладан тамом бўлғуға тавфиқ⁶ тилаб китоб бошладимиз».

Муаллиф асардан кўзда тутилган мақсадни таърифлаб шундай дейди: «Мунда мақсад пайғамбарлар қиссаси эрди. Валекин Одамдин¹ бурунроқ

¹ Оллоҳ таоло уни дини исломда муқаррар қилсин ва унга саломлар бўлсин.

² Ариғ — соф, тоза, покиза, бегубор.

³ Ариғ — баланд, юқори, юксак.

⁴ Оллоҳ таоло унинг камчиликларини бекитсин ва унга раҳм қилсин.

⁵ Уградимиз — киришдик, қўл урдик.

⁶ Тавфиқ — кумақ, ёрдам, мадад.

¹ Одам — Одам Ато.

яратилган бор учун андин бошласамиз фойдаси ортуқроқ бўлғай, деб тартиб уза яратилганлардин оғоз қилдимиз.¹ Эртаклига ўнғай, истаклига тебрай бўлсин теб «Қисаси ар-Рабғузий» от бердимиз.»

Носируддин Рабғузий асарни деярли бир йиллик тинимсиз меҳнатдан сўнг ҳижрий 710 йилнинг хут (мелодий 1310 йил, 21 февраль — 21 март) ойда ниҳоясига етказди.

Рабғузийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот жуда кам бўлишига қарамай, унинг замонасининг таниқли тарихчиси, етук шоири ва истеъдодли таржимони эканлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Бунинг далили сифатида Рабғузий қаламига мансуб қатор туркий шеърлар, арабчадан ўгирилган шеърий таржималарга асарда катта ўрин берилганлигини эътироф этиш kifойадир.

Асар ҳамд, неът, муқаддима, қиссалар, лирик кечинмалар ва хотималардан иборат.

Қиссалар, асосан, насрда, мадҳиялар, баъзи бир қиссаларнинг хулосалари, лирик кечинмалар ва китоб хотимаси назмда ёзилган.

Пайғамбарлар ҳақидаги афсонавий қиссаларнинг асосий қисми диний характерда бўлиб, Рабғузий уларнинг аксариятини Қуръон ва ўзга диний манбалардаги мифологик сюжетлар асосида яратганлигига шубҳа йўқ. Китобда афсонавий пайғамбарлар билан бир қаторда пайғамбарлаштирилган шахслар (Довуд, Сулаймон, Муҳаммад, Искандар Зулқарнайн) тўғрисидаги қисса ва ҳикматларга ҳам катта ўрин берилган.

Туркий ва бошқа халқларнинг айрим расм-русум ва одатлари ҳам муаллиф назаридан четда қолмаган: Рум вилоятининг одати бор, тевалари чалиқлик² бурундуклатмасалар янги тушган келинларни келтуруб ун тузуб йирлайтурлар. Тевалар уларнинг овозларига хушланиб ўзлариндин кечерлар — иликка илинурлар.

Ёки: халқ орасинда расм бор, дўст дўстга сафар қилиб ёнар бўлса, бир ҳада, яъни бўлак ола борурлар.

Ёдгорликнинг инсонларни ўзаро тўғри муносабатларда бўлишга, бир-бирларига нисбатан жабр-зулм қилмасликка, ноҳақ қон тўкмасликка, ҳаром-ҳариш ишларга берилмасликка, шарм-ҳаёни йўқотмасликка ундовчи ўғитлари бугунги кунда ҳам ўз моҳиятини йўқотгани йўқ: «...Маъсиятдин³ йиғилинг, халқ орасинда кўни ҳукм қилинг, куч қилманг, зино қилманг, қон тўкманг, хиёнат қилманг».

Тарихий муҳит, диний тафовутлар халқлар ва миллатлар орасида низо солган, бемаъни уруш ва ихтилофларни вужудга келтирган бир шароитда Рабғузий турли эл ва юртларни иноқ ва ҳамжиҳат бўлиб яшашга ва ижод қилишга чорлайди.

«Қисаси Рабғузий»нинг турли даврларда кўчирилган бир неча қўлёзма нусхаси мавжуд бўлиб, улар дунёнинг турли кутубхона ва қўлёзма фондларида сақланмоқда.

Асарнинг энг қадимий қўлёзма нусхаси XV асрда кўчирилган бўлиб, у Британия музейида сақланиб келмоқда. Ушбу нусханинг факсимилеси

¹ Оғоз қилдимиз — бошладик, киришдик.

² Чалиқлик — бебош, шўх.

³ Маъсият — шариятга хилоф тарзда иш тутиш, гуноҳ.

машҳур матншунос К. Гронбек томонидан 1948 йили Копенгагенда нашр қилинган. Ана шу факсимиле қўлингиздаги китобни тайёрловчилар томонидан асос қилиб олинди.

Иттифоқимизда мавжуд бўлган қўлёзма нусхалардан энг муътабари СССР ФА Шарқшунослик институтининг Ленинград бўлимида С—245 инвентарь рақами билан сақланаётган нусхаси бўлиб, у XV ёки XVI асрда кўчирилган деб тахмин қилинади.

Бу нусханинг бошланиши ва охириги бир неча саҳифаси йўқолган, кейинчалик бошқа нусхалар асосида тикланган.

«Қисаси Рабғузий»нинг бошқа нусхалари кейинги даврларда кўчирилган бўлиб, буларнинг лексикаси вақт тақозосига кўра ўзгариб борган.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида ёдгорлик Тошкент, Қозон шаҳарларида литография асосида бир неча марта нашр қилинган. Асарнинг тўла тексти илк марта рус туркийшунос олими Н. И. Ильминский томонидан 1859 йили Қозон шаҳрида эълон қилинган. Бу нашр нисбатан кейинроқ кўчирилган нусхага асосланган бўлиб, тил жиҳатдан асл нусхадан анча фарқ қилади.

XIX аср охирилари ва XX аср бошларида «Қисаси Рабғузий»нинг айрим парчалари русча таржимаси, баъзи лингвистик шарҳлар билан П. М. Мелиоранский, С. Е. Малов, Н. Ф. Катанов, Н. Ф. Остроумов томонидан ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилинган.

«Қисаси Рабғузий»нинг тилига келганда шуни таъкидлаш лозимки, унинг тил хусусиятлари Ўрта Осиёдаги туркий тилларнинг барчаси учун баб-баробар илмий қийматга эга.

Асар тилининг ҳозирги замон ўзбек тилига муносабати тўғрисида гап кетганда шуни айтиш керакки, қисса тили билан бугунги ўзбек тили орасидаги салкам етти асрлик вақт ўтганига қарамасдан, бу асар ҳозирги замон ўзбек тили илк тараққиёт даврининг ёдгорликларидан бири сифатида қаралмоғи мақсадга мувофиқдир.

Табиийки, асар тилида мавжуд бўлган сўзларнинг айримлари бугунги китобхон учун тушунарсиз бўлиб қолган. Вақт ўтиши, турли ижтимоий-сиёсий воқеаларнинг содир бўлиши натижасида баъзи сўзлар ўз умрини яшаб бўлган ва истеъмолдан чиқиб кетган. Шу билан бир қаторда ҳаёт синовларига бардош берган ва бугунги кунда ҳам тилимизда фаол қўлланаётган жуда кўп сўзлар Рабғузий ёзиб қолдирган бебаҳо дурдонанинг ҳар бир сатрида учрайди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Рабғузийнинг пайғамбарлар ҳақидаги қиссалари ҳам бадийлик, ҳам тил нуқтаи назаридан катта эътиборга лойиқ ёзма ёдгорлиқдир.

Э. И. Фозилов.



Сонсиз ҳамду санолар, сақишсиз телим ўғдулар, ул изи азза ва жалла карим қудрати бирла бизларни одамий яратти, йилқи қора яратмади, ва лақад каррамна бани Аадама.¹

Яратмишда кезин фазли карами бирла эр яратти, хотун яратмади, алайҳинна даражатун ва тақи бизларни ариғ йўлга кўндурди. Ҳидоят бирла оғирлаб ёвуз йўлдин кузарди. Ва инна хаза сироти мустақиман фаттабиъўху. Анда кезин қадим эҳсони бирла биз заъифларға Муҳаммад Мустафо саллалоҳу алайҳи ва салламни пайғамбар изти, лақад жаакум расулун мин анфусикум, яъни мунглуғларни Муҳаммад Мустафоға уммат қилди. Азин умматлардин бизни ортуқ қилди. Кунтум хайра умматин ухрижат линнас. Бу мунча кароматларда бизни кезин қамуғ танглиғлардин бизни кўрклу яратти ва сававаракум фа аҳсана суваракум ва ал-хамду лиллаҳи ала ма авла фа нима ар-раббу ва ниъма ал-мавла. Дуруд ва таҳийёт, салавот ва салот ул кўни сўзлук, қутлуғ юзлук, лаамрука тожлиғ, лав лока лама халакту ал-афлак ҳавожлиғ, субҳана аллази асра меърожлиғ. Ул ўзи мутиъ, зикри рафиъ, умматиға шафиъ ва-ллоҳу яъсимука минан-нас йизиғлиғ, ва иннака лаъ ала хулукин азимин қилиқлиғ ва ла тамши фиал-арзи мараҳан йўриғлиғ ва иза саъалака ибади анни фа инни қариб хитоблиғ ва аммаас-саила фа ла танҳар итоблиғ, ма загаал-басару ва ма тағо ҳимматлиғ, фа кана қоба қавсайни ав агна рифъатлиғ, ва ласавфа йўътика раббука фатарзо шафоъатлиғ, аг-та'ибуна вал-абидуна вал-ҳамидуна умматлиғ ва мин ал-лайли фатаҳижжад биҳи нафилатан намозлиғ, фа авҳа ила абдиҳи ма авҳа розлиғ, ло уҳси сана'ан алайка ниёзлиғ, қумал-лайла илла қалилан қабушлиғ, лиъилафи қурайшин қадашлиғ ва жиъна бика ала ҳа'ула' и шаҳидан шаҳо-

¹ «Қуръон»дан келтирилган оятларнинг таржимаси китобнинг сўнгига берилмоқда — муҳаррир.

датлиғ, аса ан ябъасака раббука саодатлиғ, алайса-аллоҳу бикафин абдуҳу иноятлиғ, ва иннака латаҳди ила сиратин мустақимин ҳидоятлиғ, шаҳру рамазон аллази унзила фи-хиял-Кур' ану оятлиғ, иқтарабатас-саъату ва-ншаққа ал-қамару ишоратлиғ, Иннаа арсалнака шаҳидан ва мубашиш-ран башоратлиғ. Анбиёлар қадаши, асфиёлар қидваси Му-ҳаммад Мустафо саллалоҳу алайҳи ва саллам.

Дин шариъат рўъяти олий қилган Мустафо,
Куфру зулмат туғларин ерга чолган Мустафо.
Ул отаси онасини ортуруб уммат учун,
Ёлбориб ҳақдин шафоъат сотгун олган Мустафо.
Қавми орин кўтурмадин кўкка оғган Исо ул,
Умматиға ул бўлушубон ерда қолган Мустафо.
Ул йигирми уч йил эмгаб кўрмадин тун кун уйқуси,
Осий уммат ёзуқин ҳақдин қилган Мустафо,
Ул қиёмат кунинда шафоъат қурин қуршаниб,
Ёлнаю турган ёлиндин осий бўлган Мустафо.
Инар эркан Мустафони элиндаб элтган Жаброил,
Йўқлаюрда Жаброилни йўлда солган Мустафо.

Укуш итиғ саломлар тўрт эшинга, тўқуз хотунга, икки амминга, саййиди содот аҳл ул-жаннат ташрифлук ўғлон-ларунга ва саллиму таслиман касиран.

Аммо баъд, бу китобни тузган, тоъат йўлинда тизган, маъсият ёбонин кезган, оз озуклуғ, кўп ёзуқлуғ Работ ўғузининг қозиси Бурҳон ўғли Носируддин уруғи, сатарал-лоҳу алайҳи ассаломата ва раҳима шиябаҳу андоғ айтур. Ажалл ут-тож-ул-умаро ва муҳиббул-уламо беклар уруғи, йигитлар ариғи, улуғ отлиғ, қутлуғ зотлиғ, эзғу қулқлиғ, ислом ёриғлиқ, мўғул санилиғ, мусулмон динлиғ, одамий-лар инончи, мўъминлар қувончи, ҳиммати адиз, ақли тегиз бегимиз Носируддин Тўқбуға саббаталлоҳу ало динил-ислом ва саломуҳу.

Фи мадҳи Носируддин Тўқбуғабек

Илҳоқ умул тузун қилиқ
Билиғ ариғ ҳаддин чиқа
Кўкдин адизрак ҳиммати.
Мўриси беклик динида
Сўрар ани юлнуб яқо
Қизғанчи уқбо милкати.
Асли мўғул эркан кўнуб
Ислом учун тутти яқо
Бўлди Расулнинг уммати.
Тоат қилур тун-кундузун
Олнур сабоқ мусхафқа бақо
«Қуръон» ўқумоқ одати.
Тасбиҳ эврда хушланиб

Ишжуланур ёши ақо
 Эшитилса «Қуръон» ояти.
 Эрарди явлоқ телим
 Туз сўзлаюр сўзни уқо
 Ортуғ яроғлиғ сийрати.
 Рабдин ато бўлуб анга
 Ҳақ бермиши қутлуғ бақо
 Кўрклуқ сифатлиғ сурати.
 Эзгу қилиқ бирла юруб
 Дўст қизғанур душман бақо
 Ортар қамуғдин ҳурмати.
 Кундуз ўқур, тунда қўпар
 Тоат қилур кирур суқо
 Арслон менгизлик савлати.
 Ёши кичик йўни улуғ
 Зоти ориғ бек Тўқбўға
 Ул Носируддин куняти.
 Эл ошасун, юз яшасун
 Бўлуб мутиъ мавлосига
 Мундин зиёда қурбати.

Тарих юз эллининг аввалида қосуд битилдиким, пай-
 ғамбарлар қиссаларинга ғоят рағбатим бор. Текма ерда
 текма ким эрсада бўлинув баъзиси мустақим бор, баъзиси
 номустақим. Бир ончаси муқаррар ва бир ончаси мубаттар
 бор. Бир озининг сўзлари кесук бор, бир озининг мақсуд-
 лари ўксук. Эмди санунг зиммангдин чиққан, қаламунгдин
 оққан, китобатма санинг, иборатма санинг бўлуб бизга «Қи-
 сас ул-анбиё» бўлса, ўқумоқға кераклиқ, ўгранмақға яроғ-
 лиғ бўлғай эрди, теб илтимос янғлиғ ишорат бўлди эрса
 нечама ўзумни ул ишга лойиқ, ул амалга мувофиқ эрма-
 син билмиш эркан ўзумни оғирлаб нафс сақламиш бўлуб
 ўғур бўлсун теб бу оғир ишга ўградимиз. Изи азда ва
 жалладан тамом бўлғуға тавфиқ тилаб китоб бошладимиз.
 Мунда мақсуд пайғамбарлар қиссаси эрди валекин Одам-
 дин бурунроқ яратилған бор учун андин бошласамиз фой-
 даси ортуқроқ бўлғай деб тартиб уза яратилғанлардин оғоз
 қилдимиз. Эртиклиға ўнғай, истаклиға тебрай бўлсун теб
«Қисаси ар-Рабғузий» от бердимиз. Валлаҳу ал-муваффақу
 ал-итмама ва ҳува валийюл-инъам вал-икрам. *Қола Расулул-
 лоҳи салла-ллоҳу алайҳи ва саллам... кунту канзан хафийй-
 ан фа халақтул халқи.* Муҳаммад Мустафо саллалаҳу
 алайҳи ва саллам айтур: Ҳақ субҳонҳу ва таъоло андоғ
 ёрлиқади: ман бир кизлану ганж эрдим, маним тенгриликим-
 ни билгучи ким эрса йўқ эрди, халойиқ яраттим мандин
 асиг олсунлар теб. Ман алардин асиг олайн теб яратма-
 дим,— теди.

Вал-қавлу фис-самовати вал-арзи

Хабарда андоғ келур, изи азза ва жалла қамуғда ашну бир гавҳар яратти. Ул гавҳар яратди, ул гавҳарға ҳайбат назари қилди эрса ул гавҳар эруди. Сув бўлди эрса анда кезин елни яратди. Сув уза тушти эрса қум урди кўпукланди. Ул кўпукдин тутун оғди, ул тутундин кўкни яратди. *Йавма та'ти ас-сама' у бидуханин мубинин.* Ул сув мавло таъолонинг ҳайбатиндин қайнаб куюкланди. Ул кўпикдин Каъба ўрнунча ер яратти. Анда кезин кўкни яратғали тегди. *Сумма истава ила ас-сама'и фа савахунна сабъа самаватин.* Кўкни яратмишда кезин ул яратилган ерни машриқдин мағрибға теги ёзиб кенгу қуйрулқади. *Ва ал-арза баъда залика даҳаҳа.* Бу ерлар ва кўклар бир қат эрди қудрати бирла кўкни ердин айирди, текма бирлари еттишар қат бўлди. Аллоҳу аллази халақа сабъа самаватин ва мин ал-арзи мислаҳунна. Бу етти ер сув уза яратилди эрса турланмади, ирғану бошлади. Ани турландурмоқ учун тоғларни анинг уза қозуқ қилиб яратди. Алам нажъал ал-арза миҳадан. Яна изи азза ва жалла қамуғ оламни олти кунда яратди. *Ва лақад халақна ас-самавати ва ал-арза ва ма байнаҳума фи ситтати аййамин.* Хабарда андоғ келур: Якшанба кун кўкларни яратти, душанба кун ойни, кунни, юлдузларни яратти, фалак ичинда туритти, сешанба кун олам халқинда қуш-қуртларни, фаришталарни яратти, чакоршанба кун сувларни яратти, елларни, булутларни чиқарди, йиғочларни, ўт-емларни яратти, ундурди. Рўзиларни улаштурди. Панжшанба кун ужмоҳ, тамуғни, раҳмат ва азоб фаришталарини яратти, ҳурларни яратти. Азина кун Одамни яратти. Шанба кун нарса яратмади. Бу қамуғ нарсаларни тақи минг мунча нарсаларни кўз юмуб очғунча яратғу яроғи бор эрди.

Олти кунда анинг учун яратти, қуллариға таълим қилди, ман қодирлиқим бирла эв, эш қилмазман. Сизлар ожизлиқингиз бирла эвмадин, ошукмадин акрулуқ бирла эш қилинг теб. *Қола Расулул-лоҳи (с): ал-ажалату мин аш-шайтон ва атта'ани мин ар-Рохман.*

Сифати ас-самовоти

Илк қат кўк яшил зумураддин турур, оти Рафиқ турур. Фаришталар уз суратлиғ улуғларининг оти Исмоил отлиғ. Икинчи қат кўк кумушдин турур, оти Рукъа турур. Фаришталари бургут суратлиғ, улуғларининг оти Рақбоил турур. Учунчи қат кўк ёқутдин турур, оти Қайдам турур. Фаришталари уй суратлиғ, улуғларининг оти Кўкбоил турур. Тўр-

тинчи қат урунг йинжудин турур, оти Моъун турур. Фаришталари от суратлиғ турур. Улуғларининг оти Нубейил турур. Бешинчи қат кўк олтундин турур оти Ратқо, фаришталари ҳур суратлиғ, улуғларининг оти Сифтбоил турур. Олтинчи қат кўк, сариг ёқутдин турур оти Захо турур. Фаришталари вилдон суратлиғ. Улуғларининг оти Рағбоил турур. Еттинчи қат кўк нурдин турур, оти Арибо турур. Фаришталари одамий суратлиғ, улуғларининг оти Нурбоил турур.

Сифати ал-аразина

Илк қат ер бирининг оти Рамко турур. Ақим отлиғ ел уза етмиш минг бурундуқ бирла. Текма бир бурундуқи етмиш минг фаришта илкинда. Иккинчи қат ер оти Жулза турур; анинг ичинда тамуғ чаёнлари бор, қора тева менгизлик, қузуқлари сунгу менгизлик. Текма бирида олти юз олтмиш орқа, текма бир орқасинда олти юз олтмиш бош, тегма бир бошда олти юз олтмиш оғулиғ олма. Ул сабуларда бирисин бу дунёға изса олам халқи қамуғи ўлгайлар эрди. Учинчи қат ер Арқа турур. Анинг ичинда тамуғ урумлари текма бирлари Қоф тоғиндин улуғроқ турур. Тўртинчи қат ер оти Харна турур. Анинг ичинда тамуғ йилонлари бор. Текма бир йилоннинг минг тиши бор. Текма бир тиши хурмо йиғочитек, текма бир тиши тубинда ўн секиз олма бор оғу бирла тўлуғ. Бешинчи қат ер оти Малсо турур. Ичи тўлуғ тамуғ тошлари бор. Олтунчи қат ер оти Сижжин турур. Анинг ичинда тамуғлуқларнинг жони турур. Етунчи қат ер оти Ажибо турур. Иблис анда турур. Текма йилда бир чиқа, яна кирур. Текма бир куннинг қалинглиқи беш юз йиллик ердур орасима андуғлиқ. Яна қалинглиқима андағуқ, орасима андағуқ.

Билгил, *Ал-қавлу фи халқи ал-малаикати ва ал-жинни ва ал-инси* изи 'азза ва жалла фаришталарни ўтнунг ёруқлуқидин яратти, париларни ўтнунг ёлинидин яратти. Аслари бирук турур, аммо уч нарса бирла тафовутлари бор. Бири ул турурким, фаришталар нурдин, парилар ёлиндин турур. Иккинчи, фаришталар малак атанди, парилар жин атанди. Учунчи, фаришталар ўрни адиз кўкда бўлди, парилар ерда бўлди.

Хабарда андоғ келур. Мавло жалла жалолуҳу тамуғ ичинда икки халқ яратти бири эркак арслон суратлиғ, оти Жаблит, яна бири тиши бўри суратлиғ, оти Таблит. Жаблит қузуруқи йилон суратлиғ, Таблит қузуруқи чаён суратлиғ. Мавло жалла жалолуҳу ёрлиқи бирла ул икагунинг қузуруқи тамуғға тушти. Тамуғ ичинда на йилон бор эрса Жаблит қузуруқиндин турур ва на чаён бор эрса Таблит қузуруқиндин турур.

Жаброилға ёрлиғ бўлди, Таблитни никоҳ қилиб Жаблит-ға бергил теб. Қамуғ маҳлуқоти ичинда энг илк никоҳ ул эрди, андин бурун никоҳ йўқ эрди. Жаблит бирла Таблит икагу қўштилар эрса иккишар-иккишар ўғуллари туғди бир ўғул, бири қиз. Жаблит ул қизни бирга туғган ўғлонға берур эрди. Еттинчи қат ўғуллари туғди эрса ул ўғилға Ҳорис от берди. Бу Ҳорис ғоят маккор қўбти. Жаблит ул қизни Ҳорисға берайин теса изи азза ва жалладин ёрлиғ бўлди: «Эмдидин сўнг бирга туғган ўғулға бермагил. Ўнгдин тақи сўнгдин туғганға бергил». Ул ҳукмин изнатти. Жаблит Ҳорис бирла туғган қизни азин ўғулға берди, Ҳорис ўфкалаб азин қизни унамади. Тамуғнинг бир мунгушинда ўлтуруб тоатқа мушғул бўлди. Телим йиллар тоат қилди эрса изима азза ва жалла тамуғдин бешинчи қат ерға чиқарди. Андама укуш тоат қилди эрса олтинчи қат ерга чиқарди. Мундагин текма бир ерда тоат қилмишинча оғдуруб бу дунёға чиқарди. Бу дунёда анча тенглик тоат қилдиким, машриқдин мағрибға теги Ҳорис сажда қилмаган бир қариш ер қолмади. Анда кезин мавло азза ва жалла Ҳорисни кўкка оғдурди. Анда яма укуш тоат қилди эрса, иккинчи қат кўкка оғдурди. Мундагин етинч қат кўкка оғди. Яна ужмоҳға кивурди эрса ужмоҳға эрклик бўлди, фаришталарга устод бўлди. Ҳорис отин кетардилар, Азозил от бердилар. Тиласа ужмоҳға кирар эрди, тиласа кўкка оғар эрди. Онадин туғмиш кундин беру уч минг йил кечурди. Амморий олимлари аймишлар: Азозил фаришталардин эрди. *Ва из қола раббука лилмала-иқати усжудули Аагама фа сажаду илла иблис.* Бу хитобда Азозил дохил эрди. Яна амморий олимлари аймишлар: Азозил Жонн уруғиндин эрди. *Ал-иблису каана мин ал-жинни.*

Анда кезин ер юзинда халқе яратди ўтдин Жонн отлиғ. *Ва ал жаанна халакнаҳу мин каблу мин нари ас-самуми.*

Калбий ривоятинча, дунёни етмиш минг йил улар тутдилар. Абдуллоҳ ибн Аббос ривоятинча ўн саккиз минг йил тутдилар. Қачон мавлоға ёздилар эрса уларни кетарди. Жон ибн ал-Жон отлиғ ҳалойиқға берди. Ўн саккиз минг умр тутдилар. Яма осийлиқ қилдилар эрса уларни кивурди, фаришталарга берди. Етмиш минг йил фаришта инди. Азозил улар бирла эрди. Етти минг йил мулк тутдилар. Дунёға кўнгул боғладилар эрса мавло уларни тиламади. Мандин азинга кўнгул боғладингиз, сизларни маъзул қилурман, азин халқ яратурман, бу мулкни анларға берурман теб. *Хитоб келди: инни жаъилун фиал-арзи халифатан.*

Тақи хабарда андоғ келур, қачан мавло таъоло дунёни яратди эрса ер мулкни қушларға берди. Етти минг йил қушлар тутдилар. Анда кезин Жин ибн ал-Жонға берди, етти минг йил тақи улар тутдилар. Ёзуқ, маъсият укуш қил-

дилар, қон тўктилар эрса, анлардин олиб фаришталарга берди. Етти минг йил тамом бўлди эрса анлардинма олғу вақт бўлуб ман ер юзинга халифа яратурман, теб хитоб қилди. *Инни жаъилун фиал-арзи халифатан.*

Фаришталар бу хитобни эшитдилар эрса қазғулуғ бўлуб айтдилар: «Илоҳий, ер юзинда ўртоқ, эшликлар, қон тўккучилар яратурсен, биз тасбиҳ ва таҳдид ва тақаддус қилганлардин олиб ер мулкини анларғаму берурсан?» Хитоб келди: «Ман билурман, сизлар билмазсиз». *Инни аъламу ма ла таъламун.*

САВОЛ: Фаришталар Одамни тақи ўғлонларини кўрмишлари йўқ эрди ва фасод қилганларин, қон тўкканларин надин билдилар? **ЖАВОБ:** Одамни кўрмишлари йўқ эрди, аммо Жин ибн ал-Жонни кўрмиш эрдилар, маъсиятларин билур эрдилар. Анларға қиёс қилиб сўзладилар. **САВОЛ:** Мавло таоло не маъни учун айтдиким, *инни аъламу ма ла таъламун.*

ЖАВОБ ул турурким, ман билурманким Мухаммад Мустафо алайҳис-салом Одам ўғлонлариндин бўлғуси, бу жаҳонни, ул жаҳонни, ойни, кунни, қамуғ нарсаларни анинг севуклуги учун яратдим. Дўст ким турур ман билурман, сиз мун билмазсиз. Жавоби дигар ул турурким, изи азза ва жалла ёрлиқлар *инни аъламу анна ибадатақум машубун биал-ужби из култум нахну ва фасадухум машубун биал-узри ваал-фасаду биал-узри ахаббу илаййа мин ал-ибадати маъал-ужби.*

Маъниси ул турурким, сизинг ибодатингиз ужбга қотиғлиқ турур «Нахну» теб ўзунгузни ўғдунгуз. Аммо Одам ўғлонларининг фасоди узрга қотиғлиқ турур. Узрга қотиғлиқ фасод манинг ҳазратимда ужбга қотиғлиқ ибодатдин севуқрак турур.

Қиссаи Одам сафий алайҳис-салом.

Ул тупроқдин яратган, қудрат бирла тўритган, адиз кўкка оғган, ужмоҳ ичра кирган, ҳаввотек жуфт берилган, Иблис васвасасига илинган, ёруқ ужмоҳдин азрилган, қоронғу дунёга инган, уч юз йил раббана заламна анфусана теб йиғлаган, *ва ла тақраба хазиҳиаш-шажарата хитобин эшитган, суммаиш табаҳу раббуҳу тожин бошинға урган, инна-ллоҳа устафа Аадама хилъатин қизган, усжугу ли Аадама каромати бирла мукаррам бўлган ва аллама Аадама ал-асма'а куллаха ташрифин бўлган Одам сафий, ул халифаи вафий.*

Ҳақ яратди тангсуқ Одамни тафиз ер кўркидин.
Ўзга сурат тузди андоғ ажун ичра илкидин.

Тахтини кутуруб фаришта ужмоҳ ичра кивуруб,
 Тезгинурда чиқмадилар ҳаргиз анинг эркидин.
 Чиқди Ҳавво бирла бўлуб хуш танаъум қилдилар,
 Ичтилар ужмоҳ шаробин, едилар эт эркидин.
 Билди асмо илмини ул эту берди белгулук,
 Барча тиллар бирла сўзлар този форсий туркидин.
 Уркади беш юз йил анда жуфти бирла овунуб,
 Ичди шарбат сиграқинда еди неъмат таркидин.
 Мунди ужмоҳнинг буроқин кезди анинг теградин,
 Ҳулла кизди эғнига ҳам бошға урди бўркидин.
 Озди Иблис макри бирла бирук эрди ёлғузин,
 Икки буғдой еди чиқти секкиз ужмоҳ мулкидин.

*Қола Расулуллоҳи саллалоҳу алайҳи ва саллам: ман арада
 ан йанзура ажа'уба ағдунйа фалйанзур ила қиссати Аагама
 алайҳис ас-салам.*

Қачон изи азза ва жалла Одамни яратмак тилади эрса
 Жаброилға хитоб келди: Борғил, ер юзиндин бир увуч
 тупроқ кетургил. Жаброил келиб олғалу ўғради эрса ер
 Жаброилға онт берди мандин тупроқ олмағил, теб. Жаброил
 онт оғирлаб тупроқ олмади. Исрофилни изди, ангама онт
 берди, улма тупроқ олмади. Кезин Мекоилни изди, ангама
 онт берди, улма тупроқ олмади. Кезин Азроилни изди,
 ангама онт берди. Азроил айди: «Санинг онтингдин манга
 мавло таоло ёрлиғи азизрак турур». Қамруғ ер юзиндин
 бир увуч тупроқ олди. Машриқдин мағрибға теги қирқ
 қари ер Қур эрди. Ҳазратдин хитоб келди: «Эй Азроил,
 ғоят қаттиғ кўнгуллуқ эрмишсен. Тақдир андоқ қилдим,
 қамуғ танлиғларнинг жонин сенга олдурғайман».

Ул тупроқда суви тебиз, урунг, қора, сучук, ачиғ, сариғ,
 яшил, қизил, кўк, қатиғ, юмшоқ ва ариғ, ариғсиз, тотлиғ-
 сиз — қамуғ бор эрди. Ул сабабдин Одам ўғлонлари бир-
 биринга менгзамазлар, кими ариғ, кими ариғсиз, кими иглик,
 кими игсиз, кими урунг, кими қора, кими сариғ, кими
 қизил, кими эзғу, кими эссиз, кими сучук сўзлук, кими ачиғ
 сўзлук, кими қатиғ кўнгуллуқ, кими юмшоқ кўнгуллуқ.
 Азроил ул тупроқни маккили, тоифли орасинда Дахно отлиғ
 ерда қўзди. Қирқ йил ул тупроқ уза ёғмур ёғди, ўтуз тў-
 қуз йил қазғу ёғмури ёғди, бир йил севунч ёғмури ёғди.
 Ул йўлдин Одамға севунчдин қазғу ортукроқ бўлди. Қирқ
 йилда кезин тупроқни қудрати бирла суврат қилди, боши
 Тоиф сингар, азоқи Макка сингар. САВОЛ: Макка Тоифдин
 фозилроқ турур. Одам боши Тоиф таба, азоқи Макка сингар
 бўлмоқинға ҳикмат не эрди?

ЖАВОБ: Изи азза ва жалла тилади, қачон Одам алайҳис-
 салом қўбса юзи Макка сингар бўлсун теб. Масъала: Ша-
 риъатда мунгар менгизлик бир масъала бор. Ул масъала
 бу турур: Бизнинг мазҳаблиғ қачон ётиб намоз қилур бўл-
 са азоқини қибла сингар узатиб ётғай. Анинг учунким агар

намоз ичинда сикхат бўлса ўлтуруб намоз қилғай, қўбса юзи қибла сингар бўлсун.

САВОЛ: Одамни тупроқдин яратмоқға ҳикмат не эрди?
ЖАВОБ: Қачон мавло азза ва жалла Одамни яратурман теб хитоб қилди эрса барча нарсалар бош кўтуруб Одамни биздин яратғил теб тамаъ қилдилар. Тоғ айди: «Ман қутлуғмен», тенгиз айди: «Ман ҳайбатликман», олтун айди: «Ман азизман», кўк айди: «Ман адизман». Қамуғ нарсалар бош кўтуруб ўзларини ўга қувондилар. Ул ҳолда ер тавозуъ қилиб айди: «Ман қамуғдин заъифман, азоқ олтиндаман, манда қувонғу нарса йўқ», теб тавозуълиқ қилди эрса хитоб келди: «Ман Одамни тупроқдин яратурман», теб. Одамни тупроқдин яратди. *Хабарга андоқ келур*, бир кун Иблис етмиш минг фаришта бирла кўкдин Одам тупроқинга келди, илки бирла Одамнунг қорнини қоқди, ичини кавак кўрди. Фаришталарга айди: «Муни йўлдин чиқармоқ ўнгай бўлғай», теди. Яна айди: «Агар мавло азза ва жалла сизларга эрклик қилса не қилғайсиз?» Қамуғи айдилар: «Бўюн сунғаймиз». Иблис айди: «*Валлоҳи лаин саллатаҳу лаасайтуҳу ва ин саллатани алайҳи лааҳлактуҳу*».

Маъниси ул бўлур: мавло' азза ва жалла ани манга мусаллат қилса бўюн сунмагайман, мани анинг уза мусаллат қилса ўлтургаймен. Ул замон-ўқ кофир бўлди. Темишлар: *Ва каана мин ал-кафирин*. Яна қирқ йилда кезин Одамнинг жониға ёрлиғ бўлдиким, Одамнинг танинга киргил теб. Жон Одамнунг боши уза тўруқти, киргали унамади. «Ман улвийман, сифлийга нетак кирайин», теди. Жаброил алайҳис-салом келди, айди: «Эй азиз жон, изи азза ва жалла оти бирла киргил». Жон изи отин эшитти эрса кирди. Яна бир ривоятда келмиш, жон Одамнунг бошинга кириб икки юз йил тезгинди. Анда кезин кўзинга кирди эрса кўзлари тирилди, ўз юзини кўрди қора тупроқдин яратилмиш. Мавло қудратин кўрмаклик учун уза кўзин яратди. Бурниға келди эрса бир ахсурди. Жаброилга хитоб келди: «Одамнунг бурниндин чиққан фаҳорини амонат сақлағил», теб. Андин форимас эркан оғзинга келди. Илҳом етилди, айди: *Ал-ҳамду ли-ллаҳи раббуал-аламина*. Изи азза ва жалла ёрлиқади: *Йарҳамука раббука ва лизалика халактука*.

Маъниси ул бўлур: Изи санга раҳмат қилсун, ман сени мунинг учун яратдим. Анда кезин жон кўкузинга келди. Ошуқти кўпғали ўгради, қўпа билмади. Ул йўлдин мавло таъоло: *Ва хулика ал-инсану ажулан*. Анда кезин қорнинга келди эрса, қорни таъом тилади. Жон ичинда ёйилди. Сўнгук, эт, тери, томур, сингирлар билгурди. Тебрану бошлади. Одамнунг териси бағоят кўрклук эрди. Кун-кун ёруқлуқи орта бошлади.

Қачон зиллат билгурди эрса ул териси суюлди ва тери билгурди. Ул терининг белгуси эрнаклар учунда қолди. Бу

тирноқлар ул турур. САВОЛ: Жон кируда бир соатда кирди, чиқарда эмгак бирла чиқар, ҳикмат на турур? ЖАВОБ: Кируда изи азза ва жалладин «ярҳамка рабби» хитобин эшитти эрса ўнгай кирди. Чиқарда яна раҳмат севинчин эшитмагунча чиқмасман теюр. Кўрмасмусен кимнинг бахти бор эрса *ва абишури биал-жаннатил лати қунтум туъадуна*, башоратин эшитиб ўнгай чиқар, ким бадбахт эрса жони қаттиғлиғ бирла чиқар. *Наузу биллоҳи мин золика*.

Одами Сафий алайҳис-салом етти кун анда ўлтурди. Анда кезин мавло азза ва жалла қизил олтундин яратилмиш бир тахт изди, гавҳар бирла мурассаъ қилмиш. Андағлуқ хилъатлар анга киздурди. Олтун тож бошинга урди. Ул тахт уза ўлтурди. Ул етти юз минг фаришталар изи азза ва жалла ёрлиғи бирла келиб Одамнунг теграсинда туруб табуғинда тўруқтилар. Ул тахт «Масжид ул-Ҳаром» тенгинча эрди. Тахт уза бир курси эрди, Каъба тенгинча эрди. Ўн йиғочлиқ ер «Ҳарам» атанди. Мавло азза ва жалла Одамни қамуғ кўрклуқлар бирла безади. Тишлариндин нур балқинур эрди, кўз нури менгизлик. Муҳаммад ал-Мустафонинг нури Одамнунг олдинда қўмиюр эрди тўлун ой менгизлик. Одам ул нурнинг ёруқлуқин кўруб, бу нурни ман бир кўрсам теб кўсади эрса изи азза ва жалла ёрлиқи бирла ул нур Одамнинг олниндин ўнг янгоқинга инди. Яна эғнига инди, андин Одам қўлинга. Илкини ул нурга кўтуру берди. Нур андин иниб шаҳодат эрнакининг учинда тўруқди. Одам эрнакин юқору кўтуруб, анинг кўркин кўруб тонглаб: «Ло илоҳа иллолоҳу Муҳаммадун расулulloҳи», теди. Аввал эрнакни кўтуруб шаҳодат калимасин аймоқ Одам ўғлонларига суннат қолди. Анда кезин ёрлиғ бўлди. Фаришталар Одамни кўкка огдурдилар. Жаброил бир от келтурди Маймун отлиғ. Йипордин яратилмиш эрди. Одам мунди. Жаброил тизгин тутуб, Мекоил соғиндин, Исрофил сўлиндин бўлуб кўкларни кездурдилар. Фаришталар йўлуқмишда Одам: «Ассалому алайка ё малоикаталлоҳи», теб салом қилур эрдилар. Фаришталар: «Алайкумус-салому ва раҳматуллоҳи ва баракотуху», теб алик олур эрдилар. Изи азза ва жалла хитоб қилди: «Бу сенинг таҳиятинг турур, тақи санинг мўъмин ўғлонларинг таҳияти турур қиёматга теги». Қачон Одамни ужмоҳга кивурдилар эрса неъматларин, ҳурларин, қусурларин кўрди, аммо ўзинга менгзаюр ким эрса йўқ учун кўнгли тўлонмадин кайтекте бўлуб ужмоҳ ичинда юриюр эрди. Мавло таоло Одамга уйқу кўмишти. Узоғлик уйқули орасинда Одамнунг биқини аягусидин сўл ёниндин Ҳаввони яратди. САВОЛ: Ҳаввони Одамдин узоғли уйқули орасидан яратмоқға на ҳикмат эрди? ЖАВОБ: Одам узоғ бўлса аягуси оғриғай эрди. Ул сабабдин Ҳаввони душман тутғай эрди. Агар узиюр бўлса, ўзиндин яратилганин билмаса, ани севмағай эрди. Ҳар ойна ул севукрак бўлғай. Мавло азза ва жалла Ҳаво-

ни эгри сўнгукдин яратди. Анинг учун «тишилар кўнулмас эгри сўнгук турур» теб халқ орасинда юмоқ бўлди. Одам Ҳаввони ўзиндин яратилгани кўрди эрса севуклуки Одам кўнглунга тушди. Ҳавво ғоят кўрклик эрди.

Хабарда андоғ келур, изи азза ва жалла кўркни юз улуш қилди. Тўқсон тўқузни Ҳаввога берди. Бир улушни қамуғ оламлиғларга берди. Ул бир улушни яна ўн улуш қилди. Тўқузни Юсуфга, бир улушни оламлиғларга берди. Одам Ҳаввони ўзитек суратлиғ кўрди эрса рағбати бўлиб: «Манга ёвукроқ келгил», теб ундади. Ҳавво айди: «Мани тилар эрсанг сан келгил» теди. Одам қўбти Ҳаввога келди. Агар бир соат сабр қилса эрди Ҳавво келур эрди. Ул йўлдин эр хотинларга бормоқ суннат қолди. Аммо қачон ужмоҳга кирсалар хотунлар эрларинга келурлар. Қачон Одам Ҳаввога ўгради эрса Жаброил алайҳиссалом айди: «Эй Одам, Ҳавво санинг турур, никоҳ қилмагунча раво бўлмас». Мавло жалла жалолуҳу ўз ариғ зоти бирла Одам ва Ҳавво никоҳинга хутба қилди. Ул хутба бу турур:

Ал-ҳамду санай аллоҳу исмий ар-раҳману мифтаҳу хазайний ар-раҳим мифтаҳу тажавузий анил усати вал-музнибин ал-азамату изарий вал-кибриёу ридай ал-иззу вал-жуду баҳай вал-жамалу вал-жалалу санай вал-халқу куллуҳум абидий ва иматий вал-анбиёу вар-расулу анбиёий ва асфияий ва Муҳаммадун ҳабибий ва набийий ва умматуҳу ҳайрул-умами ва аҳиббай инни қад завважту ал-ашйаа лиястадиллу биҳа ала ваҳданиятий ашҳиду малаикатий ва ҳамалату арший ва суккану самаватий инни қад завважту Ҳавваа амати Аадама бадиа фитратий ва сунъа қудрати би садақи тасбиҳий ва таҳлилий ва била салла бани (Аадама) ё Аадаму удухул жаннатий ва кул мин самарати ва ла тақраба ҳазихиш-шажарата. Ассаламу алайкума ва раҳматий вал-ҳамду лиллаҳи раббил аламин.

Хабарда андоғ келур, Одамга сўрдилар: «Налук Одам атандинг?» Жавоб айдилар: «Лианни хуликут мин адимиаларзи анинг учунким, ман ер сирриндим яратилди», теди. Араб тилинча анга адим таюрлар. САВОЛ қилдилар Ҳаввога: «Не учун Ҳавво атадилар?» ЖАВОБ айди: Лианнаҳи хулиқат мин ал-ҳайн. Араб тилинча тирикка «ҳай» атаюрлар.

Баъзилар аймишлар Одам туфроқдин яратилди. Туфроқ турмушинча кўрклик бўлур. Яна Ҳавво этдин яратилди. Эт турмушинча сасир. Анинг учун хотун қариса кўрксиз бўлур. Қачон Одам ва Ҳавво никоҳлиғ бўлдилар эрса хитоб келди. Йа Аадама усқун анта ва завжукаал-жанната ва кула минха рагадан хайсу ши'тума вала тақраба хазихи аш-шажарата фа тақуна мин аз-золимина.

Маъниси ул бўлур: эй Одам, жуфтунг бирла ужмоҳга

киргил, неъматларин енг. Бу бир йиғочга ёвуманг — золим бўлғайсиз.

Дурустрак қавлда ул йиғоч бугдой йиғочи турур, аммо Ҳавво ер юзиндаму яратилди ё ужмоҳдаму, уламолар орасинда ихтилоф бор. Ул ҳолда Азозил ужмоҳда эрклик эрди. Қамуғ фаришталарга илм ўғратур эрди. Бир кун «Лавхул-маҳрузда» кўрди, фаришталар бириси малъун бўлғай теб. Фаришталар ани билиб қамуғ қўрқдилар. Азозилга келиб айдилар: «Сен устодимизсен, биз ғоят қўрқарбиз, дуо қилғил, азза ва жалла бизни лаънатдин кузарсин». Азозил дуо қилди, фаришталар «омин» тедилар. Изи азза ва жалла анинг дуоси бирла қамуғ фаришталарни лаънатдин кузарди, ўзи лаънатга кирди. Ёрлиғ келди: Одамни бир нурдин тахт уза уруб фаришталар эгинларига кўтуруб ужмоҳни кезаюр тедилар. Сабаб ул эрдиким, Одам яратилмазда ашну Одам ўғлонлари фасод қилғайлар, қон тўккайлар, теб ғийбат қилдилар. Биз тасбиҳ ва тақдис қилурмиз, теб ўзларин ариғладилар. Мавло улардин ул сўзни тиламади. Ҳукм қилди, Одамни сиз ғийбат қилдингиз, савобларингиз ҳабта бўлди. Ул савоблар Одам ўғлонларига берилди. Ул ғийбатнинг жазоси ул турур. Бу кун қамуғ фаришталар боринг, Одам тахтини бўйунгизга кўтуруб табуғ тариқин киздурунг, теб ёрлиғ бўлди. Анда кезин мавло азза ва жалла «Асмо илми»ни Одамга ўғрату берди. Қамуғ нарсаларни фаришталарга кўргузди. «Агар кўни сўзлук эрсангиз бу нарсаларинг оти не турур, манга айту беринг». *Ва аллама Аадама ал-асма'а куллаҳа сумма аразахум ала ал-мала'икати фа қола анби'уни би'асма'и ҳа'ула' и ин кун-тум содиқина.*

Фаришталар ожиз бўлуб айдилар: «Сан ўғрату бергандин ўзга билмазмиз», тедилар. Қолу субҳанака ла илма лана илла ма аламтана.

Яна Одамга ёрлиғ бўлди: «Эй Одам, буларга айту бергил бу нарсалар отини». *Йа Аадаму анби'ҳум би' асмаиҳум.*

Одам отларин айту берди, бу йиғоч, бу тош, бу сув. Қамуғ нарсанинг отини бу идиш бу аёқга тегру қамуғ тиллар бирла баён қилди. *Хитоб келди: «Эй фаришталар, сизларга аймадимму ман билганни сизлар билмазсиз», теб. Алам ақул лакум инни аъламу ма ла таъламуна. «Эмди сизга маълум бўлдиким, Одам олим турур, сиз обидсиз. Манинг ҳазратимда минг обиддин бир олим фозилроқ турур. Қайда обид эрса олимга хизмат қилмоқ керак. Ул маҳдум бўлсун, сизлар ходим бўлунг. Ул масжид бўлсун, сизлар сожид бўлунг, Одамга сажда қилинг. Усжуду ли Аадама. Жумла фаришталар сажда қилдилар. Фа сажада ал-мала'икату куллуҳум ажмаъуна. САВОЛ: Фасаждал — малоика-ту» теди, «куллуҳум» теюр, яна «ажмаъин» теюр. Буларда на фойда бор? ЖАВОБ: Фойда ул турурким, «малоика» теб «куллуҳум» темаси эрди, бир анчаси фаришталар сажда*

қилди, бир анчаси қилмадилар» темак бўлур эрди. «Фа сажда ал-малоикату куллуҳум» яъни фаришталар қамуги сажда қилдилар. Фойдаси ул турур, «ажмаъин» темаси фаришталар ўнгли-сўнгли сажда қилмиш эҳтимоли бўлғай эрди. Фаришталар қамуги бир йўли — ўқ сажда қилдилар, ёлғуз Азозил сажда қилмади. *Илла иблиса аба ва истакбара ва ка ана мин ал-кафирин*. Бўюн сунмади, улугсинди, кофирлар жумласиндин бўлди. "Ай сора минал-кофирин". Қачон фаришталар сажда қилдилар эрса Иблисни кўрдилар сажда қилмасдин туруб турур. Шукр теб севинмишда яна бир сажда келтурдилар. Бу кун намозда яна бир сажда икки бўлдаки анинг учун турур.

Хабарга андоғ келур, ужмоҳ ичинда ярим кун қолди. Ул жаҳоннинг бир куни бирла бу жаҳоннинг йили бирла беш юз йил бўлур. Тупроқдин яратилмишдин беру минг икки юз қирқ йил эрди ужмоҳға боргинча. Азозил қачон сажда қилмади эрса хитоб келди: «На учун сажда қилмадинг?», теб. *Ма манаъака*. Иблис айди: «Ман андин ортуқ-роқман», теб. *Халақтани мин нарин ва ҳалақтаъу мин тин*. «Мани ўтдин яратдинг, ани қаро тупроқдин яратдинг». Қачон Азозил бу ҳужжатни қилди эрса Азозил отини кўтардилар, Иблис от бердилар. *Маънис* «навмид» темак бўлур. Иблиси лаъин ўтни тупроқдин ортуқ теб. Билмадиким, тупроқ ўтдин ортуқ турур. Ул далил узаким ўт ўғри турур, қаю нарсани ўтга берса йўқ қилур, яна бермаз.

Аммо тупроқға бир овуч солсанг ўнни юз қилиб санга берур. **ФОЙДА:** Иблис алайиҳил-лаъна ўтга қуванди. Қавлуҳу таоло «халақтани мин норин» теб. Ложарам ёниши ўтға бўлди. Одам мавлоға қуванди, ложарам ёниши мавлоға ёвуқ бўлди. *Ман ифтахара бишайин уқиб*а биҳи. Ким надин қуванур эрса анинг бирла қуванур теб. Иблис айди: «Илоҳий, юз минг йил тоат қилдим, анинг янугин манга бергил». *Хитоб келди:* «Не тилаюрсен?» Иблис узун ёш тилади қиёмат кунга теги. *Рабби фанзирни ила йавми йубъасуна*.

Муфассирлар айтурлар, ул бадбахт мавло ҳазратинга талбис қилди, қиёмат келгу кунга теги умр тилади. Мақсуд ул эрди, ўлуклар тирилгу кунга теги умр бўлсам манга азин ўлум бўлмагай теб. Мавло таоло анинг сиррини билиб жавоб айди: «*Фаиннака мин ал-мунзарина ила ваймиал-вақтиал-маълуми*». «Биз санга умр бердук маълум кунига теги, сен тиламиш кунга теги бермадим». Тақи бир мўътабар тафсирда келтурмиш «ило ёвми юбъасуна» тедуги муроди ул эрди: бу кун тенгри фаришталари қавий турур. Уларнинг бирла чиқишғу қудратим йўқ дурур. Ўлуклар тирилгу кунга теги умрум бўлса, анчада Жаброил, Исрофил, Азроил тақи азин фаришталар қамуг ўлмиш бўлсалар тенгри ёлғиз қолмишда анинг бирла тўқушғайман теб нияти ул эрди. **САВОЛ:** Иблис малъун бўлмишда кезин ужмоҳға киргуга на йўл бор эрди? **ЖАВОБ:** Мавло ёрлиқади: санга

Одам ўғлонлари уза нусрат бердим. Кўрмасмусен Расул-алайхис-салом ёрлиқар: *Иннаш-шайтона тажри фи бани Адама кама тажри ад-гаму*. Қон одамийнинг танинда нетак юруса, шайтон андоғ юриюр. САВОЛ: Одам ва Ҳаввони буғдой йиғочидин йиғмоқда не ҳикмат эрди? ЖАВОБ: Мавло азза ва жалла Одам яратмазда ашну ер юзинда халифа яратурман *инни жаџилун фиал-арзи халифатан*. Буғдойдин еди тесалар чиқмоқға сабаб бўлғуси учун.

— Тақи жавоб: Изи азза ва жалла тақдир қилмиш эрди. Дунёда одамийнинг еми буғдой бўлғусини хитоб қилди. Қамуғ неъматлардин егил, буғдой емагил. Улуғлар таркинда узатмагини емак айб бўлур. САВОЛ: Одамни ужмоҳға кюрмакка ҳикмат не эрди? ЖАВОБ: Ужмоҳға кюрди, ул кун Одам ўғлонлари Одамнинг ўнғурқасинда эрди. САВОЛ: Агар мўъминлар ўз ўрунларини кўргали ужмоҳға кирдилар эрса кофирларма Одамнунг ўнғурқасинда эрдилар. Уларнинг кирмаки не ҳикмат эрди? ЖАВОБ: Мўъминлар ўрунларин кўрсунлар, дунёга келмишда янайингу яроғинга тоат ортурсунлар. Кофирлар тамуғға бормишда ужмоҳдақи кўрган неъматлар учун ҳасратлари ортсун теб.

Ҳикмати дигар: Ужмоҳға кюрмакда ҳикмат ул эрди: тенгри азза ва жалла азалда ҳукм қилмиш эрдиким, мўъминларнинг танини, молини сотғин олиб ужмоҳ бергусини кўрулмаган нарсани байъ қилмоқ шариъатда раво бўлмаз теб ужмоҳға кивурдилар. Яна даллолни келтурдилар. Ужмоҳни кўргузди байъ ва иттифоқ дуруст бўлсун теб. *Инналлоҳа иштара мин ал-муминина анфусахум ва амвалахум бианна лаҳум ал-жанната*.

Кама қола аш-шайру:

*Нафсут туқа ал-муштара
Вал муштари раббул вара
Ва жинануху асмануху
Вал мустафа дилалуху
Лакин саккаҳу Таврату,
Инжилу, Забуру, Фуркануху.*

Сотған мавло азза ва жалла, олған мавло азза ва жалла, мубиъ мўъмин. Анинг тани тақи моли баҳоси, даллоли Муҳаммад ал-Мустафо. Уламолар ихтилоф қилмишлар Одам зуррияти ўнғурқасиндин чиқаргани қайда эрди? Баъзилар аймишлар, Ужмоҳқа кирмакта ашну эрди. Баъзилар аймишлар ужмоҳда эрди, баъзилар аймишлар ужмоҳдин чиқмишда эрди. Изи азза ва жалла Одамнинг ўғлонларин одамий суратинча ўнғурқасиндин чиқарди қаринча менғизлик ушоқ. Қамуғи оқилма эрмаз, мўъминма эрмаз, кофирма эрмаз. Мавлодин хитоб келди: Ман сизнинг тенгирингиз эрмасмумен? *Алисту бираббикум*. Қамуғлари жавоб айдилар: Эрурсен. Қолу бала. Қачон Одам ани кўрди эрса айди:

«Илоҳий, булар кимлар турур?» *Хитоб қилди:* Булар сенинг ўғлонларинг, уруғларинг турур, қиёматга теги. Одам уларни андоғ телим кўрди эрса айди: «Илоҳий, булар ер юзинда нетак сиғайлар?» *Хитоб келди:* Эй Одам, буларни тўрт улуш қилғум турур. Бир улуши оталар ўнгурқасида, бир улуши оналар қорнинда, бир улуши ер юзинда, бир улуши ер қўйунда. Одам уларга боқти кимни қарағу кўрди, кимни ахсоқ кўрди, кимни оғриқ кўрди, кимни ўлтурум кўрди. Айди: «Илоҳий, буларни не учун биртак яратмадинг?» Ёрлиг келди: «Эй Одам, ушмоқ яратдим, анга киргувчиларима яратдим, тамуғ яратдим, анга киргувчиларима яратдим, манга шукр қилсунлар теб. Қарағу яратмаса эрдим, кўзлуклар шукр қилмағай эрди». Бир анчани ушмоқнинг ўнг қўлинда турғузди, бир анчани тамуғнинг сўл қўлинда турғузди. *Хитоб қилди:* *Ҳа'ула'и филал-жаннати ва ла убали ва ха'ула'и фиан-нари ва ла убали.*

Ва яна бир ривоятда келмиш: қамуғин дунёга изди, дунёни кўруб келинг теди. Келдилар, дунёни кўрдилар, анда қолдилар, азроқи ёниб келдилар. *Хитоб келди:* «Ўзгаларингиз қани», теб. Айдилар: «Дунёни кўрдилар, кўнгуллари дунёни тилади, анда қолдилар». Ёрлиг келди: «Ўжмоҳга боринг ужмоҳ нима кўрунг». Бордилар, ужмоҳни кўрдилар, уларнингма укушраки ужмоҳда қолдилар. Ёрлиг келди: «Азинларингиз қани?» Айдилар: «Илоҳий, уларма ужмоҳни тиладилар, анда қолдилар».

Аймишлар, дунёда қолганлар кофирлар эрдилар, ужмоҳда қолганлар муъминларнинг омлари эрдилар. Ужмоҳни унамадин ҳазратга келганлари хос қуллар эрди. Ёрлиг келди: «Дунёга кўнгил бермадингиз, ужмоҳни унамадингиз, эмди не тилаюрсиз?» Айдилар: «Илоҳий, бизга дунё керакмаз, уқбо керакмаз. Бизга сен кераксен». Ёрлиг келди: «Ким мени тилади эрса манинг ҳазинам ичинда қаю бало улугроқ эрса ул балони анга берурман». Айдилар: «Ул бало бермишда саң бизнинг бирла бўлғаймусен?» Айди: «Бўлурмен». Айдилар: «Илоҳий, бало тегмишда сен бизнинг бирла бўлсанг, ул онча балони бизга ҳавола қилсанг, қабул қилғаймиз», тедилар. Қавлуху алайҳис-салом инна ашаддаал-бала'и алаал-анбийа'и сумма алаал-авлийа'и сумма алаал-амсал...

Хабарда андоғ келур, қачон Шайх Шиблий дунёдин борди эрса туш кўруб савол қилдилар «холинг нетак» теб. Жавоб айди: «Қачон мани дафн қилдилар эрса Мункар-Накир алайҳимас-салом келдилар, «тенгринг ким» теб сўрдилар. Жавоб айди «менинг тенгрим ул турур: отамиз Одамни ужмоҳ ичра нурдин тахт уза оғдуруб, кўк фаришталарин отамизнинг ўнгинда сажда қилдурди. Жаброил, Мекоил, Исрофил, Азроил бирга эрди. Сизма сажда қилдингиз ман қамуғ қариндошим бирла сизларга наззора қилиб турур эрдим». Улар бири биринга боқиб айдилар: «Бу қамуғнунг

сўзун сўзлаюр, ёлғиз ўз сўзин сўзламаз, кеталинг, тедилар. *Лав ра'айтахума кайфа йахрабани минни*. Агар бир замон таваққуф қилсалар эрди анларни тутуб, «сизнинг тенгрингиз ким турур», теб сўрар эрдим. Неча жавоб айсалар ҳужжат бирла уларни тиндурмас эрдим. Яна мақсудға келдимиз. Қачон Иблис малъун бўлди эрса ужмоҳдин сурулди, ужмоҳға киру билмас бўлди. Одам ва Ҳаввонинг адовати кўнглунда барқиди. Васваса бирла ужмоҳдин чиқармоқға ўғради. Ул ўғурда йилон кўрклуб суратлиғ теваға менгзаюр эрди. Қизил, яшил, турлуб безаклик қанитлари бор эрди. Ҳавво разияллоҳу анҳо йилоннинг кўрклуб суратиға булуб анинг бирла сўзлашур эрди. Иблис ани библиб йилондин тилади: «Мани ужмоҳға кивургил, Ҳавво бирлар сўзлашайин», теб. Йилон қўрқди, унамади. Иблис айди: «Оғзингни очғил, ман кирайин» теди. Йилон оғзини очди. Иблис йилонни тили олтинда яшунди, ужмоҳға кивурди. Йилон Одам ва Ҳаввонинг тахтинда ўтру келиб тўруқди, оғзининг тили олтинда Иблис сўзлади. Одам йилон сўзин тингламади эрса Ҳаввоға увурди. «Тиши кўнгли юмшоқ бўлур», теб Ҳаввоға сўзлади: «Ҳеч билурмисен, бу буғдой йиғочиндин сизни тенгри не учун йиғди?» Ҳавво айди: «Билмазман». Иблис айди: «Анинг учун йиғди ким ул йиғочдин еса ужмоҳда мангу қолур, ўлум кўрмаз тақи ужмоҳ мулкиндин арзилмас теб. *Хал агуллукаж ала шажаратиал-хулди ва мулкин ла йабла*. Ҳаввонинг ул сўзга кўнгли майли бўлди, қўбди. Ун манким йиғочинға тегди. Бир бутоқ сиди, Одам келтурди, айди: «Бу бутоғ тотлиғ эрмиш, ман едим бош қилмади, санма егил», теди. Одам ул соатда аҳдни унутди. *Фа насийа ва лам нажид лаху азман*. Ул увунни оғзинға солди, чайнади, бўғзинға тикилмишда ул аҳдни ангди. Ичкару киргали измади, ташқарума чиқару билмади. Кирмасун теб илки бирла бўғузин тутти. Ул увун бўғзинда юмғоқ қолди. Ул сабабдин эранлар бўғузинда ул юмғоқ бор, тишиларда йўқ. Қачон бу зиллат билгурди эрса тож бошлариндин сужулди.

Ҳикмат. Яхё ибн Маоз-ал-Рози айтур: Ҳажға ўғрадим. Ёлғузун бодия ичинда тун қоронгқусинда инжиқға ўғрадим, овоз эшитдим. Овозни изардим эрса тикан аросинда бир абушқа кўрдум явлоқ йиғлаюр. «На бўлдунг, на йиғларсен?», теб сўрдум. Айтур: «Нетак йиғламайин, фаришталарга муъаллим эрдим, ужмоҳға эрклик эрдим. Ерда, кўқда тоатлар телिम қилдим. Охири лаънатга шойиста бўлдум», теди. Билдимким Иблис эрмиш. Айдим: «Бир сажда налук кетурмадинг?» Айди: «Манга сажда қил теди, қилмадим. Одамға буғдой ема теди, еди. Уқубат бўлса иккимизга керак, кечурса икимиздин кечурса керак эрди. Одамдин кечурди, узрин қабул қилди. *Фа насийа ва лам нажид лаху азман*. Мандин кечурмади фасиҳат қилди. *Вастакбара ва каана мин ал-кафирин*. САВОЛ қилдим: «Одамдин кечурди,

сендин кечурмади, ҳикмат не эрди?» ЖАВОБ айди: «Азалда Одам ҳаққинда иноят бор эрди, ани узурди. Манинг ҳақимда инояти йўқ эрди, мани изирди». Нетакким аймишлар: *Инайатуал-азали кифайатуал-абади*. Ҳикмат: Қачон Ҳавво буғдой йиғочин еди эрса, ул йиғоч йиғлади. Қон менгизлик нарса оқди эрса ул иллат Ҳаввода зоҳир бўлди. Қиёматга теки ҳайз тишиларда мерос қолди. САВОЛ: Ҳайзнинг муддати ўн кун бўлди, ҳикмат на эрмиш? ЖАВОБ: Буғдой олғали бориб келгинча ўн манким мангди. Анинг учун ўн кун бўлди. САВОЛ: Укуши ўн кун, ози уч кун бўлди, ҳикмат не эрмиш? ЖАВОБ: Ул буғдой уч нарса бирла ҳосил бўлди. Азоқ бирла борди, илик бирла тутди, оғиз бирла еди. Анинг учун ози уч кун бўлди. САВОЛ: Истиҳоза на эрмиш? ЖАВОБ: Одам Ҳаввонинг тавбалари қабул бўлмишда ашнуқи йиғлаганлари ҳайз бўлди. Тавбадин сўнг йиғлади, йиғлагани истиҳоза бўлди-ариглиқ берди. САВОЛ: Нафос на эрмиш? ЖАВОБ: Ҳавво буғдой йиғочин олиб келгунча қирқ дам урди. Текма бир дам саю бир кун ифлос бўлди.

Яна келдимиз мақсудга. Қачон Одам ва Ҳавво зиллат билгурди эрса тождин, ҳулладин ялинг қолдилар. Иликлари бирла авратларин ўртуб йиғочдин йиғочга ябургоқ тилаю югуру бошладилар. Қаю йиғочга борса ябургоқ бермади. *Ва тафиқо йахсифани алайҳа мин варақил-жаннати*.

Одам югуриб боруда йигданинг йиғочи сунуб Одамнинг сочин тутди, «Қанда борурсен?» теди. «Қўзмазмен», теди. «Қўзсам мавлоға осий бўлурмен», теди. Ул сабабдин Одам ўғлонлари йиғочлари тикканда йигда йиғочини сувдин айроқ тикдилар, сувсуз қолсун теб. ҲИКМАТ. Қамуғ йиғочларда ўт бор. *Фи кулли шажаратин нарун. Ваис тажмараҳу... вал ғаффар*. Йиғоч сув ичмаса ўт ани қуритур. Изи азда ва жалла йигданинг ўтини кетарди, қуримасун теб. Анинг учун козирлар тўн тикмакка тўқмоқ андин қилурлар, тўн куймасун теб. Ҳукм келди: «Ё Одам мандинму қочарсен?» Айди: «Илоҳий уфтанмишда сандин санга қочармен». Жаброил Одамнунг илкин тутуб ҳазратга келтурди. Ёрлиғ бўлди: «Эй Одам, сени тупроқдин яратмадимму, маърифат бирла оғирламадимму, кўрклук суврат бирла безамадимму, фаришталарга кўтуртмадимму, ужомоҳга кивурмадимму, неъматларин кекрдаймадимму, Ҳаввони сенга жуфт қилмадимму, буғдой йиғочин еманг темадимму, шайтонни сизга душман теб аймадимму? *Иннааш-шайтона лакума адаввун мубинун*. Налук буғдой единг?» Айди: «Илоҳий, ул ҳукми ким қилди, ул қазони ким юритди?» Ёрлиғ келди: «Ман юритдим, ман қазо қилдим. Аммо манинг қазом, ҳукмум, тақдирим ғайб турур, буйруқум, фармоним очуқ турур. Зоҳирни қўюб гойибга налук қотилдинг?» Айди: «Илоҳий, андоғ ҳукм қилдинг, қазо юритдинг, мандин андағуқ кечиргил, мени ёрлиқағил». Ёрлиғ келди: «Сани ёрлиқа-

дим, сандин кезин келикли ўғлонларингма мундоғ иқро
қилсалар уларнима ёрлиқағайман», теди. Эмди ужмоҳдин
чиқғил, теди.

Хабарга андоғ келур, анжир йиғочи Одам ва Ҳаввоға
беш ябурғоқ берди, андомларин ўртуб чиқтилар. Тонг от-
мишдан кезин ул беш ябурғоқдан бирин кийик еди йипор
бўлди, бирин сиғир еди анбар бўлди, бирин ару еди асал
бўлди, бирин қурт еди ипак бўлди, бирин Одам ерга тикди
юнг бўлди. Қиёматга теги ўғлонларина кафан бўлди.

НУКТА. Анжир йиғочи Одамга ябурғоқ бермиши учун
тенгри азза ва жалла базирлади. Қамуғ емиш уч турлук
турур, кимининг тиши йинур олма, амурд менгизлик, кими-
нинг ичи йинур тиши йинмаз янгоқ, бодом менгизлик,
кимининг тошима йинмаз, ичима енмаз қағун, харбуз мен-
гизлик. Аммо анжирнинг тоши ҳам йинур, ичи ҳам йинур.
Ёрлиғ келди Одамга, Ҳаввоға, Иблисга, товусга, йилонга
ужмоҳдин чиқинг теб. *Кулнаиҳ бити минза жамиъан. Раб-
бана золамна анфусана ва ин лам тағфир лана ва тарҳамна
ланакунанна мин ал-хосирина.* Одам ва Ҳавво зорилик
бирла ялвору йиғлаю чиқдилар.

Одам Ҳиндустонда Анжалус отлиғ ерда Сарандиб тоғин-
га тушди. Ҳавво Жадда тоғинга тушди. Иблис Басрага
тушти, анинг учун исфаҳоний бахил бўлур. Товус Мишонга
тушди, қамуғларининг қоллари айнади. Одам, Ҳавво ёлинг
қолдилар, Иблис малъун бўлди, йилоннинг кўрклук суврати
айнади, бу янглиғ бағрин юриюр бўлди, ачиғ туброқ егучи
бўлди. Одам тушган ерида укуш йиғлади. Юз йиғочлик ерда
кўзи ёшидин йиғочлар унди, йулар, булоқлар билгурди.
Одамнинг ёши томған ерда ўт-ем, ачиғ-сучук дорулар бўл-
ди. Ҳаввонинг кўзи ёши томған ерда уд, қаранфул, сунбул,
ҳино, ўсма унди. Қиёматга теги Одам ўғлонларинга мерос
қолди. Анчада Иблис ер юзиндаги қуш-қуртларни йиғиб
айди: «Ер юзинга ким эрса келди сизларга менгзамаз. Сиз-
ларни уруғингуз бирла ўлтургуси турур, таркин йиғилиб ани
ўлтурунг. Ўлтурмасангиз тинмагайсиз», теди. Қамуғ йиғилиб
келдилар. Илк бурун сича келиб Одамнунг бошинга қўнуб
сочин юла бошлади. Анинг учун Одам ўғлонлари сичани
тутуб юнгини юлуб сўклурлар. Одам қуш-қуртларни кўруб
қўрқди, Ёрлиғ бўлди: «Эй Одам, буларда бирин узургил
илкингни бошинга сиқағил». Одам итни узурди. Ит Одам-
га исинди, юзин қуш-қуртларга тобунди, қамуғни қовди.
Ул кундин беру ит Одам ўғлонлари бирла қолди. Азин
озиглилар бирла ёғи бўлди. Яна ёрлиғ бўлди: «Эй Одам,
санга ёрлиқанмоқ керак эрса Маккага борғил. Менинг учун
бир эв қўборғил». Айди: «Илоҳий, ул ерни ман билмазман,
қайда турур?» Мавло азза ва жалла бир қушни қуловуз
иза берди. Оти араб тилинча Ахёл эрди, турк тилича кўк
қарға. Ул учар эрди, Одам сўнгунча борур эрди. Хабарда
келур, Расул алайҳис салом айди: Олти қушни ўлтурманг,

бири кўк қарға, Одам қуловуз учун. Иккинч қўринжа Сулаймонға ўгут бермиш учун, Учунч қарлуғоч «Суратул-ҳашр» охирини ўқур учун, баъзилар аймишлар «байт ал-Муқаддас» харб бўлмишда бўлмишига йиғламиш учун. Анинг учун қорни урунг бўлди. Тўртунч худхуд Сулаймонға элчи бўлмиш учун, Бешинч сув бақаси Намурд ўтинға су келтурмуш учун. Олтинч Асал арисси. Андин одамийға шифо бўлур учун. Одам Макка еринга келиб бир эв қўборди, адизлиги Сурух отлиғ, маъруфоқи «Байт ал-маъмур» отлиғ. Ул эвнинг теграсинга тавовф қилди. Мавло Одамдин қабул қилди, зиллатин кечурди. Қачон Нуҳ тўфони бўлди эрса мавло таоло ёрлиқи бирла Жаброил ул эвни кўтурди, тўртунч қат кўкка ошурди. Яна Одам Ҳиндустонға ёниб борди, неъматлар укуш учун. Ҳаввонинг илкин тутуб икагу бордилар. Мавло таоло секиз қўй изди, еттиси соғлиқ, бири қўчқор. Ҳавво ул қўйлар юнгин игирди. Одам тўқиди. Икагу тўн қилиб киздилар. Ер юзида қўйдин қутлуғроқ азин танлиғ йўқ темишлар.

Расул алайҳис-салом айтур: *Аш-шату баракатун вааш-шатани баракатани ва саласу шийахин канзун*, яъни бир қўй баракат, икки қўй икки баракат, уч қўй-ганж. Одамнинг қорни явлоқ очди. Жаброил мавло ёрлиқи бирла икки уй келтурди ужмоҳдин, бири қизил, бири қора. Жаброил ужмоҳдин уч увун буғдой келтурди, уч ҳисса қилди. Иккиси санга, бири Ҳаввоға-теди. Текма бир увун юз минг сир эрди. Ул уйлар ужмоҳдин чиқмишинға йиглаштилар, кўзлари ёшиндин қўноқ бўлди. Илғарудин сидилар нахуҳ унди, кейниндин солған ёсмук унди. Жаброил уч увун буғдойни ушоқ синдурди эрса телिम Одам Ҳавво тариқдилар. Одам тариған буғдой унди, Ҳавво тариған арпа унди. Ул соатда — ўқ унди. Одам айди: «Енму?» Жаброил айди: «Йўқ, тиксун», Тикди. «Енму?» Айди: «Ўргил». Ўрди.

Айди: «Енму?» Айди: «Янчгил». Янчди. Айди: «Енму?» Айди: «Совургил». Совурди. Айди: «Енму?» Айди: «Угутгил». Угутди. Айди: «Енму?» Айди: «Йўғургил», Йўғурди. Айди: «Енму?» Айди: «Пишургил». Айди: «Енму?» Ёрлиғ келди: Эй Одам, куннунг икки улуши борди, бир улуши қолди. Сабр қилгил, кун ботсун. Бу кун рўза тутгил. Ул кун Ошур куни эрди. Ман санинг бирла уч иш қилайин, сендин хушнуд бўлайин, ёзуқингни ёрлиқайин, ужмоҳға кивурайин. Қачон Одам ул кўмочин егалу ўгради эрса Жаброил келди. Ул кўмочни уч улуш қилдилар. Икки улушни Одамға берди, бир улушни Ҳаввоға берди. Анинг учун эрга икки улуш, хотунға бир улуш тегди. Одам ўз улушин тугал еди, Ҳавво ярмини еди, ярмини қўйди. Жаброил келди, айди: «Эй Одам, сен емиштак Ҳавво тугал еса эрди, қиёматға теги ўғлонларинг қаҳатлиқ кўрмагай эрдилар». Одам ул кўмочни еюриди қорни оғриди. Жаброил Одам илкин тутди, ёзиға элтиди. Одам ёзилади. Йизиг ел билгурди. Айди:

«Эй Жаброил, бу на ул?» Жаброил айди: «Ул санинг зил-латинг шумлуқи турур». Анда кезин Жаброил илкини Одам бошинга урди. Одамнинг боши етмиш қари камалди, андин бурун боши кўкка тегар эрди. Ҳавво Жадда тоғинда қорни очса тенгиз қироғинда келиб балиқ тутуб қотиғ уза қўюб сўклуб ер эрди. Одам икки юз йил йиғлади. Икки юз йилда кезин Арафот еринда икагу қовуштилар. Одамдин юклук бўлди, юки юнгул ҳамалат ҳамлан ҳафифан. Қачон оғир бўлди эрса Фа ламма асқалат даъава-ллоҳа Иблис Ҳаввога келди, айди: «Қорнингда на бор?» Айди: «Билмазман». Иблис айди: «Қорнингдақи уй, йилқи бўлғайму?» Ҳавво бу сўзга қазғулуг бўлди. Иблис айди: «Ман ариғ, муслиҳ киши-ман, мавло ҳазратинда азза ва жалла иззатим ва ҳурматим бор, дуо қилайин қорнингдақи ўғлон сентек ариғ одамий туғса манинг отимни атағаймусен?» Ҳавво айди: «Санинг отинг на турур?» Айди: «Манинг отим Ҳорис турур». Ул ўғлон туғди эрса отин Ҳорис атади. Ҳавво ул соат-ўқ ўлди.

Ривоят қилур, Шайбый разияллоҳу анҳу, Иблис сингар кўзлук турур, сингар азоқинда наълини бор. Қачон пайғамбар алайҳис-салом вафоти бўлди эрса Али каррамаллоҳу ваҷҳаҳу тахти уза қўюб ювғали ўгради эрса ҳаводин овоз келди йа Али ла тағсилу Муҳаммадан фаиннаҳу тоҳирун мутахаррун. Яъни Муҳаммадни ювманг, Муҳаммад ариғ турур. Али айтур: «Манинг хотирим азин бўлди, мундоғ керак эркан теб. Сўрдум: Сен кимсенким, Муҳаммадни ювмоқни манъ қилурсен, ювмоқ суннани Муҳаммад қўюб турур». Яна хотафдин овоз келди: «Ё Али, ул сўзлаган Иблис турур. Муҳаммадга ҳасад қилур, сен ювғил». Али анга эзгу дуъо қилди. *Жазака-ллоҳу ҳайран касиран*, яъни изи азза ва жалла санга эзгу жазо берсун, манга Иблисдин хабар қилдинг. Сўрди: «Сен кимсен?» Айди: «Мен Хизр-мен, Муҳаммаднинг жанозасинга намоз қилғали келдим», теди. Хабарда келур: Ҳавво етмиш қорин ўғлон тугурди, иккишар-иккишар бир ўғул, бир қиз. Аммо Қобил уруғи етти минг эр-хотун бўлдилар, Ҳобил уруғи қирқ етти минг бўлдилар. Одам йил саю қурбон қилур эрди. Қаю қурбон қабул бўлса кўкдин ўт келиб ул қурбонни куйдурур эрди, қабул бўлмаса ўт келмас эрди. Одам этмак еюр эрди, эт орзулади. Ёрлиғ келди: «борғил, қуш овлағил». Овлади бир қирқовул тутди, бир бургут тутди. Уларни бўғузлади, ўтга сўкулди. Қирговул пишти, бургут пишмади. Одамнинг ўфка-си келди. Бургутни ўтга кўмди, тамом куйди. Одам қазғулуг бўлди қирговул манга таб келмас теди. Қирговул Ҳавво отинга эрди, бургут Одам отинга эрди. Қирговулни Ҳаввога берди, қазғулуг бўлди. Жаброил келди, айди: «Эй Одам, қазғурмағил, бу қуш ўрнига азин қуш бергай. Бу қуш сенга тақи ўғлонларигга қиёматга теги ҳаром бўлди». Одам андағуқ қурбон қилур эрди, ўт келиб куйдурур эрди. Қамуг пайғамбарлар шариятинда ўтга куюрмак қурбонлари

эрди. Бизинг пайғамбар Мухаммад ал-Мустафоға тегди, бу шариятда қурбонни куюрмак ҳаром бўлди, емак ҳалол бўлди.

САВОЛ: Қурбонни куюрмак бу шариятда надин ҳаром бўлди? ЖАВОБ: Узоғи умматларнинг қурбони қабул бўлса куяр эрди, қабул бўлмаса куймас эрди. Халқ аросинда фасихат бўлур эрди.

Эй Мухаммад, санинг шариятингда қурбонни куюрмак ҳаром қилдим, умматларинг фасихат бўлмасун теб. Фойда. Бу кун бу дунёда Мухаммад умматини фасихат қилмоқни раво кўрмадум, ёрин қиёмат кун арасот еринда халқ аввалин охирын аросинда мўминни фасихат қилмаса не ажаб бўлғай!

Фойдали дигар. Бу кун бу дунёда мўминнинг қурбони куюрмакни ҳаром қилди. Ё раб, уқбода мўминнинг танини тамуғ ўтиға ҳаром қилса ҳеч ажиб ва ғариб бўлмағай. Аймишлар, Одам қўш суруб буғдой териюрда уйни бир урди. Уй юзин Одамга ўвурди, айди: «Эй Одам, мани налуқ урарсен? Ким ёзуқ қилса ани урғу», теди. Одам билдиким, уй қайдин сўзлаюр. Айди: «Эй ажабо, тонг бирла фаришталарингга сажда қилур эрдилар. Кечалинг бу уй манинг бирла сўз талашур», теди. Одам телим йиғлади.

ҚИССАИ ҚОБИЛ ВА ҲОБИЛ

Ватлу алайҳим набаа ибнай Аадама из қарраба қурбанан фа туқуббила мин аҳадиҳима, яъни изи ёрлиқар: «эй Мухаммад уларнинг уза Одамнинг икки ўғлонларининг сўзини ул ўғурдаким қурбон қилдилар. Бирининг қурбони қабул бўлди, бирининг қабул бўлмади. Энди мен сени ўлтурарман» теди. Ул айди: «ким сақинуқ, қўрқар эрса анинг қурбонини қабул қилур» теди. Ул қисса бу турур. Одамнунг сўнг туғған ўғлонларинда бир ўғлиға Абдулмуғис атади, қизга Аамат ул-Муғиса атади. Бу икагу анчада туғдиларким Одамнунг уруғи қирқ минг банд бўлмиш эрди *ваал-банду фиал-луғати... ашарату алфа ражулин.* Қачон Қобил туғди эрса анинг бирла бир қиз туғди, ғоят кўрклуқ, Иқлимо отлиғ. Икки йилда кезин Ҳобил туғди. Анинг бирла туғған қиз ғоят кўрксуз эрди, Абудо отлиғ. Одам ўз шариятинча Қобил бирла туғған қизни Ҳобилға берур бўлди. Ҳобил бирла туғған қизни Қобилға берур бўлди эрса Қобил унамади. «Манинг била туғған қизни олурман», теди. Одам айди: «Шарият андоғ эрмаз». Қобил айди: «Бу манга қариндош бўлур эрса ул ҳам қариндош бўлур», теб талошди эрса Одам айди: «Андоғ эрса икагу қурбон қилинг, қаюнгузнинг қурбони қабул бўлса Иқлимони ул олсун», теди. Ҳобил қўй кузарур эрди, улуғ семиз қўй келтуруб азоқларини

боғлади, қурбон қилур ерда қўзди. Кўкдин ўт инди, Ҳобилнинг қурбонини куюрди, Қобилнинг теграсинга ёвумади. Иблис келиб Қобилга айди: «Ҳобилнинг қурбони анинг учун қабул қилиндики, мавло азза ва жалла ҳазратинда анинг иззати ва қурби бор. Отанг Одам ема ани севар тақи Одамнунг тилаги ул турур, бу ер халифалиғи Ҳобилга берса», теб. Қобилнинг ўфкаси келди, айди: «Мен Ҳобилни ўлтурайин. Қиз ема, халифалиқ ема манга қолсун», теб. Қобил Ҳобилни ўлтурмакка ўгради. Нетак ўлтургуни билмас эрди. Бир кун ёбонда Иблисни кўрди. Одам сурати уза бир қуш тутуб борур. Бир тош қўзди. Қушни тош табасинга қўзди, тақи яна бир тош бирла янчди. Қобил ани кўруб ўлтурмак ўгранди. Қобил Ҳобилга: «Ман сени ўлтурарман», теди. Ҳобил айди: «Ман санга қатилмазман изи азза ва жалладин кўрқармен».

Лаин басатта илайёа йадака литақтулани ма ана бибаситин йадиёа илайка лиақтулака инни ахофу-ллоҳа раббаалаламина. Ҳобил қум табасинда ётиб узиюр эрди, бир тош бирла уруб ўлтурди. Қиёматга теги киши ўлтурмак, қон тўкмак Қобил таълимидин қолди. Хабарда андоғ келур, пайғамбарларимиз Муҳаммад ал-Мустафо алайҳис-салом ман санна суннатан ҳасанатан фа лаҳу ажруҳа ва ажру ман амила биха ила йавмиал-қийамати ва ман санна суннатан саййиатан фалаҳу визруҳа ва визру ман амила биха ила йавмиал-қийамати Қобил Ҳобилни ўлтурмишда йигирми яшар эрди, қуш қуртлар Ҳобилни ўгради. Қобил Ҳобилни бир қопга суқуб орқасинга кўтуруб юрур эрдилар. Анчада тенгри фармони бирла икки қарға келди, бир бири бирла урушдилар, бир бирини ўлтурди. Тирик қолган қарға тумшуқи бирла ерни қазди, ул ўлук қаргани кўмди. Қобил ани кўрди, айтур: «Манинг қарға чоқлиғ ақлим йўқ эрмиш», теб ўкунди. Тенгри азза ва жалла уч ҳолдан Муҳаммад Мустафо алайҳис-саломга хабар берди. Фа баъаса-ллоҳу ғуробан йабҳасу фиал-арзи лийурийаҳу кайфа йувари савъата ахиҳи кола йа вайлата а'ажазту ан акуна мисла ҳазал ғуроби фа уварийа савъата ахи фа асбаҳа мин ан-надимина.

Уламолар аймишлар: Қобилнинг ўкунчи Ҳобилни ўлтурмуш учун эрмаз эрди. Ўлтурмишинга ўкунса тавба қилғай эрди, кофир бўлмағай эрди. Ўкунчи ул эрди, ўлукни ерга кўмгусин билмас эрди. Орқасинга кўтурган учун ўкунди. Қачон Одам ҳажга борур бўлди эрса Ҳобилни кўкка тобшурди, ман келгинча сақлагил теб, қабул қилмади. Ерга арза қилди, қабул қилмади, тоғлар қабул қилмади. Қобил қабул қилди, амонатга хиёнат қилди, ўлтурди. Қийла золика инна аразнаал-аманата аллас-самавати ваал-арзи ваал-жибали... Қобил Ҳобилни ўлтурди эрса тун, кун ер тебранди. Ҳобилнинг қони ерга сув сингартек сингди. Яна ҳаждин ёниб келди эрса ўғлонлари қамуғ қаршу келдилар. Ҳобилни кўрмади, сўрди Ҳобил қайда, теб. Қобил айди: «Ҳобилнинг

қўйлари манинг ошлиқимга кирмиш эрди андин ўтру уфтаниб келмас». Одам айди: «Сан мундоғ теюрсан, аммо Ҳобилнинг қони ерда инграну турур». Қобил айди: «ана қаталтуху». Одам айди: «Тангри лаънати ул ерғаким, Ҳобилнинг қони тукулди». Бу кун ташқару чиқармаса Ҳобил қони ер юзинга қайнаю чикди. Ул кундин бору қон ерга сингмаз бўлди. Ул ерда оқ тикан бирла юлгун унди, табиз бўлди. Ёбон қуш, қуртлар қочиб тоғларга кирдилар, қариндош қариндош уза шафқат қолмади, теб. Одам бирла Ҳавво телим йиғладилар. Одам таъзият тутуб бу шеърни айди. Ер юзинда аввал шеър айган Одам эрди, ул шеър бу турур:

Тағайрат ул биладу ва ман алайха
Ва вахжул арзи муғаййирун Масиҳу
Фаажабаху иблис лаънатуллоҳи алайҳа
Тағайра куллу зи-лавнин ва таъмин
Ва қад башаштил вахжил малиҳу
Би қатли Қобилин Ҳобилин ахаху
Фа ё асафа алал-вахҳис-сабиҳи
Ва бадалатил-арзу аслан ва-ҳамтан
Ва фил-фирдавси анҳарун сабиҳун
Фа ҳал ана мин ҳаётӣ мустариҳун
Ва ё асафа ала Ҳобилин иннани
Қатилан қад тазаманнаҳу аз-зариҳу
Танҳа алал-билади ва сакиниҳа
Фа фил-фирдавси зақа бика ал-фасиҳу
Ва қалбука мин азад-дунё муриҳун
Ва ажабаку Ҳаввоу разияллоҳу анҳа
Туннажи фа-иннака шайтанун лаинун
Яфизу ал-вахҳу малъунун қабиҳун
Таваллу даҳри кунта лана адувван
Лаинан ла ямуту фа тасмариҳу.

Ривоятда андоғ келур: Қобил Ҳобилни ўлтурди эрса, Иблис келиб Қобилга сўзлади: Мавло таоло не учун санинг қурбонингни қабул қилмади? Анинг учунким, сан ўтга тобунмазсен. Бутга тобунмазсен, хамр ичмазсен, ун ўткурмазсен. Қобил бу қамуғни ишлаб эрди. Анда кезин Қобил хамр ичди, бутга тобунди, ўтга тобунди, унлар ўткуру бошлади. Одам билди эрса Қобилни ул ишлардин йиғмоқ учун қирқ минг эр изди. Келиб Қобилни кўрдилар, ул унлар эшиттилар қамуғи муртад бўлди. Қобил бирла андағуқ қолдилар. Бу кун қамуғ маъсиятлар қиёматга теги Қобилдин қолди. Қачон қиёмат кунӣ бўлса изи тамуғлуқларни тамуғга кивурса, ўз ҳолларин кўруб мавло азда ва жаллаға ёлвориб айғайлар: (Хабаран анхум) Раббана арина аллазайни азаллана мин алжинни ваал-инси нажъалҳума тахта ақдими́на лийакуна мин ал-асфалин. Мурод ул икағудин Иблис тақи Қобил турар. Ул ҳолда хитоб келгай: Эй Иблис, тамуғлуқ сани

истаюрлар. Иблис айғай: Манма уларни тилаюрман. Мавло азза ва жалла тамуғ ичинда бир минбар урдурғай. Иблис ул минбарға оғғай, тақи айғай *инни кафарту бима ашрак-тумуни мин қабул...* тамуғлуқлар азин жавоб айту билма-гайлар, қамуғ навмид бўлғайлар. Аймишлар: қачон Қобил Қобилни ўлтурди эрса Иқлимонинг илкин тутуб Яман вило-ятинга борди — ўтға табуну бошладилар. Одам ўғлонларин-дин ким анда кечар бўлса бир тош отар эрди. Бир ўғли бўлди кўзсуз. Анинг ема бир ўғли бўлди Қобил қатиға келдилар. Ул ўғлон кўзсуз отасинга айди: «Санинг қарин-дошинг бу ўлтурди», теб. Кўзсуз бир тош олиб Қобилни уруб ўлтурди. Ўғлон айди: «Отангни налук ўлтурдунг?», теди эрса ани ема бир янгоқлади. Ул ўғлон ема ўлди. Ани кўруб йиғлаю бошлади.

Қобилнинг уруғи укушраги бу тамаъ қатида ҳалок бўлди-лар. Қамуғ фасод қилғанлар, ҳамр ичганлар, ун ўткурған-лар, ўтға табунғанлар. Тақи хабарда андоғ келур: Одам мавлодин тиладиким, ер менинг эркимда бўлса. Ерлиғ бўлди ерга, Одам нетак теса андоғ қилғил, теб. Одам айди: *Йа арзу хузиҳи.*

Эй ер, тутғил. Қобилни ашуқинга теги тутди. Қобил қўрқди, айди: «Эй ота, раҳм қилғил». Айди: «Сен қариндошингга раҳм қилмадинг, ман сенга нетак раҳм қилайин», теди. Яна айди: *Йа арзу хузуху.* Ер Қобилни тизинга теги тутди. Ёлворди, айди: «Эй ота, сен ужмоҳда ёздинг эрса ёлвор-динг, изи сендин кечурди. Тилагил мендинма кечурсун». Одам айди: «Ман увун бугдой едим, сен қон қилдинг, нетак кечурур?» Яна айди: *Йа арзу хузиҳи.* Ер Қобилни белинга теги ютди. Айди: «Эй, ота, сен айтур эрдинг мавлонинг юз минг улуғ раҳмати бор, тўқсон тўқузни қамуғ оламдақи мўъминларга бергуси, бир улуш қамуғ танлиғларға бергуси. Тилагил манга ул бир улушдин берсун». Одам айди: «Сен қариндашингга раҳм қилмадинг, ул раҳматдин санга улуш йўқ, теди. Яна айди: *Йа арзу хузиҳи.* Ер Қобилни бўғзин-ға теги ютди. Қобил Одамдин умид кесди. Қобил айди: «Илоҳий, отамдин эшитдим сенинг Раҳмон, Раҳим икки отинг бор. Ул раҳмонлиқинг бирла мени бу азобдин қут-қарғил. Қутқармаз эрсанг Раҳмон отингни ўзунгдин кетар-гил», теди. Овоз эшитилди: «Эй Қобил, ман телимларни азобдин қутқарғайман. Раҳмон отимни кетармағайман». Ерга хитоб келди, Қобилни қўзғил. Мавло ёрлиғи бирла қўзди. Бир фаришта келди, тенгри фармони бирла Қобилнинг азо-қин тутуб етти йўли машрикдин мағрибға теги ўвурди, чал-ди, ҳалок бўлди.

ҚИССАИ ШИС АЛАЙҲИС-САЛОМ

Қобилда кезин юз ўтуз йил кечди, Шис туғурди. Шис сарбоний тилинча «ҳибатуллоҳ» темак бўлур, яъни тенгри атоси. «Ҳобилни олдим эрса анинг ўрнинга Шисни бердим», теди. Мустафонинг нури Одам элиндин Ҳавво раҳминга борди. Шис туғди эрса ул нур Шис элинга келди. Одам Шисни ғоят севар эрди. *Хитоб келди*: «Эй Шис, бу нур ҳабибим Муҳаммад Мустафонинг нури турур. Васият қилгил ўғлонларингга жуфтларини никоҳ қилсунлар. Севмак бирла қовишмасунлар». Изи азда ва жалла Одамга минг ҳирфа ўргатмиш эрди. Шисга бўзчилик ўграту берди, қамуғ ҳирфаларда унгай теб. «Эв ичинда кўлкада ўлтуруб ишлагил», теди. Унгин қариндошлари айдилар: «Шис эвда ўлтуруб иш ишлар, биз ёбонда қиш, ёй эмганурмиз. Виз ема бўзчилик ўграналинг», тедилар. Одам ани эшитиб дуо қилди. Айди: «Илоҳий, бўзчиликни булар кўнглинга душман қилу бергил», теб. Мавло азда ва жалла қамуғнунг кўнглинга душман қилди. Яна аймишлар: бўзчилик баракоти бўлмас. Анинг учун бўзчилар Замзам қузуғинга бавл қилдилар. Яна аймишлар: амаллари юлғун учун баракотсиз турур.

Андоғ ҳикоят қилурлар. Бирагу Расул алайҳис-саломга келди. Айди: «Ё Расулуллаҳ, манинг молим телим бўлди, явлоқ эмганурман, жаҳд қилурман кам бўлсун теб. Ким эрсага берурга кўнглум бўлмас нетак қилайин?» Расул алайҳис-салом айди: «Борғил юлғун йиғочидин таёқ тутғил». Андоғ қилди, моли туғанди. Яна аймишлар: Марям она разияллоҳу анҳо жуҳудлардин қочмишда бўзчилардин йўл сўрди. Ёвуз йўлга йўлчиладилар. Тиконлик ерга тушти, анларга қарғади. Яна аймишлар: теринг сувга йўл бошладилар. Кечарда танини кўралинг теди. Марям дуо қилди: «Илоҳий, синоъатлариндин баракотни кетургил». Яна аймишлар: Солиҳ ялавоч инганини бўзчилар ўлтурдилар. *Ва каана фи ал-магинати тисъату рахтин*. Яна аймишлар: Бўзчилик эзгу синоъат турур. Қамуғ ўлукка ва тирикка ярар. Хабарда келмиш: Расул алайҳис-салом ёрлиқади: *Ниъма ал-амалу ал-газлу линиса'и уммати ва ниъма ал-амалу ал-хийатату лирижали уммати лав ла ал-кизбу фиҳим*. Яна аймишлар: бўзчида олти хислат бор: икки ул турур қамуғи сунъий бўлурлур, иккинчи жувонмард, учинчи ғариб дўст бўлурлар, тўртунчи кўнгуллари кичик бўлурлар, бешинчи ўлук-тирик анларга муҳтож бўлурлар, олтинчи қамуғ йўллуғ бўлур. Яна аймишлар: Балх мулкинда бир ариғ зоҳид олим бор эди. Шайх Шақиқ раҳматуллоҳи алайҳ ул бўзчини эшитти эрса, кўргали борди. Шайхқа ўтру чиқди. Олим айди: «Эй шайх келмагинг бизга севинч бўлди». Шайх сўрди: «Нетак?» теб. Бўзчи олим айди: «Санинг келмагинг изи қазоси эрди. Изи қазоси севук бўлур». Қачон Шайх

Шақиқ бұзчи эвинга кирди эрса қозуқ кўрди. «Бу на?» теб сўрди. Бұзчи айди: «Ватад ул истиқомат теюрлар». *Инна аллазина қолу раббуна-ллаҳу сумма истақаму.* Яна сўрди: «Бу на из турур?» Айди: «Бу «ҳаблуллоҳи» турур. *Ва иътасиму би ҳабли-ллаҳи жамиъан.* Яна сўрди: «Бу бўз на бўз турур, ерга ёзиб турурсен?» Айди: «Бу тирик-лигим турур». Яна сўрди: «Бу на қамиш турур?» Айди: «Бу яқин турур, анинг бирла ўзумни дунёдин узотурман». Яна сўрди: «Бу на қуш турур?» Айди: «Бу манинг тоатим турур ва ҳайротим турур». Яна сўрди: «Бу на тирғоқ турур?» Айди: «Бу ихлос турур, амалимни беркитурман». Яна сўрди: «Бу бешик тўшунда инган ошган на турур?» Айди: «Бу тун-кун турур». Яна сўрди: «Бу азоқингдаги ясси на йиғоч турур?» «Бу хавфу ражо турур. Бир анча хавфга туланурман, бир анча ражога инонурман». Яна сўрди: «Неча йил бўлди бу ишни қилурсан?» Айди: «Ўтуз йил бўлди». Шайх Шақиқ раҳматуллоҳи алайҳ айди: «Қатланғил, бу ишни қўзмағил, сени ужмоҳга йўлчилаюр», теди.

ҲИКОЯТ

Умар Хаттоб разияллоҳу анҳу бир масжидга кирди. Кўрар, бир қаба сақоллиғ боғдош қилиб ўлтурур. Умар разияллоҳу анҳу айди: «Қайдин келдинг?» теб. Айди: Ирак элиндин яъни Ироқдин келдим». Сўрди: «На синоъат билурсан?» Айди: «Ҳобикман». Араб тилинча бұзчи бўлур. Яна сўрди: «На ишларга келдинг?» Айди: Ўграну келдим, яъни илм ўрганғали келдим». Умар разияллоҳу анҳу қўлдошларинга юз эворди, айди: «Расул алайҳис-саломдин эшитмадинму, қачон бұзчи ўлтурса қочинг теб». Қамуғлари қаба сақолдин қочдилар.

ҲИКОЯТ

Имом Шайх Жуйбори раҳматуллоҳи алайҳ бир кун шогирдлари бирла ўлтурур эрди. Бир ким эрса қапуғ қоқди ҳайбатлик эрди. Бу ким эрса тўрт ким эрсадин холи эрмас: ё қаба сақол, ё бұзчи, ё муаллим, ё бир яроғсиз хабарга келган турур. Ҳақиқат кўрдилар андағуқ эрмиш.

Хабарга андоғ келур: Одам Сафийнинг умри минг йил ваъдалик эрди. Мисоқ кунинда бир бўлак қавмини кўрди, бошларинда нур кумиюр эрди. Айди: «Ё раб, булар ким?» У айди: «Булар санинг ўғлонларинг аросиндақи ялавочлар турурлар». Уларнинг аросинда бирини кўрди, қамуғидин нури ортуқ эрди. Айди: «Илоҳий, бу ким?» Ул айди: «Довуд

ялавоч алайҳис-салом турур». Айди: «Илоҳий, мунунг ёши неча турур?» Ёрлиғ келди: «Олтмиш йил», теб. Дуо қилди: «Изиё, мунунг умрини ортурғил». Ёрлиғ келди: «Тақдирда андоғ қалам онча битилди». Одам айди: «Илоҳий, менинг умрум минг йил турур. Қирқ йилни Довудға бердим». Ёрлиғ бўлди, бу сўзга хат тиладилар тануқ бирла. Қачон Азроил жон олғали келди эрса Одам айди: «Ошуқмағил, тақи қирқ йил умрумдин боқий турур». Азроил айтди: «Ул қирқ йилни Довудға бағишладинг». Одам ани унутмиш эрди, тонди. Мавло таоло ул битикни фаришталар тануқлуқи бирла изу ёрликади. Довуднинг юз йил умри тамом бўлди. Одам дунёдин рихлат қилди. Етти йилда кезин Ҳаввонинг вафоти бўлди. Букарчак битиклар қиёматга теги мерос қолди. Жаброил Одамға ужмоҳдин кафан келтурди. Шисға айди: «Отангни ювғил», теди. Шис ювди.

Кафанга йўрғади, Жаброилга айди: «Намоз қилғил». Жаброил айди: «Сан намоз қилғил, халифа сансан». Уч такбир бирла савоб ортуқ бўлсун теб, тўрт такбир бирла намоз қилди. Анда кезин бу суннат қиёматга теги кафан сармоқ, намоз қилмоқ, гўрга кўммак суннат қолди. Одамда кезин қирқ беш йилда кезин Шисға ялавочлиқ тегди. Икки юз етмиш йил халқни даъват қилди. Анда кезин вафоти бўлди, андин сўнг халойиқ барча бутға тобунғучи бўлдилар.

Хабарга андоғ келур: Шис ўлмишда кезин ким эрса шарифат сўзин айғучи бўлмади. Жумла шарифатни кўздилар. Қамуғ жоҳил бўлдилар. Изига нетак ибодат қилғуни билмадилар. Бир кун бир масжидда Одам суратини булдилар, анга тобину бошладилар. Тегма бир ким эрса тўштўшга бут қилдилар. Ким йиғочдин, ким тошдин, ким олтундин, ким кумушдин. Уч юз йил мундоғ кун кечурдилар. Анда кезин мавло азза ва жалла анларға Идрис ялавоч алайҳис-саломни изурди. Ул қисса бу турур.

ҚИССАИ ИДРИС АЛАЙҲИС-САЛОМ БУ ТУРУР

Идрис пайғамбар алайҳис-салом ул умри укуш, дийдори кўшиш, Азроилға қотишган, ризвон бирла янашган, дунёдин қуштек учган, тамуғга кириб чиқган, Сиротдин яшинтек кечган, ужмоқ қабуғин очган, ўзи азиз, *иннаҳу кона сиддиқан набиййан ва рафаъноҳу маконан алийан*, ўрни адиз, ариғ зотлиғ Ахнуҳ отлиғ Идрис ялавоч.

Айтайин Идрис ялавоч сўзларин,
Оқил эран ақлу хуш бирла аниким тинглаюр.
Илм ортуқ олим эрди ибодатда соний,
Фазли бирла улув олим илми кез англаюр,

Илму фазлу зухду жудию дарсу амал,
Тоатинга барча олам бил муни-ю кез тонглаюр.
Ўзи билган илмини ҳеч ким эрса билмади,
Куп ибодат қилганин теб халойиқ тинглаюр.

Ўлди, тирилди, тамуғга кирди, чиқди ул яна,
Уштумоққа кирди, қолди бир кун анда, монглаюр.

Оти Ахнуҳ эрди, укуш дарс қилмиш учун атанди. Ўзи ҳаёт эрди, энг илк кўнглак кизган ул эрди, текма игна санчмишда тасбиҳ айтур эрди. Анинг аҳдинда қамуғнунг тоати неча эрса анинг тоати онча эрди. Қамуғ фаришталар анинг тоатини тонглар эрдилар. Фаришталардан бири Идрисни кўрарга кусар эрди. Амморий олимлари аймишлар малакул-мавт эрди. Баъзилар аймишлар: Азин фаришта эрди. Изи азза ва жалладин дастур тилади Идрисни кўрарга. Идрисни келиб кўрди. Идрис рўза эрди. Оғиз очғу вақт бўлди эрса ужмоҳдин рўзи келди. Идрис айди: «Келгил, таом егалинг». Айди: «Емасмен». Фаришта эрдукин билмади. Тўрт кун Идрис бирла турди, нарса емади. Идрис айди: «Ёзиға чиқалинг, кўнглунг очилсун», теб, Ичкару чиқдилар, бир экин тикдилар. Фаришта айди: «Бу экиндин егалинг». «Субҳонллоҳи ҳалолға кел тедим келмадинг. Ҳаромға мани налук ўқирсан». Андин кечтилар. Бир бўрлоқ кўрдилар. Фаришта айди: «Ўзум олиб есамиз бўлғайму?» Идрис узоқи жавобни айди. Андин кечти бир сурук қўйга келдилар. Фаришта бояқи сўзни сўзлади. Идрис андағуқ жавоб айди. Идрис билди одам эрмас, айди: «Одаммусен, ё фариштаму?» Айди: «Фариштаман, сени кусар эрдим. Изи азза ва жалладин сани кўргали дастур қўлдум», теди. Идрис айди: «Бу кароматинг ҳурмати мани ўзунг бирла кўкка оғдурғил, андоқи ажойибларни кўрайин, тақи тоатим ортсун», теди. Фаришта айди: «Бу ишга эрким йўқ, изидин дастур қўлайин», теди. Дастур қўлди. Тўртунчи қат кўкка оғди. Азроилни анда кўрди, айди: «Эй малакул-мавт, жон бермак аччиғин эшитибман, манинг жонимни олғил, жон бермак аччиғин кўрайин анинг яроғинға тоат ортурайин», теди. Азроил айди: «Бу иш манинг илкимда эрмас. Изидин дастур тилайин», теди. Дастур бўлди. Идрис жонин қабз қилди. Кезин изи азза ва жаллаға тазарруъ бирла ялворди: «Маним муҳаббатим учун Идрисни тиргузгил». Мавло азза ва жалла Идрисни тиргизди. Яна Азроилға айди: «Мани тамуғга кивургил. Ул қаттиғ кўрқунч азобларни кўрайин», теди. Азроил айди: «Ул манинг илкимда эрмас». Мавлодин дастур қилди, тамуғга кирди. Тамуғнунг уқубатларин кўрди. Яна айди: «Мани ужмоҳға кивурсанг, неъматларин кўрсам». Азроил айди: «Ул иш манинг илкимда эрмас». Мавлодин дастур қилди, ужмоҳ эшигинга тегдилар. Азроил айди: «Киргил, ул шарт узаким тарк чиқғил». Идрис қабул қилди, неъматларин

кўрди эрса чиқарга унамади. Шарт муҳолиф бўлмоқини мувофиқ кўрмади. Ҳийла қилди. Азоқинда наълинни бир йиғоч тубинда қўзди. Анда кезин чиқди. Баъдаҳу оҳ урди, наълин унутмишман, теб. Фарёд қилиб қайра ёнди. Азроил бир соат, ики соат куйди, чиқмади. Азроил айди: «Налук чиқмасен?» Идрис айди: «Чиқдим, сўзумга тикдим, иккичи чиқмазман», теди. Бир йиғочни тутди, Азроил бирла сўз талашди. Яна бир фаришта келди, айди: «Эй Идрис киргу вақт бўлмайин турур». Идрис айди: «Манга вақт бўлуб турур, анинг учунким Куллу нафсин зоиқату ал-мавти. Ман ўлум топдим ва ин минкум илла варидуҳа манма кирдим». Яна ёрлиқлар. Тақи азин ерда ёрлиқар: *Ва ма ҳўм минҳа бимухражин*. Айди: «Кирдим, чиқмазмен». Ужмоҳ ҳавосиндин ун эшитилди: *Садақа абди халлу байни ва байнаҳу фи ал-жаннати*, яъни менинг қулим кўни сўзлади. Қотилманг, ужмоҳда қолсун. Менинг ёрлиқим бирла кирди. Бу кун Идрис ужмоҳда турур. Аморий олимлари аймишлар: тўртунч қат кўкда турур. Хабарда андоғ келур: Тўрт пайғамбар тирик турур. Иккиси кўкда — Исо ва Идрис. Иккиси ерда — Хизир ва Илёс алайҳимус-салом. Аммо бу тўртда учи ўлгай, Идрис ўлмағай. Анинг учунким бир ўлди ужмоҳда қолди. *Лиман ал-мулку ал-йавма ли-ллаҳи ал-ваҳиди ал-қаҳҳари* тегу кунга теги. Тақи аймишлар: ужмоҳ халқиға ўлум йўқ, мундағуқ тамуғ халқиға ўлум йўқ. Ончаси борким, тағайюр ва даҳшатлари бўлғай. Ул вақтда анинг учун ужмоҳ халқинга савоб йўқ. Тамуғ халқинга азоб йўқ. Ҳурларга тақи Идрис тағайюр ва даҳшат бўлмағай. Воллоҳу аъламу.

Қобилнинг кўзсуз ўғли бор эрди. Ул ўғулнунг бир ёш ўғли бор эрди. Ул ема кўзсуз эрди. Отаси илкин тутуб юрурда Қобил ўтру келди. Ўғлон отасинга сўзлади: «Бу киши манинг аммумни ўлтурган турур». Кўзсуз тош кўтурди, Қобилни урди. Қобил ўлди. Ўғлон яна айди: «Отангни налук ўлтурдунг?» теди эрса бир тош кўтурди. Тош бирла уруб ўғлонни ўлтурди. Ул ҳолда фаришталар айдилар: «Илоҳий, биз Одамни яратмаздан ашну аймадимузмуким, Одам ўғлонлари Жин ибн ал-Жон(н) менгизлик қон тўккайлар», теб. Фармон келди: «Одам ўғлонларин айб қилманг. Сиз ер юзинда бўлсангиз эрди уларда яратилган сизларда бўлса сизма андоғ қилғай эрдингиз». Айдилар: «Маозаллоҳ, биз андоғ қилмағаймиз», тедилар. Фармон келди: «Эй фаришталар, сизларда қаюнгиз олимроқ, зоҳидроқ эрса ани келтурунг». Уч фариштани ихтиёр қилдилар. Бир Уззо отлиғ, иккинчи Узоё отлиғ, учунчи Азосил отлиғ. Мавло жалла жалолуҳу шаҳватни анларда маркаб қилди эрса изи азза ва жалла шаҳватни андин кўтарди, аввалқи ҳолинга ёнди. Бу икагу ерда қолдилар. Фармон бўлди: Дунёга боринг, манга тоат қилинг, маъсиятдин йиғилинг, халқ орасинда кўни ҳукм қилинг.

Куч қилманг, зино қилманг, қон тўкманг, хамр ичманг, хиёнат қилманг. Кундуз бу ишлар бирла турунг, кеча

хиёнат қилманг. Кундуз бу ишлар бирла турунг, кеча бўлса кўкка ошинг. Тонг отгинча манга тоат қилинг теб айди. Иликларинда юзук бор эрди. Бир кун бир хотун эри бирла тортишу Уззоға келдилар. Уззо ул хотунни кўрди эрса кўркли. Ул хотунга майл қилди, айди: «Эй хотун, сен йўлсузсан, манинг бирла бўғил. Ман санинг кўнглунгча ҳукм қилайин», теди. Хотун ема бўлсун теди. Эри андоғ қилурин билди эрса Уззоёға бордилар. Уззоё андоғуқ теди. Хотун ема ваъда қилди. Қўшғу ерга келдилар эрса ваъда қилганлар яшурмадилар, бири биринга айту бердилар. Қачон хотунга ўғрадилар эрса хотун айди: «Уч ишда бирин қилмагинча сизга бўюнсунмазмен», теди. Ё хасмум ўлтурмагинча, ё хамр ичмагинча, ё бутга сажда қилмагунча, ё элингиздаги юзукни манга бермагунча. Улар кенгашдилар, юзук берсамиз, кўкка оша билмагаймиз, киши ўлтурмакдин улугъ ёзуқ йўқ, хамр ичмак саҳдрак теб хамр ичтилар. Исурдилар. Эрнима ўлтурдилар, зинома қилдилар, хотун юзук олди, кўкка ошди. Фармон бўлди фаришталарга, ўл хотунни урдилар, масх бўлди. Араб тилинча оти Зухра эрди, форсий тилинча оти Ноҳид эрди, ибрий тилинча оти Бидухт, турк тилинча оти Сақит. Фармон бўлди фаришталарга кўк қапуғин очтилар, айди: «Олим ва зоҳидракларингизга боқинг», теб. Қамугъ тавба қилдилар. Айдилар: «Илоҳий, сан биздин билганраксен», тедилар. Уззо ва Уззоё хамрдин айилди эрса иликларинда қон кўрдилар, зино қилмишлар, хамр ичмишлар. Юзук иликларидин учмиш. Ўқунуб йиғлаштилар, ҳазратда юзимиз суви қолмайди, теб. Мавло азза ва жалла бизни беш нарсалин йиғмиш эрди: қон тўкмакдин, ришват олмоқдин, зино қилмоқдин, куч тегурмакдин, хамр ичмакдин, бу қамугъни қилдимиз теб, Одам ўғлонларинга истиғфор қилу бошлади. Аллазина йаҳмилуна ал-арша ва ман ҳавлаҳу йўсаббихуна биҳамди раббихим ва йу'минуна биҳи ва йастағфируна лиллазина оману. Ашну истиғфор қилмас эрдилар. Айдилар: «Биз кўқда эркан, ер юзиндин бир қулнунг тоатин кўкка оғдурур эрдилар. Қамугъ ер халқи тоатлари бирла тонг келур эрди. Ул ким бўлғай?» теб сўрдилар. Ул Идрис пайғамбар алайҳис-саломни булдилар. Анга бордилар, айдилар: «Бизни шафоат қилғил, бизни изи азза ва жалла ёрликасун», тедилар. Идрис дуо қилди. Фармон келди: «Эй Идрис, уларга айғил дунёнинг азобинму ихтиёри қилурсиз ё уқбо азобинму?» Идрис бу сўзни айди эрса айдилар: «Эй Идрис, қамугъ азобин ихтиёр қилалинг, айту бергил». Идрис айди: «Уқбо жовидона турур, дунё азобин ихтиёр қилалинг». Жаброил уларни келиб Бобил қузуғинга элтиди. Қил бирла табон осди. Икиндуқ намозиндин сўнг шафақ ғойиб бўлғунча қийнаюрлар. Баъзилар аймишлар, тонг отгунча мужоҳада кўрар. Ул ерда аларни кўрдум. Кузугъ ичинда табон осилмишлар. Ер юзиндаги қамугъ ариғсиз, сасиғ йизлиғлар тутун бўлуб бурунларинга кирур.

Яна ривоятда Иброҳим ан-Нафафий икинчук намозини кечрак ўтаюр эрди. Сўрдилар эрса, уларга азоб енгулрак бўлмоқ учун, теги. Тақри аймишлар, бир йил ичинда уларнинг зино қилмиши вақт бўлса, жодулук ўгранур кўнгулук киши бир қоронғу тунла анда турар. Уларнинг тилларинча сўзлар кечар. Улар айтурлар: «Муни ўгранмак ёзуқ турур, ишлатмак куфр турур». Қабул қилмаса айтурлар: «Борғил ёзиға кўрмишингни айту бергил». Бориб ёзиға ўлтуруб йирланур. Бир урунг кўгарчкун оғизлариндин чиқар. Келиб уларга сўзлаю берур.

Айтурлар: «Урунг кўгарчкун санинг имонинг эрди, сендин азрилди, эмди ўгранурсен», теюрлар. Маълум бўлдиким, жодулук ўгранса, тақри анинг бирла амал қилса, мавло азза ва жаллага кофир бўлур эрмиш. Анда кезин фаришталик отин андин кетардилар, Хорут ва Морут от бердилар.

ҚИССАИ НУҲ НАБИЙ АЛАЙҲИС-САЛОМ

Ул: *«Инни лакум назирун мубинун»*, теб қавминга панд берган, *«Фа қулту истағфиру раббикўм иннаҳу каана ғаффаран»*, теб муножот қилган. Кофирлар илкинда ариғ сунгуклар сабабиндин *«Рабби ла тазар ала ал-арзи мин ал-кафирина дайёран»*, теб дуъо қилган, *«фа анжайнаҳу ва ман маъаҳу фи ал-фулки ташрифи бўлган, Йа Нуҳу ихбит бисаламин минна хилъатини олган, саламун ало Нуҳин фи алаламина ёрлиқни эшитган Нуҳ набий алайҳис-салом. Шеър:*

Кун туғардин кун ботарға Нуҳ ялавоч даъвати,
Эллик ўксук минг йил эрди ул рисолат муддати.
Кеча-кундуз ўзи ёлғуз қазғу, эмгак юкланиб,
Сўз эшитмаз кофир аро кунда ортди заҳмати.
Ҳаққа «рабби лотазар» теб ялбориб қилди дуо,
Бу ижобатда дуодин қирқ йил эрди муҳлати.
Дин учун кўп қил тортиб юриту ҳақ ёрлиқни,
Бизга сўкунч эмгак ичра қолмади ҳеч тоқати.
«Васнаъ ал-фулка» амри бирла йўнди уч кат

бир кеми,

Ани мунди етди эрса халққа тўфон ҳайбати.
Яғди яғмур, эсди еллар, остун-устун олти ой,
Кўрса мундоғ мундин ортуқ мавломизнинг қудрати,
Ўзи қолди уч ўгул ҳам уч келинлар етағу,
Барча ўлди юб туганди куфру зулмат бидъати.

Нуҳ ибн Малик Манусалх ибн Идрис. Онаси оти Шамхо бинти Анурш эрди. Нуҳдин Одамға теги ўн ота эрдилар, қамуғлари мусулмон эрдилар. Оти Яшқир эрди, навҳа бирла йиғламиш учун Нуҳ атанди. Аймишлар навҳасинга сабаб ул эрдиким, кунлардан бир кун Иблисга айди: «Ё Нуҳ, манинг

ҳақимда эш қилдинг. Агар эшларим, қўлдошларим, черигим йиғилу келса бу ерда билмаз эрдилар». Нух айди: «Ул қаю эрди?» Иблис айди: «Сен дуо қилдинг қавмунг ҳалок бўлди. Қамуғлари тамуғ ичинда манга қўлдош бўлдилар. Сабр қилсанг бирагу имон келтуруб санга ул фозилроқ эрди». Нух алайҳис-салом тун-кун навҳа қилди. Айди: «Эй кошки, сабр қилса эрдим бирагу муъмин бўлғай эрди, манга бу қатиглиқ тегмағай эрди». Нух машриқдин мағрибга теги қамуғ ҳалойиқга пайғамбар эрди. Бир қариш ер ҳалойиқдин холи йўқ эрди. Бир кесак ердин уч юз юк бугдой чиқар эрди, юз ботмон бугдой бир йиллик озук бўлур эрди.

Ҳикоят қилурлар. Машриқдин мағрибга теги тутуш томдин эвлар эрди, томдин томга машриқдин мағрибга теги юриса бўлур эрди. Ер юзинда ошлиқ, тариғу ер қолмади. Йилқи қорага туфроқ юклаб адиз тоғлар бошинга сочиб ошлиқ териюр эрдилар.

Ҳикоятда андоғ келур: машриқдин мағрибга қаю ерда таёқ ташласа киши бошига тушар эрди. Тақи аймишлар, мушук томдин томга ошиб юриса юз йиғоч ер юрир эрди. Мундоғ обдон эркан бирагу тенгрини бирлагучи бўлмади. Нух вақтиндақи обдонлиқ қиёматга теги бўлмағай. Аймишлар: анчада Жаброил пайғамбарлиқ келтурди. Нух айди: «Олам ғоят кенг турар, кофирлар телим. Ман қаю ерга бориб сенинг бирликинг тегурайин», теди. Хитоб келди: «Эй Нух, сендин аймақ, мендин эшитдурмак». Нух имонга даъват қилди. Ел Нухнунг сўзин машриқдин мағрибга теги элтур эрди: «Кунда чиқиб имон келтурунг, мавлони бирланг, маннинг пайғамбарлиқимга иқрор қилинг», теюр эрди. Кофирлар Нухни уру бошладилар. Онча янглиғ урдилар, сўнгуклар синди. Живол ичинда бузтак қахшаса сўнгуклари териси ичинда андоғ қақшаюр эрди. Тақя қилса тунла мавло азза ва жалла шифо берур эрди. Кун саю Жаброил келиб ёрлиқ тегурур эрди: «Эй Нух, борғил, кофирларга айғил, Ла илоҳа иллаллаҳу Нухун расуллаҳи» тесунлар». Бориб айтур эрди, андағуқ урар эрдилар. Нух айди: «Илоҳий, тун-кун санунг фармонинг тегурдим, тингламадилар, очуқ айдим, эшитмадилар. Сир ичинда панд бердим, қабул қилмадилар *Рабби инни даъавту қавми лайлан ва наҳаран фалам йазидхўм дуъаий илла фираран*». Эллик ўксук минг йил даъват қилди, сексон киши мусулмон бўлдилар, имон келтурдилар. Яrimi эр, яrimi хотунлардин ўзга ҳеч киши мусулмон бўлмади. Кун саю эмгаки ортуқроқ бўлди. Нухнунг эвлуки кофир эрди. Бир кун бир қари абушқа бир ўғлонни бошлаб Нухга келди. Нухнунг юзунга туфкурди, тили бирла сўқди. Ул ўғлонга айди: «Бу Нух телва турур. Оталаримиз мунунг сўзин эшитмадилар. Бугун мен нетак қилдим эрса сен ема мандин сўнг мундоғ қилғайсан», теб ул ўғлонга васият қилди. Нух ани кўрди, анинг сўзин эшитди, ўзиндин умид кесди. Умасга тегди, дуо қилди, айди: «Изиё,

эвлук кофирни ер юзинда тирик қўзмағил». Рабби ла тазар ала ал-арзи ал-кафурина даййаран. Мавло жалла жалолуху қирқ йил яғмур бермади, ердин набот ундурмади, хотун ўғул-қиз туғурмади. Йилқи қора қамуғ ҳалок бўлди, йуллари қуруди.

Хабарда андоғ келур: Авж ибн Унуқ тўфонда ҳалок бўлмади. Анинг учунким дайёр жумласиндин эрмас эрди. Дайёр — эвлук — барқилиғ темак бўлур. Авжнинг эви — барқи йўқ эрди, тенгизлар атоғинда турур эрди. Тўфон суйи тизинга ошмади. Анчада Нухға хитоб келди: «Дуонгни ижобат қилдим, борғил чинор йиғочи тиккил». Терак йиғочима темишлар. Нух йиғоч тикди. Қирқ йилда уч йиғоч улғарди. Йиғочни кесди, ким эрса кетуру билмади. Авжни ундадилар. Ул йиғочни судраю келтурдилар. Жаброил Нухға таълим берди. Йиғочни ёрғу бирла ёрдилар. Сув уза ўрдак юрганин кўргузу берди. Анга ўхшаю кеми йўна бошладилар. Кофирлар ани кўруб кулар эрдилар. *Сирта нажжаран баъда ма кунта набиййан.* «Эмдига теги пайғамбар эрдинг, эмди йиғоччиму бўлдунг? Муни не қилурсен», теб сўрсалар, «Кеми қилурман, тебасинга миниб сув уза юурман». Кофирлар айдилар: «Ингирчоқму йўнарсен, бурун эшкак олғил», теб кулар эрдилар. Мавло азза ва жалла ёрликлар. *Ва куллама марра алайҳи мала'ун мин қавмиҳи сахиру минҳу.* Нух жавоб айтур эрди: «Сиз бизни фусус қилурсиз, ёрин азоб келмишда биз сени фусус қилғаймиз», теб. *Қола ин тасхару минна фа инна насхару минкўм камо тасхаруна фа савфа таъламуна.* Нух айди: «Тўфон ваъдаси қачон бўлур?» Фармон келди: «Қачон санинг тануринг ичинда сув билгурса ул азоб изғум турур». Кеми уч қат эрди, олдида йилқи қоралар эрди, ўртасида Нух қавми бирла, устунда қуш-қуртлар эрди. Нух ўғли Сом ва Хом ва Ёфас ва Канъон ўғли тўрт эрди. Кеми йўндилар, узунни уч юз қари, эни икки юз қари эрди. Баъзилар аймишлар, узунни минг икки юз қари, эни олти юз қари, адизлиғи олти юз қари эрди. Юз минг йигирми тўрт минг темур боғлар қилдилар. Текма боғ уза бир пайғамбар оти битиклик эрди. «Муҳаммадун расулуллаҳи» оти битилган темур боғни Иблис ўғурлади. Нух неча истади, тобмади. Жаброил келиб хабар берди. Нухқа бергил теса, олмадим теб онт ичди. Жаброилнинг ўфкаси келди. Бир кеми йиғочин олиб бошинга урди. Боши, кўзи қонга булғанди. Қўрқмишда берди. Кеми тамом бўлди эрса Нухнунг кофир эвлуги танурда этмак пишурурда танур ичинда сув чиқди. Келиб Нухға хабар берди. Нух ул сексан киши мўъмин бирла кемига кирди. Тўрт ўғли бор эрди. Сом ва Хом ва Ёфас мусулмон эрдилар. Канъон кофир эрди. Фармон келди: «Текма бир танлиғдан бир эр жуфт олиб кемига кивургил. Уруғлари кесилмасун, бир эркак, бир тиши. *Фа услук фиҳа мин қулли завжайни иснайни ва аҳлака.* Тақи ўғлонларинг кивургил». Нух айди: «Илоҳий, учар, югурур танлиғларни нетак тутайин», теди.

«Илоҳий, учар, югурур танлиғларни нетак тутайин», теди. Сув юзинда қамуғ танлиғлар йиғилдилар. Текма бириндин бир эркак, бир тиши тутуб кемига кивурдилар. Ўғли Канъонни кивурайин теса ёрлиғ келди: «Кивурмагил кофир турур». Айди: Илоҳий, аҳлингни кивур, теб сен айдинг». Ёрлиғ келди: «Ул сенинг аҳлинг эрмас». Нуҳ айди: «Эй Канъон, мусулмон бўл, кемига киргил, тўфон суви ҳалок қилмасун», теди. Канъон айди: «Ман адиз тоғларга сизингайман. Тоғ мани сувдин кузазгай, теди. *Қола са'а'ви ила жабалин йаъсумуни мин ал-ма'и*. Нуҳ айди: «Бу кун ким эрсани азобдин сақлагучи йўқ изидин ўзга». *Қола ла асима ал-йавма мин амри-ллоҳи илла ман раҳима*. Бу сўзда эрдилар сув келди. Канъонни ҳалок қилғутек бўлди эрса қочди, тоғ тебасинга ошди. Сув келди, ошуқинга тегди. Ўғли бор эрди, ани аёқи остинга олиб тебасинга ошди. Ўғлон ўлди, ўзи ема гарқ бўлди, имонсиз борди. Баъзилар аймишлар, энг илик кемига кирган қаринча эрди, сўнг кирган эшкак эрди. Эшкакни судрадилар, кемага кирмади, анинг учун ким Иблис эшкак қузуруқин тутуб тортар эрди. Бўлмаса Нуҳ айди. «Киргил, нечама шайтон сенинг бирла эрса». Баъзилар аймишлар: Нуҳ кўнгли туруқмишда эшкакка айди: «Киргил, эй маълун», теди эрса, Иблис маълун эшкак қузуруқи бирла тутуб кемига кирди. Нуҳ Иблисни кеми ичинда кўрди эрса айди: «Эй маълун, кимунг фармони бирла кирдинг?» Иблис айди: «Сенинг сўзунг, фармонинг бирла кирдим». Нуҳ: «Қачон айдим санга киргил теб?» Иблис айди: «Киргил, эй маълун, теб айдинг. Маълун ман эрурмен, эшкак эрмас», теди. Молик ибн Сулаймон ал-Хиравий раҳматуллоҳи алайҳи айтур: Нуҳ пайғамбар йилонни, чизонни кемага измади, Одамға сиздин зарар тегар теб. Айдилар: «Ким сенинг отингни ўқиса, ул ким эрсага зарар тегурмагайбиз». Аймишлар, йилон чизондин қўрқса Саламун ала Нуҳин *фи ал-аламина инна казалика ал-муҳсинина иннаҳу мин ибадина ал-му'минани* ўқиб ётсун. Нуҳ айди: «Илоҳий, арслон уй бирла, бўри қўй бирла, мушукни кўгарчкун бирла душман турурлар, нетак қилайин?» теди. Фармон келди: «Ул душманлиқни улар орасинда ким билгуртди?» Айди: «Сендин ёрлиғ келди, ёғилиқ, душманлиқ билгуртган мувофиқликма бергай». Қамуғ нарсаларни кивурди. Яна ёрлиғ бўлди: «Одамнунг сўнгукин кетургил, кемига кивургил, азоб суви тегмасун», теди. Одамнунг колбатин келтурди кемига қўзди. Бир сингаринда эранлар эрди, бир сингаринда хотунлар эрди. Одам колбати орада ҳижоб бўлди.

Яна бир ривоятда Жади тоғинда қўзди теюрлар, аммо эти, териси Сарандиба турур, сўнгуклари Жадида турур. Қачон сув кеми қироқинга келди эрса Нуҳ, неча қатигланди кеми юримади. Жаброил айди: «Эй Нуҳ, тўрт бўлунида тўрт айнни оти бирла қўзғил, Қўзди эрса кеми юрди. Аймишлар, бир айнни Отиқ эрди, иккинчи айнни Умар эрди,

учунчи айнини Усмон эрди, тўртунчи айнини Али эрди. *Тажри биъйунина жаза'ан ли ман қона куфира*. Ироқдин мунди Маккага борди, етти йўли тавоф қилди. Андин Мағрибга борди, андин Машриқга борди. Ражаб ойининг ўнунчи куни кемига кирди. Олти ой кемида эрди, қирқ тун-кун ёгин ёғди, ердин сув чиқди. *Фа фатаҳна абваба ас-сама'и би маа'ин мунҳамирин ва фажжарно ал-арза уйунан*. Хабарда келур, Нухқа рисолат келмишда юз ёшар эрди. Тўқуз юз эллик йил даъват қилди. Яна бир ривоятда тўрт юз ёшар эрди. Тўфонда кезин уч юз эллик йил тирилди. Қамуғи минг етти юз йил бўлур. Аймишлар, қирқ тун-кун ёгин ёғди. Текма бир қатраси тегирмон тоши чоқлиғ эрди. Дунёда қаю тоғ адиз эрса анинг устунда қирқ қари сув эрди. Кемидаги сексан кишидан азин олам ичинда ҳеч ким эрса қолмади, қамуғ ўлдилар. Хабарда андоғ келтурмишлар, уч нарсаси йўқ эрди. Кемада, дарё ичинда бўлди. Бири мушук, иккинчи сичғон, учунчи тўнғуз. Сичғон пайдо бўлди, кемини талашлади. Ёрлиғ бўлди, Нух илкин арслон бошинга сифади. Бурниндин икки мушук чиқди. Ул сичғонни едилар. Яна аймишлар: сичғон кемини тилмишда одамиларга ғарқ бўлғу қўрқунчи бўлди эрса, сув ичиндаги тешукни тилаб булмадилар. Нух айди: «Ким бу тешукни беркитса, не тилаги бўлса бергаймен», теги. Йилон айди: «Ман буларин беркитайин, сув кирмасун. Кирган сувларни чиқарсунлар». Яна йилон айди: «Манга не бергайсан?» Нух айди: «Не тилайсен?» Йилон айди: «Қаю эт тотлиғ бўлса, ани бергил». Нух қабул қилди. Йилон сувга кириб тешукни булди, анда қивулуб ётди, сув кирмас бўлди. Ичиндаги сувни ташқару солдилар. Сув қўрқунчи қолмади. Кемидин чиқмишда кезин йилон келиб Нухдин ул этни қўлди. Нух айди: «Қамуғ танлиғлар чиқди, ёйилдилар, этни қайда булалинг». Йилон кўп сақинди эрса Нух алайҳис-салом сингакни изти. «Боргил, ер юзиндаги этларни тотгил, йилонга бералинг», теги. Сингак борди, кеч қолди. Йилон тақозо қилди. Нух уётлик бўлуб сингакни тилау қарлуғочни изди. Қарлуғоч келиб сингакни булди. «Налук кеч қолдинг?» теги эрса сингак айди: «Ер юзи кенг эрмиш, тезгину кеч қолдим», теги. Қарлуғоч айди: «Этларни тотдингму? Қаю эт тотлиғ турур?» Сингак айди: «Қамуғ этлардин одамий эти тотлиғ турур.» Қарлуғоч айди: «Ул этнинг тотиги оғзингда бор бўлғай. Оғзингни очгил йизлайин», теги. Сингак оғзини очди, қарлуғоч сингак оғзин йизлайур бўлуб тумшуқи бирла сингак тилин кесиб солди. Ул кундин беру сингак тилсиз қолди. Икагу Нух пайғамбарга келдилар. Сингакка неча сўрсалар сўзлаюмас. Яроғсиз ун қилур. Қарлуғочга сўрди: «Налук сўзламас?» теб. Қарлуғоч айди: «Менинг бирла сўзлашдин қамуғ этларда сув бақасининг эти тотлиғ теб айди. Кеч қолмиш учун қўрқуб сўзлаюмас», теги. Нух алайҳис-салом бақа этини йилонга берди. Агар қарлуғоч ул кун онча

эзгулик қилмаса эрди, биз қамуғ одамийлар йилонга ем бўлғай эрдилар.

Яна мақсудга келдимиз. Нуҳ алайҳис-салом кемидагиларга аймиш эрди: «Жуфтларингизга ёвуманг, ўғлон-ушоқ бўлса кемига сигмағайлар», теб. Ким эрса жуфтига ёвумас эрди. Бир мушук итни кўрди, жуфтига қовушмиш. Келиб Нуҳ айди. Итга сўрди эрса тонди, қовушмадим, теб. Мушук тануқ булмади, уфтанди. Яна бир анчада итни кўрди, яна қовушмиш. Мушук изига ялворди: «Илоҳий, бу ит сенинг ялавочингга ялғон сўзлаюр, яна тонар. Қудратинг била мун и бир ҳол уза тутгил, мен бориб Нуҳга хабар қилайин, ўзи келиб кўрсун», теди. Мавло анинг дуъосини ижобат қилди. Ит ул ҳол уза қолди Нуҳ келиб кўргинча, Нуҳ келиб кўрди, ит ғоят уётлиғ бўлди. Бу кунга теги итга ул иш мерос қолди. Ит ема дуо қилди: «Мани Нуҳга фасихат қилди. Изийе, анима расво қилғил», теди. Мавло азза ва жалла итнинг тилакин раво қилмади. Қачон мушуклар жуфтига ҳожатлиғ бўлса онча янглиғ ун чўғи қилур. Қамуғи халқлар билур. Маълум бўлдики, кимнунг айбин очса ул яна ул айбга мубтало бўлур эрмишлар. Одамийларнинг, йилқи қораларнинг нажосатлари кемида телим бўлинди. Ғоят эмгатди эрса ёрлиғ бўлди: «Нуҳ алайҳис-салом инганнинг орқасинга илик сифасун». Сифади эрса инган қуйруқин тебратди, сўнгундин тўнгуз чиқди. Нажосатларни қамуғ еди. «Бу кун тўнгузнунг эти ҳаром бўлган сабаб ул турур», темишлар. Қачон олти ой тамом бўлди эрса Авжқа айди: «Кемини суйрағил». Кемининг қуйруқин тутғуға ким эрсанинг қуввати етмас эрди. Авжни ани тутмоқ учун кивурди. Мавло таоло ҳалок қилмади. Анда кезин ёрлиғ бўлди: *Ва қила йа арзу иблагъи ма'аки ва йа сама'у ақлиъи*. «Сувларингиз ютғил». Кўкка ёрлиғ бўлди: *Ва иста-ват ала ал-жудий*. «Азин ёгмағил ер уза». Сувларин олди, кўк ёгмади. Сувлар ер юзинда қуруди. Ернинг ҳайъати қури турур, яъни юмғоқ турур, теграсинда тоғи турур. Сув қуради эрса тоғ тебасинда кузи ўгради. Тўрт сингардин Коф тоғинга тўкиди эрса туруқди. Ернинг теграси Муҳит дарёси бўлди. Муҳитдин муҳитга уланган сувлар тенгизлар бўлди. Олам ичинда, еринда, тоғлар, чуқурлар, кўллар қамуғ тўфон суви бирла иниб йўл қилган турурким, тенгизларнинг ачиғма, сасиғма ул тўфонда ўлганлардин турур. Хитоб келди тоғларға: «Ман Нуҳ кемисин тоғларда туландурурман», теб. Қамуғ тоғлар бош кўтурдилар, кеми бизга тулангай, теб. Жади тоғи қамуғ тоғлардин ашоқ турур. Тавозуълиғ қилди: «Манга бу каромат қайдин бўлғай», теб. Мавло ани узурди. Кеми анга туланмак бирла огирлади. Нуҳ алайҳис-салом айди: «Ким бориб хабар кетурса сув ер юзинда на миқдор қолмиш, ер очилмушму?!» Қора қарға айди: «Мен борайин». Нуҳ айди: «Ким эрсани кафил бергил». Эркак товуқ кафил бўлди. Қарға борди, ўлуклар телим

бўлди. Ани егуга бўлуб кеч қолди. Эркак товук ўғга кирмиш учун кемига кириб, кеми томинга ошиб қанит тўкиб чорлаю бошлади. Қарга андин ёнмади. Нух алайҳис-салом товукни олиб қолди. Ул сабабдин товук учмас бўлуб одамийлар бирла қолди, темишлар, *Ал-кафалату аввалуха маламатун ва авсатуҳа надаматун ва ахируҳа ғараматтун фаман лам йўсаддиқ фал йужарриб*, кафолатнинг боши маломат турур, ўртаси ўкунч турур, охири таввон турур. Ким эрса иноммаса синаю кўрсун. Нух алайҳис-салом қаргага дуо қилди. Мавло азда ва жалласинда қатиглиқ эмгакда, кўрқинчда умри охир бўлди.

Ул йўлдин қўнмишда ўнгунда, сўнгунда боқар темишлар. Анда кезин Нух алайҳис-салом кўгарчкунни изди, тарк хабар келтургил, теб. Борди сой ер булди, суви сингмиш. Ул ерда қўнди — азоқи балчиқ бўлди. Ул соат-ўқ ёниб келди. Азоқиндақи балчиқни кўргузди. Ул балчиқ аёқи уза туйлук бўлди. Бу кун азоқи туйлуклар анинг уруғи турурлар. Тақи бир ривоятда: Кўгарчкун келиб сув қурмиш ерда қўнди. Азоб суви сассиқ учун азоқи қизил бўлди, теюрлар. Зайтун йиғочининг ябурғоқини тумшуқинда олиб келди, Нухга кўргузди. Нух анга эзгу дуо қилди. «Одабийлар санга бағирсоқ бўлуб эвлардин ўрун берсунлар», теди. Кўгарчкун айди: «Тақи тамаъим бор». Нух дуо қилди. Мавло таоло бағринга бир тавқ каромат қилди. Қачон Нухга кемидин чиқғил теб ёрлиғ бўлди. *Йа Нуху иқбит би саламин миннаа*, Нух кемидин чиқди. Ул кун сексон беш одамий — қирқ эр, қирқ хотун Шом вилоятинда тенгиз қирогинда бир кенд қўбордилар. Анга «Қарят ус-самонина» атадилар. Олти ой сув ичинда туруб ел тўқимади. Онгсизин чиқиб ел тўқиди эрса ярашмади. Заиф бўлдилар. Қамуғ ўлдилар, мағар етти киши қолдилар. Тақи Нух ўғуллари, уч келин. Олам ичинда бу етти киши қолди, азин ким эрса қолмади. Бу кун мунча халойиқ ёвуз, яхши, мўъмин, кофир Нух ўғлонлариндин туғдилар. Улуғ ўғли Сом, ўртанчаси Ҳом, учунчиси Ёфас. Бир кун Нух алайҳис-салом узиюр эрди, ел эсанди. Нух этагин кўтурди, увут андоми очилди. Ҳом ани кўруб кулди. Сом Ҳомга маломат қилди. Ёфас ани кўруб тўни бирла ўртди. Мавло таоло анинг шумлуқиндин Ҳомнинг ўнгурқасиндақи нутфани қора қилди. Ўғлонлари қора бўлди. Уялмишда эвлуки илкин олди. Тенгиз қирогинда атоғга кирди, қамиш бирла эв қилди. Андағуқ уруғлари ҳиндулар, ҳабашийлар, зангилар қамуғи анинг уруғи турурлар. Аммо араб ва ажамнинг отаси Сом турур, Ҳомни Хиндустонга изди. Сомни араб ва ажам вилоятинга изди. Ёфасни Туркистон вилоятига изди. Қамуғ турклар Ёфас уруғи турур. Ул йўлдин турклар азиз ва мукаррам бўлдилар. Бу сўзлар Абу Исҳоқ Нишопурий жамъ қилган «Қиссаси ал-анбиё» ичинда битиклик турур. Аморий олимлари аймишлар: Яъжуж ва Маъжуж Ёфас уруғидин

турур. *Каъб ривоят қилур*: Одам узиюр эрди туш кўрди. Нутфаси ерга томди, туфроқга йўғрулди. Мавло таоло ул сувдин Яъжуж ва Маъжужни яратди. Бизга ота сингирдин қотилурлар, қариндош бўлурлар. Ҳавво сингирдин қотилмаз, ўғай бўлурлар. Абдуллоҳ ибн Аббос айтур разияллоҳу анҳу, Одам ўғлонлари ўн улуш турур, тўқузи Яъжуж ва Маъжуж турур, бир улуши қамуғ одамийлар темишлар. **ҲИКОЯТ**. Нухнунг бир қизи бор эрди. Бирагу қўлғалу келди, берайин теди. Яна бирагу қўлғалу келди, ангама берайин теди. Яна бирагу қўлди, ангама берайин теди. Тўртунчи келди, қўлди, ангама берайин теди. Қамуғлари қиз олғалу келдилар. Нух алайҳис-салом қазғулуғ бўлдилар. Эвинга кирди. Эвинда бир қанжиқ ити бор эрди.

Бир харж эшкаки бар эрди. Мавло таоло қудрати бирла иккаласи қиз бўлди. Ужмоҳдин бир ҳур изи берди. Бу тўрт қизни тўртта куга берди. Қамуғи бир суратлиғ эрди. Ўз қизини танию билмади. Қач кун келмишда кезин нарса олиб қизлар кўргалу келди. Бир кузакусинга айди: «Жуфтунг бирла нетаксан?» Айди: «Яхши турур, анчаси бор, нарса емас, ичмас». Нух билдиким, ул ҳур турур. Иккинчи кузакусинга айди: «Жуфтунг бирла нетаксан?» Айди: «Қанжиқ турур». Нух билдиким ит турур. Учунчига борди, айди: «Жуфтунг бирла нетаксан?» Айди: «Ер, ичар, эшкакдек ётур», теди. Нух билдиким ул харжи турур. Тўртунчига айди: «Жуфтунг билан нетаксан?» теди: «Мен андин хушнудмен, пайғамбарлар уруғи турур». Нух алайҳис-салом билдиким, ўз қизи турур. Олиб турган ҳадясини анга берди.

Хабарда келур, бир кун Жаброил келди. Нух умри охир бўлмишда айди: «Эй Нух, пайғамбарлардин сенинг умрунг узунроқ бўлди. Дунёни нетак булдунг!» Нух айди: «Дунёни бир, икки қабуглуғ саройтак булдум. Бир қабугдин кирдим, бир қабугдин чиқа турурман», теди. Аймишлар, Нух юз ёшарда ялавочлиқ келди. Эллик ўксук минг йил даъват қилди. Тўфонда кезин уч юз эллик яшади. Тақи аймишлар, Одамдин тўфонга теги икки минг икки юз йил эрди. Анда кезин Нухнунг вафот бўлди. Уч юз йил халойиқ Нух шариатинга турдилар. Укушраки кофир бўлдилар. Шариат баён қилгучи қолмади. Уч юз йилда кезин Худ ялавочни халойиқга изди.

Қиссаи Авж Ибн Унуқ.

Унуқ Одам қизи эрди. Авж ибн Унуқнунг ўғли эрди. Узун бўйлуғ эрди. Тўфонда сувга ғарқ бўлмади, анинг учунким тўфон суви тизинга етмади. Тоғлар уза ўлтуруб тенгизга илкин суную балиқни олиб кунга қаршу тутуб сўклуб еюр эрди. Ҳамиятлик эрди. Явлоқ кўничи эрди. Улуғ ёшлиғ хотун олди. Бир кичик ёшлиғ қиз олди. Бир

адиз улуғ тош уза одабий кўрмас, қуш-қурт тегмас ерда кўзди. Қачон улғарди эрса Авж андин ғойиб бўлди. Тоғнинг бир қироқиға келди. Қизнинг кўзи бир йигитга тушди, ангар ошиқ бўлди. Йигитма анга ошиқ бўлди. Қовушмоқға ҳийла булмадилар. Йигит бир қуртғаға бориб мунгин айди. Қуртға айди: «Бир йиғочиға сен киргунча сандуқ йўндирғил. Оғзини қуфл бирла беркитсун. Сан анга киргил». Ким эрса ул сандуқни кўтуруб ул тоғнинг тубинда кўзди. Қуртға сандуқ ёнинда ўлтурди. Авж келди эрса қуртға йиғлаю кўпти. Айтур: «Эй ўғлум, сандуқ ичинда киши амонати бор, санда кўзайин. Азинларга эътимод қилмасман», теди. Авж ани олиб эвлуғи қатинда кўзди. Ғойиб бўлди. Хотун сандуқнинг қуфлин очди. Йигитни чиқарди. Неча кун бирга бўлдилар. Анчада Авж ёниб келди. Кўрди ким эрса ерга туфкурмиш. Сўрди: «Муним ким солди?» теб. Эвлуғи айди: «Ман солдим», теди. Авж айди: «Эмди яна солғил», теди. Солди эрса анга менгзамаз. Авж айди: «Бугун кўнилиқдин азин нарса сени қуртқармас». Хотун қурқмишда кўнисин айди. Авж ани сандуқдин чиқарди, эвлуғи бирла кўзди. Қуртқани тилаю борди. Булди, кетурди, ерга чалди, ўлтурди. Тебасинга ёзилади эрса нажосат олтинда қолиб ўлди.

Ривоят қилмишлар: қаю элдин ўфқаласа бир азоқин кендининг бир кирасинга кўзар эрди, яна бир азоқин ул сингар кўзар эрди. Кенд тебасинга ёзилаб қамуғ халқни нажосати бирла ҳалок қилур эрди.

ҲИКОЯТ. Авж Мусо Калим вақтинга теги тирик эрди. Мусонинг черикини кўрдиким, тўрт йиғоч ер тутуб турурлар. Анчада черикка тенглаю бир тоғни боши уза кўтуруб черик тебасинга урғали ўғради эрса мавло таоло ҳудҳуд қушға илҳом берди. Келиб Авжнинг боши тўшинда ул тоғни тилди. Боши тоғға кирди, бўйнинга халқа бўлди. Анда кезин Мусоға ёрлиғ бўлди «ургил», теб. Мусо бирла тўкушу билмади. Мусонинг бўйи ўн икки қари эрди. Таёқи ема онча эрди. Ул олиб ўн икки қари яна секриди, урди ошуқинга тегди. Авж ерга тушди. Мусо қавми янча-янча ўлтурдилар. Бир аяғусини олдилар. Узунни тўрт йиғочлиқ ер эрди. Тенгизга кўпрук қилдилар, теб аймишлар.

ҚИССАИ ҲУД АЛАЙҲИС-САЛОМ

Ҳуд ибн Абдуллоҳ ибн Риёҳ ибн ал-Жулуд ибн Од ибн Аваз ибн Ирам ибн Сом ибн Нуҳ алайҳис-салом. Аймишлар: Беш пайғамбар арабдин турур: Ҳуд ва Солиҳ ва Шис ва Исмоил ва Муҳаммад алайҳимис-салом. Ул ва ила аадин аҳаҳум Ҳудан хилъатин кийган, *Йа қавми уъбуду алаҳа*, теб фармон тегурган. *Йа Ҳуду ма жи'тана бибаййинатин ҳужжатин эшитган, Фа и'тина бима таъидуна сўзин тингла-*

ган, *Ва убаллиғукум ма урсилту биҳи*, теб сўзлаган, *Ва лакинни арокум қавман тажҳалуна* жавобин берган *Худ алайҳис-салом*.

Нухда кезин *Худ* ялавоч бўлди уч юз йил кечиб,
Юрир эрди кўп халойиқдин, шарифатдин қочиб,
Тунла-кундуз *Худ* тегурди тенгримизнинг ёрлигин,
«Сакиз ужмоққа келинг», теб ҳақни ботилдин сижиб.
Рабқа ёзиб, йўлдин озиб, сунмадин динға бўюн,
Ҳақға тониб, халқға ёниб, бутға сиғниб, ҳамр ичиб,
Олмадилар *Худ* сўзин битмадилар мавлоға,
Ҳеч ким эрса аймаган сўз айдилар явлоқ ажиб.
Айди: «Ё қавми уьбадуллоҳа» андин ўзга тенгри йўқ,
Сигинган ҳақ ҳазратинға йиғлади ёшин сочиб.
Умасга тегди эрса ун кетурди ёлвориб,
Айди инграб: «Анта рабби қодирун ҳаййун мужиб».
Етти тун, секкиз кун ичра йўқ бўзун қилди уғон,
Йигна юртугинча елдин одийларға йўл очиб.
Худ пайғамбар алайҳис-салом тўқуз яшаюрда одий бўзуни келди
Ва ила Аадин ахахўм *Худан*.

«Од-маликларининг оти», темишлар. «Ҳам ул қавмнинг оти», темишлар. «Ҳам ул элнинг оти», темишлар. «Уларнинг отасининг оти», темишлар. Од ибн Иваз ибн Эрам ибн Сом ибн Нух алайҳис-салом турғу ерлари Аҳноқ қавмдин теблар бўлур. *Худ* ул тебаларға оғиб уларни имонға, исломға даъват қилур эрди. Улар *Худни* тебадин қузи солиб: «Сан бизни тенгриларимиздин айирғалиму келдинг?» тедилар. *А жи'тана лита'фикана ан олиҳатана*. Қамуғ узун бўйлуғ эрдилар. Тўрт юз қари бўзлари бош уза секриб азоқларин тепсалар тизларинга теги кўмулур эрди. Кучларинга, бўзларинга ярашу бутлар қилдилар, кучларинга қувандилар. «Бизтак кучлук борму?» тедилар. *Ман ашагду минна қуватан*. Бутлар қилдилар, уч юз қари, қамуғ олтундин, кумушдин. *Худ* уларға айди: *Йа қавми-уьбугу лаҳа ма лакум мин илоҳин ғайруҳу*, қабул қилмадилар. Айдилар, кўни сўзлук эрса азоб келтургил, кўралинг. *Худ* айди: «Азоб келгусин мавло билур. *Иннама ал-илму индаллаҳи*. Изтурғайман, сўзумни сизларга тегурурман. *Убаллиғукум ма урсилту биҳи* анчаси бор, сизларни англамас бўзун кўрарман. *Ва лакинни аракум қаўман тажҳалуна*». Қамуғ халойиқдин буйнағроқ бўлар эрди. Улуғ ҳисорлар қўбордилар, тамошо учун адиз ерларда саройлар қилдилар. Заиф ушоқ бўзунлуғларни кулмак учун тўландилар. Уларға анингчун одийлар атадилар, араб тилинча ўта кечгучи темак бўлур. Булар яна беш нарса бирла қамуғ халойиқдин ортуқ эрдилар қувват, қомат, неъмат, муҳлат, маъсият. *Худ* айди: «Қўрқунг, тавба қилинг, йўқ эрса сизларни ҳалок қилгай». Айдилар: «Сени тенгринг бизни не бирла ҳалок қил-

гай?» Худ алайхис-салом тилинда юриди: «У сизга ел теб келгай, қамуғингизни ел бирла ҳалок қилгай». Худнинг ул нафаси зойиъ бўлмади. Ҳўлонлари ёшга тегдилар эрса соғуларлари бўлди. Қирқ етти йил давлат қилди, тингламадилар. «Биз сенинг сўзунг бирла тенгриларимизни қўзмазмиз», тедилар. Йиғилдилар, кенгаштилар. «Бизга ел келур эрмиш яроғин қилалинг», теб ёриқларин киздилар, яшиқ бошинга уриндилар. Ҳўул қизларин, йилқи қораларин тоғларга кивурдилар. Уларнинг одати ул эрди, қачон мунингтеқ қазғуға мубтало бўлсалар Маккага киши изиб қурбон қилур эрдилар, тилакларин тилар эрдилар. Учагуни отлиғ кишилардин чиқардилар бири Мозид ибн Саъд, иккинчи Луқмон ибн Од, ул ҳаким Луқмон эрмас, учунчи Қайл ибн Умар. Азин қўлдошлар бирла Маккага етдилар. Бу Мазид, Луқмон икагу ичинда мусулмон эрдилар. Маккада уларнинг қардошлари бор эрди, Муовия атлиғ. Моллиғ, жувонмард эрди. Анга қўнуқ бўлдилар. Бир ой егу, ичкуға бўлуб, хамр ичиб тамошо бирла, мутриблар бирла машғул бўлдилар. Худ пайғамбар дуоси бирла мавло азда ва жалла уларга уч йил ёгин измади, ожиз бўлдилар. Учагу қурбонлар қилиб ёгин тилаю бормиш эрдилар. Кеч қолдилар эрса Муовияма бу қўнуқлардин ялқиб ики мутриба қорабошларинга айди: «Сизлар ичку аросинда қўбсаб, симоъ қилурда ёгин тилаю келганларин, кеч қолганлариндин айту беринг. Ани англаб эвларинга ёнғайлар», теди. Қорабошлар қўбсаю бу шеърни айдилар. Шеър бу турур.

Улар муни эшитиб келган эшларин соқиндилар. Каъбага келиб қурбон қилди. Қайл айди: Аллаҳумма ин кона Худун садиқан фа исқина. Изи азда ва жалла уч турлук булут изди урунг, қизил, қора. Ун эшитилди: «Эй Қайл, бу булутлардин изди урунг, қизил, қора. Ун эшитилди: «Эй Қайл, бу булутлардин бирини ихтиёр қилғил». Қайл булутларга боқди. «Урунг булутда нарса йўқ, қизил булутда не борин билмазмен», теди. Қора булут ёгинлиқ бўлур теб ани қўлди. Ул кэнду азоб булути эрмиш. Ун эшитилди. Ихтаргу рамадан. Маъниси ул бўлур: Қора кулни узурдунг Одда бирагуни тирик қўймағай, ота Ҳўул қолмағай. Бану Лудия теб, магар уруғи қолса уларга қолғай. Булар Од аввалидин эрмашлар. Од охиридин темишлар. Мазид ибн Саъд айди: «Илоҳий, мен уларнинг дини уза эрмашман. Ўз дининг уза тутғил». Луқмон ибн Од айди: «Илоҳий, манга узун ёш бергил». Ун эшитилди: «Неча ёш тилаюрсен?» Айди: «Каркас умри керак». Текма каркас уч юз яшаюрлар. Луқмон бир каркас боласин олиб эктулади қариб ўлгинча, яна бирни андағуқ етгини эктулади. Лубид отлиғ қаринча улашти. Луқмон айтур эрди: «Қачон ўлуми ёвушти эрса тоғ тебасинга элтти, азин каркаслар аросинда қўзди, уларнинг орасинда бирла учғай, теб. Азинлар учтилар, Лабуд қолди, ул ерда — ўқ ўлди. Луқмонга жон берди. Ул қора булутга

етмиш минг бурундуқ урмуш эрдилар. Текма бир бурундуқ етмиш икки фаришта илкинда эрди. Ҳазрамавт еринга келтурди. Энг илк бир қуртга кўрди Миз отлиғ. Анинг учун ул етти тун, секиз кунлари «Айёми ажуз» атаюрлар. Жаброил изи ёрлиғи бирла елга эрклик бўлган фариштага айди: «Ел қабуғин очғил». Айди: «Неча очайин?» Жаброил айди: «Сигир бурнундин чиқғунча». Фаришта айди: «Ул миқдор очсам ер юзинда туфроқ тақи тоғлар, йиғочлар, тенгизлар қолмағай». «Бир кичик юзукча очғил». Фаришта андағуҳ жавоб айди: «Йигна юртуғунча очғил». Очди эрса ел ортуқроқ чиқди. *Ва амма Огун фа уҳлику би риҳин сарсарин атийатин*. Араб тилинча одий ўта кечган бўлур, яъни фаришталар сўзиндин ўта кечди. Амолиқа ўти заҳмат тегурмади.

Андин кечиб қатигроқ бўлди Худ теграсида бир хат тортди. Худга заҳмат бермади. Ончада ел етиб келди, айди-лар. *Ҳарракатна риҳу Худ* яъни Худнинг ели бизни тебрату бошлади. Анда кезин ул қарим ичинга кирдилар. Азоқларин тизларинга теги ерга тошга беркитдилар. Ел келди, азоқлари олтинга кирди, туброқларни ўнгди. Аввал ёрлиқларин сўйди, этларин ариту олди. Қуруғ сўнгуклари қолди. Анда кезин тўнларин сучулди. Бир анчалари тоғ унгуларинга кириб яшундилар. Ел анда кириб тортиб чиқару, эв томларинга тўқию ҳалок қилди. Анда кезин сўнгукларин қарим тубинга кўмишди. Ул туброқларни узаларинга босурди. Туброқ олтинда қолдилар. Ул Халчон отлиғ кучлук ким эрса бор эрди. Ул айди: «Ман борайин елни беркитайин, қамуғни қутқарайин», теб келди. Ел чиқган йўлни икки илки бирла тутди. Илкин тирсакига теги тошга беркитди. Кўксини елга берди. Қаттиғ ун бирла чорлаб айди: *Лам йабқа илло Халхан*. Ел ани ул тош бирла кўтурди. Ҳавоға ошурди, тошга тўқию ҳалок қилди. Уларнинг орасинда кўмишди. Анда кезин қум, туброқларни узаларинга тикди. Ул ел чаҳоршанба кун етилди. Етти тун, секиз кун эсди. Яна чаҳоршанба кун охшом тинди. Ул етти тун, секиз кунга «Айёми ажуз» атадилар. *Ва амма Агун фа уҳлику би риҳин сарсарин атийатин саххараҳо алайҳим сабъа лайолин ва самонийата аййомин ҳусуман*. Худ алайҳис-салом унгулдин чиқиб уларга келди. Туброқ олтинда қамуғлари тирик йиғлаю, инграю биринг унин эшитиб бу фулон, бу фулон турур, текур эрдилар. Ул ҳолдин Изи азза ва жалла хабар берур. *Ка'ан-наҳўм аъжазу нахлин ҳавийатин*, қирқ тун-кун туфроқ олтинда инграну қийнандилар. Анда кезин Од хабарин уларга ким эрса айту берди. Мазид, Луқмон икагу мавлоға шукр қилдилар. Қайл ани эшитиб қазғулуг бўлди, айди: «Эй кўк тенгриси, агар бу сўз рост эрса менима ҳалок қилғил», теди. Ел келди, Қайлни кўтурди, ҳавоға ошурди, қайра ерга чалиб ҳалок қилди. Анда кезин эллик йил тирилди.

ҚИССАИ СОЛИҲ ЯЛАВОЧ АЛАЙҲИС-САЛОМ

*Ва ила Самуда аҳоҳум Солиҳан, хилъатин кийган, Фаста-
ғфируху сумма тубу илайҳи, теб қавминга ўгут берган, А
танҳана ан наъбуда ма йаъбуду обо'уна жавобини эшитган,
фа қола лаҳум расулу-ллоҳи нақоталлоҳи ва суқйоҳа таш-
рифин булган, тошдин дуъо қилиб инган чиқарган, «Рабби
қарибун мужибун», теб ҳақ динға ундаган Солиҳ пайғам-
бар алайҳис-салом.*

Ақл ануб келгил, эшит, Солиҳ ялавоч қиссасин,
Булгулук бошдин оёҳға айтайин мен жумласин.
Ҳақ рисолат берди эрса туз тегурди қавмига,
Юриди тун, кундузин олди Самуднинг зумрасин.
Қилди имон даъватини, қўлдилар бир муъжиза,
Қўлди ҳақдин, чиқди инган ёрди тоғнинг саҳросин.
Бўта туғди барча тузун ани тингла кўрдилар,
Кун кезиклаб сув улашди ичти кэнду ҳиссасин.
Тондилар ҳақдин қамуғи, қилдилар кўп маъсият,
Уқмадин Солиҳ сўзин ҳам ушбу инган қиссасин.
Келди югуруб икки бўзчи бир азоқин кестилар,
Бўтаси инграб қайитти остилар уч саҳбасин,
Уч кун ичра бўлдилар сариг, қизил ҳам қап-қаро,
Қудрати бирла уғон қодир емурди барчасин,

Солиҳ ибн Убай ибн Асаф ибн Фосиҳ ибн Ҳом ибн
Самуд ибн Од ибн Эрам ибн Сом ибн Нух алайҳис-са-
лом. Од, Самуд икки маликлар эрдилар. Сом ибн Нух
ўғлонлардин бу икагудин телим ўғлонлар бўлди. Од қаби-
ласи, Самуд Нух ўғлонлардин бу икагудин телим ўғлонлар
бўлди. Од қабиласи, Самуд қабиласи атадилар. Худ қав-
ми Од аввали турур. Самуд қавми Од охири турур. Од
бўзуни Самуд бўзунидин укушрак эрдилар. Жаҳд еринда
ўлтурур эрдилар. Сомли, ҳижозли орасинда. Самуд бўзуни
Од бўзунитек узун бўйлуғлар эрдилар. Тоғлар ичинда тош-
лар унгуб эвлар қўбордилар. *Ва кону йаттахизуна мин ал-
жибали буйутан оминин.* Бир буюк тоғ тубинда уларнинг
суви бор эрди, уларға таб бўлғуча қамуғ бутларға топинур
эрдилар. Мавло таоло Солиҳни уларға изди. *Ва ила самуда
аҳдуҳум Салиҳан.* Солиҳ уларнинг уруғиндин учун «ахо-
ҳўм» тею ёрлиқади. Солиҳ уларни мусулмонлиқға ундади.
Солиҳға пайғамбарлиқ келмасдин бурун бизинг бирга бутға
топунгил теюр эрдилар. Солиҳ унамаса, кичик турур бил-
мас, улуғроқ бўлса йўлға киргай теюр эрдилар. «Нубув-
ват келмишда кезин мусулмон бўлунг, бутға топунманг»,
теди. Айдилар: «Эй Солиҳ, биз сени динимизга киргай теб
умид тутар эрдук. *Йа Салиҳу қад кунта фино маржувван
қабла ҳозо.* Энди бизга оталаримиз динини қўзуб азин
динғаму ундаюрсан? *А танҳоно ан наъбуда мо йаъбуду*

аоба'уна. Биз бу сўзга битмазмиз, тедилар. (Ва иннано) лафи шаккин миммо тағ'унана илайҳи мурибин. Яна баъзи қиссаларда Ваҳаб ибн ал-Яманий ривоят қилурлар: Нух бўзуни тўфонда ҳалок бўлмишда кезин Нухнинг уч ўғли қолди. Нух алайҳис-салом ўларинда ўғлонларингга васият қилди. Жаҳоннинг ўртасин Сомга берди. Ҳомни Мағрибга изди, Ёфасни Машриқга изди.

Аймишлар, турклар Ёфас уруғиндин турурлар, азинлар Сом уруғиндин турурлар. Сом Муқаддаса еринда эрди. Самуд Ҳижоз еринда эрди. Текма қабиланинг маликлари бор эрди. Бу Самуд бўзуни маккалик бирла мутаассиб эрдилар. Маккада Муовия ибн Бакр отлиғ уч юз минг эр черики бирла эрди. Ҳижоз ериндаги улуглар йиғилиб кенгаштилар. Бизга бир малик керак бу душман бирла тўқушса. Ҳандаъ ибн Умар отлиғ эрни ўзларинга малик тутундилар. Малик анга мусаллам бўлди эрса, ўзинга бир бут қилди: қизил олтундин икки кўзлари ёқутдин. Бу бутга тўрт юз қилдурди. Бири одамий суратлиғ, бири арслон суратлиғ, бири қуш суратлиғ, бири от суратлиғ. Бу бутга бир эв қўборди. Икки юз қари адизлиғи, юз қари эни. Томлари жазаъдин, ақиқдин. Бу эвга юз қабуғ урди. Уд йиғочиндин бир тахт қилдурди, қизил олтун, гавҳар бирла мурассаъ. Бир тахтга тўрт азоқ қилдурди: бири зумраддин, бири жазаъдин, бири ақиқдин, бири биллурдин. Турлук-турлук тўнлар кизурди. Ул тахт уза ўлтурди, анга сажда қилди. Қамуғ қабилаға киши изди. Қамуғ маликларнинг черики бирла йиғдурди. Айди: «Бу манинг тенгрим турур, мунга сажда қилинг», теди. Маликлар ул тўрт юз қабуғдин кирдилар. Ул бутга сажда қилдилар. Бири ул бутнинг оғзинга кириб «Мен сиздин хушнудмен», теб ун қилди. Қамуғлари севинуб бош кўтурдилар. Ҳандаъ ибн Умар айди: «Текма йилда бир йўли келиб мунга сажда қилдинг», теди. Ул Самуд бўзуни ул эвдин чиқиб сўзлаштилар. Бир анчаси айди: «Бизинг тегримизнинг юзи бизнинг сингар эрди», тедилар. Сўз талаштилар, санчиштилар, етмиш минг эр ўлди. Бу хабар Ҳандаъ ибн Умарга тегди. Отланиб келди, уларга айди: «Қаю ёғи бу ишни қилғайким ўзунгузга қилдингиз?» Улар айди: «Эй Малик, бизга бу тенгри керакмаз. Бизни тўқушга кўмишти. Азин тенгри тутунурмиз бизни тўқуштурмағай», теб.

Қарраъ отлиғ тоғга киши издилар, бут тутунмоға тош тиладилар. Иблис алайҳил-лаъна бурунроқ бу Қарраъ тогинга келди. Кўрклуқ, ариқ оқ тошни кесиб кўзди. Улар келиб ани кўрдилар элтиб бир бут қилдилар. Қирқ қари узунлуқи, секиз қари эни. Боши олтундин, кўзлари ёқутдин, тишлари йинжудин. Турлук тўнлар кизуруб ул тахт уза ўлтуртди. Анга Абҳар этадилар. Айдилар: «Эй малик, бир эр бу бутга ходимлик қилса». Ҳандаъ боқди эрса Косур ибн Убайдо отлиғ эрни кўрди. «Бу ярағайму?» тедилар. Рози бўлдилар. Косурни ул бутга ходим қилдилар. Қирқ йил хид-

мат қилди. Бир кун Иблис фаришталардин эшитдиким, бу Косур уруғиндин бир пайғамбар бўлғай Солиҳ отлиғ. Бу кофирлар анинг илкинда. Ул қавмнинг қамуглари ул бутға йиғилдилар. Иблис алайҳил-лаъна келиб ул бутнинг оғзинга кирди. Қаттиқ ун бирла айди: «Эй менинг қулларим, бу Косур манинг табуғимға ярамаз, ани зиндонға солинг», Зиндонға кўмиштилари эрса яна бирагуни бутға ходим қилдилар. Косур қирқ йил зиндонда қолди. Қирқ йилда кезин Жаброилға ёрлиғ бўлди. «Косурни зиндондин чиқарғил», теб. Жаброил бир қанит бирла урди. Зиндонни икки пора қилди. Айди: «Эй Косур, чиқғил». Косур зиндондин чиқди. Кўнглинда сақинди: «Қирқ йил Абҳарқа хизмат қилдим. Қирқ йил зиндонда қолдим. Энди қуртулдум. Бу ердин кетайин», теб қўпти. Тоғға ўгради. Тоғ ичинда бир унғур йўлуқди. Ормиш эрди, узуди. Қирқ йил узуқуда қолди. Мавло таоло бир фариштага ани сақлатди. Косурнинг эвинда Заум отлиғ эвлуги бор эрди. Аймишлар, Сохур отлиғ эрди. Бир анча рўзгор кечмишда бу хотун телва бўлди. Юғруб чорлаюр эрди. Ўзи явлоқ кўрклук эрди. Халқ анга раҳм қилди. Бир кеча саройинда бир қуш келди, қарқа суратлиғ. Айди: «Эй Заум, Косурни кўргу кўнглунг бор эрса, мани изарғил». Заум-изару борди. Ул унғурга келдилар. Қуш айди: «Эрингни ундагил». Заум қаттиг ун бирла Косурни ундади. Ул унғур ёрилди. Косур ун берди: «Кирғил», тебди. Сохур кирди, Косурни кўрди, Айди: «Эй Косур, мунда эрмишсен мунча йил бўлди. Менга налук келмадинг?» Косур айди: «Абхар зиндонидин қуртулдум, бир кеча мунда ётурман». Заум айди: «Бир юз йигирма йил бўлди сен мандин ғойибсен». Бу сўзларни сўзлашурда Косурнинг эвлукинга рағбати бўлди. Икагу қовуштилари. Заум Солиҳ пайғамбарга юклук бўлди. Ул соатда Косур ўлди. Келди Заум қазғулуг. Ул қуш айди: «Бу унғурдин чиқғил», тебди. Заум чиқди. Ул унғур белгусиз бўлди. Яна бу қуш айди: «Эй Заум, сўнгукиндаги ўғлонни қандин олдинг, теб сўрсалар, тануқ тиласалар уларни бу унғурга келтурғил. Тенгри таоло уларнинг шарриндин кузазғай». Заум айди: «Сен не қуш турурсан?» Заум айди: «Мен қузғунман». Сўрди: «Бошинг налук оқарди?» Айди: «Қобил Ҳобил ўлтурмакинга ман сабаб эрдим. Мавло таоло манга не жазо бергуси, андин кўркуб бошим оқарди». Айди: «Тумшуқинг налук сариг турур?» Айди: «Ужмоҳдаги заъфарондин едим», тебди. Яна айди: «Аёқларинг налук яшил турур?» Айди: Минг йил Тубо йиғочинда қўндум». Яна айди: «Қорнинг налук қора турур?» Айди: «Бир кун тамуғ узасиндин кечар эрдим, ўт иссиғи мундоғ қилди». Тақи кўрунмас бўлди. Сохур эвиге келди. Тўқуз ойда кезин муҳаррам ойинда душанба кун кечаси Солиҳ пайғамбар онадин туғди. Онаси Солиҳни қўндақлаб ўз элига олиб борди. Малик сўрди: «Бу ўғлонни қайдинг олдинг?» Сохур мажарони айту берди. Малик тонглади.

Айди: «Эй малик, манга инонмас эрсанг келгил сенга кўргузайин», теди.

Малик ул унгурга борди. Заум қаттиг ун бирла Косурни ундади. Унгур очилди. Икагу кирдилар. Мавло таоло Косурни тургузди. Айди: «Эй Ханда, бу ўгил манинг турур», теди. Тақи ўлди, кул бўлди. Малик тонглади, айди: «Мен ўз кўзун кўрдум, аммо азинлар инонмағайлар. Сен бу ўғлонни менинг қабуғимда қўйгул. Кишилар келиб асрамоққа қўлғайлар. Ончада сен асрамоққа олгил», теди. Заум андоғ қилди. Кишилар йигилиб келдилар, асрамоққа олур бўлдилар. Сохур айди: «Ўғлон қабуғимда турур, менга ҳақроқ турур, ман олурман», теди. Солиҳни олди, асради. Ун икки ёшади, кўркланди. Ким эрса анинг кўркинга етмас бўлди. Аймишлар, ким эрса Солиҳ пайғамбарни, Муҳаммад расулulloҳни кўрса танумағай эрдилар. Солиҳ онасининг қўйларини сақлар эрди. Маккадан Муовия ибн Бакр уч минг эр бирла келди. Ҳижозни эгирди. Ёриндасима Солиҳ Муовияни кўргани чиқди. Измас бўлдилар. Солиҳ текма бирининг илкин тутуб бир синғар ташлар эрдилар. Улардан бир қач отлиғлар келиб буларни тутғутак бўлдилар эрса, Солиҳ бир қаттиг ун қилди. Жаброил ва Азроил ва Мекоил бир ун қилдилар. Қамуғлари тушуб ўлдилар. Маликка хабар қилдилар. Отланиб келди, ажойибни кўрди эрса бир от миндурди, бир тўн киздурди. Бошиндақи олтун тожин Солиҳга берди. Олам ичинда энг илк ўз тўнин қиздурган Жандаъ ибн Умар эрди. Черикинга фармон тегурди эрса, кунда Солиҳга саломга келганлар қачон малик борғу еринга ўлтурур бўлса, Солиҳни бирга олиб ўлтурур эрди. Бир кун Солиҳ эв қабуғинда ўлтурур эрди. Маликка саломга борғали Жаброил алайҳис-салом бир кўрклук йигит суратинча Солиҳга келди. Салом қилди. Солиҳ не эрдукин билмади. Жаброил айди: «Эй Солиҳ, эвга киргил». Солиҳ эвга кирди. Жаброил алайҳис-салом пайғамбарлиқ тегурди. Айди: «Борғил, маликка айғил, айсун Оллоҳ бир турур, Солиҳ анинг ялавочи турур».

Солиҳга айди: «Бу хатолар тўнин қўзғил». Қўзди. Бир калим, тўн кизди. Ўлгинча Солиҳ пайғамбар ул калим, тўн ичинда эрди. Маликка теб келиб айди: «Эй кофир, айғил: *Ла илаҳа илаллоҳу ва инни Солиҳун расулу-иллоҳи.*» Малик айди: «Эй Солиҳ ман санга қилган эзгулукнунг янути буму турур?» Солиҳ жавоб этайин теса Жаброил унамади. «Қўб, элдин чиқғил», теди. Солиҳ ул элдин чиқди. Қаръ тоғинга борди. Етти йиғочлиқ ер эрди. Солиҳ анда фаришталарни кўрди. Айдилар: «Эй Солиҳ, бу кеча мунда бир эв қўборгил». Жаброил тақи азин фаришталар Солиҳга ёри бердилар. Бир эв қўбордилар узуну уч юз қари, эни қирқ қари. Эв ўнгинда очуқ ерларни оштурди. Соғинда, сўлинда йиғочлар тикдилар. Кўки кумушдин, бузи олтундин, будоқлари кумушдин бир қандил қилди. Анинг ёруқлуқиндин ғалаба қилур эрди.

Ёриндаси кун ул қавм келиб ул эвни кўрдилар, тонглаштилар. Кундуз ул қавми имонга ундаюр эрди. Тунла бу эвга келур эрди. Ул элда уч юз кишидин ортуқ мусулмон бўлмадилар. Солиҳ айди: «Изиё, ман булардин умид кесдим». Жаброил келди, айди: «Эй Солиҳ, булар уч юз йил бўлди кофирликда турурлар, бу бир қач кунда кўнмагайлар». Солиҳ айди: «Эй қавм, манинг кишига борғу ишим бор», теб чиқди. Қаръ тоғинга борди, анда меҳроб қилди. Ибодатга машғул бўлди. Бошин саждага урди. Мавло таоло Солиҳга узқу кўмишди. Қирқ йил узиди. Ул мусулмонларда уч юз киши ўлдилар. Қаю бири ўлса анинг отин бу эшикка битур эрдилар, бир кун Солиҳ пайғамбар келмишда мусулмонлиқ уза борганимиз билсун, теб. Ер юзинда «лоилоҳа илаллоҳ» тегучи қолмади. Бирагу Солиҳ узқудин уйғонди эрса қамуғини ўлмиш кўрди. Қирқ йил узқуда эрди. Тўрт йил Самуд бўзуни орасинда эрди. Солиҳ ул қабиладин мавло таоло бу қавмга пайғамбар изса улардин-ўқ изирур эрди, илло Лут пайғамбар ғариб эрди. Қавми орасинда Солиҳ уларни имонга ундади, азобдин кўрқутди.

Ужмоҳга умид берди, эзгулик бирла ўгут берди, эрклик бирла сўзлади, қабул қилмадилар. Солиҳни унамас бўлдилар. Қамуғлари кенгаштилар. «Солиҳни ўзумиздан умидсиз қиладинг», тедилар. Бу биздан улўғроқ турурлар ҳасаб ва насаб ичинда. Муни ўлтурса бўлмаз. Айдилар: «Бир нарса қилалинг, ул ишни қилумаса уфтангай, биздин кетгай», тедилар. Айдилар: «Эй Солиҳ, сан бизга на теюрсан?» Солиҳ айди: «Изи азза ва жалла бирлигинга бутунг. Яратқан, неъмат берган ул турур. Од бўзуни бутмади, на балолар тегди. Худ қавми имон келтурмади, не балолар берди». Айдилар: «Эй Солиҳ, бизни оталаримиз тобунган тенгриларимиздин йиғиб азин тенгридинму кўрқутурсан? Сўзунг кўни эрса бизга бир бурҳон кўргузгил». Солиҳ айди: «Не тилаюрсиз?» Айдилар: «Биз ийдимизга чиқалинг, сен ул тенгрингдин қўлғил, биз ўз тенгримиздин қўлалинг. Қаюси теркрак борур эрмиш кўралинг», тедилар. Ёриндаси қамуғ чиқдилар, Солиҳма борди. Уларнинг қатинда бир ўт қуруғ тоғ бор эрди. Айдилар: «Бу тоғдин бизга бир қизил тулук инган чиқарғил. Бизнинг илакимизда бўтала-сун, бизга сут берсун, биз ичалинг». Ул тоғда бир қўл бор эрди, Кайна отлиғ. Сувлари андин келур эрди. Буларнинг оталари Самуд бир кун қўлда бир тошдин ун эшитилди: Самуд бўзуни бу тошдин ҳалок бўлғуси. Айдилар: «Ушбу тошдин бир инган чиқарғил, қизил тулук, тили қора, бўйни йўғун, алини тулук, елини етилмиш». Солиҳ дуо қилди: «Изиё, сен билурсан, мандин на қўларлар». Ёрлиғ келди: «Эй Солиҳ, билур эрдук сенинг қавминг бу муъжизани қўлғайлар. Биз ани бу тош ичинда ануқлаб турур-

биз. Сен дуо қилғил, биз бералинг». Солих дуо қилди. Ул тош играну бошлади. Бир инган чиқди, улар тиламиш-тек. Бир ончада инган бўталади. Инган бўтаси бирла қўбди, ўтлаю бошлади. Айдилар: *Ма асҳарака йа Солиху*, явлоқ жарда эрмишсан, теб имон келтурмадилар. Аймишлар, бир анчаси имон келтурдилар, бир анчаси имон келтурмадилар. Уларнинг бир қузуғлари бор эрди. Уларга етгуча инган бўта бирла келиб уларнинг қамуғ сувларин ичди. Ул кун улар сувсиз қолдилар. Солихға айдилар: «Бу тева бизга керакмаз». Ёрлиғ келди: «Эй Солих булар орасинда кезик қилғил. Бу сув бир кун тевага бўлсун, бир кун буларға». *Ва набби'хум анна алма'а қисматун байнахум*. Ани қабул қилдилар. Солих айди: «Ёрлиғ ул турур, бу тевага қотилманг, эмгатманг, урманг, ўлтурманг. Бу ишларда бирин қилсангиз, сизларга азоб келгай». Улар қабул қилдилар. Инган уларнинг орасинда ўттуз йил турди. Уларнинг кезики бўлмиш кун тева бўтаси бирла тоғларда ўтлар эрди. Теванинг кезики бўлмиш кун сув қузуғ тебасинда оғар эрди. Тева бўтаси бирла ичар эрдилар. Сув яна ўрнунга инар эрди. Улар тевани соғиб, кублар тўлдуруб минг етти юз эвлук кишиси ичиб қамуғинга етар эрди. Аммо қўйлари, йилқи қоралари тевадин қўрқуб урқар эрдилар, ўтламас эрдилар. Булар бу тевани тиламас бўлдилар. Айдилар: «Биз бу тевани ўлтурмагинча мундин қутулмасбиз».

Ривоятда келур, Солих пайғамбар алайҳис-салом аймиш эрди: «Сизларда бир қизил юзлук, сориг сочлиғ, чақир кўзлук ким эрса бу тевани ўлтургай», теб. Ул кишилар бу сифатлиғ ўғлон туғса отаси, онаси билдурмадин ул ўғлонни ўлтурур эрдилар. Тўқуз ўғлон туғди. Қамуғин ўлтурдилар. Ул ўғлонлари Солих пайғамбарни ўлтурғали ўғрадилар. *Ва қаана фи ал-мадинати тисъату раҳтин йуфсидуна фи ал-арзи ва ла йуслихуна*. Яна бир ўғлон туғди, Солих айған сифатлиғ, аммо улуғларининг ўғли эрди. Қамуғлари йиғилиб ани ўлтургани келдилар. Отаси айди: «Бу сўз ёлгон турур, Солих сизни фусус тутар», теди. Сўзлари ўтмади. Анда кезин ўғлон ўлтурмак қолди. Ул ўғулға Қазор атадилар. Отасининг оти Солиф эрди.

Йигирми яшади эрса Солих айди: «Одам ўғлонларинда мундин шумроқ ким эрса йўқ», теди. *Из инбаъаса ашқоҳа*. Ривоятда келмиш, ул тўқуз киши бўзчи эрдилар. Улуғлари Қазор ибн Солиф ва Мастах ибн Даҳр эрди. Аймишлар, улар бирла ики ариғсиз тишилар бор эрди, бири Абира отлиғ, бири Судуқ. Абира қуртға эрди, аммо икки кўрклук қизлари бор эрди. Яна икки эр бор эрди, ёвуз, бири Мусдиъ отлиғ, бири Қазар ибн Солиф. Ул икки хотунни булар севар эрдилар. Кеча уларға келдилар, таом тиладилар. Судуқ айди: «Бу кун кезики теванинг турур. Сувумиз йўқ ош этмакка», теди. Абира айди: «Бизинг кучумиз етса бу тевани ўлтургай эрдук. Бизнинг орамизда эр йўқ, эр бўлса бу тевани

ўлтургайлар эрди». Қазор ибн Солиф айди: «Ман ул те-
 вани ўлтурсам не бергайсен?» Судуқ айди: «Қани ўзумни
 санга бергайман», теб юзини оча берди. Явлоқ кўрклук
 эрди, Қазор ошиқ бўлди. Яна Абира айди. Мусдиъға айди:
 «Ман бу қизларимда бирин сенга бергайман», теди. Хамр
 келтурдилар. Бу икагуга бердилар, эсрутдилар. Қўлдошлар
 силоҳлар олдилар. Теванинг келур йўлинда бусуб ўлтур-
 дилар. Тева келди эрса Қазор ўтру чиқди, қилич бирла
 янчукин чопди. Тева юмалану тушди. Мусдиъ бошини ўқ
 бирла ўткурў отди. Тева йиқилди. Қазор ибн Солиф те-
 вани ўлтурди. Тўрт сингардин халойиқ йиғилдилар. Эти-
 ни пора қилиб улаштилар. *Фа каззабуҳу фа ақаруҳа*. Яна
 Қазор бўтасини ўлтурғали ўгради эрса, бўта тоғ сингар
 ўгради. Уч йўли қаттиғ ун қилди. Ул онаси чиққан тоғға
 яна кирди. Солиҳ пайғамбар алайҳис-салом тутун кўруб
 келди. Ул кишиларни кўруб «Бўта қани?» тею сўрди эрса,
 «Уч йўли ун қилиб борди», тедилар. Солиҳ айди: «Уч йўли
 ун қилгани уч аломат белгиси турур. Уч кунда азоб келур».
 Айдилар: «Ул азоб нишони не турур?» Айди: «Аввалқи
 кун юзларингиз сарғарғай, иккинчи кунда қизарғай, учунчи
 кун қорарғай — азоб етилғай». Қачон Солиҳ андоғ теди
 эрса тева ўлтурганлар айдилар: «Тевани кэнду ўлтурдумиз
 Солиҳнима ўлтуралинг, бизга азоб тегмасдин бурун. Сўзи
 кўни бўлса биздан бурун ўлмиш бўлғай, ёлғон бўлса ул
 ўлғай, биз қолғаймиз», теб. Ул кеча Солиҳни писиб ўлтур-
 макка ўградилар. *Тақасаму биллаҳи ланубаййитаннаҳу ва*
аҳлаҳу. Бордилар, тош тубинда ётдилар. Мавло ёрлиғи
 бирла ул тош емрулди, қамуғин ҳалок қилди. *Ва макар*
макран ва макарна макран ва хўм ла йашъурун. *Фанзур*
кайфа кона ақибату макриҳим анна гаммарнаҳум ва қав-
маҳум ажмаъина. Яна бир ривоятда тунла келиб Солиҳ
 қабуғиндин кеча бўлуб Солиҳни ўлтурғали ўградилар эр-
 са, изи азза ва жалла фаришталарни изди. Тош бирла
 қамуғини ура ҳалок қилди. *Ва хўм ла йашъурун*. Ёринда-
 си улар келмади эрса Самуд бўзун келиб Солиҳға айди-
 лар: «Уларни сен ўлтуруб турурсан», теб Солиҳға тобун-
 дилар. Солиҳ кишиларима силоҳ олиб уларға тобундилар.
 Айдилар: «Солиҳ сизни эмгатмади, сизга азоб ваъдаси
 берди. Уч кунда ул азоб сизга келмаса не қилсангиз
 сизнинг», тедилар. Бу сўз бирла улар ёндилар. *Ва кона*
фи ал-магинати тисъату раҳтин йуфсигуна фи ал-арзи ва
ла йуслиҳуна. Ёриндаси қўлдилар, қамуғларининг юзлари
 сарғармиш. Билдиларким азоб етилмиш. «Солиҳини ўлту-
 ралинг», теб тилаю бошладилар. Солиҳ улардин қочди. Бир
 Сақил отлиғ Абул Ваҳҳоб кунятлик ким эрсанинг эвинга
 келди. Ул кофир эркан, Солиҳни яшурди. Неча тиладилар
 аймади. Солиҳ кишиларин уру бошладилар. «Солиҳни бизга
 кўргузу беринг», тедилар. Мисраъ ибн Харам отлиғ киши
 айту берди. «Абул-Ваҳҳоб эвинда турур», теди. Абул-Ваҳ-

хобга бориб сўрдилар: «Солиҳ сенинг эвингда борму», тедилар. «Бор», теди. «Валекин сизга бермасман», теди.

Улар ёндилар. Ўз ишларинга машғул бўлдилар. Ёриндаси юзлари қизарди. Учунч кун қорарди. Якшанба кун Солиҳға имон келтурганлар эвинга келди. Уларнинг бирла чиқдилар, Фаластинга бардилар. Уларнинг юзлари ема қорармиш кўрдилар эрса, бир анчаси кўптилар, ўзларинга гўр қазидилар, кафанларин киздилар, гўрларинга кирдилар, ўлтурдилар. Мавло таоло Жаброилға ёрлиғ тегурди. Тева ўлтурган ерга келиб бир қаттиғ ун қилди. Қамуғларининг юраклари ёрилиб ўлдилар, тамуғга уландилар. Ёлғуз Зурайта отлиғ қорабош қолди, қочиб чиқди. Тошдақиларга хабар қилди. Сув қўлди, бердилар. Сув ичди ул ерда — ўқ тошуби ўлди. Солиҳ улардин кўнгул кесди, айди: «Изиё, манга дастур бергил, берайин. Олам ичинда бир эзгу қул тилайин. Кўксумдаги мунгларимни анга аяйин». «Борғил», теб ёрлиғ бўлди. Солиҳ ким эрса тилаю Обу жаҳонни кезди, рўзгорда кезин бирагуни булди. Намоз қилиб турур. Анга келуб салом қилди. Айди: «На бўлди ёлғузун тенгриға топинурсен?» Айди: «Бу ерда бир улуг шаҳар бор эрди. Анинг халқи қамуғ халқдин ариғсизроқ, қатуғ кўнгуллук эрди. Мавло таоло бу шаҳарни халойиқи бирла ер қузи изди. Мандин азин тенгрини бирлаган ким эрса йўқ эрди. Менга нажот берди. Мунда мавлоға шукр қилиб тоат қилурман», теди. Солиҳ андин кечди. Бир улуг тоғга тегди. Бирагуни кўрди намоз қилур. Солиҳ салом қилди хабар сўрди. Айди: «Бир анча халқ бирла кемига кирдук. Бир тенгиз қироғинда халойик бор эрди, явлоқ йўлсуз, кофир. Мавло таоло қамуғини ғарқ қилди. Ман ёлғуз қолдим. Эмди ҳақ таолоға шукр қилурмен», теди. Андин кечди. Яна бир тенгиз қироғинда шаҳарга тегди. Халқи қамуғ кофир, магар икки қариндошлар эрдилар, мусулмон. Хурма ябурғоқиндин салалар ўруб, ани сотиб бир анчани ўз яроғларингға харж қилиб қолганини дарвишларга берур эрдилар. Солиҳ уларға тегди. Қатиг ун эшитди. «Бу на турур?» тею сўрди. Айдилар: «Бу ерда бир сазан йилон бор, тенгиздин чиқар. Охшом ўғуринда кимни бўлса еюр». Солиҳ айди: «Ани ўлтурсам бу халойиқ манга не бергайлар?» Бу ики қариндош ул шаҳар халқинга айдилар: «Бирагу келиб мундоғ сўзлаюрлар. Ани ўлтурса ярим молимизни анга бергаймиз», тедилар. Солиҳ кўпди, икки рақъат намоз қилди тақи дуо қилди. Ул йилон ёрилиб ўлди. Улар ярим молларин бердилар. Келтуруб Солиҳға берди, Солиҳ олмади. Ул икки қариндошларға берди. Улар унамадилар. Солиҳ ул молни изаларинга бердилар. Бошин саждага уруб мавлоға шукр қилди. «Сенга топунга уч кишини булудум», теди. Мавло таоло хитоб қилди: «Ё Солиҳ, ер юзинда манинг қулларим борким, жаҳон уларнинг бирла азоқин турур». Мақотил айтур: Солиҳ бўзунинда етмиш киши имонлиғ бўлдилар, *Худ бўзуниндама анга-ўқ*. Қачон Худ ва Солиҳ

дунёдин рихлат қилдилар эрса, улар ер юзинда терилдилар. Бир анчаси Жобилқа тушдилар, бир анчаси Жобилиса тушдилар. Бу Жобилқа ва Жобилиса икки шаҳар бири машриқда, бири мағрибда қамуғ кофирлар. Бу мўъминлар анда бўлмаса мавло таоло ул кофирларни ҳалок қилгай эрди. Улар Барс ибн Ёфас ибн Нуҳ алайҳис-салом уруғиндин турурлар. Укушрағи Яъжуж ва Маъжуж турурлар. Қамуғ тамуғлуғлар турур. Бу ики шаҳарнинг дарвозаси бор. Текма дарвозадин яна бир дарвозага бир йиғочлиқ ер эрди. Текма бир қапуғда кеча етмиш минг эр соқчи ётур эрди. Тирик боринча уларга азин кезик тегмас. Аймишлар, Худ ва Солиҳда кезин бари мулк талашди. Арабда энг илки тугал оламини тутган Намруд ибн Канъон эрди.

Аймишлар, қачон Жаброил Солиҳ қавмига ун қилди эрса, қамуғ ўлдилар. Азоқларин остиндан ўт чикди. Қамуғини кукюрди. *Инно арсал но алайҳим сайҳатан воҳидатан фа кону қаҳашими ал-муҳтазири*. Аймишлар, арабнинг одати бор ёзида тевага, қўйга қўтон этарлар. Жарабни, қуруғ ўт-емни қўтон ичида тўшаюрлар. Йилқи қора анинг уза ётурлар. Азоқ олтинда ушанур бўзун бўлур. Тенгри азза ва жалло Самуд бўзунини анга ўхшатиб *Фа кону қаҳашими ал-муҳтазири* теб ёрлиқар. Тақи бир ривоятда қилур Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумо: *Хақ таоло ики бўзунни бир азоб бирла ҳалок қилмади, илло Солиҳ қавмини, тақи Шуайб қавмини ўт бирла ҳалок қилди. Анчаси бор. Солиҳ бўзунига ўт азоқлари олтинда чикди. Шуайб бўзунига кўкдин инди. Анда кезин Солиҳ Шом вилоятинга борди, анда ўрнади. Ўн саккиз йил тирилди. Яна бир ривоятда, қирқ йил. Солиҳда кезин Иброҳим пайғамбарга теги ҳеч пайғамбар йўқ эрди.*

ҚИССАИ ИБРОҲИМ АЛАЙҲИС-САЛОМ МАА НАМРУД АЛАЙҲИЛ-ЛАЪНА

Ул Намруд мардуд балосинга илинган, ҳарриқуҳу вансуру олихатакум оғусини тотган, *Хасби ан су'али илмуҳу биҳали муножотини қилган, молдин, ўғул-қиздин кечиби, аслам-ту ли рабби ал-ъоламина теган, ва иттахаза-ллаҳу Иброҳима халилан тарифлуқ, Йа нуру кунни бардан ва саламан ала Ибраҳима ташрифлик.*

Иброҳим пайғамбар алайҳис-салом.

Эвда тугган, эрнак эмган, тоғда турган Иброҳим,

Юлдуз англаб, ойни тонглаб, кўкка инган Иброҳим.

Айди бир кун: «Эй она, айгил манинг тенгрим ким ул»,

Айди: «Манман» кул «сенинг ким?» тею сўрган Иброҳим.

«Ўш отанг ул», теди. Айтур: «Ким отамнинг тенгриси»,

Айди: «Намруд тенгриси ким», тею сўрган Иброҳим.

Етти ер-күкнинг ҳижобин очди мавломиз анга,
Остин-устун Арш, Сараға тегру кўрган Иброҳим.
Уй, тева, қўйлар бўғузлаб то қиёматға теги,
Бу қўнуқ тутмоқ тўрасин халққа қўзган Иброҳим.
Ўғлини қурбон қилурда кўкда ўтлаб семирган,
Қуч фидосин Жаброилдин ерда булган Иброҳим.
Болта кўтруб тилку сийган бутни сўйган очтуб,
Эт едурган, от чиқарган, ўт ўчурган Иброҳим.

Иброҳим ибн Торих ибн Соруҳ ибн Аргус ибн Фолиҳ
ибн Обир ибн Солиҳ ибн Артус ибн Сом ибн Нуҳ алай-
ҳис-салом. Иброҳим ва Абраҳом. Бу қамуғ луғатлар дуруст
турур яъни Абун раҳимун-бағирсоқ ота темак бўлур.
Иброҳим Намруд ибн Кавс ибн Канъон ибн Нуҳ вақтинда
эрди. Намруд қамуғ дунёга эрклик эрди. Аймишлар, қа-
муғ дунёни тўрт ким эрса тутдилар икки мусулмон, икки
кофир. Мусулмон Сулаймон ялавоч тақи Зулқарнайн, ко-
фир Намруд, тақи Бухтнаср. Намруд туш кўрди. Бир қўч-
қор келиб тахтини сусуб ахтару солур. Тонгдаси кўрумчи
мунажжимларни, коҳинларни йиғиб сўрди. Айдилар: «Бу
йил ичинда бир ўғул туғар, санинг мулкунг анинг илкинда
ҳалок бўлур», теб айдилар. Ани эшитти эрса юклук хотун-
ларни сақлаб қаю хотун ўғлон туғурса ўлтурди, қиз туғса-
кўзди. Намруднинг бир бут йўнғучи иноғи бор эрди, Озар
отлиғ. Оти Торих эрди. Бутға қаттиғ топинур учун Озар
атадилар. Озарнинг хотуни Иброҳимға юклук бўлди эрса
кишилардин яшуруб юрди. Ойи, кун итилмиш ағлоқ ер-
га кириб ёшурун ўғул туғурди. Иброҳим атади. Намруд-
дин қўрқмишда элтиб тоғ унгуринда кизлади, туёқ сут
берди. «Ўнгузумда ўлдургинча ман кўрмадин қушқурт
есун», теди. Мавло таоло Жаброилни изди, айди. Келиб
Иброҳимнинг эрнакини оғзинга суқти. Эрнаки ичинда сут
яратди, ани эмар эрди. Азин ўғлонлар неча бир ойда ул-
ғарса Иброҳим кунда онча улғарур эрди. Онаси қач кун-
да келиб сут бериб борур эрди. Қачон етти яшади эрса
отаси бориб эвинга келтурди. Бир кун онасинга сўради:
«Ман йўқ эрдим бор бўлдум. Менинг тенгрим ким ул?»
Онаси айди: «Манман». Яна сўрди: «Санинг тенгринг ким
ул?» Айди: «Отанг». «Нетак?» теса «Анинг учунким, ул
мандин бийикрок», теди. Яна сўрди: «Отамнинг тенгриси
ким ул?» Айди: «Намруд». «Нетак?», теса «Анинг учунким
отангдин ул бийикрак», теди. Яна сўрди: «Намруд тенг-
риси ким ул?» Онаси қатиг ун бирла айди: «Тек турғил,
андоғ темагил. Намруд қамуғнунг тенгриси турур», теди.
Бу сўзни онаси отасинга айту берди. Отаси айди: «Ани
мундин кетаргил, бояқи тоғда-ўқ қўзгил. Бизға бир бало
келтурмасун», теди. Онаси бояқи унгулга яна элтиб қўзди.
Иброҳим соқинур эрди. «Мани яратган тангри мундоғ
иясиз, тобуғсиз теб яратмади бўлғай. Кимға топуғ қилғу,

нетак топуғ қилғу билмасман», теб соқинч бирла кун кечу-
 рурда, охшом бўлди. Унгурдан чиқди. Зухра юлдузини
 кўрди ғоят ёруқ. Манинг тенгрим мундоғму эркан, буму
 эркан? *Фа ламма жанна алайҳи ал-лайлу ра'а кавкабан*
қола ҳаза рабби. Йаъни а мислу ҳаза рабби ала важҳи ал-ис-
тиҳзаи. Қачон ул Зухра юлдузи ботди эрса, туғған, ботған,
 изнаған тенгриликға ярамаз. Мундоғларни севмазман, теди.
 Ла уҳиббу алафилина. Бир ончада ой туғди ул юлдуздин
 улугроқ эди. «Манинг тангрим буму эркан?» Қачон ой ботди
 эрса, «Бу ема туғар, ботар эрмиш. Агар тенгрим мани кўни
 йўлға кўндурмаса йўлсузлардин бўлғай эрдим» теди.

Лаин лам йаҳдини рабби лаакунанна мин ал-қавми
аз-золлина. Ул кечани бу соқинч бирла кечурди. Тонг отди
 эрса айди: «Қоронғу кетди, олам ёруди, кейин тун туғди
 юлдуздин, ойдин ёруқроқ. «Тенгрим мундоғму эркан, бу
 улугроқ турур». *Фа ламма ра'а аш-шамса бозиғатан қола*
ҳозо рабби ҳаза акбару. Кун ўртаға теги ул соқинч бирла
 турди. Қачон кун эврүлди эрса, ашоққа тушди. Аймишлар,
 кунға топунғанларни кўрди. Ман мундоғлардин ироқмен». *Инни*
бариун мимма тушрикуна. Айдилар: «Буларға топун-
 мазсан, кимға топунурсан?» Айди: «Юз эврүдим ул ким
 эрсаларгаким етти қат ер, етти қат кўкни ул яратди. Кўни
 йўллуғ мусулмонман, ўртоқ теганлардин эрмасман». *Инни*
важжаҳту важҳийа лиллази фатара ас-самовоти ва ал-арза
ханифан. Қачон ёшади эрса онасига келди. Отаси эвинга
 кирди, отаси бут тутар эрди. Иброҳимға айди: «Бу бутни
 бозорға элтиб сотғил». Иброҳим бутни отаси қатиндин чи-
 қариб бўйнинға йиб боғлаб сувға солиб туброқға булғаб
 бозорға кивурди. Айди: «Ким олур муниким, кўрмаз, эшит-
 маз, ким эрсаға асиг қилмас», теб айди. Аймишлар, кунларда
 бир кун бир бутни олиб борурда ёзиланмоқға ҳожатлиғ
 бўлди. Бутни ерда қўзуб борди. Келгинча тилку келиб ул
 бутнинг табасинға кўп сиймиш, булғатмиш. Иброҳим ани
 кўруб севинмишда қаттиғ ун бирла айди:

А раббун йабулу ас-аълабани а айнун бира'сиҳи
Лақад залла ман балат алайҳи саъалибу
Бари'ту мин аз-золли ва аш-ширки куллиҳи
Ва оманту биллоҳи аллази ҳува ғолибу

Тенгриму бўлур бошинға тилку сийса бир соғин,
Кўзлари кўрмас қоронғу ҳам тили анинг оғин.
Ман булардин кулл йироқмен, қулман оллоҳ мавлоға,
Қуршаниб қуллуқ қуруни берк тутарман ёрлиқин.

Иброҳим алайҳис-саломни етти йил отаси бутға соқчи
 қўзди. Иброҳим ул топунғанларға айди: «Сиз буларға не
 учун топунурсиз?» Отасига айту бердилар, отаси Иброҳимға

маломат қилди. Иброҳим отасинга айди: «Бу кўрмас, эшитмас нарсага налук топинурсан? Яна айди: «Эй, ота, манга илме берилди, сенга берилмади. Сан манинг сўзумни эшитгил, ман сени кўни йўлга йўлчилайин», теди. *Йа абати инни қад жо'ани ал-илми мо лам йа'тика фаттабиъни.* Айди: «Эй ота, шайтонга қул бўлмагил. Бу шайтон раҳмонга ёзган ёзуқулуг турур», теб. *Йа абати ла таъбудааш-шайтона инна аш-шайтона кона лирраҳмони асийан.* Отаси айди: «Эй Иброҳим, сен менинг тенгриларимга бутмасмусен? Бу ишдин йиғилмадинг эрса сани ташлагайман. Бир онча мандин йироқ кетгил, теди. Лаин лам тантаҳи лааржуманнака ваҳжурни малийан. Иброҳим айди: «Салом сенга эй ота, ман кетдим эрса тарк рўзгорда сени изидин ёрлиқату қўлгайман. Ман анинг учун ким изи азза ва жалла манинг ҳолимни биликли турур». *Қола саламун алайка саастағ-фиру лака рабби иннаҳу кона би ҳафийан.* Иброҳим кендин чиқти, ёбонга етди. Мавло таолоға қуллуқ қилди. Отаси ўлди, бутлар отаси қариндоши Хозарга қолди. Хозар Лут пайгамбар отаси эрди. Иброҳим улаш айтур эрди: «Ҳар ойина ман бу бутларга бир қайд қилғум турур». *Лаакиданна асномакум баъда ан туваллу.* Ул ўтурга тегиким, уларнинг ийдлари бўлди. Улар ош, бўғузлар қилиб бутларинга келтуруб ўнгинда қўзар эрдилар. Ийдгоҳга чиқуб кун ўртага, теги туруб ёниб келсалар ул ошларни кўтуруб бутларимиз баркоти бу ишларга тегди теб, элтиб ўғул-қизлари бирла еюр эрдилар. Ийдлари бўлди эрса Иброҳимга айдилар: «Бирга чиқалинг», теб. Иброҳим айди: «Ман нужум илминда боқдим, манга оғриғ келуртак турур, чиқа билмазман» теди. Ул рўзгорда нужум илми яvloқ ғолиб эрди, эътиқод тутар эрдилар. Иброҳимни қўзуб бордилар. Иброҳим бир болта олди, бутхонаға кирди. Бутларнинг бошин, қўлларин кесиб пора-пора қилди, ушатди. Бир улуг бут бор эрди, болтани кўтуруб эгнинга ортарў солди. Фусус тутуб бутга айди: «Ўнгунгуздаги ошни налук емазсиз?» Яна сўрди: «Налук сўзлаамассиз?» *Қола ало та'кулуна, мо лакум ла тантиқуна.* Кун ўрта бўлди. Кофирлар ёниб келдилар, кўрдилар бутларнинг қўли, бути синук, бошлари кесук. Намруд бўзунни бирла бутхонаға кирди. Айдилар: «Бизинг тенгриларимиз бирла бу ишни ким қилди?» *Қолу ман фаъала ҳозо биолиҳатина иннаҳу лами аз-золимина.* Айдилар: «Бир йигит бор Иброҳим отлиғ, ул қилди бўлғай». *Фа'ту биҳи ала аъйуни ан-наси лаъалаҳум йашҳадуна.* Фойида. Намруд кофир эркан, улам сўз бирла Иброҳим уза ҳукм қилмади эрса анинг мулкига завол бўлмади. Аймишлар: «Адл қилган кофир бирла мулк боқий қолур, зулм қилган кофир бирла мулк боқий қолур, зулм қилган мўъмин бирла мулк боқий қолмас. Қамо қила: Ал-мулку йабқо би ал-ағли маъа ал-куфри ва ло йабқо биал-жури маъа ал-имани.

Намруд кофирлиқи бирла улам сўз эшитмади. «Эл йиғил-

сун, тануқлуқ берсалар туталинг», теди. Бу кун ким эрса ёлқон сўз бирла ким эрса уза ҳукм қилса Намруддин баттар бўлур. Иброҳимни келтурдилар. «Бизнинг тенгриларимиз бирла бу ишни санму қилдинг?» тедилар. А анта фаъалта ҳозо биолиҳатино йа Иброҳиму. Иброҳим айди: «Бу ўқ қилди, улуғлари бу турур. Сўрунг, ким қилганин айту берсун, агар сўзлаю билса». Уламолар «бал фаалаҳу» бу ерда вақф «қайдиҳим хозо» сўз бошлағу Иброҳим вақф қилмади. Сўз маъниси уларга ўртди. Улар маънини англамадилар. «Улуғлари қилди» тею сандилар. «Анга — ўқ сўрунг сўзлаю эрса, айту бергай», теди. Фас'алхум ин кону йантиқуна. Айдилар: «Бу бутлар сўзламас, биз анга нетак сўралинг!» Иброҳим айди: «Булар сўзламас эрмиш не тею топунурсиз асигсиз нарсага». А фа таъбудуна мин дуни-лаҳи мо ло йанфаъукум шайъ ан ва ла йазуррукум. Билдиларким Иброҳимдин ўзга ким эрса қилмади. Иброҳимни қийнамоқға кенгаштилар. Иброҳимма пайгамбарлиқ ошкора қилди! Айди: «Бир тенгрига бутунг, бутға топунманг, мани тенгрининг расули тенг». Айдилар: «Бизни оталаримиз дининдин чиқариб азин дингаму кивурурсан?» Иброҳим айди: «Оталарингиз қамуғ ботил дин уза эрдилар, ман сизни кўни йўлга ундаюрман». Аймишлар ул рўзгорда қамуғ элларда очлиғ бўлди. Ошлиқ топулмади. Намруд қамуғ халқларга ошлиқ сотар эрди. Бир кун Иброҳим ошлиқ олғали Намрудга келди. Намруд айди: «Манга сажда қилгил, ошлиғ берайин», теди. Иброҳим айди: «Мен ул тенгрига сажда қилурманким, ўлукни тиргузур, тирикни ўлтурур», теди. Из қола Иброҳиму раббийа алази йўҳйи ва йумиту. Намруд айди: «Манма ўлукни тиргузурман, тирикни ўлтурурман», теди. Қола ана уҳйи ва умиту. Иброҳим айди: «Нетак тиргузурсан?» Намруд зиндондин икки ёзуқлуқни чиқарди. Бирини ўлтурди, бирини қўзди. Айди: «Ўш ўлукни тиргуздум, тирикни ўлтурдум», теди. Иброҳим билдиким кофир аҳмоқ турур. Айди: «Ёзуқлуғни измоғ, тиргузмак бўлмаз». Керак эрдиким, бу ўлтурганингни тиргузгил теса, аҳмоқ кофир бирла ҳужжатлашмакни хуш кўрмади. Бир сўз бирла тиндурмайин, теб айди: Манинг тенгрим ул турурким, кун саю кўкдаги кунни машриқдин туғурур. Сен бир кун мағрибдин туғурғил». Фа инна-ллоҳа йа'ти би аш-шамси мин ал-машриқи фа'ти биҳа мин ал-мағриби. Бу сўзни Намруд эшитти эрса мутаҳаййир бўлди. Фа бухита алази кафара. Иброҳимнинг муъжизаси ул турур. Тенгрига азза ва жалла охир замонда кунни мағрибдин туғурмағинча қиёмат бўлмағай. Иброҳимдин бу сўзлар эшитдилар телим кофирлар кўнглуга кирди, бу бутлар ботил турурлар, асиглари йўқ, Иброҳим кўни сўзлаю биз йўлсизларбиз, теб. Фа ражаъу ила анфусиҳим фа қола иннакум антуму аз-золимуна. Намруд алайҳил-лана ул бўзуннинг соқинчини билди эрса қўрқдиким, мандин тониб Иброҳим

таба эврулсалар теб. Муни тутунг, ўтга кўмишинг, тенгриларингга нусрат қилинг. Қолу ҳарриқуҳу вансуру алиҳатакум. Иброҳимни ўтга отғуға кенгаштилар. Намруд айди: «Иброҳим, манинг тенгримининг тамуғи бор. Ўт бирла қийнатур. Манма букун ўт бирла қийнатайин, ким қутғарур эрмиш кўрайин», теди. Қамуғ черикка тўрт ой ўтин йиғдурди. Қаю кўлукка юкласалар кўтурмади. Тевага юкладилар ётти, қўпмади. Эшкак, от қабул қилмадилар. Қачирға юкладилар қабул қилди. Иброҳим ани кўруб турур эрди қачирға лаънат қилди. Ул йўлдин уруғламас тедилар. Букун қачирға юк юкласалар урмагинча, сўкмагинча турмас. Тул қуртғаларга чиқир игиртиб, тунлар узутмадиз кундуз бозорда сотиб ўтун солур эрдилар. Намруд биздин хушнуд бўлсун, теб. Аймишлар, бир йиғочлик ер ўтун йиғдилар, теграсинга адимдин том ёптилар, тева бирла гугурд сувадилар. Анда кезин ўт ёқдилар. Икки йилдин бурун Иброҳимни оғир кишан бирла боғлаб эв ичинда тутар эрдилар. Ўн тун-кун ўт куйди, кучланди. Айдилар: «Бор Иброҳимни эмди ўтқа отинг». Ўтнинг адизлиги уларнинг қариси бирла йигирми қари эрди. Ўт келтуруб ёқған Иброҳимнинг отаси қариндоши Ҳозар эрди. Лут пайғамбар анинг ўғли эрди. Қарлуғоч тумшуғи бирла сув келтуруб ул ўтга қуяр эрди. Иброҳим айди: «Эй қарлуғоч, санинг тумшуқунгдаги сув бу ўтга нетак билгургай». Иброҳим анга эзгу дуо қилди. Калаз келиб ўтни урар эрди. Иброҳим анга лаънат қилди. Қирқ тун-кун куйди. Тўрт йиғоч ердан киши ёвумас бўлди. Қаю қуш ҳавода учса қанитлари куюб тушар эрди. Намруд бир манора қўборди темурдин бақирдин, анга оғди. Айдилар: «Иброҳимни нетак қилиб ўтга оталинг», теб ожиз бўлдилар. Шайтон келиб манжаниқ этмакни ўғратди. Андин бурун олам ичинда манжаниқ йўқ эрди. Иброҳимнинг илкин, азоқин етмиш ботмон темур бирла боғлаб манжаниқға урдилар. Айдилар: «Эй Иброҳим, қўрқмасмусен?» Иброҳим айди: *Ман ана фи қалбиҳи нару ал — ҳаққи фа кайфа йахофу мин нари ал-халқи*: Кимунг ичинда ҳақ ўти бўлса, халқ ўтиндин нетак қўрқар». Айдилар, улуғ ўт ёқуб нафт тақи гугурд бирла томларин сувадилар. Иброҳим айди: *«Ан-нару фи қалби ашағду мин нариқўм лианна фи қалби нару ал-мавла ва нарукум нару ағ-дунйа*: Манинг ичимдаги ўт сизинг ўтунгуздин иссиғроқ турур. Анинг учунким манинг ўтум мавло ўти турур, сенинг ўтунг дунё ўти турур». Яна айдилар: «Тенгрингдин қўлғил, сени қутғарсун». Айди: «Манинг нимани қутғарсун?» Айдилар: «Нафсунгни». Айди: «Нафс ёвуз ишлиқ, маъюб турур. Маъюб ўтга-ўқ яраюр». Айдилар: «Жонингни қўлғил». Айди: «Жон орият турур. Орият изасинга ёнар бўлур». Айдилар: «Кўнгрлунгни қўлғил». Айди: «Кўнгул тенгрининг турур. Тангри нетак тиласа андоғ қилғай», теди. Анда кезин манжаниқға урдилар. Неча телим халқ йиғилиб манжаниқни торта

билмадилар. Анинг учунким фаришталар келиб манжаниқни босиб турур эрдилар. Кофирлар фусус тариқин айдилар: «Эй Иброҳим, қанча борурсан?» Айди: «Яратган изимға борурман, манга йўл бергай». *Инни заҳибун ила рабби сайаҳдини.* Шайтон билдиким фаришталар манжаниқ босиб турурлар. Бир ариғ, пок киши бўлуб келди. Кофирларға айди: «Сиз мунн тутта билмассиз, аммо мунунг бир ҳийласида бор. Ёвуз бўлган хотунларни келтургу. Эранлар уларнинг бирла фоҳиша қилсалар анча манжаниқ кўпар», теди. Ул ишни қилдилр эрса фаришталар тарилди. Анда кезин манжаниқни тортиб Иброҳимни ҳавоға отдилар. САВОЛ: Шайтон манжаниқ қилмоқни қайдин билди? ЖАВОБ: Шайтон манжаниқни тамуғда кўрмиш эрди. Ёзуқлуғларни тамуғда чуқур ўтға отарлар. Ул чуқурнинг азоби етмиш йўли тамуғ азобиндин қатигроқ турур. Хабарда келур, Расул алайҳиссалом айди: «Манинг умматларимдин олти турлук кишиларни қиёмат кун тамуғ ичинда ул чуқурға солғайлар. Бириси, султонлар илакинда бу киши мундоғ йўллуғ турур теганни, иккинчи, ўгсуз бўлуб ўгсус молин эрклик бўлуб еганни. Учунчи, золимлар ишин битирганларни. Тўртунчи, оталар оналаринга ёмон тилин сўзлаганларни, бешинчи, муханнасларким, ариғсиз ишлар қилурлар. Олтинчи, тенгрилик йўлдин мол қазғаниб азин йўлда харж қилурлар». Наъузу биллаҳи мин залика.

Қачон Иброҳими ҳаводан кўмиштилр эрса айди: «*Хасбуна-ллоҳу ва ниъмаал-вакилу.* Фа ниъма ал-мавла ва ниъма ан-насиру. Етти қат кўк фаришталари қамуғ ун қўбордилар. Айдилар: «Илоҳий, бу кун ер юзинда сани бирлаган, борлаган ёлғуз Иброҳим турур. Ани тақиму ўтға отарсан? Изий, дўстларинг бирла муъомалатунг мундоғму турур?» *Хитоб келди:* «Эй фаришталар, сиз наззора қилиб турунғ. Бу ишда манинг сиррим бор, сиз билмазсиз».

Ул ҳолда Жаброил етиб келди. Ҳавода ўт тўшинда туруб айди: «*Йа Иброҳиму алака ҳажатун:* Ҳеч ҳожатинг борму?» **ФОЙДА.** Ҳожатим йўқ теса ҳожатсизман темак бўлур эрди. Қул ҳожатсиз бўлмас. Ҳожатим бор теса Жаброилга бор демак бўлғай эрди. ЖАВОБ айди: «Ва амма илайка фа ла; санга бори йўқ». Жаброил айди: «Манга ҳожатинг бўлмаса мавлоға бўлғай, қўлғил», теди. Иброҳим айди: *Хасби ан су'али илмуҳу биҳали:* «Эй Жаброил манинг тилагимга анинг билмаклиги етар, тиламак на ҳожат турур?» Иброҳим алайҳиссалом изи азза ва жаллаға кўнгул боғлади эрса хитоб келди: «Эй ўт совуғил, саломат турғил Иброҳим уза». *Йа нару кунн бардан ва саламан ала Иброҳима.* Уламолар аймишлар, раҳимаҳумуллоҳ «бардан» теб «саломан» темаса эрди ўт Иброҳимни совуқи бирла ҳалок қилғай эрди. Қиёматға теги ҳеч ким эрса ўтда пишган ошни кўрмағай эрди. *Маъниси* ул бўлур: Совуқ бўлғил, Иброҳим уза-ўқ турғил. Азинларға фойда. Муҳаққиқлар аймишлар, Иброҳим кўк-

синда изи муҳаббатининг ўти бор эрди. Ул ҳолда муҳаббат ўти тебращди, Намруд ўтини куюргали ўгради. *Хитоб келди*, Муҳаббат ўтинга совуғил, Иброҳим уза саломат турғил темаса на Намрудни кўяр эрди, на Намруднинг ўтини. Қамуғни куюрур эрди. Яна ёрлиг келди. *Йа Жибрилу адрик абди*. Жаброил борди, ужмоҳдин бир мусалло келтурди ўтнинг ўртасинда тўшади. Иброҳим ул мусалло уза ўлтурди. Ўт Иброҳимнинг боғларин куюрди. Иброҳим мусалло уза намозга тўруқди. Аймишлар, Намруд Ламканга айди: «Бу манора оғил, Иброҳимни кўргил, нетак куймиш, кул бўлмиш». Айди: «Эй малик, бу ўт ичинда қамуғ дунё тоғлари бўлса куйгай эрди, Иброҳимниму кўяр», теди. Анда кезин манорага оғиб яна айди: «Эй малик, учагу ўнгунда ўлтурурлар теграсинда йигирми шар тиким ёз чечаклари очилмиш, чашмалар оқа турур. Хурмо йиғочи унмиш». Ламкан манорадин иниб бу ҳолни Намрудга айту берди. Намруд тонглади ўзи манорага оғди, андагуҳ кўрди, айди: «Эй Иброҳим, сан ёлғуз эрдинг, булар кимлар турур». Мавло аззи ва жалла ёрлиғи бирла ўт тилга кирди. Айди: «Эй Намруд, бири манман. Суратимни эвурдум, Иброҳимга санинг аҳмақлиғинг узрин қўларман». Айтур: «Эй Иброҳим, ул ким эрсаки ким изди?» «Изи азза ва жалла кўзайур. Намруд анга не қилғу яроғи бор». Ани эшитиб қаттиғ кўрқди. Қазғулуғ бўлуб етти тун-кун ер титради, зилзила бўлди. Намруд билгаларни, ҳакимларни йиғдурди. «Бу не зилзила». теб сўрди. Айдилар: «Бу ўтнинг қизигиндин ер тебранур», тедилар, Намруд айди: «Ўтни сўндурдунг». Сув ташию бошладилар. Ўтга қуйдилар. Телим халойиқ Иброҳимни кўралиг теб келдилар. Мавло ёрлиғи бирла ел ул кулларни юзларинга урди. Ул халойиқ қамуғ ёндилар. Кеча бўлди эрса Иброҳим ўтдин чиқди. Эвга борди. Аймишлар, Намруднинг ўн икки минг анбори бор эрди. Тўрт минги қамуғ ун эрди, қизлиқ бўлса сотмоқ учун. Иброҳим дуо қилди. Ул вилоятлардақи қўллар, унғурлар ун тўлди. Иброҳим мунодий қилдурди, келинг, ун олинг теб. Қамуғ вилоятларда тўқлуқ бўлди. Намруд ошлиқинга боқгучи бўлмади. Бир кун Иброҳим Намрудга келди. Айди: «Эй Намруд, келгил, мусулмон бўлғил. Ла илаҳа иллаллоҳу ва иннака Иброҳиму расулу-ллоҳи, Намруд айди: «Замон бергил, кенгашайин». Замон берди. Намруд кенгашти. «Ман Иброҳим бирла ярашурман, сиз не теюрсиз?» Иноғлари, беклари соқиндилар. «Агар Иброҳим бирла ярашса, Иброҳим анинг уза эрклик бўлғай, бизнинг иззатимиз, ҳурматимиз қолмағай, Иброҳимга қул бўлғаймиз», тедилар. Намрудга сўзладилар: «Мунча йилдин беру тенгриман тединг, эмди қулманму, теюрсан. Иброҳимга қулму бўлурсан, бизларни анга қулму қилурсан», тедилар. Намруд айди: «Ул нарсаким ман андин кўрдум, улуғ ишлар турур, анинг тенгриси бирла ярашмоқ керак», теди. Айди: «Ани ўт налук

куюрмади билмасмусан? Анинг учунким бизнинг оталаримиз ўтқа топинур эрдилар, улма бизнинг уругумиз турур. Ўт бизни тақи бизнинг уругимизни куюрмас», теги. Бу қисса ичинда фойдалар бор. Ул фойда бу турур: қачир ўтун кетурди уруғи кесилди. Сичак чўп ташиди-қамуғ ўғлонлар ани тутуб юнгин юлуб ўтға сўклуб еюрлар. Калаз ўтни урди, булған ерда ўлтурурлар. Қарлуғоч сув ташиди омон бўлди. Уларнинг ўти бирла Намруд ўти ўтмади, аммо душманлик билгуртдилар. Қарлуғоч суви бирла ўт ўчмади, аммо дўстлик билгуртди. Қиёматға теги эзгу оти қолди. Эзгулук янут бўлди. Яна Намруд Ҳозарға келиб айди: «Биз нетак қилиб Иброҳимдин қуртулалинг?» Ҳозар халқни йиғиб айди: «Бу тун қотланғил, бир чуқур қазалинг. Ул чуқур ичинда тутун қилалинг? Тутунг одийни ҳалок қилур», теги. Намруд: «Ўш мол неча керак эрса олғил, бу ишни сен биткаргил». Ҳозар халқни йиғиб ул ўт ёққан ерда чуқур қазиди. Теринг, туби тор, оғзи кенг. Ани сомон бирла, аригсиз нарса бирла тўлтурди. Қамуғ халқ наззораға турдилар. Ҳозар ўт келтурди, ул сомонга кўмишди. Мавло ёрлиги бирла ел келди. Ул ўтдин бир кесакни кетурди Ҳозарнинг бошинға солди. Ҳозар йиқилди, куя бошлади. Халқ айди: «Эй Ҳозар, ўт бизни куйдурмас, темасму эрдинг?» Ҳозар ҳеч сўзлаю билмади. Ул соатда-ўқ куйди, кул бўлди. Яна ел борди. Намруд ёққан ўтдин кул келтурди.

Ул халойиқнинг тақи ўтун ташиғанларнинг кўзинга тикти. Қамуғ қарағу бўлдилар. Иброҳим саломат қолди. Боқий қолғанлар қочдилар. Анчада Сора разияллоҳу анҳо Иброҳим қотиға келди. Сора Ҳозар қизи эрди. Баъзилар аймишлар, Намруд қотинда бир улуг бекнинг қизи эрди. Сора айди: «Эй Иброҳим, санинг тенгринг яvloқ кучлук турур, манима безорлагаймۇ». Айди: «Санима эзгу йўлға кўндургай, ўрнунгни ужмоҳда қилгай». Сора яvloқ кўрклук эрди, айди: «Эй Иброҳим, ман ул шарт бирла мусулмон бўлурманким, мани олсанг». Иброҳим айди: «Манинг молим йўқким, санга қалинг берсам». Сора айди: «Манинг қалиним ул турур. Ман шариятда бор жумла ишларда не тесам сан ани қилгил». Иброҳим қабул қилди. Сорани қўлди. Тақи бир ривоятда келмиш, Намруд манорадин Иброҳимни кўрди, ўт ичинда чечаклар очилмиш. Ўт қизил чечак бўлмиш яшил, сариғ. Ўт ўртасинда йул чиқмиш, хурмо йиғочи унмиш. Намруд айди: «Эй Иброҳим, ўт сани куюрмасму?» Айди: «Йўқ». Яна айди: «Бу ўтни санинг уза ким совутди?» Айди: «Ул ким эрсаким ўтға кивурди». Намруд айди: «Ема яхши тенгри турур санинг тенгринг», теб мусулмон бўлғуға кўнгулсинди. Қотиндақилар унамадилар. Анда кезин тутун бирла ҳалок қилалинг, теюштилар. Лут алайҳис — салом келиб Иброҳимға хабер қилди, кенддин тунда қаронғуда қочиб чиқдилар. Намруд йўлда соқчилар қўзуб турур эрди. Иброний тиллик ким эрса йўлуқса тутунг, теб. Ул тунла қамуғ тиллар мавло

қудрати бирла булғашди, тиллар айнади. Аймишлар, етмиш ики турлук тил бўлди. Ўн секиз тил Ҳом уруғи ҳиндулар олдилар, ўн секиз Сом уруғи араб ва ажам олдилар. Ўтуз олти тил Ёфас уруғи турклар олдилар. Иброҳим бирла Лут йўл соқчилариндин ўттилар. Кечарда сўрдилар: «Кимлар-сиз», теб. Айдилар: «Биз Иброҳим тақи Лут икағумиз». Анлар ўфкаладилар. «Уларни сақлаб турурмиз, сиз бизни фусус тутиб Иброҳим, Лут теюрсиз» тедилар. Мавло таоло улардин сақлади. Азин вилоятга бориб ўрнадилар. Қачон Намруднинг ўфкаси учди эрса мавлодин ёрлиғ бўлди: Эй Иброҳим, борғил Намрудни имонга ундагил. Иброҳим Намрудга келди, айди: «Эй Намруд, бутга тобунмағил, имон келтургил. Мавлони бир тегил, мани анинг ялавочи билгил». Намруд андин айди: «Мандин азин тенгриму бор?» Айди: «Бор». «Ул ким?» «Сени яратди, санга мулк берди, ер, кўк тенгриси ул турур». Айди: «Эмдига теги тенг эрдим. Санчишғай эрдим. Тенгри бирла санчишайин», теб яроғ қилу бошлади.

НАМРУДНИНГ КҶККА ОҒҒАН СЎЗЛАРИ

Қора қушлар болаларин эктуладилар. Улғарди эрса кезин бир сандуқ йўндурди, икки қапуғлуқ-бири устун, бири остин. Секиз азоқлиғ тўрти устун, тўрти остин. Устунги азоқларинга қора қушларни боғлатди. Ўзи ёриқи, яшиқи бирла ўқ олиб бир иноғи бирла сандуққа кирди. Қушлар устун этни кўрдилар эрса ани олғали учтилар, сандуқни ҳавога кўтардилар. Бир тун-кун бордилар. Намруд айди: «Устун қапуғни очғил на кўрарсан». Очти, айди: «Бояқидек кўрарман». Айди: «Остин қапуғини очғил на кўрарсан?» Очти, айди: «Ер юзини қамуғ кесак кўрарман». Яна бир кун-тун бордилар. Айди: «Устун қапуғни очғил не кўрарсан?» Очти, айди: «Ер кўк нетак кўрунса андағуқ кўрунур», теди. Тақи керак, теб яна бир тун-кун бордилар. Устун қапуғни очтурди. «На кўрунур?» теса, «Қамуғ бус кўрунур», теди. «Азин борса кўрунмас», теди. Остун қапуқни очтурди. «Не кўрунур?» теса, «Ема бус кўрунур», теди. Намруд айди: «Эмди тегдимиз». Ўқин олиб отти. Ёрлиғ бўлди Жаброилга, ўқин олиб балиқга санчиб, қонға булғаб сандуқга сола берғил. Анинг учун балиқ бўғузланмас темишлар. Тақи ҳавода бир қуш бор эрди. Анда-ўқ ўқни анинг қонинга булғаб солди. Баъзилар аймишлар, ўқ инди, Намруд табасинга тегди. Қонға булғанди. Ани қўлдошиндин яшурди. Кўк тенгрисини ўлтурдим теб устун этларни остин боғлади. Инардa сандуқ ичинга ел кирди қаттиғ ун қилди. Қамуғ халойиқ ул ундин кўрқдилар, нетакким мавло ёрлиқади. *Қағ мақару макрахум ва инда-*

лоҳи макруҳум. Айдилар: «Кўк тенгрисини ўлтурдумиз», тедилар. Аймишлар, Намруднинг қавминда юз минг эр ўврулуб Иброҳим ялавочга кўнгуллуқ эрдилар. Намруд келиб кўк тенгрисин ўлтурдум теб қонлиғ ўқни кўргузса ул сўзни қўнига тутуб яна кофир бўлдилар. *Йузиллу ман йаша'у ва йаҳди ман йаша'у*. Иброҳимга ёрлиғ бўлди: «Борғил, Намрудга айғил, санчишур кўнгуллуқ бор эрса черик анутқил», теб. Иброҳим келиб ёрлиғ тегурди. Намруд элларинга киши изди. Черик йиғилди сони-сақиши йўқ. Қамуғи бошдин азоқга теги темур қоғлиғ. Мавло азза ва жалладин чибин черикинга ёрлиғ бўлди. Камуғ чибинлар чиқиб келдилар, онча тенгликким, куннинг юзуни тутдилар. Намруд черикинга ёбушдилар. Ул силоҳларин, тўнларин, отларин сўнгукларин тамом тугату едилар, кес-кес қилдилар. Намруд лаъин қочди. Саройга кирди. Саройнинг адизлиғи беш юз қари эди. Томининг теграси уч минг беш юз қари эрди. Анга кирди, қапуғларин беркитди, тунгукларин тикди. Ўзи тани чиқғуға бир тишук қўзди. Мавло таоло бир заиф сингар азоқли, сингар қанитлиғ, сингар кўзлук ахсоқ чибинга илҳом берди. Ул тешукдин кириб келди. Намруднинг янғоқинга кўнди. Янғоқиндин сўрди, оғзи теграсидин учар бўлуб бурнунга кирди, минисинга тегди. Минисин ею бошлади. Қирқ тун-кун еди. Каъбул Аҳбор ривоятинча, мавло таоло Намруд лаъинга тўрт юз йил мулк берди. Анда кезин бурнинга кирди, яна тўрт юз йил анда турди. Ким қотинга кирса тўқ қилиб ани урдурур эрди. Анинг бирла тинмаса юмруқ била урдурур эрди. Энгсалаю бошладилар.

Ҳикмат. Намруд ул қинлар анинг учун эрди, ким тўрт юз йил тенгрилик даъво қилди. Халқларга сажда қилдурди. Қамуғ халойиқга маълум бўлсинким, мунча тенглик, юмруқлар энгсаларинга еган ким эрса тенгриликга нетак яраюр теб. Анинг бирла оғриғи тинмади. Тўпузлар уру бошладилар. Заиф бўлди, оғриғи тақи ортди. Эли куни эмгакка тушдилар. Бир улуг иноғига тўпуз уруғи қизиқи келди. Айди: «Ман ёрин бораин, қамуғни қутқарайин», теди. Тонгласи кун бориб тўлуз бирла урурда илкин устунрак кўтурди, қаттиғ урди. Намруднинг боши ёрилди. Ул чибин кўгарчкун чоқлиғ бўлмиш эрди, учуб чиқди. Жаброил алайҳис — салом қанит бирла ул саройни кўтуруб ерга чалди, остини устун бўлди. *Фа ата-лоҳу бунйанаҳум мин ал-қаваъиди фа харра алайҳим ас-сақфу*. Намруд тамуғга уланди. Яна бир Зул-арш отлиғ малик анинг ўрнунда ўлтурди.

ҚИССАИ ИБРОҲИМ АЛАЙҲИС-САЛОМ МАА ЗУЛ-АРШ АЛ-МАЛИК

Иброҳим алайҳис-салом Намруднунг қамуғ анборларин олтун-кумушларин, мол-товарларин дарвишларға садқа берди. Ул вилоятдин кетдилар. Иброҳим эрди тақи лут эрди, Сора тақи икки мусулмон бирга эрдилар. Иброҳим алайҳис-салом муножот қилди, айди: «Илоҳий қанча борайин?» Ёрлиғ бўлди: «Қаю сингар кўнглунг тиласа борғил». Бу Зул-арш малик йигит эрди, хотунларға явлоқ рағбатлиғ. Қайда бир жамоллиғ хотун бўлса ўзунга келтурур эрди. Бу Зул-арш ибн Садук ал-Ҳамирий йўлда соқчилар қўзуб ўнда бирисин олур эрди. Ўн беш киши Иброҳимға йўлуқдилар ушр қўлдилар. Иброҳим айди: «Бизда ушру қўлғутақ мол йўқ. Ўғлонларимиз бор, неча тиласанг олғил». Ўғлонларин санадилар тўқуз чиқди, айдилар: «Ўн бўлса бирин олғай эрдимиз. Бу тўқуздин бизға нарсаси тегмас аммо бу сандук ичинда на бор кўралинг», тедилар. Сандукда Сора бор эрди. Хабарда келмиш Расулдин, алайҳис-салом. *Ар'расад шарру халифатин (фи ал-арзи)* маънисини ул бўлур: тенгри азза ва жалла яратмиш нарсаларда йўл сақлаб нарсаси олғанлардин ёвузроқ йўқ. Неча жаҳд қилдилар бўлмадилар. Сандукни очдилар. Сорани кўрдилар, явлоқ кўрклук. Айдилар: «Бизнинг маликимиз мундоғларни тилаюр, сан мунини қанча қочуруб борурсан», теб Иброҳимни кендга кивуруб тушурдилар. Маликка бориб сўзин айдилар. Малик Сорани кўрмадин эшитмак бирла кўнгуллуқ бўлди. Ҳожибқа айди: «Тарк ул эрни манга кетургил», теб айди. Ҳожиб борди, Иброҳимни маликка олиб келди. Малик Иброҳимни кўрди, кўрклук, жамоллуғ. Оғирлади, ёнинда ўрун берди, «Отинг на?» теб сўрди. Айди: «Отим Абдуллоҳ», тебди. Малик айди: «Сандук ичинда на бор?» Иброҳим кўрқти. Манинг эвлугум тесам анга тамаълиғ бўлур, мани ўлтургайлар теб, манинг қариндошим турур, тебди. Ул маъни уза айдиким мўмин мўминнинг қариндоши бўлур. *Иннама ал-му'минунна ихватун*. Малик айди: «Эй Абдуллоҳ, бу кун ман Миср маликиман, молим, товарим телым. Қариндошингни манга берсанг», тебди. «Сени мулк ичинда ўртоқ қилурман», тебди. Иброҳим қазғулғ бўлди. Бошини қузи кўмишди. Малик айди: «Эй Абдуллоҳ, налуқ сўзламассан?» Айди: «Манинг қариндошим болиға турур. Дастур андин қўлмоқ керак». Малик айди: «Сан борғил дастур қўлғил». Иброҳим қўбти, қазғулғ бўлуб Сораға келди. Сора айди: «На бўлди санга, қазғулғсан», теса бу сўзларни қамуғ айту берди. Сора йиғлаю бошлади, айди: «Эй Иброҳим, налуқ сўзни сўзламадинг, ўзунгни, манима балоға солдинг». Анча сўзлашгинча малик ошуқуб икки юз эр бирла ҳожибни изди. «Борғил ул эрни сингли бирла манга келтургил», теб. Иброҳимни Сора бирла

келтуртди. Сора бошинга каттон чодир ўртунуб кирди. Малик Иброҳимга тахт уза ўрун берди. Сора ема Иброҳим қатинда ўлтурди. Малик айди: «Эй Абдуллоҳ, манинг молим, мулқумнинг ниҳояти йўқ, ёрдисини санга берайин», теди. «Қариндошингни манга бергил», теди. Иброҳим айди: «Манинг қариндошим ўлтуруб турур, сўзласун», теди. Малик Сорага айди: «Манинг минг қорабошим бор, султон уруғи турурлар. Қамугин санга берайин тақи акангга топуғ қилсунлар, сан манга бўлгил», теди. Сора йиғлади, ҳеч сўзламади. Маликнинг ўфкаси келди, айди: «Эй Абдуллоҳ, сандин уялиб сўзламас», теб Иброҳимнунг илкин тутуб чиқарди. Бир том тубинда ўлтуртдилар. Иброҳим явлоқ кўнчилик кўнгли Сорага машғул бўлди эрса, Жаброил келди қанити бирла Иброҳимни Сорани азоқиларин кетарди. Иброҳим Сорани кўрди, кўнгли тўланди. Малик Сорага неча сўзласа жавоб бермади, илкани юзига ўртуб йиғлар эрди. Маликнинг сабри қолмади. Кўбти, Сора қатинга келди, юзин теб илик сунди. Иброҳим айди: «Илоҳий қудратингни бу кофирга кўргузгил», теб. Маликнинг икки илки бўйунга теги қуруди. Малик айди: «Эй Сора, дуо қилгил иликларим ўнгалсун, ман санга дастур берайин», теди. Сора дуо қилди, икки илки ўнгалди. Яна қасд қилди икки илки қуруди. Яна дуо қилди эрса яна ўнгалди. Уч йўли қуруди. Ер тебради, зилзила қўпди. Малик айди: «Бу на бало турурким, сандин манга тегди». Сора айди: «Мендин эрмаз, сани кофирлиқингдин, тақи куч тегурганингдин турур». Малик айди: «Ман санга куч тегурмадим». Сора айди: «Манга куч қилмадинг, вале тангри ялавочига куч қилдинг». Малик айди: «Қаю ялавочга куч тегурдум?» Сора айди: «Иброҳим ялавочга куч тегурдунгим, Намруд анинг илкинда ҳалок бўлди». Малик айди: «Ман Иброҳимни ҳаргиз кўрмишим йўқ, не-так куч тегурдум», теди. Сора айди: «Бу Иброҳим манинг эрим турур, мани андин азирдинг, санга бу бало, эмгак ул сабабдин тегди». Малик айди: «Бу эмгак санга, тақи манга андин тегдиким, сани қариндошим теди, хотунум теса қатилмаз эрдим», теди, Сора айди: «Саннинг зулмунг, кучунг, кофирлиқинг сабабидин айту билмади. Эвлугум теса ани ўлтургай эрдунг». Малик айди: «Ман ҳеч ким эрсадин куч бирла нарса олмишим йўқ». Ҳожибга айди: «Боргил, ул эрни келтургил». Иброҳимни келтурди эрса малик қўпди, Иброҳимнинг азоқинга тушди, айди: «Сан ул Иброҳиммусанким, Намруд анинг илкинда ҳалок бўлди?» Иброҳим айди: «Манман». Малик айди: «Тенгрингни сифат қилгил». Иброҳим айди: «Манинг тенгрим етти қат кўкни, етти қат ерни яратган, мунтаҳийдин устун азамати, сародин остин қудрати бор. Улаш бор эрди. Улаш бўлғуси эши, қўлдоши, тенги-тўши, ўртоқи йўқ. Ким эрсадин туғмади, ким эрса андин туғмади. Махлуқга менгзмаз. Не тиласа қилди, тақи не тиласа қилур. Тирикни

ўлтурур. Ўлукни тиргузур. Ўзи ўлмаз. Қамуғ анинг қудратинда турур, қамуғ нарсага мавло турур». *Йухйи ва йумиту ва ҳува ҳаййун ло йамуту би йадиҳи алхайру ва ҳува ала кулли шай'ин қодирун.* Зул-арш айди: «Етмиш йил бўлди ман Зухра юлдузга топунурман. Авлоси бу соқинчадан. Бу адиз кўкни тиргуксиз тутар, яғиз ерни сув уза сақлаб, юлдузларни ким тушурур, ким ботурур, кундузни ким ийлатур, тунни ким келтурур. Бу ишларини қамуғ санинг тенгринг қилур эрмиш. Манинг илким, бўйнуи қуриди, нетак қилайин», теди. Жаброил келди, ёрлиғ тегурди: Зул-арш айғил қамуғ молин товарин, олтуни, кумушин санга берсун. Ман илкин ўнгалтайин, теди. Иброҳим алайҳис-салом мавло ёрлуғин тегурди эрса Зул-аршининг Ҳожар отлиғ қорабоши бор эрди. Мағриб маликининг қизи эрди. Солиҳ ялавочнинг уруғиндин эрди. Анинг отасин ўлтуруб ани булун келтирмиш эрди. Қамуғ қорабошларга ани эрклик қилмиш эрди. Молин, товарин, хазина калидларин Иброҳимга бергил. Қамуғин берди. Иброҳим дуо қилди, Маликнинг илки тақи бўйни ўзақитак саломат бўлди. Зул-арш дарҳол имон келтурди.

Ашҳаду ан ла илаҳа илла-ллоҳу ва ашҳаду аннака Иброҳиму расулуллоҳи, теб мусулмон бўлди. Иброҳим айди: «Эй малик, бу молким манга бердинг, ман қабул қилдим яна санга бағишладим», теб. Ҳожар қамуғин олиб берди. Иброҳим етти кун малик Ҳаззон элинда турди. Имон ва ислом ўгратди. Сакизинч кун Жаброил келди, ёрлиғ тегурди: «Эй Иброҳим мавло ёрлиқар, бу ер санинг эрмаз мундин кетгил» теб. «Манга фармон келди», теб маликка хабар айди. Малик айди: «Манинг бирла турғил. Миср подшоҳлиқини санга берайин, тақи санга қул бўлайин». Иброҳим айди: «Манга дунё мулки керакмаз». Малик Ҳожарга айди: «Ҳазинадин бир тож бирла бир олтун қур тақи юз минг олтун келтургил». Келтурдилар. Иброҳим ўнгинда қўзди. Айди: «Қабул қилғил». Жаброил келди айди: «Қабул қилғил». Яна юз минг тева, юз минг от, юз минг уй, юз минг инак, юз минг қўй, тўрт юз қарабош. Қамуғи олтун бирла қоплоғлиғ берди. Малик айди: «Эй Сора, бу тож Мисрнинг етти йиллиқ хирожи турур. Бу санга лойиқ турур». Жаброил келди. Иброҳимга айди: «Сорага айғил қабул қилсин». Малик айди: «Бу тўрт юз қарабош қамуғ маликлар қизи турур, санга бердим қабул қилғил». Сора айди: «Кэнду мавло азза ва жалланинг бир заиф кунги турурман. Яна қарабош манга нега керак, аммо ёлғуз Ҳожарни манга бергил». Малик буюрди, ўн минг олтун тақи минг қўй, икки юз тева, икки юз уй келтурди. Ҳожар бирла қамуғини Сорага бердилар. Жаброил келди, айди: «Эй Иброҳим, Сорага айғил қабул қилсун». Сора қабул қилди. Анда кезин Иброҳим алайҳис-салом мол товарларни олиб Сора бирла Ахзон вилоятинга бордилар. Қаю ерда тушсалар бир йиғочлиқ йил-

қи қора тутар эрди. Иброҳим урдун еринга келди. Олти минг қора кўрди, қамуғи йилқи қоралиғлар. Иброҳим Лутға айди: «Мунда тушгил». Тушди. Қора эв тикди. Иброҳим бир қузуғ қаздурди. Тотлиғ сув чиқди. Ул кишилар айдилар: «Бу эр телим йилқи қора бирла бизнинг ўтлогимизни қувартур, муни чиқаралинг. Бу қузуғ бизга қолсун». Мундоғ сўзлашурда Зул-арш малик черики бирла Мисрға борур бўлуб ул ерга тушди эрса, уч киши бориб Иброҳимни маликка келтурдилар. Малик Иброҳимни кўрди эрса ура қўпди. Тахтдин иниб ўтру борғали ўгради эрса Иброҳим айди: «Ўлтургил», теб илики бирла ишорат қилди. Малик ўлтурди. Ул кишилар юкунуб маликка айдилар: «Тун-кун йилқи қораси бирла келиб ўтлогимизни, сувлогимизни қувартур, мундин чиқсун», тедилар. Малик айди: «Сен не теюрсан?» Иброҳим айди: «Ман ғарибни кетгил теса кетайин», теди. Малик айди: «Сизнинг аро ман бир ҳукм қилсам бўлғайму?» «Бўлғай», тедилар. Малик айди: «Сиз ўн қўй келтурунг тедилар, пишурунг биз егалин. Иброҳимма ўн қўй келтурсун, пишурсун. Анима егалинг қажонгузнунг оши бирла тўярмиз, кўралинг, ўлган қўйларни тиргузунг. Ким тургузса бу ер сув анга бўлсун». Ул кишилар бу сўзга қазғулуғ бўлдилар. Ўни оруқ қўй келтуруб бўғузладилар. Ош қилиб эвга кивурдилар. Малик черики бирла ани едилар. Текма биринга бир кесак эт тегди. Анда кезин Иброҳим ўз ошин келтурди. Уч минг эр ани едилар. Қамуғ тўйдилар. Ул қўй оши андагуқ қолди. Иброҳим қўпди. Қўйларнинг терисини уларға-ўқ кўмишти. Дуо қилди, қамуғ қўйлар тирилди. Малик ер, сувни Иброҳимқа ҳукм қилди ўзи узр қўлуб отланди. Иброҳим анда қолди. Ул кишилар Иброҳимға ҳасад қилиб бир тунда ўлук итни келтуруб қузуғға солдилар. Иброҳим Лутқа айди: «Кеталинг». Иброҳимнинг ўн икки сурук қўйи бор эрди. Текма бир сурукда бир олтун тублуғ ити бор эрди. Муқаддаса еринга тўрт йиғочлиғ ер бор эрди. Анда бориб ўрнадилар. Бир кун Иброҳимға Сора айди: «Ман қаридим, санга хизмат қилғу кучум қолмади. Манинг учун телим эмгаклар кўрдунг. Бу Ҳожарни санга бағишладим, санга бўлсун», теди. Аймишлар, Ҳожар оти анинг учун берилдиким, Сора айди: «Манинг учун кўп эмгандинг муни олғил, санга янут бўлсин», теб. Араб тилинча «Ҳо ужрака» теди, Ҳожар атанди. Сора Ҳожарни Иброҳимға берди. Ҳожар Солиҳ ялавоч уруғиндин эрди.

ҚИССАИ ИСМОИЛ АЛАЙҲИС-САЛОМ

Ул йа абати ифъал ма ту'мару сатажигуни ин ша'а-ллоҳу мин ассобирина, теб ёрлиғға бўюнсунган, Ва фадайнаҳу биз биҳин азимин хилъатин кийган, Иннаҳу каана содиқа ал-ваъди ва каана расулан набиъан зикри бирла маъруф

бўлган, мавло ёрлиқинга инқиёд қилиб азиз жондин кечиб ўзини қурбон қилган Иброҳим алайҳис-салом. Софий Исмоил ялавоч кўнгли тўлуғ қад сафо.

Содиқ ул-ваъд атанибон ваъдасин қилди вафо,
Тепти ерга икки азоқин, топти ерда бир қузуғ,
Булди замзамнинг сувини, бўлди иллатга шифо.
Каъбанинг тошин ташиб қурбон қилган ул Забиҳ,
Теграсинда тоғ тануқлар Марва эрди ҳам Сафо.
Халқ аро ортуқ бағирсоқ эрди мавлоға мутӣ,
Ўзгаларга вофий эркан, ўзига тегди жафо.
Туғмадуқ эрди онадин туғди ёлғуз бир ўғул.
Туғмади андин ялавоч ёлғуз эрди Мустафо.

Сора разияллоҳу анҳо тўқсон яшамиш эрди. Ўғул-қизи бўлмади. Иброҳим алинда Муҳаммад Мустафонинг нури бор эрди. Сораға ваъда қилмиш эрди: «Бу нур сандин бўлган ўғлонга теггай», теб. Қачон Иброҳим Ҳожарға қовушти эрса ул нур Ҳожар раҳминга борди. Сора кўрди ул нур Иброҳимдин кетмиш. Ўфкаси келди. Ул нурдин умидсиз қолмишинга қаттиғ кунилаб Иброҳимнинг яқосин тутди. Эрнинг яқосин энг илк Сора тутди. Одамдин то ғоят ҳеч зиллат тутмиш йўқ эрди. Жаброил келди, айди: «Эй Иброҳим, Сораға айғил сабр қилсун». Сора айди: «Нетак сабр қилайин, сексон йил бўлди мени бу умид уза тутар эрдинг. Бу кун ул ваъданг манинг қорабошимга тегди». Иброҳимнинг Сора бирла тириклиги инади. Сора онт ичти, Ҳожарнинг уч андомини маъюб қилгайман, теб. Бир кун, Ҳожар инак соғарда келиб Ҳожарнинг бурнин, қулоқин кескали ўгради эрса Ҳожар фарёд қилди. Жаброил келди Иброҳимқа айди: «Айғил Сора Ҳожарға куч қилмасун. Тенгри азза ва жалла куч қилганларини севмаз». Сора айди: «Нетак қилайин мен уч нарсасин кесгайман теб онт ичибман». Жаброил айди: «Айғил Сораға икки қулоқин тилсун тақи уят андомини хатна қилсун, тақи ондин чиқсун». Сора икки қулоқин тилмади, маъюб бўлгай теб, хатна қилди, эрга ярамағай, теб. Жаброилға ёрлиғ бўлди. Учмоғдин икки олтуң исирға келтурди. Ҳожарнинг қулоғинга суқди. Кўрки ортуқроқ бўлди. Хатна қилди эрса эрга тақи севуқрак бўлди. Авратларға хатна қилмоқ Ҳожардин қолди.

Баъзи ривоятларда келмиш, Исмоил Ҳожардин мундағуқ туғди. Яна азин ривоятда андоғ келурким, қачон Ҳожарнинг ойи-куни ёвушди эрса Сора азин сабр қилумади. Иброҳимқа айди: «Ҳожарни мундин кетаргил, мен кўрмайин», теди. Жаброил келди. «Кетаргил», теди. Иброҳим икки тева келтурди. Биринга Ҳожарни мундурди, бирини ўзи мунди. Тебрадилар. Сора Иброҳимқа андоғ айди: «Манинг кабиним ул турур, уч иш қилгил. Бир улким Ҳожарни

эл йўқ, киши йўқ ерда кўзгил, иккинчи, тевадин инмагил, учунчи, кеча қўнмагил». Бу уч ишга онт берди. Иброҳим онт ичти. Муқаддаса ериндин чиқди. Муқаддасадин Маккага теги бир ойлиғ ер турур. Мавло таоло ернинг тамурин тортдурди. Бир кунда етдилар. Кишисиз ўт, сувсиз ерда кўзди. Нетакким мавло таоло ёрлиқар. *Раббана инни асканту мин зурриййати бивадин ғайри зи заръин инда байтика ал-муҳаррам*. Ончада Макка йўқ эрди. Байт ул-маъмур бор эрди. Иброҳим Ҳожарни кўзуб ёнди. Бир анча озук, ичку сув кўзуб кетди. Қач кунда кезин Ҳожар ўғул топди, ой, кундин кўрклукрак. Мустафонинг нури элнинда. Ҳожарнинг суви туганди. Ўғулни қўндақлаб тикиб кўзди. Сафо тоғиндин ун эшитди. «Ўш сув», теб, Марва тоғиндин ун эшитди, «ўш сув», теб. Анда борди сув кўрмади, мунда келди сув кўрмади. Етти йўли мундоғ ун келди. Сафодин Марваға, Марвадин Сафоға югурди, сув булмади, ожиз бўлди. Ул югурмак бу кун ҳожиларга суннат қолди. Ул ҳолда Ҳожар тенгриға Исмаъ йа илу тею муножот қилди. Ил сурёний тилинча тенгрининг оти турур. «Изиё эшитгил», темак бўлур. Ул йўлдин Исмоил от берилди. Исмоил йиғлаюр турур эрди. Унин эшитди, етиб келди. Кўрар, Исмоил эврлуб юзин тушмиш. Икки азоқин ерга тепар. Тепган ерда Жаброил қанити бирла уруб ерни ўнгди, сув чиқарди. Бу кун Замзам қузуғи ул турур. Ул сув оқиб чиқар эрди. Ҳожар келиб сув оқарин кўруб севунмишда сув туганмасун теб тош, қумни теграсинға йиғди. Ул кун Ҳожар сув йиғмаса эрди бу кун Маккада бир ариқ сув бўлғай эрди. Исмоил баракотинда бир кун муътафикот ериндин Бану Жарҳам отлиғ арқиш Шом вилоятинга Макка ериндин кечар бўлдилар. Учар, югурур қурт, қушлар кўрдилар эрса из изару бордилар. Исмоилни кўрдилар, явлоқ кўрклук онаси бирла ўлтурур. Тақи сув кўрдилар. Ҳожарға сўрдилар: «Бу қузуғ кимунг турур?» «Бу ўғлоннинг турур». «Ўғлон кимунг турур?» Айди: «Иброҳимнинг». Айдилар: «Иброҳим ким бўлур?» Айди: «Улким Намруд анинг илкинда ҳалок бўлди». Булар бири биринга айдилар: «Бизнинг ер, юртимиз яроғсиз, кишиларимиз ариғсиз турур. Кўчуб бу ерга келалинг», темишлар. Ҳожарға айдилар: «Сен мунда ёлғузсан, Исмоилма ёлғуз турур, тиласанг биз мунда келалинг». «Йил саю йилқи қорадин, мол товардин ўнда бири бу ўғлонға бералинг», тедилар. Ҳожарма қабул қилди. Бу сўзга чакки битик қилдилар. Анда кезин эвларин, элларин кўчуруб келдилар. Маликларининг оти Ханифа ибн Суманда ал-Хуҳумий эрди. Уч минг беш юз эвлук киши келиб Маккада ўрнадилар. Эв бино қилдилар, бозор қўпордилар. Йил туганди эрса мол товарнинг ўнда бирин чиқардилар. Ики минг қўй, уч минг тева, етти минг уй бўлди. Қамугин Исмоилға бердилар. Йил саю мундоғ қилур эрдилар. Исмоилнинг йилқи қораси укуш бўлди. Йигирма бир яшади эрса Аммора отлиғ қиз бердилар.

Бир кун Исмоил овға бормиш эрди. Иброҳим Исмоилни кўра келди. Сора Иброҳимға онт берди тевадин инмагил теб. Иброҳим келиб Исмоилнинг эвин сўрди, айту бердилар. Қапуғинга келди ундади. Келин ўлтурур. «Исмоил қайда?» теса «Овға борди», теди. «Қачон келур», теса «Нима кўб сўзлук киши эрмасму», теди. Иброҳим айди: «Исмоил келса мундоғ сифатлиғ киши келмиш эрди санга салом айди тегил. Тақи қапуғунг эшиги яроғсиз турур, азин эшик урсун теди тегайсан», теб борди. Исмоил келмишда бу сўзларни айту берди. Исмоил айди: «Ул отам турур, сан ани оғирламамишсан. Эвунг эшигин кетаргил тедиги сени аймиш. Эмди сан манга ҳожат эрмасан», теб талоқ берди. Бир йилда кезин бану Харим улуғининг қизи Саййида бинт Массос ал-Хурхумий қизини қўлди. Исмоил ғоят овға ўч эрди. Яна овға чиқмишда Иброҳим келди яна Саййидаға сўрди. «Овға борур», теди. «Келгинча тушунг ош бўғуз қилайин», теди. Иброҳим айди: «Манинг ондим бор, туша билмазман» теди. «Пишиғ ош борму», теса оқ тева арёни чиқару берди. Иброҳим ичди, тақи айди: «Тенгри йилқи қораларингизға баракот берсун», теб дуо қилди. Ул вилоятда тева телим бўлур. Расул ёрлиқади: ул кун Исмоил эвлуки этмак бермиш бўлса эрди, Иброҳим дуоси баракотинда бу кун Маккада ошлиқ учуз бўлғай эрди. Яна айди: «Тевадин тушунг соч сақолингизни юву берайин», теди. Иброҳим айди: «Тевадин иниб бўлмас онт ичибман», теди. Ул ерда бир улуғ тош бор эрди. Айди: «Сингар азоқингизни бу тош уза қўзунг, соч сақолингизни ювайин» теди. Иброҳим соғ азоқин тош уза қўзди, сўл азоқин тева узасинда тошга ошиб бир сингар соч сақолин ювди. Яна бир азоқин қўйди ани ҳам ювди. Анда кезин Иброҳим айди: «Исмоил келса айғил Иброҳим санга кўп салом айди, тақи бу эшикни берк тутғил деб айди тегил». Исмоил келмишда Саййида салом тегурди. Тақи қамуғ сўзларни айту берди. Исмоил айди: «Ул манинг отам турур. Ул эшик тею сани аймиш».

ҚИССАИ ЗАБИҲИ ИСМОИЛ АЛАЙҲИС-САЛОМ

Уламолар аросинда ихтилоф бор. Забиҳ Исмоилму ё Исҳоқму? Араб қамуғи айтур забиҳи Исмоил турур. Араб қамуғи Исмоил уруғи турур. Жухудлар Тавротда хабар берурларким забиҳи Исҳоқ турур. Анинг учунким жухудлар, тарсолар Исҳоқ уругиндин турурлар. Баъзилар аймишлар иккиси забиҳ турурлар. Бир йўли Исмоил эрди, бир йўли Исҳоқ тамассук қилурлар. Бу ҳадисга Расул ёрлиқади: Ана ибну забиҳайни. Маъниси ул бўлур, ики бўғузланмишнинг ўғлиман. Мундин мурод Исмоил, тақи Исҳоқ турур

темишлар: САВОЛ: Мустафо алайҳис-салом Исмоилдин ту-
рур, Исҳоқдин эрмаз.. Ики бўғузланмишнинг ўғлиман
темак нетак бўлур? ЖАВОБ: Арабнинг одати бор. Аммани
ота теюрлар. Уламоларда бириси айтур: агар Исмоил забиҳ
эрди теб уч талоқ онт ичса эвлуги талоқ бўлмағай, анинг
учунким оллоҳ таоло Қуръон ичинда Исмоил қурбон қилин-
миш қиссасин тамом қилинмишда хабар берур, ёрлиқар:
Ва башшарнаҳу би Исҳака набиййан мин ас-солиҳина. Аммо
дурустрак қавл ул турурким ана ибну забиҳайни дин мурод
бири Исмоил турур, яна бири отаси Абдуллоҳ турур. Хабар-
да келур, Мустафо алайҳис-саломнинг улуг отаси Абдул
Муталлиб вақтинда Замзам қузуғи қуруди. Тенгри азза
ва жалла бирла назр қилди: «Тенгри азза ва жалла сув
берса бир ўғлумни қурбон қилғайман», теди. Аммо уламолар
аймишлар, Абдул Муталлиб назр қилди. «Изи азза ва жалла
манга ўн ўғул берса қамуғ соз, силаҳ олиб тўқуш кунни ма-
нинг ўнгумда турсалар. Ани кўрсам бирин қурбон қилғай-
ман», теди. Ул кун Абдул Муталлибнинг тўққуз ўғли бор
эрди. Хорис, Абу Лаҳаб, Аббос, Ҳизор, Ҳамза, Муқаддам,
Жаҳл, Зубайр, Абу Толиб. Қамуғлари бир онадин. Ўнунчи
Абдуллоҳ туғди азин онадин. Қамуғдин Абдуллоҳни ор-
туғроқ севар эрди. Қуръа солдурди, қаюнгиз отинга чиқса
ани қурбон қилайин теб. Қуръа Абдуллоҳ отинга чиқди.
Абдул Муталлиб пичоқ элди, қурбон қилғали Абдуллоҳга
ўгради. Абдуллоҳнинг онаси қариндоши бор эрди Темур
маҳзум отлиғ. Уларнинг сўзлари Маккада юрир эрди. Шом
вилоятинда бир фол очқучи бор эрди. «Анга киши иза
беринг, улма ҳукм берса анинг сўзинча қилинг», тедилар.
Бориб сўрдилар эрса Абдуллоҳни турғузунг, тақи ўн тева
турғузунг қуръа солинг. Тева отинга чиқса теваани қурбон
қилинг, Абдуллоҳ қолсун. Абдуллоҳ отинга чиқса яна ўн
тева ортурунг, қуръа солинг. Бу тариқ бирла ўнар-ўнар
ортурунг, қуръа солинг. Тева отинга чиқғунча андоқ қил-
дилар. Тева юзга тегди эрса ончада тева отинга чиқди
юз теваани қурбон қилдилар. Абдуллоҳ қолди. Бу кун ша-
риъатда эр баҳоси юз тева андин қолди. Расул алайҳис-
саломнинг «инни ибну забиҳайни» темиши бу турур.

Ривоят қилурлар: Иброҳим туш кўрмишда айдилар:
«Кўпқил, қурбон қилғил». Иброҳим тонг бирла кўпди юз
кўй келтурди қурбон қилди. Иккинчи кеча яна туш кўрди.
Йа Иброҳиму қум ва қарриб ал-қурбана Иброҳим тонг
бирла кўпди юз тева қурбон қилди. Учунчи кеча яна туш
кўрди. Қум ва қарриб ал-қурбана. Иброҳим айди: «Манинг
қурбоним на турур? Нани қурбон қилайин?» Айдилар:
«Биздин азин кимни севдунг эрса ани қурбон қилғил».
Избаҳ валадака. Билдиким Исмоилни қурбон қилғу. Ёрин-
даси Ҳожарға айди: «Бир азиз дўстум бор, бу ўғулни тиллаю
турур келтургил кўрайин, теб. Эмди Исмоилни бошини,
сочини ювғил, анда элтайин» теди. Ҳожар Исмоилни ювди,

сочини таради. Ариг тўнлар киздурди эрса Исмоил ғоят кўрклукланди. Онаси Исмоилнинг юзинга боқди, айди. Ой-так юзин, кунтак кўркин, қаламтек кўзин, ўқтак кирпукин, ақиқтак эринларин, йинжутақ тишларин, пистатақ оғзин, қизил менгизин, силиг юзин, бўйнин қучуб, ўпуб айди: Байт:

Эй кўнглум овунчаси ўграб йироққа бормагил,
Ярликқа ёлгуз онангни бағрини ўртамагил.
Ушбу кетмагидин ўлмакимни тилар эрсанг сана,
Ман ўнгунида ўлайин сан ичимни ёндурмагил.

Иброҳим йил олди, пичоқ бирла енгинга суқди, тоғга бору бошлади. Ҳожар айди: «Қўйга борурман теюрсан йипни тақи пичоқни не қилурсан?» Иброҳим айди: «Қўй олиб келурман ё келмазман», теди. Тенгри таоло тилинда қўй юрутди эрса ужоҳдин қўй келди. Исмоил қуртулди. Иброҳим юриди. Исмоилга айди: «Сўнгумча келгил», теди. Исмоил Иброҳимнинг сўнгидин бору бошлади. Иблиснинг сабри қолмади, ўзини одабийтек қилиб Исмоилга келди, айди: «Отанг сени қанча элтур билурмусен?» Айди: «Дўстунга элта турур». Иблис айди. «Сани қурбон қилмоқга элта турур». Исмоил айди: «Қаю ота ўғлини қурбон қилмиши бор?» Айди: «Тенгри ёрлиғи бирла қурбон қилурман, теюр.» Исмоил айди: «Тенгри ёрлиғи бўлмиш бўлса минг жоним бўлса фидо қилдим», теб ризо берди. Иблис айди: «Бу ўғлонни эга билмадим. Ҳожарга бораин», теб борди. Байт:

Сувда турган от боласи неча бўлса ул кичик,
Кенг тенгизнинг суви ани элту-мас.

Авратлар заифроқ бўлур теб Ҳожарга келди. Иброҳим Исмоилни қанча элтур билурмусан? Айди: «Дўстинга элтур». Иблис айди: «Қурбон қилғали элтур». Ҳожар айди: «Қаю ота ўғулни қурбон қилмиши бор?» Иблис айди: «Тенгри фармонлади». Ҳожар айди: «Эй аҳмоқ, тенгри ёрлиғи бўлса ҳазор жон фидо бўлсун», теди, Иблис навмид бўлуб яна Исмоил таба келди, васваса қилу бошлади. Исмоил отасини ундади айди: «Бир пир келиб мани фусус тутур». Иброҳим айди: «Ул шайтон турур, тош ташлагил кетсун», теди. Исмоил етти тош олиб отди. Ул ерда тош отмоқ ҳожийларга суннат қолди. Иброҳим етти тош олиб отди. Бошига ошди. Пичоқни тошга чалди, йиғлаю оғоз қилди! Исмоил айди: «Налук йиғлаюрсен?» Иброҳим айди: «Эй ўғлум сени тушумда бўғузлаюр кўраман». *Йа унаййа инни аро фи ал-манами анни азбаҳука фанзур маза таро.* Исмоил айди: «Эй ота, мавло дўстлуқин даъво қилурсан. Мавло дўстлуқин даъволи қилур киши узирму бўлур! Узимасанг бу тушни кўрмагай эрдинг». Яна айди: *А ма самийъта ма*

авҳа-ллоҳ таъала ила баъзи анбийа'иҳи кайфа ман илғаъа маҳаббати иза жаннаҳу ал-лайлу танаму айнаҳу.

Севук севдунг эрса узоғ тур мудом,
Севук севган эрга узимоқ ҳаром.
Эр эрсанг узун тун тилагил тамом,
Телимлар тилак тунла топди тамом.

Исмоил айди: «Изи ёрлиғи нетак эрса андоғ қилғил. Сан ўглиндин кечдинг эрса, манма жонимдин кечдим ишга буюрил», теди. *Йа абати ифъал ма ту'мар.*

Иброҳим айди: «Эй ўғлум, нетак сабр қилғайсан? Изи азза ва жалла тиласа мани собирлардин қилғай. *Сатажигуни инша'ллоҳу мин ас-собирина*». Яна айди: «Эй ота, эвда налук манга хабар қилмадинг. Онамнинг азоқинга тушуб, узр қилуб, севук дийдорин кўруб қолғай эрдим. Аммо уч васиятим турур, бири улким, манинг илким, азоқимни берк боғлагил, пичоқ оғригинда талпунуб тўнунгузга қон тегмасун. Иккинчи, юзумни қузи қилғайсиз. Юзумни кўруб оталиқ шафқати тебрашиб пичоқ тутмоқда тақсир бўлмасун. Учунчи кўнглаким бирла сочимни онамга қумартғу ола беринг». Анда кезин Иброҳим Исмоилнинг илкин, азоқин боғлади, юзин тупроқга кўмишти. *Фа ламма аслама ва таллаҳу лилжабини*. Пичоқни бўғузинга урди, кучи боринча тортди, кесмади. Неча ҳийла қилди, кесмади. Баъзилар аймишлар, Исмоилни Иброҳим боғлаюр эрди пичоқни тортарда Исмоил кулди, Иброҳим айди: «Не учун куларсен», теса пичоқ уза «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим» битиклик кўрарман. Эй ота, севунч санга пичоқ уза тенгри оти битиклик бўлса бўғузум нетак кесар», теди. Баъзилар аймишлар: «Пичоқни Исмоил бўғузинга урмасдин бурун Жаброилга фармон бўлди: *Ағрик абди*. Тарк этгил, пичоқнинг юзин эвурғил. Сидрадин қанит тўқиб иниб эвурди. Етти йўли пичоқни тортди, ўтмади. Қаҳр қилиб пичоқни ерга чалди. Пичоқдин ун келди: «Эй Халил, сен кесгил теюрсан, Жалил кесма теюр. Мундағуқ қачон қиёмат куни бўлса «Оманно биҳи ва саддақно» Муҳаммат умматини тамуғга кивурмазлар. Тамуғ ўти уларни куюрмагай. Молик айғай: «Налук куюрмассан?» Ўт айғай: «Эй молик сан куюр теюрсан, аммо маликул-мулук айтур куюрмагил». Ул ҳолда етти қат кўк қабуғлари очилди. Фаришталар наззорага тўруқтилар тақи йиғлаштилар, арш бирла кўк ирғанди. Тақи бир ривоятда андоғ келур: фаришталар муножот қилдилар, айдилар: «Илоҳий лавҳул маҳфузда кўрармиз охируз-замон пайғамбари Исмоил уругиндин бўлғай теб. Ул Муҳаммаднинг ҳаққи ҳурмати бу ота ўлуғга фараҳ бергил». Ҳаводин ун эшитилди: «Эй Иброҳим, тушунг кунига чиқардинг. *Ва надайнаҳу ан йа Иброҳиму қад саддақта ар-ру'йа*. Сан сўзунга еттинг, бизма янутин бердимиз. *Инна казалика*

нажзи ал-муҳсинина. Ул жазо бу турур. Бу қўчи олғил, қурбон қилғил. Ўғлунг саломат қолсун!» Ва фағайнаҳу бизибҳин азимин. Жаброилдин ун эшитилди: «Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбару.» Иброҳим юқору боқди, Жаброил кўрди бир қўч олиб келур. Севинмишда айди: «Ла илаҳа илло-ллоҳу Аллоҳу акбару.» Исмоилқа айтди: «Кўргил мавло азза ва жалла мени ва сени бу эмгақдин қутқарди». Исмоил боқди, қўчни кўрди, айди: «Аллоҳу акбару ва ли-ллаҳи ал-ҳамду». Хабарда келур ким ийд куни бу такбирни айса Жаброил аминнинг, Иброҳим халилнинг, Исмоил забиҳнинг шафоатин рўзи қилғай. Аймишлар: ул қўчқор Ҳобил қурбони эрди, ужмоҳда семуз турур эрди. Исмоил учун. САВОЛ: Отаму жувонмард, ўғулму? Баъзилар аймишлар, «Ота жувонмард, анинг учунким, ўғул аччиғи қаттиғ турур». Баъзилар аймишлар: «Ўғул жувонмард, анинг учунки, ота ўғулдин кечди, ўғул жондин кечди. Жон аёлдин азизроқ турур». Тақи аймишлар: «Исмоил қурбон қилинса мавлоға уланур эрди, аммо Иброҳим ўлгинча анинг фироқинда бўлур эрди». Тақи аймишлар, «Иброҳим жувонмард анинг учунким, қурбон хитоби Иброҳимға келди, Исмоилға келмади». Тақи аймишлар: «Исмоил қурбон қилинса қиёматқа теги бу суннат мўъминларга вожиб бўлғай эрди. Исмоил бўғузланмади эрса мўъминларга раҳмат бўлди». САВОЛ: «Пичоқ Исмоилға эрди Иброҳим налук йиғлади?» ЖАВОБ: «Иброҳим фоний дўстдин азрилу эрди. Исмоил фоний дўстдин азрилиб боқий дўстға уланур эрди». Жавоби дигар: «Исмоилни қурбон қилурда мавло таоло нурларда бир нурни Исмоилқа кўргузди. Ул нури хушлуқинда пичоқ оғриғин билмади. Нетакким Миср хотунлари Юсуф жамолининг нури хушлуқинда иликларин кесди, туймадилар. Мўъминлар ема андағуқ. Улар ул ҳолда маърифат нурини кўргузуб ўз саломин изғай. Анинг хушлуқинда мўминлар ўнғайлик бирла жон бергайлар».

Ин шаллоҳу таоло, Оллоҳумма ҳаввин айлайно-сакра-тай-маври.

ҚИССАИ БИНОИ КАЪБА

Ул Каъба еринда Одами сафий Байт ул-маъмурни бино қилди. Нух пайғамбар рўзгоринга теги турди. Анга зиёрат қилур эрдилар. Қачон тўфон вақти бўлди эрса, азоб суви тегмасун теб мавло ёрлиғи бирла Жаброил Байт ул-маъмурни кўтурди. Тўртунч қат кўкда ўрнатди. Ул эв андоза-синча тоғ Шом вилоятиндин келтуруб Байт ул-маъмур ўрнинда кўзди. Иброҳим асринга теги турур эрди. Ёрлиғ бўлди Иброҳимға, Байт ул-маъмур ўрнинда Каъба бино

қилғил, теб. Айди: «Илоҳий ул ер қаю турур билмасмен».. Аймишлар: Ул тоғ ўрниндин қўпди. Жаброил айди: «Ўш бино қилғил». Тақи аймишлар, тенгри таоло Каъба ўрнинча бир кесак булут изди. Ул ерга кўлка қилди, ул кўлкага тенглаю Каъба қилди. Нух пайғамбар кемисининг тахтаси бирла сақфини ўртди. Баъзилар аймишлар: Бир йилон келиб ул ерда қуврулуб ётди. Ул андоза бирла Каъбани бино қилди. Тақи аймишлар, Ун эшитилди: «Эй Иброҳим, беш тоғдин тош келтуруб анинг бирла бино қилғил. Тур Сино, Тур Зино, Хиро, Лубнон, Жадй». САВОЛ: Маккада тош телим эрди. Беш тоғдин тош келтурмақда не ҳикмат бор эрди? ЖАВОБ: Мавло таоло ёрлиқар, ким бу эвга юз эвуруб беш намоз қилса ёхуд мунга тавоф қилса бу беш улуғ тоғлар оғирлигинча ёзуқи бўлса қамуғин ёрлиқағайман, қамуғ айбларини кечурғайман. Жаброил тош кесди, фаришталар ёри берди, йўнушдилар. Исмоил тешди. Тошни кесгач, Жаброил Исмоилни фармон бирла тош уза қўзар эрди. Тош йўрға отдек елиб Иброҳимқа келур эрди. Қаю тош ирик бўлуб яроғсиз бўлса Иброҳим илки етгач рухомтек бўлур эрди. Тўрт бўлуқда тўрт калима этиб тошни қўзди. Аввалида: «Субҳаналлоҳи», теди. Иккинчи мунгушинда:

Валҳамду лиллаҳи», теди. Учунчида: «Ва ло илоҳа иллаллаҳу», теди. Тўртунчи: «Аллаҳу акбар», теди. Расул алайҳиссалом ёрлиқади. *Калиматани хафифатани ала ал-лисони сақилатани фи ал-мизани инда ал-малики ар-раҳмани ва тилка ал-калимату субҳана-ллоҳи ва биҳамдихи субҳаналлаҳи ал-азим. Зийагату ағ-дунйа нуқсану ал-ахирати ва нуқсану ағ-дунйа зийагату ал-ахирати.*

Маъниси ул бўлур: икки сўз бор тил уза юнгул, қиёмат кунинда тарозуға оғир, мавло ҳазратинда севуклук. Ул иккиси бу турур. САВОЛ: Тилға юнгуллукни нетак турур? Тарозуға оғирлиқи нетак турур? ЖАВОБ: Дунё ҳоли охират ҳолиға менгзамаз. Дунё ортуқлуқи охират ўқсуқлуғи турур.

Мундағуқ дунё оғирлиқи охират юнгуллуки, дунё юнгуллуки охират оғирлиқи. Бу кун тила юнгуллук берди, замонда тасбиҳ ва таҳлил этсанг кўз юмуб очғунча Аршға оғарўш тил юнгуллуки. Яна дунё оғирлиқини қадамға берди. Узун кун юрсанг ики йиғочдин ортуқ юрмассен, ўш қадам оғирлиқи. Аммо ёрини ишлар татру бўлур. Қадам оғирлиқни тилға берурлар, тил юнгуллукни қадамға берурлар. Кўз юмуб очғунча уч минг йиллик сиротдин кечар. Ё қадам оғирлиқин тилға берурлар. Мўъминнинг тоатини тарозунинг бир палласина урулғай, ёзуқлари ортуқ келгай. Етти қат кўкни, етти қат ерни тоат палласинга урғайлар, ёзуқлари ортуқ келгай. Ул ҳолда ҳаводин бир кесак коғаз уча келгай. Тоат палласинга қўнғай. Ул қамуғ тоатлардин етти қат кўкдин етти қат ердин бу коғаз ортуқ келгай. Ул коғазни очиб кўрсалар бу калима битиклик бўлғай «Суб-

ҳана-ллоҳи ва биҳамдиҳи, субҳана-ллоҳи ал-азим». Ҷаҳадам оғирлиқи тилга берилгани бу турур. Қачон Каъба тамом бўлди эрса Иброҳим айди: «Изиё, биздин қабул қилғил эшитикли сансан, биликли сенсен». Раббана та-қаббал минна иннака анта ассамийу ал-алим. Яна дуо қилди: «Бизнинг ўғлонларимиздин бир ялавоч чиқарғил. Санинг каломунгни уларга ўқисун, китобунгни, ҳикматунгни уларга ўғратсун. Ёзуқларин ариту берсун, азизсен, ҳақимсен». Қавлуҳу таоло. Раббана вабъас фиҳим расулан минҳум йатлу алайҳим айатика ва йўғаллимухум ал-китаба ва ал-ҳикмата ва йузаккиҳим иннака анта ал-азизу ал-ҳакиму. Хабарда келур, Муҳаммад Мустафо алайҳис-салом. Ана даъвату аби Иброҳима ва башарату Биса ва ру'йа умми Амина. Жаброил келди ёрлиқ тегурди: «Эй Иброҳим, халқни ҳажқа ўқиғил». Ва аззин фи ан-наси билҳажжи. Иброҳим айди: «Илоҳий қаю бирисин ўқойин, халойиқ кўп, ман заиф». Ёрлиғ келди: «Сандин ўқимоқ мандин эшиттурмоқ». Иброҳим Бу Қубайс тоғинга оғди, ун қилди. *Йа аййуҳаннас инна-ллоҳа таъала бана лакум байтан ва амарақум ан таҳужжуху фа ҳажжуху*. Халойиқлар ота ўнгурқасиндин она раҳминдин мўминина мўминот жавоб айдилар. *Лаббайка-ллоҳумма лаббайка лаббайка ла шарика лака лаббайка инна ал-ҳамда ва ан-ниъмата ва ал-мулка лака ла шарика лака*:

Ким ул кун жавоб айди эрса, кечама чиғой эрса ҳаж ўтағай. Тақи ким жавоб аймади эрса нечама кучлук бўлсун ҳаж ўтамағай.

ҚИССАИ ВАЛОДАТИ ИСҲОҚ АЛАЙҲИС-САЛОМ

Сора юз ўтуз яшамишда кезин Жаброил башорат келтурди. *Ва башшарнаҳу би Исҳоқа набиййан ташрифин булган, ва башшарнаҳа би-Исҳақа ва мин вараи Исҳақа Йаъқуба, хилъатин кизган, ва ваҳабна лаҳу Исҳақа ва Яъқуба нафилатан ва куллан жаълана солиҳина хитоби бирла мушарраф бўлган Исҳоқ ялавоч Иброҳимнинг ўғли эрди.*

Исҳоқ ялавоч мавло совчиси,

Минг ялавоч туғди андин барчанинг ул бошчиси.

Хаққа доий, халққа роий ҳам баширу ҳам назир,

Дин шариат ўғратикли ужоҳнинг ҳам йўлчиси.

Ул уминч кесмишда сўнг бўлуб мубашшир Жаброил,

Хақ башорат бирла берган Соранинг ўғлончиси.

Ул Забиҳуллоҳ иниси эғиз ўғлонга ота,

Секиз ўғлон орасинда санасанг иккиланчиси.

Дин шариат тутсунуни отланиб кўндургуга,

Мавло бермиш эрди илкинда рисолат қамчиси.

Сора юз яшаб ўғулдин уминчсиз кўнгул кесмиш эрди. Жаброил Лут бўзунини ҳалок қилғалу келмишда Иброҳим ялавочқа кўнуқ бўлуб Сорадин Исҳоқ отлиғ ўғлунг бўлур теб башорат берди. *Фа башшарнаҳу биғуламин ҳалимин.* Ул сўзлар сўнгра Лут қиссасинда келгай. Жаброил башорат бермишдин етти кундин сўнг Сора сўнгукинда Исҳоқ бил-гурди. Тўқуз ойда кезин Исҳоқ туғди. Ул кеча минг юлдуз кўкдин иниб Иброҳимнинг эви теграсинда йиғилди. Иброҳим муножот қилди: «Изиё бу не аломат турур?» Ёрлиғ келди: «Эй Иброҳим, бу Исҳоқ отлиғ ўғлунгдин минг ялавоч бўл-ғуси».

Севинмишда изига шукр қилди, яна айди: «Исҳоқға бу каромат бердинг, Исмоилга не берурсан?» Ёрлиғ келди: «Эй Иброҳим, Исмоилни менга топшурғил. Орқасиндин бир ялавоч изғайман Муҳаммад расулуллоҳ отлиғ. Агар ул ялавоч бўлмаса юз минг йигирми тўрт минг ялавочлар, санма бўлмағай эрдинг. Қамуғини анинг севуклуги учун яратдим». Иброҳим севунди. Ҳожарга хабар берди. Сора шод бўлди, изига шукр қилдилар. Телим моллар бердилар, садақа қилдилар. Иброҳим минг қўй, юз уй, юз тева қурбон қилди. Исҳоқ улғарди эрса Илёс ўғли Батвилнинг Руқъа отлиғ қизини қўлди. Бу Руқъадин икки ўғул бўлди, эгиз. Улуғи Ияз отлиғ, кичиғи Яъқуб отлиғ. Бу Яъқуб Иязнинг азоқи ўкчасин тута туғди. Анинг учун Яъқуб атадилар. Исҳоқ ялавочнинг кўзлари кўрмас эрди. Ияз улғарди эрса овчилик қилур эрди. Отаси Иязни ортуқ севар эрди. Кун-ларда бир кун отаси Иязға айди: «Кизикнинг сўклунжин кўнглум тилар. Қачон келтурсанг емишда кезин санга яла-вочлик дуосин қилайин», теди. Ияз овға борди. Аймишлар, жумланинг дуоси мустажоб эрди. Ул дуони хос ўғлонлари ҳақинда қилур эрди. Яъқубнинг онаси ортуқроқ севар эрди. Ул сўзни эшитди, бир қўй бўғузлади. Терисин Яъқубға киздурди. Анинг учунким Ияз явлоқ туклук эрди. Сени отанг англамасун, борғил, сўклунжи элатғил, есун. Тақи айғил ул дуони қўла келдим тегил. Яъқуб қўй терисин ўртунуб кирди, айди: «Эй ота, кизик эти ўш келтурдум», теди. Исҳоқ ул этни еди. Яъқуб айди: «Ул дуони қўла келдим», теди. Исҳоқ Яъқубнинг илкин тутди. Териға тикди эрса айди: *Ал-жилду жилду Бис ва ас-савту Яқуба:* Эт Иязнинг турур, аммо ун Яъқубнинг дуосин қилди. Уруғунг ялавочлар бўлсунлар, эзгу солиҳ кўпсунлар. Мавло таоло Исҳоқ дуосин Яъқуб ҳақинда ижобат қилди. Анда кезин Ияз овдин келди, эт келтурди. Ул дуони қўлди. Исҳоқ айди: «Сен келдинг, санга дуо қилдим». Ияз айди: «Ман келмадим». Исҳоқ айди: «Эй Ияз, сенга бу макрни Яъқуб қилди». Онаси бирла анда кезин Иязға эзгу дуо қилди. Ялавочлик дуосини қилмади. Бу йўлдин Иязли Яъқубли аро адоват бўлди. Исҳоқ уларнинг адоватиндин қўрқуб Иязни Рум вилоятинга изди. Рум халқи қамуғ Иязнинг уруғиндин

турурлар. Яъқуб ялавоч уруғи Исҳоқ ялавоч дуоси баракотинда қамуғ ялавоч қўпдилар.

ИБРОҲИМ ИЛКИНДА ТИРИЛГАН ҚУШЛАР СЎЗИ

Кунларда бир кун Иброҳим алайҳис-салом йўлдин кечарда ўлук тева кўрди, эти, сўнглуклари торилмиш. Намруднинг: «Ана уҳйи ва умиту», теған сўзи кўнглинга кирди. Айди: «Мундоғ нарсаларни ул малъун нетак яратур», теб. Айди: «зиё, кўргузгил ўлукни нетак тиргузурсан», теди. *Рабби арини кайфа туҳйи ал-мавта*. Хитоб келди: Кертунмасмусан? *А ва лам ту'мин*. Айди: «Илоҳий кертунурман, анчаси бор кўнглум амрулсун». *Бала ва лакин лият-мма'унка қалби*. Аймишлар изи азза ва жалла Иброҳимға хуллаат бергай теб ваъда қилмиш эрди. Иброҳим айди: «Изиё, ул ваъда қачон вафо бўлғай?» Ёрлиғ келди: «Қачон сенинг илкингда ўлук тирилса санга хуллаат ташрифи ончада бўлғай», теб. Ул кечикди эрса сабри қолмади. *Рабби арини кайфа туҳйи ал-мавта*. Хитоб келди: *А ва лам ту'мин*. Айди: «Кертунурман, анчаси бор мани дўстлуққа қабул қилмишинг билайин, кўнглум тинсун», теди. *Бала Ва лакин лият-ма'инна қалби*. Баъзилар аймишлар, Иброҳимнинг бир дўсти бор эрди. Қалб отлиғ. Айди: «Ман кэнду кертунуб турурман анчаси бор. Бу қалб кўрсун кўнгли тинсун», теди. Хитоб келди: «Тўрт қушни тутғил, бўғузлағил. Тусин юлғил, этин тўғрағил, тусларин елга совурғил, сўнгукларин тугғил. Қамуғини бири-бирига қотғил. Яна тўрт улуш қилғил, тўрт тоғ тебасинға қўзғил» *Сумма ижъал ала кулли жабадин минхунна жуз'ан*. Аймишлар, тўрт қушларда бири товус, бири қарға, бири ўрдак, бири товук. Саддий Муфассир айди: «Раҳматуллоҳи алаайҳ бу тўрт қушни бўғушлағуға ёрлиғ бўлди. Кўни юриган қуш ўлмасун, жиноят қилган қушлар ўлсун. Анинг учун бу тўрт қуш ўлдилар». САВОЛ: Товуснинг жинояти на эрди? ЖАВОБ: Товус ужоҳ ичинда Одам ва Ҳаввоға жиноят қилди. Иблисга тақи йилонға Ҳавво сингар далолат қилди. Азоқи бору келу қорарди. САВОЛ: Қарға не жиноят қилди? ЖАВОБ: Қарға Нуҳ алайҳис—салом тўфонинда кезин бер кўргали изди. Мурдор, телим кўрди егали қолди, келмади. Қиёматға теги мурдорхўр бўлди. САВОЛ: Товук на жиноят қилди? ЖАВОБ: Товук азин товук бирла Илёс ялавоч тўнин олдилар. Бири-биринга адоватлиғ бўлдилар. САВОЛ: Ўрдак на жиноят қилди? ЖАВОБ: қачон Юнус балиқдин чиқди эрса эти, тани заиф бўлмиш эрди. Сингак қўнуб эмгатсун теб қабоқ йиғочин ундурди, кўлика бўлди. Ўрдак сув олғали келиб боргинча қабоқ йиғочининг юлдурин кесди, қуворди. Ёрлиғ бўлди: бу тўрт ёзуқ қушларни ўлтурунг,

ёзуқсизлар ўлмасун. Яна аймишлар, бу тўрт қуш ўлмакин-га ҳикмат на эрди? Товус жумла қушлардин кўрклук турур, одамийга ўхшар. *Лақағ халақна ал-инсана фи аҳ-сани тақвимин*. Товуқ фаришталарга менгзар улашу, зикр ва тасбиҳ бирла бўлур. Тақи қамуғ қушлардин товуқ зокирроқ турур. Қарға шайтонга менгзар кўрмакка ҳур тақи ёши узун. Ўрдақ париларга менгзар ариғсиз турур тақи совуқ турур. Бирорда кўрунуб, бирорда кўрунмас. Фойда, эй Халил, товусни ўлтурдунг эрса одаймийларинг ўлурун соқинғил. Товуқни ўлтурдунг эрса, фаришталар ўлганин соқинғил. Ўрдақни ўлтурдунг эрса париларнинг ўлмакин соқинғил. Қарғани ўлтурдунг эрса шайтонни ўлмакин соқинғил. Бу тўрт қушни тиргуздум эрса, бу тўрт халоиқни ўлтуруб яна тиргузғумни соқинғил. Билғайсан, тиргузмакка қудратим бор. Муҳаққиқлар аймишлар бу тўрт қушни ўлтурмакка.

Ҳикоят. Товуснинг безағи бор, дунёга менгзар, товуснинг шаҳвати бор, ўрдақнинг суқлуки бор. Қарганинг узун соқинчи бор. Ишорат ул турурким мужоҳада қиличи бирла табиат андоминда шариат ҳукми бирла бу тўрт сифатни бўғузласа мангу тириклик бўлғай. *Ва ла таҳсабанна аллазина қутилу фи сабили-ллаҳи амватан бал аҳйау*. Ёрлиғ бўлди: Бу тўрт қушлар ўлтурғил, бошларин илкинга олғил, қолганин бир идишга элиб тўғрағил, янғил бири биринга қотилсун. Тўрт улуш қилғил, тўрт тоғ бошинда қўзғил. Анда кезин ундағил, санга келгай. *Сумма удъухунна йа'тинака саъйан*. Иброҳим қамуғ дукди, янчди. Тўрт улушни тўрт бошинга қўзди. Бошларин илкига олиб берк тутуб ундади, тенгри ёрлиғи бирла у тоғ бошиндин учдилар. Ҳавода тегма бирининг сўнгуки сўнгукидин, эти этиндин, туки тукидин азрилди, ўз ўрунларинга келди. Бошларинга улашдилар. Келиб Иброҳим алайҳис-саломнинг тўшинда, ло илоҳа иллалоҳу Муҳаммад ар-расулуллоҳи, теб уча бошладилар. Ёрлиғ келди: эй Иброҳим, билгил, мавло азиз турур, ҳақим турур. *Ваълам анна-ллоҳа азизун ҳақимун*. Иброҳимга ўлук тиргузмакни қушларда кургузди. Яна Узайрға ўз танинда кўргузди, ҳикмат на эрди? ЖАВОБ: Иброҳим тазарруъ бирла яқин бирла савол қилди: изиё, манга кўргузғил, ўлукни нетак тиргузурсен теб. *Қола раб-би арини кайфа туҳйи ал-мавта*. Узайр таажжуб тақи шак бирла сўрди, «Айди: «Мундоғ нарсани, ўлмиш, тирилмишда кезин қайдин тиргузур!» теб.

КИССАИ ВАФОТИ ИБРОҲИМ ВА СОРА САЛАВОТУЛЛОҲИ АЛАЙҲИМ

Сора юз ўтуз яшади анда кезин вафоти бўлди. Иброҳим ани Канъон ҳаддинда Фаластин еринда дафн қилдилар. Сора тирик эркинча анинг ҳаққин сақлади. Азин киши

олмади. Сора ўлмишда кезин Юфтуронинг Футур отлиг қизин олди. Андин олти ўғул булди: Явшан, Вошиқ, Замз, Мадян, Мудун, Шух. Улуғлари Исмоил ва Исҳоқ алайҳи-мас-салом азин оналиғлар эрдилар.

Бу секиз ўғулдин уруг ёзилди, олам тўлди, кими мусулмон, кими кофир. Нетакким мавло таоло ёрлиқар: *Ва баракна алайҳи ва ала Исҳака ва мин зурриййатиҳима муҳсинун ва золимун линафсиҳи мубинун*. Баъзи уламолар аймишлар: Сорада кезин Иброҳимнинг икки ярим йилда вафот қилди. Исҳоқ туғмишда кезин йигирми уч йил тирилди, йигирми беш кун оғирди. Муҳаррам ойинда панжшанба кун иккиндуқ намози вақтинда вафот қилди, юз йигирми тўқуз ёшаб. Аймишлар: Иброҳим мавло азза ва жалладин қўлмиш эрди: «Манинг ажалимдин бир йил бурун манга хабар бергил, ман ўлум яроғин қилайин», теб. Мавло таоло ижобат қилмиш эрди. Қачон Азроил жон олғалу келди эрса Иброҳим айди: «Тақи вақт бўлмиши йўқ». Азроил айди: «Вақт бўлмаса эрди, манга ёрлиғ келмагай эрди». Хитоб келди: «Эй Иброҳим, сақолингга урунг қачон кирди?» Айди: «Илоҳий, бир йил бўлди». «Эй Иброҳим, ул сақол урунглуги ўлум элчиси турур». Иброҳимдин бурун ким эрсанинг сақолингга урунг кирмиш йўқ эрди. Иброҳим ани билди эрса айди: эй Азроил, *Хал ра'айти халилан йақбазу руҳа халилихи*: маъниси ул бўлур, дўст дўстнинг жонин олурму бўлур. Ул ҳолда Жаброил келди, айди: «Мавло таоло хитоб қилур, дўст дўстга уланмоқни унамазму бўлур?». Иброҳим айди: «Андоғ эрса жоним олғил». Жонин олди кўкка оғдурди, қамуғ ялавочлар жони ўтру юрудилар. Савол қилдилар: «Жон бермак қаттиғлиқи нетак турур?» Иброҳим жони айди: «Ким эрсани минг йўли уноқ бирла ўртара ёрсалар, тақи минг йўли қайнар сувни тебасинга қуйсалар, тақи минг йўли қилич бирла чопсалар, неча тенглик эмганса, манга андоғ эрди». Айдилар, жон берма ўнгайлиқи бу эрса қаттиғлиқи нетак бўлғай? Исҳоқни Шом вилоятинда халифа қилди, Исмоилни Ҳижоз еринда халифа қўзди. Исмоил Иброҳимда кезин қирқ яшади. Исҳоқ эллик икки яшади. Иброҳимни Исҳоқ ювди. Намоз қилдилар, Сора бирла қўша қўйдилар.

ҚИССАИ ЛУТ АН-НАБИЙ АЛАЙҲИС-САЛОМ.

Из қола лаҳум аҳуҳум Лутун ташрифин булған, ули'тина би азаби-лаҳи ин кунта мин ас-содиқина, теб кофирлардин жавоб эшитган ва ал-му'тафикати ататҳум русулуҳум билбаййинати хилъатин кизган, а иннакум лата'т на ар-рижала ва тақтаъи на ас-сабил, тею кофирлар бирла мужодала қилган, ва мо ас'алукум алайҳи мин ажрин ин (ажрийа илла ала рабби ал-оламина) теган теб қўнуқ оғирлаган, иттақу ва ла туҳзўни ҳа'ул'аи фи банати ҳинна атҳару лакум

тею ўгут берган, ав ави ила рукнин шадигин ҳисоринга си-
гинган, А лайса ас-субҳу би-қарибин ваъдасин эшитган
Лут ибн Ҳозар алайҳис-салом.

Иброҳимнинг ҳақ қардоши Ҳозар ўгли эрди Лут,
Ёрлиғ кўп телим йиллар қувониб ўзи бирла турди Лут.
Жаброил келди ялавочлиқ тегурди мавлодин,
Ёрлиғ эшитиб куч кетурди эв таркрак борди Лут.
Таб қилинг, бутға табунманг, бот келинг имонга теб,
Қирқ йил эмгаб тўнг, ариғсиз кофир аро турди Лут.
Анча тенглиғ бўйнағунинг бири йўлга кирмади,
Қазғулук бўлуб умид кесди улардин эрди Лут.
Бир яратган ҳақға ёнди ёлбориб, қилди дуо,
Жаброил қанит тўқинди, қирди оллоҳ, кўрди Лут.

Лут ибн Ҳозар ибн Бориҳ ибн Ҳорон. Бу Лут ялавоч
Иброҳим отаси қариндоши, ўғли эрди. Иброҳим ялавоч
вақтинда эрди, Ўрдун еринда. Иброҳим Фаластин еринда.
Муътафиқот ораси бир тун-кунлик ер эрди. Лут эвуки
кофира эрди. Воҳила отлиғ. Бу Ўрдун еринда беш улуғ
шаҳар бор эрди: Додумо, Омуро, Севам, Садум, Суъар.
Ўн беш йиғочлиқ ер эрди. Бу вилоятда боғ, бўрлоқ, неъмат
вофир эрди. Дунё неъматни жумла анда эрди. Уларда бир
турлук бўзун бор эрди. Мавло азза ва жалла уларни Қу-
рьон ичинда муътафиқот тею ёрлиқади. Муътафиқот маъ-
ниси макриён темак бўлур. Маликларининг оти Садум ибн
Мушдам эрди. Вазирининг оти Курмуз. Қамуғ бутға топу-
нур эрдилар. Тўрт бутлари бор эрди: Ябд, Масҳур, Қуб,
Қут. Идрис ялавоч вақтиндин ул кунга теги ул тўрт бут-
дин силиғроқ бут йўқ эрди. Қамуғ оламда онча неъмат
бор эрса ёлғуз Муътафиқотда онча неъмат эрди. Йил саю
неъматлар етилса Саҳрадин, Чину Мочиндин, Батхо, Қал-
хар, Дарланд, Хирзон вилоятиндин қамуғ халойиқ ўз
боғларинга боруртек анда келур эрдилар.

Турлук неъматлар йиғиб қиш бўлса эвларинга ёнар
эрдилар. Бир йил мавло таоло совуқ изди, неъмат бўлмади.
Ёз бўлди эрса халойиқ андағуқ келу бошладилар. Улар айди-
лар: «Бу йил неъмат бўлмади, сизлар ёнинг эсанда яна йил
сизга ортуқ бергаймиз», теб айдилар. Улар ёнмадилар,
уларма буларни ёндура билмадилар. Садум маликка келиб
айдилар. Уларнинг Зевол отлиғ улуғ бутлари бор эрди.
Малик айди: «Зеволга боринг, юкунунг, ёлборинг, бўлғай-
ким сизни қутқарғай ё кэнду бир йўл кўргузгай». Иблис бир
Хасхос отлиғ девни изди. Келуб ул Зевол отлиғ бутнинг
оғзинга кирди, айди: «Эй менинг қулларим, анча йилдин
бери менинг сўзум тутса эрдингиз сизларга эмгак, бало
етмағай эрди. Айди: «Яроғ ул турурким, мундин чиқинг, ул
кишиларни тутунг, эранларини эвга солинг, уларнинг бирла-
сиз иш қилинг. Улар ўзлари қочғайлар», теб. Ул бўзун Зевол

қатиндин чиқдилар. Ул кишиларни истаю бошладилар. Бир Боҳил отлиғ эр чиқди. Иблис одабий суратлиғ қилиб кўргузди. Кўрклук юзлук йигит сочини беади, кўркланмиш. Боҳил ани кўруб Иблис илкин тутуб эвга кивурди. Бир эв ичинда ётмишлар Иблис бирла фоҳиша иш қилдилар. Ҳикоят. Маъмун халифа раҳматуллоҳи алайҳ айтур: Одам алайҳис-саломким қамуғ маҳлуқотнинг еграги эрди анга сажда қилмадинг. Яна Лут ялавоч бўзунинга муҳаннас бўлдунг. *Ривоятда келмиш*: Иблис бирагунинг боғинга ўғри бўлуб кирди, ўғлон менгизлик. Боғ эзаси тутуб урди. Икинчи кирди, урди, Учунчида кўрди эрса қўрқитур бўлуб фоҳиша иш қилди. Иблис мундоғин уларни бу фоҳиша ишга кивурди. Ул иш қамуғларинга хуш келди. Қамуғ бутни кўрсалар бири-биринга келинг ундашур эрдилар. Азин ерларда манзарлар қўпордилар ғарибларни сақлаю бошладилар. Аймишлар, уларда ўн яроғсиз иш бор эрди: ёй бирла тош отмоқ, сабкина отлиғ ўюн, ич тўн боғларин кенг қилмоқ, тўнунг ўнгин, ортин ёрмоқ, сақиз чайнамоқ, эрнак бирла тош тузга солмоқ, чанг урмоқ, қўчқор уруштурмоқ, ливотат қилмоқ. Бу ўн турлук ёвуз ишлар улардин билгурди эрса хотунларинга боқмас бўлдилар. Иблис ўзини бир ариғ қуртга-тек бўлуб уларнинг хотунларинга келди. Қач кун улар бирла турди. Ул хотунлар Иблисга мунглану бошладилар. «Бу бизнинг эранларимиз ариғ йигитлар бирла қовушурлар, бизга боқмазлар нетак қилалинг», тедилар. Иблис айди: «Мени сизларга ўграту берайин», теди. Эрнинг ўт андомитак бир йиғоч йўнди анга ёриғ бирла созлади, ўз белинга боғлади. Ул тишилар бирла эрантек ётур бўлди. Тишиларга ул иш хуш келди эрса бири-биринга қовушу бошладилар. Эр эр бирла, тиши тиши бирла ётур бўлдилар. Телим йиллар кечди. Ул ўғурда Лут алайҳис-салом Муқаддаса еринда қўш уй олиб ошлиқ тери-юр эрди. Бир кун Жаброил йигирми яшар йигиттак бўлуб Лутга келди, салом қилди. Лут алайҳа ас-салом зан анта. «Сен кимсан?» теку сўрди. Айди: *Ана Жабро'илу ал-амину. Лут қўш сурмакни қўзди.* Айди: «Эй Жаброил на келтурдунг», теди. Айди: «Аллоҳу йакра'ука ас-салама. Мавло санга салом ёрлиқади, муътакифот бўзунинга борғил, айғил ливотат қилмасунлар, соч-сақол юлитмасунлар, ич тўн боғин кенг қилмасунлар, тишиларма бири биринга қовушмасунлар, айсунлар *Ла илаҳа илла-ллоҳу ва иннака Лутун расулу-ллоҳи, бутга топунмасунлар.*» Лут айди: *Ниъма ал-мавла ва ниъма ан-насир.* Анда кезин юзи сарғариб Иброҳим ялавочга елди. Айди: «Эй амму, Жаброил келди, ялавочлиғ тегурди, қамуғдин ёвузроқ халқ уза». Иброҳим айди: «Улар қаю бўзун турурлар?» айди; «Муътафикот бўзуни». Иброҳим айди: «Тенгри ёрлиқинга бўюнсунғил, ёрлиғ тутғил». Лут теве келтурди. Лутнинг эвлуки бор эрди Воила, Роҳила отлиғ. Уч қизи бор эрди: Зуъула, Ирсама, Бақто. Бир теваси бор эрди. Раъда

отлиғ. Бир ити бор эрди. Дина отлиғ. Лут кўч юклади, теб-ради. Иброҳим беш йиғоч ер кўндуру борди. Айди: «Илохий, сен билурсан манга увунча қўлдош эрди, ғоят севар эрдим, санга эсбарладим, эсон саломат манга қовуштурғил», теб ёнди. Лут борди Омуро еринга етди. Беш йиғочлиқ ерда тушди. Муътафикот бўзуни отланиб йигитларни тилаю юрур ерда Лутни кўрдилар. Силиғ эр икки тиши бирла. «Лут келди», теб хабар бердилар. Жаброил ёрлиғ тегурди. «Омуронинг қироғинда иглангил», теб. Лут анда бориб тушди. Чодир тикди, кириб ўлтурди. Омуро халқи Лутга тақи ики қўлдошларига тамаъ қилдилар. Келиб Лутни кўрдилар, тутғалу ўғрадилар. Лут тевага тақи итга айди: «Буларни мандин кетаргил». Тева, ит уларга тебундилар, илик бирла урдилар, тиш бирла тишладилар, кўтуруб ерга тўқию ўлтурдилар. Юз минг эр бор эрди қамугини ёндуруб элга кивурдилар. Яна ёниб Лутга келдилар. Ул бўзунлар маликка хабар қилдилар. Бир кўрклук юзлук эр келди. Бир тева, бир ит бирла юз минг эрни кимини ўлтурди, кимини қочурди. Эй малик, элинг кунунг ўртағутек турур. Малик Карму отлиғ вазирга айди: «Борғил, ул эрни кўргил, сўзлашгил яна манга хабар бергил».

Вазир беш юз эр бирла келди. Лутни кўрди. «Отинг не» теб сўрди. «Отим Абдуллоҳ», теди. Айди: «Не ишга келдинг». Айди: «ялавочликга келдим». Кармуз ёнди, маликка айди: «Ялавочман теб айтур», теди. Ончада Жаброил ёрлиғ тегурди: «Борғил, қулум Садумга айғил, имон келтурсун, мани бирласун, сени менинг ялавочим билсун». Лут теб-ради, ит илгару тева сўнгдиндин. Ким йўлуқса ит, тева табинур эрди. Лут малик саройинга келди тева ўнг қўлинда, ит сўл қўлинда, малик ўтрусинда турди. «Отин не?» теб сўрди. «Отим Абдуллоҳ», теб айди. Абдуллоҳ на темак бўлур? Айди: «Тенгри қулиман темак бўлур». Айди: «Сен кимсен?» Айди: «Тенгрининг расулиман». Яна сўрди: «Расул не темак бўлур?» Айди: «Расул ул бўлурким сенга келиб айтурман: Оллоҳ бир турур, ман анинг ялавочиман». Малик айди: «Бу сўзга тануқунг борму?» Лут айди: «Тануқум ушбу тева турур». Малик айди: «Тева нетак тануқлук берар?» Лут айди: «Тева тануқлуғи мавло қудрати бирла бўлур. Малик айди: «Айғил тануқлук берсун». Лут айди: Эй Раъда, тануқлуқунг борму?» Мавло аzza ва жалла тевага тил берди. Айди: «Ло илаҳа иллаллоҳу ва иннака Лутун расулуллоҳи». Малик айди: «Яна бир тануқунг қаниким тануқлук берсун». Лут айди: «Эй Дина айт». Айди: «Лаббайка ё расулаллоҳи». Лут айди: «На тануқлуқунг бор?» Ит айди: «Ашҳаду ан ло илоҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Лутан расуллуллоҳи». Малик айди: «Ман ҳеч мундоғ эшитиб кўрмишим йўқ». Бекларинга айди: «Сиз на теюрсиз? Айдилар: «Эй Малик, бу эр жоду турур». Малик айди: «Эй Абдуллоҳ, сан бу сўзни мол учун айтур эрсанг анга тенглик мол берайин-

ким қамуғ улуғунга етсун». Лут айди: «Ман сиздин нар-
са қўлмазман, манга савоб берикли тенгри турур. Эран
бирла қовушурсиз қамуғ йўлсузларсиз». Ва ма ас'алукум
алайи мин ажрин ин ажрий илла ала рабби ал-оламина.
А та'тўна аз-зукрана мин алоламина ва тазаруна ма хала-
қа лакум лаббукум мин азважикум бал антум қавмун
одун. Улар айдилар: «Эй Лут, бу сўздин ёнсанг ёндинг,
йўқ эрса сени бу элдин чиқарғаймиз». Лут бўзунинга айди:
Лаин лам тантаҳи йа Луту латакунанна мин ал-муҳражин.

«Бу фоҳишаким сиз қилурсиз, сиздин бурунқилар олам
ичинда қилмиши йўқ». Ва Лутан из қола лиқавмиҳи инна-
кўм лата'туна ал-фаҳишата ма сабақакум биҳа мин аҳадин
мин ал-оламина. Яна айди: «Сиз эранларни олурсиз, йўл
кесарсиз, арқишни уруб молларин олурсиз, анжуманда
ўлтуруб халқни қўш қилурсиз». Қола а иннакум лата'ту-
на ар-рижала ва тақтаёуна ас-сабил.

Жавоб айдилар: «Тангри азоби теюрсан, келтурғил ул
азобни бир кўралинг агар сўзунг кўни эрса». Фа ма кана
жаваба қавмиҳи илло ан қолу и'тина би азаби-ллаҳи ин
кунта мин ас-содиқина. Лут дуо қилди изиё, кўргузғил
ул қудратингни бу ўртоқ, эшлик бўзун уза Рабби унсурни
ала ал-қавми ал-муфсидина. Яна айди: «Илоҳий, булар
кирмазлар неча ундайин». Жаброил келди: «Тақи йил унда-
гил». Қирқ йил ундади бирагу имон келтурмади. Азоб вақти
бўлди ёвушди эрса Лут маликка келди айди: «Қўрқғил
тенгридин, мусулмон бўлғил. Айғил;Ла илаҳа илла-ллоҳу
Лутун расулу-ллоҳи: «Айдилар: «Эй Лут, бу сўздин дағи
эрмадингму?» Лут айди: «Ман ўз кўнглумча келмадим,
тенгри ёрлиғи бирла келдим. Ёрлиғ бўлмаса ман келмағай
эрдим». Дуо қилди: «Изиё, қутқарғил мени бу золим бў-
зунлардин». Рабби нажжини мин ал-қавми азх-золимина.
Қамуғи йиғилиб айдилар: «Лутни эви барқи бирла элдин
чиқаринг. Булар ариғсизлиқ қилур учун бизни маломат
қилурлар, бизга сўзлагучи қолмасун», теб. Ахрижу Аала
Лутин мин қарайтикум иннаҳум унасул йататаҳҳаруна.
Лут эвлуки кофир эрди. Иброҳим алайҳис-салом бир кеча
туш кўрди. Лутнунг бир ким эрса бирла сўзи софий бўлди
теб. Ёриндаси йўл бошинда ўлтуруб хабар сўрди, билмади,
кўнгли машғул бўлди. Ул кун кўнуқ тилаю билмади. Ибро-
ҳимқа кўнуқ истамак фариза эрди. Кўнуқсуз рўза очмас
эрди. Кўнуқ тилади, булмади. Ёриндаси ема булмади. Ун
кун кўнуқ келмади, ғоят қазғурди. Ул ўн кун ичинда Лут
хабарин булмади, кўнуқма келмади. Ун биринчи кун муно-
жот қилди: «Изиё, қаю ёзуқ бирла мани қийнаюрсан, кўнуқ
измассен». Жаброил келди, айди: «Эй Иброҳим, мавло
ёрлиқар Лутни сақлаған ман эрмасму эрдим. Сен Лут учун
кўнуқ изламакни кўздунг». Иброҳим айди: «Изиё, тавба
қилдим». Ун биринчи кун ўн икки киши-кўрклук юзлук,
кичик ёшлиғ йигитлар чодирға кириб келдилар. Нетакким

мавлó ёрликáр, ҳáр áтáкá ҳáдису зайфи Иброҳима алмук-
рамина из дахалу алайҳи фа қолó саламан қола саламун
қавмун мункарун. Иброҳимға айдилар: «Нетаксен қўнуқ
бирла?» Иброҳим айди: «Ўн кун бўлди рўза очмишим
йўқ». Қўнуқ келмишинга севунди. Ики ярим ёшлиғ қизил
қашқа, тўрт азоқи сўгул бузағуси бор эрди, ани явлоқ
севар эрди. Ани келтурди, бўғузлади. Сўкулма қилиб қў-
нуқларға келтурди, ўнглáринда қўйди, Фа роға ила аҳ-
лиҳи фа жа'а би ижлин самияин фа қаррабаҳу илайҳим
қола ала та'кулуна, узи ташға чиқди. Иброҳимнинг одати
ул эрди қўнуқ ҳижобсиз таом есин теб чиқар эрди. Сора
эшиқдин қўнуқлар таом емасин кўруб Иброҳимға хабар
қилди. Иброҳим кирди. «Налук емассис?» теди. Айдилар:
«Баҳоси билмадин, емасмиз», тедилар. Иброҳим айди:
«Баҳоси ул турур, емазда ашну «бисмиллоҳи» тенгиз, та-
ом қилишда «Ал-ҳамду лиллоҳ» тенгиз». Айдилар: «Биз
таомга муҳтож эрмазмиз». Иброҳим қўрқди, қўнуқ ош
ошамаса эв изасининг кўнгли машғул бўлур теб. Фа ав-
жаса минҳум хифатан қолó ла тахаф. Айдилар: «Қўрқма-
ғил, биз фаришталарбиз, сенга севунч келтурдук, Сорадин
ўғлунг бўлур», теб. Ва башшаруху би ғуламин алимин.
Исҳоқ ўғлининг оти Яъқуб бўлсун. Фа башшарнаҳа би
Исҳақа. Сора ани эшитиб уфтанди, илги бирла янғоқин
урди, айди: «Ман ёшға етмиш қариман манға ўғул-қиз
қайдин келур». А алиду ва ана ъажузун ва ҳаза баъли
шайхан. «Эмдига теги ўғул туғурмадим, Иброҳимма ул-
гарди ўғул нетак бўлур». Жаброил айди: «Мавло қудра-
тидин тонгму кўрарсан» А таъжабина мин амрллаҳи.

Жаброил бир қуруғ йиғоч Сора илкинга берди. Куруқ
йиғоч Сора илкинда ёшарди, ябурғоқлади. Жаброил айди:
«Эй Сора, ул тенгриким қуруғ йиғочни санинг илкингда
ёшарди санга қарилиғда ўғул берса не ажаб бўлғай». Ибро-
ҳим айди: «Сизлар кимларсиз?» Айди: «Ман Жаброилман,
бу Мекоил турур тақи ўн фаришталар турур». Иброҳим
айди: «Не ишға келдингиз?» Фа ма хатбукум аййуха ал-мур-
салуна. Айдилар: «Лут қавм ариғсизларни ҳалок қилғалу
келдимиз». Инно урсилно ило қавмин мужримина. Ёлғуз

Лутнинг эвиндагилар қуртулурлар, хотунидин ўзга. Илло
бало Лутин инна ламунажжухум ажмаъина илло имра'ата-
ху. Иброҳим айди: «Уларда юз киши мусулмон йўқму?»
Жаброил айди: «Уларда юз киши мусулмон бўлса эрди
мавлó таоло бу балони измағай эрди». Иброҳим айди: «Тақи
ўн киши мусулмон йўқму?» Жаброил айди: «Ўн киши
мусулмон бўлса бу бало келмағай эрди». Иброҳим айди:
«Бир киши тақи мусулмон йўқму эрди?» Жаброил айди:
«Бир мусулмон бўлса эрди ҳалок бўлмағай эрдилар». Ибро-
ҳим йиғлаю бошлади. Фаришталар айдилар: «Ул вилоят
ичинда бир эвлукдин азин мусулмон булмадимиз. Ул эв
Лут ялавоч эви турур». Фа ма важадна фиҳа ғайра байтин

мин ал-муслимина. Иброҳим айди: «Эй Жаброил, сизлар анда тегмишда ман Лутни кўрмазман», теги. Жаброил Мекоил тақи ўн фаришталар чодирдин чиқдилар. Бир мангим бирла Лут бўзунига тегдилар. Иброҳимдин Лутга теги на ҳижоб бор эрса қамуғи очилди, Иброҳим қамуғини кўрди. Туннунг учда бири кечмиш эрди, Жаброил, Мекоил тақи ўн фаришталар йигитлар суратинча Лутнинг қабуғинга келдилар. *Ва ламма жа'ат русулуна Лутан си'а биҳим ва зақа биҳим заръан.* Жаброил қабуғ қоқди, Лут чиқди. Кўрклук, силиғ, ариғ йигитлар кўрди. Кўрқди, керакмазким бу бўзунлар қўнуқларга заҳмат тегурсалар теб. Билмадиким фаришталар турур. Жаброил айди: «Эй Лут қўнуқлар бирла нетаксан?» Лут уларни эвга кивурди, қизларинга: «Таом ануқланг», теги. «Қўнуқлар есунлар, тонг отмаздан бурун элдин чиқсунлар бу ёвузлар туймасунлар», теги. Қизлар иш қилғинча Лут эвлуки Воила алайҳиллаъна қўнуқ келса тунла эв илакинда ошиб ўлтурур эрди. Кофирлар қўнуқ келмишин билсунлар теб ўт ёқти. Баъзилар аймишлар, эвдин эвга юриди, кофирларга хабар қилди, кўрклук йигитлар, қўнуқ келиб турур теб. Бир замонда Лут саройи кофирлар бирла тўлди. *Ва жа'а қавмуҳу йухраъуна илайҳи.* Лут ўтру юриди айди: «Сизларга менинг қизларим ариғроқ турур. Қизларимни олинг, қўнуқларимга қотилманг, теги, *Ҳа'ула'и бинати ҳунна атҳару лакум. Ҳа'ула'и банати ин кунтум фаъилина.*

Ул келган кофирларда икки улуғи бор эрди. Лут ул икагуга айди: «Бу ики қизларимни жуфтлуқ берайин», теги. Буларни дафъ қилинг. Ул шариятда мўъмина никоҳи кофир бирла раво эрди. Айдилар: «Сен билурсан, санинг қизларингда бизнинг ҳаққимиз йўқ, бизга не керакин билурсан». *Қолу лақада алимта ма лана фи банатика мин ҳаққин ва иннака латаъламу ма нуриду.* Лут айди: «Қўрқунг тенгридин, мени қўнуқлар орасинда расво қилманг. Сизинг орангизда бир мусулмон йўқму?» *Фаттақу-ллоҳа ва ла тухзунни фи зайфи алайса минкум ражулун рашидун.* Айдилар: «Эй Лут сўз узатмағил, қўнуқларингни бизга бергил. Агар берманг биз кириб тортиб чиқарурмиз», тедилар. Йиғлаю эвга кирди. Жаброил айди: «Налук йиғлаюрсан?» Лут ул сўзни аймоққа уфтанди, кўрқди. Жаброил айди: «Қўрқмағил. Биз тенгри азза ва жалла фаришталари турурмиз. Сени бу ариғсизларин қутғарғали келдимиз». *Йа Луту инна русулу раббика лан йасилу илайка.* Жаброил қўпти. Қапуғин сидилар, эвга кирдилар, фаришталарни кўрдилар, тутгали ўградилар эрса Жаброил бир овуч тупроқ олди, юзларинга сочди. Тўрт юз эр қамуғи қарағу бўлдилар. «Эй Лут, сан жодуларни келтурмишсан бизни мунда қарағу қилдилар. Ошуқмағил, қўнуқларинг кетсун биз санга не иш қилурмиз, кўргайсен», теб. Ончада элга хабар ёзилди «Лут жодулар келтирмиш», теб. Ғавғо тақи ортуқроқ бўл-

ди. Лут кўрқди. Жаброилға айди: «Бу ишнинг сўнги не бўлур?» Жаброил айди: «Биз келдимиз буларни ҳалок қилиб сани қутқармоқ учун». Лут айди: «Қачон ҳалок қилурсан?» Жаброил айди: «Тонг отарда». *Инна мавъидаҳум ас-субҳу*. Лут тонг отарга эвди. «Тонг қачон отар», теди. Жаброил: «Тонг ёвуқ турур», теди. А *лайса ал-субҳу би қарибин*. Жаброил айди: «Эй Лут, сен бу элдин чиқғил». Лут ул мусулмон эвлуки бирла теваға мундурди. Икки қизини, теvasини, итини Мекоил қанити бирла кўтуруб кўз юмуб очгунча *ўн* йиғочлиқ ерга элтиб кўзди. Ёрлиғ бўлди Жаброилға, бир кичик қанитин ёзди, Лутни қанитарининг устига суқди. Ерни сувға теги уйди ҳавоға теги оғдурди. Жаброил кўкка теги оғдурди. Товуқлар унин фаришталар эшиттилар. *Ёрлиғ бўлди*: Эй Жаброил, ул ерни эвурғил сен остиндин чиқғил». Ерни эвурди, ўзи остин чиқди. Эр тиши бирла ётурда узқудин уйғонмадилар, ўғлонлар бешиқдин азрилмадилар. Сув идишлари табан бўлдилар, қатра сув тўкулмади. Хитоб келди: «Эй Жаброил, буларни кўтарган сенмусен ё менму?» Жаброил саждаға борди, айди: «Илоҳий, тавба қилдим». Кўк кўрартек бир қаттиқ ун қилди уларнинг остиндақи товуқлари, йилқи қоралари мавло ёрлиқи бирла остиндин чиқдилар. Ончада тонг ўркади. Ёрлиқ келди: «Эй Жаброил, ул тунда инган ерни бир тепгил». Жаброил тепди эрса қайра сувға теги инди. Тош ташлади. Энг илки отган тош Воила бошинга тегди, тебаси ёрилди, ўлди, тамуғға уланди. Ул элларнинг текма биринда юз минг санчишур киши бор эрди, тўкулдилар, остинлари устун бўлди. *Жаъална олийаҳа сафилаҳа ва амтарна алайҳа ҳижаратан мин сиҷилин манзудин мусовваматан инда раббика вамахийа мин аз-золимина би баъид*. Текма бирининг отинга бир тош эрди тепасинга урур эрди. Мавло ёрлиғи бирла бориб анинг тебасинга ўткура урар эрди. Қамуғи кун ёруғинча ҳалок бўлди. Йўқ бўлдилар изи қудрати бирла.

ҚИССАИ ЯЪҚУБ АЛАЙҲИС-САЛОМ.

Вабъаззат айнаҳу мин ал-ҳузни фа ҳува казимун сурмасин кўзига тортиб, Қола иннама ашку басси ва ҳузни ила-ллоҳи муножотини қилған, Ўа баниййа изҳабу фа таҳассасу мин Юсуфа ва ахиҳи ва тайасу мин равҳи-ллаҳи, теб ўғлонларин изған, Изҳабу би қамиси ҳаза фа алқуху ала важҳи аби ўа ти башоратини булған Яъқуб ан-набий алай-ҳис-салом.

Совчи Исҳоқ ўғли теб бу отни олған Яъқуб ул,
Олти хотундин ўн икки ўғлон булған Яъқуб ул.

Мунча ўғлон орасинда онгсизин ул ўниқа,
 Ўн биринчи ўғлин ўлтуруб ўлю турған Яъқуб ул.
 Кеч аёлинг кеч ўғурда йиғилу кириб йиғлашу,
 Бўри еди, теса ўзин ерга чалған Яъқуб ул.
 Байт ул-аҳзон ичра кириб тунла кундуз инграю,
 Юзи кўрклуб Юсуфни ҳақдан қўлған Яъқуб ул.
 Тошга чиққан, кунн тўғған, кўрк учун кўз олдуруб,
 Кўкси куйган ўтда ёнған, бағри ўлған Яъқуб ул.
 Ўзи мунглуғ, кез юракли мавлонинг мурсал қули,
 Ул чечактак энгги кўсаб, менгзи сўлған Яъқуб ул.
 Етти яшаб ёш ўғулни йиртубон ёши оқиб,
 Анди сексон йилда кезин қайра бўлған Яъқуб ул.

Яъқуб Исроилуллоҳ ибн Исҳоқ Сафиюллоҳ ибн Иброҳим Халилуллоҳ, Яъқуб ялавоч явлоқ қавий кўрклуб, алп юраклик кучунга куванур эрди. Мавло азза ва жалла ул ужбни андин кетарди. Ривоятда келмиш, бир кеча йилқи қорасин, қўй қўзисин ёзиға чиқарди. Ўз ҳожатиға машғул бўлди. Йилқи қародин сўнг қолди. Мавло таоло бир фариштани иза берди, одам суратинча ўғритек бўлуб келди. Яъқуб анинг бирла тутушди. Фаришта Яъқубни кўтуруб ерга чалди. Яъқубнинг уйлук томури оғриди. Узун тун ингранди. Назр қилди, агар мавло таоло бу оғригдин шифо берса қаю ем ичим манга севук турур ани ўзумга ҳаром қилдим. Мавло таоло шифо берди. Яъқуб емларда тева эти севук эрди, ичимларда тева сути. Бу иккини ўзунга ҳаром қилди. Яъқубда кезин яъқубийларға ул суннат бирла емас бўлдилар. Айдилар: «Бу нарсалар қамуғ ялавочларға Одамдин бу кунга теги ҳаром эрди. Тавротда мундоғ эрди», тедилар. Мавло таоло уларнинг сўзини ёлғонга чиқару ёрлиқади. Қамуғ таомлар Яъқуб ялавоч ўғлонларинга ҳалол эрди, аммо Яъқуб ўзинга ўзи ҳаром қилди. Куллу ат-таъами кана ҳиллан либани Исроила илла ва ҳаррама Исроилу ала нафсихи мин қабли ан туназала ат-тавроту. САВОЛ: Яъқуб ялавоч надин Исроил атанди? ЖАВОБ ул турур: «Иср» маъниси булун бўлур, шайтонни бир вақтда булнамиш эрди. Анинг учун Исроил атанди. Ҳикоятда келмиш: Яъқуб Байт ул-муқаддасда хизмат қилур эрди. Чироғларин ёқар эрди. Шайтон алайҳил-лаъна текма кеча келиб чироғларни ўчурур эрди. Аймишлар, олти юз чироғ ёқилур эрди. Яъқуб бир тунла сақлади. Шайтон келиб чироғин ўчурурда Яъқуб секриди шайтонни тутуб, бўйнини занжирлади, бир тиргукка берк тикди. Анинг учун Исроил атанди. Яна бир жавоб ул турур: Иср булун бўлур эл тенгрининг оти турур Исмоил тенгрининг қули темақдур. Яъқубнинг ўн икки ўғли бор эрди, қизлари ема. Маликларда бир кофир Яъқубнинг қизини қўлғалу киши изди. Яъқуб унамади. Ул малик айди: «Қизингни манга бермадинг эрса қатиг санчишурман», теди. Маликнинг черики

телим эрди. Ёрлғ келди: «Кофирларни ҳалок қилмоқни тиласанг ҳалок қилайин, сани уларга мусаллат қилайин. Йўқ эрса ўз элинг бирла ҳалок қилғил». Яъқуб ўғлонларинга айди: «Қаюсун тилаюрсиз», теб. Кенгашди, ўғлонлари айди: «Бизни мусаллат қилсун», тедилар. Яъқуб ани унамади дуо қилди. Мавло таоло қамуғини ер қузи изди, ҳалок бўлдилар. Яна бир малик қиз қўлғалу ўгради. Яъқуб айди: «Манинг шариятимда бир суннатим бор. Ул суннатимни сен черикинг бирла битурдинг эрса қизимни бергайман», теди. Малик айди: «Ул суннат қаю турур?» Яъқуб айди: «Ул суннат хатна қилмоқ турур». Малик ўзуни хатна қилди, қамуғ черикнима хатна қилдурди. Яъқуб ўғлонлари бирла қилич тортиб келдилар. Малик черики бирла хатна қилдуруб огриғ ётурда ўғлонлари бирла келиб қамуғини қирдилар. Яна баъзи уломолар аймишлар, Однинг Шаддот отлиғ ўғли бор эрди. Ул ким дунёда ужмоқ қилдурди кирмакка тегмади. Ул Шаддоднинг Имлоқ отлиғ ўли бор эрди. Яъқуб рўзгоринда минг бек бор эрди. Бу минг бекни ундади, айди: «Манга бир кенг туз ёзи соғ тупроқлик ер ҳосил қилинг». Ул минг беклар андоғ ер ҳосил қилдилар. Имлоқ келиб ул ерни ўлчади эрса ўн ики йиғочлик ернинг теграсин қаздурди, сувга тегурдилар, сув юзиндин ер юзинга теги тош бирла оғдурдилар. Анда кезин ул тош тебасинда архом тождин том қўпордилар. Уларнинг қариси бирла қириқ қари, том адизлиги томнинг энинча. Ўн отлиғ эр қуршаб юригутақ ўн минг вазири бор эрди. Текма вазирининг ўн минг санчишур эр бор эрди. Бу томқа Қутрум шаристони атадилар. Ўртасинда бир сарой қўпордилар. Икки йиғочлик бир кирпич олтундин, бир кирпич кумушдин. Том адизлиги қирқ қари, бўстонлар, бозорлар қилдилар. Бу сарой ўртасинда ўзинга тамоша қилгутақ ер қилдурди. Адизлиги ики юз аршун. Ул шаристонга тўрт қабуғ қилди. Булардин адизлиги йигирми тўрт аршун. Қачон тамом бўлди эрса кўч кўтаруб анга борди, тахтга ошиб ўрнинга ўлтурди. Йилларда бир йил Канъонда қаҳатлик бўлди. Қутрум шаристонида ошлиқ сотарлар теб хабар келди. Канъондин Қутрумга ўн кўнлук йўл эрди. Яъқуб ўғлонлари ошлиқ олғали ўградилар. Қутрумга келдилар. Имлоқи лаин ул адиз манзарга оғиб боқарда йироқдин Яъқуб ўғлонларин тева бирла келурин кўрди. Бошларинда урунг булут қалқонтек бўлуб кўлика қилур. Имлоқ ул булут кўруб боқди. Ла илаҳа илла-ллоҳу Мухаммадун расулуллоҳи битиклик кўрди. Вазирларин изди. Бориб манга йигитларни келтурунг, Вазир келиб айди: «Малик сизларни ундаюр», теса Яҳудо айди: «Биз тенгри ялавочининг ишин тамом қилмагинча келмазмиз», тедилар. Вазир борди, бу сўзни маликка тегурди. Тамом бўлмишда кезин келдилар. Имлоқ ўн йигитни кўрди, бўйлари, кўриклари биртак, тонглаб оғирлади. «Сизлар кимларсиз?» теб

сўрди. Яҳудо айди: «Биз ўнагу бир қариндошмиз, Яъқуб ялавоч ўғлонларимиз. Отамиз Исҳоқ тақи улуғ отамиз Иброҳим. Биз Канъондин ошлиқ олғалу келдимиз». Малик сўрди: «Азин қариндошингиз борму?» Айдилар: «Яна икки қариндошимиз бор, бири Юсуф отлиғ бири, Ибн Ямин отлиғ». Малик айди: «Ман эр қариндош сўрмасмен, қиз қариндош сўрармен». Айдилар: «Бир қиз қариндошимиз бор». Малик айди: «Қиз қариндошингизни манга беринг отангизни тақи сизларни ман мол бирла азиз қилайин, қамуғдин ортуқ бўлғайсиз». Яҳудо қариндошларинга боқти: «Сиз не теюрсиз?» Шамъун, Рубил ачиғландилар. Яъқуб ўғлонлари ачиғлансалар вилоятни хароб қилмағунча ачиғлари ўчмас эрди. Магар Иброҳим ялавоч уруғиндин ким эрса илкин орқасинга силаса ачиги ўчар эрди. Яҳудо кўрдиким икагу ачиғландилар. Айди: «Керакмаз Қутрум шаристонини хароб қилсалар бизга эмгак текса», теб Рубил орқасинга илик силади. Ачиғлари ўчти. Айди: «Эй малик, санинг ўғлунг сандин кенгашсиз қизингни ким эрсага бергайму?» Айди: «Йўқ», Яҳудо айди: «Бизнингма отамиз бор. Биз бориб сенинг сўзунг тегуралинг, отамиз на бергай», тедилар. Малик ул сўзга севунди. Ўн тева юки буғдой, ўн тева ун, минг кумуш, ўн ботмон йипор, ўн ботмон анбар, ўн ботмон кофур келтуруб буларга бердилар. Яна тақи бир мунчани оталаринга иза берди. Тақи айди: «Бу нарсаларни отангизга беринг, тақи манинг сўзумни тегурунг: «Ман сани оталиқга қабул қилдим санма мани ўғуллуқга қабул қилғил. Манинг сўзум етгач Яъқуб ялавоч кун кўтаруб манга келсун, қизин манга берсун теб сўзумни текурунг», теди. Яъқуб ўғлонлари ёндилар. Бу сўзни оталаринга айдилар: «Малик бизга мунча мол берди тақи бир мунчани санга йиборди», теб ўтрусинда кўздилар. Яъқуб ул сўзга йиғлади, айди: «Мандин бурун ҳеч ялавоч қизини кофирга бермади». Ўғлонлари айди: «Сан билгил», тедилар. Бу сўзга бир ой кечмишда кезин Имлоқ Яъқубга битик изди. Ул битикда бу эрди: «Бу битик имлоқ имлоқидин, маликлар маликидин, ҳиборлар ҳибори улуғ мулклуқ, улуғ чериклик Имлоқдин ул залил, ҳақир, фақир Яъқубга тегсун. Бу битик тегса қизини манга яроғлаб қўйсун. Агар қизини бермаз эрса ман бориб эл кунин бузарман. Сани ўғлонларинг бирла ўлтурурман, қизингни тортиб олурман. Сангама ялавочлиқ асиг қилмас. Ер тенгриси манман, теди, оғзинга туфроқ, Кўк тенгриси санинг, манинг бирла на иши бор». Нома Яъқубга тегди. Ўн ўғлонларин йиғиб ўқитди. Ўғлонлари туруқдилар, айдилар: «Эй ота, ўзунга, бизга куч қилмағил, Канъон шаҳрин бузмағил, қизингни бу маликка берғил», тедилар. Яъқуб ўғлонларинга бушукди. Яҳудога айди: «Нома жавобин битгил. Бисмиллоҳир-рахмонир раҳим. Мен Яъқуб Исроилулоҳ ибн Исҳоқ Сафиюллоҳ ўғли Иброҳим Халиуллоҳдин

Имлоқи лаин шақиюд дунё вал охирақа. Билгилкин ҳеч ялавоч қизини кофирға бермади, манма бермасман. «Ло илоҳа иллоллоҳу ва инни Яъқубу расулуллоҳи тесанг вас-саломи ало ман иттабаъал-худо». Номани битилди, муҳр қилди Имлоқға изди. Имлоқ номани олди, менгизи сарғарди. Ўн икки минг бекларинга боқди. Улар айдилар: «Эй малик, черикинг, кучунг бор. Ёрлиг бўлса биз бориб қизни тортиб келтуралинг». Малик черик йиғди ўн икки минг, беклари ўн икки эр отландилар. Имлоқ явлоқ семуз эрди. Текма от, қачир кўтурмаз эрди. Яғанга мундурдилар. Черик бошлаб Канъонга келди. Жаброилга ёрлиг бўлди қанити бирла яғаннинг тепасинга урди. Яған бир кўкради. Яъқуб эли бирла эшитдилар. Яъқуб ўғлонлари ёзидин келдилар, кўп черик келмиш кўрдилар. Оталари менгизи сарғормиш. Айдилар: «Нетак қилалинг?» Яъқуб йиғлади, тенгри азза ва жаллаға ёлворди. Жаброил етилди, айди: «Эй Яъқуб, тенгри таоло салом изди, салом бирла таҳийят изди. Айди: «Ўғлонларинга айғил кўрқмасунлар, ман сизларга носирман. Эй Яъқуб, ул қизинг манинг ҳазратимда азиз турур, душманга бермагайман, кофирни ялавоч уза эрклик қилмагайман. Ўн ўғлонларинга айғил, ёрин кофирға ўтру чиқсунлар, турушсунлар. Ман қудратимни кўргузайин».

Яъқуб шод бўлди, ўғлонларинга чиқинг, теди. Ўғлонлари айдилар: «Эй ота, биз ўнағумиз кофирлар телим турур, нетак турушалинг». Яъқуб айди: «Ман сизга силоҳ берайин. Ким ул силоҳ бирла тўқуш қилса тенгри душманлари уза зафар топғай». Ўғлонлари айдилар: «Сан эркликсан чиқалинг», тедилар. Яъқуб сандуқ очди, Одам сафий тўнин Шамъунга берди, Шис тўнин Рубилга берди. Иброҳим кўчининг мунгузин Яғсарга берди. Мусо асосин Яҳудога берди. Тўқуз ўғлинга Яҳудони улуг қилди. Ой кунтак бўлуб ўғлонлари чиқдилар. Малик тахт уза турарда йироқдин Яъқуб ўғлонларин кўрди. Бекларинга айди: «Яъқуб ўғлонлари не ишга келмиш, кўрунг», теди. Улар келди эрса қатилманг, санчишга келдилар эрса боринг ўнунласининг бошин кесиб манга келтурунг. Ўн минг эр бирла бордилар. Айдилар: «На ишга келдингиз?» теб сўрдилар. Яҳудо айди: «Санчишқа келдук». Вазири қутқура келди. Яҳудо қариндошларинга айди: «Ўтру турунг». Ўзи илгару кирди, таёқин боши уза чевурди, ҳавоқа солди, яна тутди. Олам ичинда йиғочни ҳавога ташлаб яна тутмак Яҳудонин қолди. Анда кезин бир ун қилди, ул тўқузи ҳам ун қилдилар, фаришталарма кўкдин ун қилдилар. Ул унлар кўркунчидин ўн икки минг эрнинг юраклари ёрилиб ўлдилар. Малик айди: «На бўлди черик уни келмас бўлдилар». Айдилар: «Эй малик, ул ўнағу ун қилдилар. Ул ундин ўн икки минг эр қамуғи ўлдилар». Малик яна бекларинга боқди. Йигирми тўрт минг эр бирла отланиб

келдилар. Яхудо айди: «Эй Шамъун, кезик санга келди». Шамъун ўтру чиқди, айди: «Этинг Ла илаҳа илла-ллоу Яъқуб расулу-ллоҳи». Черик Шамъунга тепундилар. Шамъун ун қилди кофирлар жумла ҳалок бўлдилар, санадилар. Ўт келиб йигирми тўрт минг эрни куйурди. Маликка хабар бўлди, малик яғанга мунди. Ўн икки минг беклар отлануб келдилар. Яхудо қариндошларинга айди: «Келинг, бир йўли такбир қилалинг». Изи аzza ва жалла тўрт саф фаришта изди, текма саф қирқ минг фаришта эрди. Яхудо қариндошлари бирла такбир қилдилар, фаришталарма такбир қилдилар. Яъқуб ўғлонлари тепиниб кирдилар. Булар ерда, фаришталар кўкда. Кофирлар қўрқуб қочдилар. Қутрумга бордилар. Имлоқдин азин ҳеч ким эрса қолмади. Қамуғ ўлдилар. Имлоқ тахтга оғиб ўлтурди. «Мен бири кўртулдум», теди. Анчада кейин Яъқуб ўғлонлари етиб келдилар. Шаристонни қапуғларини берклик кўрдилар. Шамъун айди: «Қамуғ йиғилиб орқа бир қилиб томни йиқалинг». Бу ўнағу экин бирла томни тебратдилар. Шамъун ун қилди. Ул ун етган ерга теги томлар қамуғ емрулди, кирдилар. Маликни саройда бўлдилар, тахт уза ўлтурур. Яхудо айди: «Эй малъун, тенгри қудратин кўрдунг, айғил Ла илаҳа илла-ллоҳу Яъқубу расулу-ллоҳи». Имлоқ ун қилди. Шамъун илик сунди, сақолин тутди тахтдин қузи тортди. Яъқубга келтурди. Яъқуб Имлоқни кўрди, айғил: *Ла илаҳа илла-ллоҳу Яъқубу расулу-ллоҳи*. Имлоқ айди: «Эй Яъқуб, ман бу куни санинг илкингда булунман. На тиласанг қилғил. Манга сандин тақи сани тенгрингдин душманроқ ким эрса йўқ». Яъқуб айди: «Эй Имлоқ, имон келтурсанг оллоҳ таоло ики онча мулк бергай тақи ёрин ужмоҳда ўрун бергай». Имлоқ айди: «Манга замон бергил эвумга борайин, санинг тангринг манга мулк берурму кўрайин. Агар берса имон келтураюн», теди. Жаброил келди айди: «Эй Яъқуб (тенгри) ёрлиқар неча тиласа замон бергил». Яъқуб айди: «Неча замон керак?» Айди: «Ўн йил». Яъқуб Имлоқни қўзди. Имлоқ ўз ўрнинга ўлтурди. Мавло таоло бу ўн йил ичинда анга анча тенглик мулк бердиким йигирма тўрт минг сарҳанглари бўлди. Текма сарҳанг бирла йигирми тўрт минг эр бўлди. Ўн йил тамом бўлди эрса Жаброил келди айди: «Эй Яъқуб, тенгри таоло сенга салом ёрлиқади, салом бирла дуруд изди. Тақи айди: Яхудони Имлоқга изғил имон келтурсун». Яхудо келди, Қутрум шаристонига кирди, айди: «Эй малъун, отам берган ваъда ўн йил тамом бўлди. Изи қудратин кўрдунг тақи мулк ҳам берди. Эмди айғил *Ла илаҳа илла-ллоҳу Яъқубу расулу-ллоҳи*». Малик айди: «Эй Яхудо, сен элчисан, элчини ўлтурмак маликларга ор бўлур. Йўқ эрса бошингни кесиб сўнгукингни яғанлар азоқи олтинда солғай эрдим. Тақи отанга айғил кечмиш бормишни қўзсун, қизини яраштуруб манга изсун.

Йўқ эрса ануқ бўлуб турсун, оғир черик бирла келурман, тенгринг манга не қилгай. Бу ерга келдинг эрса жодулуқунг не асиг қилгай. Ўғлонларингни ўлтургайман, элинг кунунг от азоқи олтинда ҳалок бўлгай. Тақи қизингни тортиб келтургайман. Кўрайин қаю тенгринг санга илик тутар эрмиш». Яҳудо келди отасинга хабар берди. Яъқуб ялавоч изиқа ёлборди, Жаброил келди айди: «Яъқуб, изи азза ва жалла санга салом изди, салом бирла дуруд изди. Айди: «Ман ҳалимман, ошуқмазман. Яҳудога айғил яна борсун, Имлоқга айсун, ман бирман сан манинг ялавочимсан». Яҳудо яна келди айди: «Эй малъун, оллоҳ бир турур, отам Яъқуб ялавоч турур».

Имлоқ ачиғланди, черик йиғди. Йигирми тўрт йўли йигирми тўрт минг эр отланди. Ўзи яғанга мунди. Канъонга икки йиғочлиқ ерда келиб тушди. Яъқуб ялавочга хабар бўлди, мавло азза ва жаллақа ёлборди. Жаброил келди айди: «Эй Яъқуб, тенгри санга салом изди, салом бирла дуруд изди. Тақи айди: Бу кеча санга ул малъундин нажот берайин». Кеча бўлди эрса елга ёрлиғ бўлди, эсгил теб. Тонгдаси кун маликма қолмади. Хайлу ҳашами ер қузи бордилар. Жаброил мавло ёрлиғи бирла келиб Қутрум шаристонини ери бирла юғдуб остинни устун қилди. Жаброил келди: «Эй Яъқуб, мавло ёрлиқар, Имлоқнинг молин товарин, олтун, кумушин олғил. Азинларин ўтқа ёқгил, куйсун. Яъқуб ўғлонлари бирла бордилар. Имлоқнинг молин товарин, олтун кумушин олдилар. Азинларин ўтқа ёқтилар, куйдурдилар. Канъонга келиб ўлтурдилар.

ҚИССАИ ЮСУФ СИДДИҚ АЛАЙҲИС-САЛОМ

Ул Йа абати инни ра'айту аҳада ашара кавкабан ва аш-шамса ва ал-қамара ра'айтуҳум ли сажидин тушин айған ул, отасиндин Йа бунаййа ла тақсус ру'йака ала ихватика фа йакиду лака кайдан насиҳатин эшитган ул, қариндош жафосинга илиниб қузуғқа тушган ул, қузуғдин чиқиб ўн секиз бадал ярмоққа сотилған, ул. Ва жъални ала хазаини ал-арзи инни ҳафизун алимун теб ўзини ўпған ул, Миср тишилари балосинга мубтало бўлуб Рабби ас-сижну аҳаббу илаййа мимма йағъунани илайҳи зиндонини ихтиёр қилған, охир вақтинда Таваффани муслиман ва алҳиқни би ас-салиҳина теб мавлоға ёлворған Юсуф ялавоч алайҳис-салом.

Чин ўн икки эрди Яъқуб совчининг болалари,
Кўрса анинг биртак эрди бўйлари бололари.
Ўн биринчи Юсуф эрди суврати явлоқ бадиз,

Лаъл ичинда гулчирар кўп луълуъи лолалари.
Кўрк қилиқ зийнат малоҳат ҳам нубувват, ҳам карам,
Боша азоқға тегру жумла мавлонинг ололари.
Ота севган, отасинга туш кўруб йўрдургучи,
Не ҳасад қилди, кўр, анга ул ўгай оғалари.
Ул Миср мулки ичинда маликлар хотунларин,
Қул қилган ул қамуғни зулфининг лолалари.
Қул сотилди эл ичинда қайра олди қул қилиб,
Волий бўлди Миср ичинда бўлдилар мавлолари.

Уғон изимиз китоби қадим, Қуръони азим мунаввари карим ичинда хабар берур, ёрлиқар *Наҳну нақуссу алайка аҳсанаал-қасаси*, *Маъниси* ул бўлур: Эй Муҳаммад, хабар бералинг санга. Хабар бермоққа еграги бу узун аҳсани қисса қач қисқа бўлмасун, теб қач ҳарф фойдалар бу қисса аввалинда ёд қилинди. САВОЛ: «Аҳсан» темакда ҳикмат не эрди?» ЖАВОБ: «Ул турурким, Қуръон ичиндаги қамуғ қиссалардин телимрак, фойдаси укушрак Юсуф қиссаси турур. Ул йўлдин «Аҳсан ул-қасас», теди. Иккинчи жавоб: «Бу қисса аввалиндин охиринга теги баъзи қавлинча қирқ йил, баъзи қавлинча сексон йил кечди, анинг учун «Аҳсан ул-қасас» темак бўлур». Учунчи жавоб: «Азин қиссаларда, азин оётларда келмиш, аммо Юсуф қиссаси тугангинча бу сурада келди. Анинг учун «Аҳсан ул-қасас» теди. Тўртунчи жавоб: «Азин қиссаларда ёт кишилар орасинда эрди, аммо Юсуф қиссаси ота-она тақи ўғлонлари орасинда эрди. Анинг учун «Аҳсан ул-қасас», деди. Бешинчи жавоб: «Бу қиссада уч ҳол бор роҳатда, эмгақда, мавло тоатинда, халойиклар орасинда эзгу муомала қилмоқ, кенгликда, торликда очуқ тутмоқ». Олтинчи жавоб: «Юсуф қариндошлари бирла эзгу муомалат қилдуқи тақи уларнинг жафосинга сабр қилдуқи учун». Еттинчи жавоб: «Бу қиссанинг аввали туш, ўртаси туш, охири туш эрди. Анинг учун «Аҳсан ул-қасас», теди. Саккизинчи жавоб: «Бу қисса ишқ бирла тамом бўлди. Анинг учун «Аҳсан ул-қасас», теди. Тўққузунчи жавоб: «Расул алайҳис-салом ёрлиқади, ким эрса ўн турлук балоға илинса ўн сурани ўқусун, ким эрса навсибослиқ мандин кетсун теса «Ал-ҳамду» сурасин ўқусун, ким эрса ўғрилардин қуртулайин теса «Сурат ул-бақара»ни ўқусун, ким эрса чиғойилиқдин қуртулайин теса «Ол имронни» ўқусун, ким эрса қазғу кўнглумдин чиқсин теса «Сурат ул-анъом»ни ўқусун, ким эрса нифоқ кўнглумдин чиқсун теса «Сурат ул-анфол»ни ўқусун, ким эрса ўфкам ўчсун теса «Сурат ул-аср»ни ўқусун, ким эрса қазғу манга ҳаром бўлсун теса «Алам нашраҳ»ни ўқусун, ким эрса куфр ва ширк мандин кетсун теса «Сурат ул-ихлос»ни ўқусун, ким эрса жодлуқдин омон тиласа «Сурат ул-муъаввизатайин»ни ўқусун, ким эрса бу ўн турлук қазғу мандин кетсун теса «Юсуф» сурасин

ўқусун. Анинг учун қамуғ балолар Юсуф қиссасинда бор.

Аймишлар, Яъқуб ялавочнинг олти хотуни бор эрди. Тема хотундин икки ўғул бўлди-ўн икки ўғул бўлур. Латифа. Улвий ола ичинда ўн икки буржлар бор. Табарака аллази жаъала фи ас-сама'и буружан. Ва ас-сама'и зати ал-буружи. Ул буржлар бу турур: қўзи (ҳамал), уй (савр) аранданд (жавзо), қучиқ (саратон), кур арслон (асада), бугдой боши (сунбула), улкар, чизан (ақраб), ёй (қавс), ўғлоқ (жадй), кўнак (далв), балиқ (ҳут). Бу ўн икки буржда етти юлдуз бўлур. Фа ла уқсиму би ал-хуннаси ал-жавари ал-куннаси. Ул юлдузлар қаю турур теса айғил: сакандир, ўнгай, куруд, яшиқ, сақит, орзу, ялчиқ. Бу юлдузларда қарор қилмайин юриюрлар.

БАЙТ

Ўн икки укак етти ақрон қислиқ,
Энг илки қўзи, уй, аранданд, қучиқ.
Кур арслонма бугдой боши улкар аро,
Чаён ҳам ёй, ўғлоқ, кўнак ҳам балиқ.
Яна етти юлдуз буларда юриюр,
Сакандир, ўнгай ул куруд ҳам яшиқ.
Сақит, орзу, ялчиқ ёғитек бўлур,
Тўқушдин ўсанма кизибон ёрик.

Бу ўн икки буржларда бу етти юлдузлар туғар. Яна бир олами сифлийда етти бурждин ўн икки юлдуз туғди. Етти бурж қаю тесанг: Яъқуб ялавоч, Шавша, Заъура, Сунбула, Қамар, Ҳабиба, Раҳил. Яъқуб олти хотунлари бирла етагу. Ўн икки юлдузлар қаю тесанг ўн икки ўғлонлари турур: Рубил, Ловий, Шамъун, Яҳудо, Жода, Дон, Яғсар, Ястохир, Заботуқ, Қозур, Юсуф, Ибн Ямин.

Юсуф ўн биринчи ўғул эрди. Мавло таоло анга ўн нарса каромат қилди: кўрк, қилиқ, кечурмак, ялавочлик, туш таъбири, кўни сўз, уз, авоқибат, умур, таъвили суҳуф. Иброҳим. Бу ҳам Юсуфтек кўрклук оламда назири йўқ эрди. Ривоят қилмишлар Миср халқи етти йил қаҳатлиқ бирла мубтало бўлдилар. Молин, товарин, мулкин, асбобин, қулин, кўнглин Юсуфга сотиб ошлиқ олдилар. Анборда ошлиғ қолмади. Янги ошлиғ бўлурға тўрт ой қолди. Юсуф алайҳис-салом Миср халқинга ниқоб кўтурди, юзин кўргузди. Юсуфнинг жамики мушоҳадаси бирла тўрт ой таом емадилар, Юсуфнинг кўрки бирла кун кечурдилар. Хабарда келмиш, Расул алайҳис-салом ёрлиқар: Меърож тунинда изидин манга ёрлиғ бўлди: Эй Муҳаммад, ужоҳдағи ҳурларнинг кўркини дунёда икагуга бердим. Бир онанг Ҳаввоға, иккинчи Юсуф Сиддиқға. Тақи аймишлар: Мавло кўркни минг улуш қилди, тўқуз юз тўқсон тўқузни Юсуфга берди, бир улушни тугал оламларға берди. Қачон

Юсуф эвдин чиқса ой кун нури қолмас эрди. Олам халқи билур эрди Юсуф чиқмиш теб. Ким эрса Юсуфга боқса кўзгуда кўрартек ўзин юзин кўрар эрди. Қачон таомни ҳал қилиб ютса бўғзиндин кечкинча кўрунур эрди. Қоронғу тун кунтек бўлур эрди. Янғоқлари нуриндин «Шақойиу ан-ниъмон» отлиғ чечак уфтанур эрди. Юсуф тақи Ибн Ямин Роҳилдин эрдилар. Юсуф кичик эркан Роҳил вафот қилди. Юсуф, Ибн Ямин кичик қолдила теб Яъқуб буларни шафқат қилур эрди онасиз теб, аммо Юсуфни қаттиг севар эрди. Юсуфсиз юрумаз эрди. Етти ёшади эрса бир тунда туш кўрди иничилари бирла таёғларин ёзида тикдилар, қамуғлари кўкарди, аммо узамади. Юсуф таёқи чечакланди, илк қат кўкка теги узади. Тақи азин таёқлар узагулига қилди. Баъзилар аймишлар, иничиларининг таёқлари Юсуф таёқинга сажда қилдилар. Юсуф келиб ул тушни иничиларинга айту берди, иничилари бири биринга айдилар: «Кўрмасмусен бу Роҳил ўғли отамизга севуклукрак бўлайин теб сақинур». Туш кўнгулларинга ёқмади. Иккинчи кеча яна туш кўрди ўн бир юлдуз, кун ой бирла иниб Юсуфга сажда қилурлар. Юсуф бу сўзларни отаси Яъқубга айту берди. Аймишлар: Бўстон отлиғ жухуд ялавочимиз Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи ва салламга савол қилди: «Юсуфга сажда қилган ўн бир юлдузнинг оти на турур?» Расул айди: «Ул юлдузларнинг отини айту берсам имон келтургаймусан?» Жухуд айди: «Анда кезин». Расул ёрлиқади ул юлдузлар оти чизон, торик, қойис, хандуҳ файлақ, мусаббиҳ, вассоб, раййол, бир ривоятда зайёл, зулумудон, зулфараъ, зулkitфон. Бу ўн бир юлдузлар ой кун бирла кўк этагинда Юсуф сажда қилдилар. Яна бир ривоятда кўкдан иниб сажда қилдилар. Жухуд айди: «Воолоҳким Таврот ичинда мундагуқ ўқидим», теб имон келтурди. Яна айди: «Эй Юсуф, тушларинг явлоқ кўрклук турур, қариндошларингга аймағил санга ёвуз санағайлар. Шайтон одамзот учун очуқ душман турур. Ай бунаййа ла тақсус ру'йака ала ихватика фа йакиду лака кайдан инна аш-шайтона ли ал-инсани адуввун мубинун». Бу сўзни Рубил онаси Қамар эшитти. Бориб Рубилга сўзлади. Рубил қариндошларинга сўзлади. Қачон Яъқуб ўғлонлари бу сўзни эшиттилар эрса Интафахат авдажуҳум ва иқшаъаррат жулудуҳум ва избаррат шуъуруҳум қамуғлари ўфкаладилар, бўюн томирлари керилди, туйлари ирикланди ура кўпди. Қамуғлари айдилар: «Бу Роҳил ўғлинга таб эрмасмумизким отамиз ани ортуқ, севуб, ортуқ тутар. Тақи ўзин ортуқ севдурайн теб туш кўрдум тею ёлғон айтур. Биз тун-кун ёзида йилқи қора, қўй-қўзи бирла эмганиб юриюрмиз» Из қолу лайусуфу ва аҳуҳу аҳаббу ила абина минна ва наҳну усбатун инна абана лафи золалин мубинин. Қамуғи кенгашдилар. Юсуфни ўлтуралинг ё кэнду йироқ ерга солалинг. Ота-

миз севуклуги хос бизга бўлгай теб. Уқтулу Юсуфа ав итраҳуҳу арзан деган ким эрди?» Жавоб: Аймишлар, қариндошлари бири биринга сўзлашур эрди. Тақи бир жавоб ул турурким, шайтон эрди, бир абушга одамийтек бўлуб келди, уларга айди: «Юсуф сизларни қулангүтек турур». Сўрдилар: «Нетак қилалинг?» Шайтон айди: «Ўлтурунг, ё кэнду йироқ ерга кўмишинг. Андағўк қуш курт егай, отангиз севуки сизга қолгай». Улар айдилар: «Юсуфни ўлтурсамиз отамизга ёзиб изи азда ва жаллага осий бўлгаймиз». Шайтон айди: «Ул иш қилмишда кезин тавба қилгайсизлар, солиҳлар жумласиндин бўлгайсиз». Ва такуну мин баъдиҳи қавман солиҳина. Бу сўзни шайтон сўзлаб ғойиб бўлди. Уларни бу тадбир уза кўзди. Яна бири айди: «Бу ишни қилур бўлсангиз Юсуфни ўлтурманг, элтиб бир теранг қузуғга кўмишинг, йўлдин кечганлар олиб кетгайлар. Қола қо'илун минҳум ла тақтулу Юсуфу ва алқуҳу фи ғойибати ал-жубби йаллатақитҳу баъзу ас-саййарати ин кунтум фаъилина. САВОЛ: Бу тадбирни ўгратган ким эрди? ЖАВОБ: Баъзилар аймишлар, Рубил эрди, қамуғдин улуғроқ ҳам холаси ўғли эрди. Баъзилар аймишлар, Яҳудо эрди. Баъзилар аймишлар, Шамъун эрди. Яна айди, ўлтурмак қон қилмоқ улук ёзуқ турур, қузуғга кўмишалинг теб, кенгашдилар, Айдилар: «Эй ота, ёз кунин бўлди. Бу кун Кун отлиғ султон Хут отлиғ қишлоқдин Ҳамал отлиғ ёзга ўгради. Адиз кўк йиглар, яғир ер кулар. Булутлар ёш оқитса ёш ўғлон онадин туғартек ёш яшаб ўлган қора ердин кўк, ёш ўтлар унар».

БАЙТ. БАҲОРИЙЁТ МАВЛОНО НОСИРУДДИН РАБҒУЗИЙ:

*Қағ жа'ат ал-азҳару баъда фавтиҳа
Вағаннат ат-тайру би аъло савтиҳа*

*Фа унзур ила аассари раҳмати-ллаҳи
Кайфа йўҳйи ал-арза баъда мавтиҳа*

Кун ҳамалга кирди эрса келди олам наврӯзи,
Кечди баҳман замҳарир қиш қолмади қори бузи,

Кун келу минг кўрки ортиб тирилур ўлмиш жаҳон,
Тонг бадизлаб нақши бирла безанур бу ер юзи.

Тонг отарди эснаюр тўрт булунгдин шамол, зиё,
Кин тузар киндик йипор йизланур ёбон ёзи.

Ёрлиги епгун — бағирдин обуги ёшил, қизил,
Ораси бутуқ, ябурғоқ, тол чечаклар туб тузи.

Ўрласа булутлари гулчираб боғу бўстон,
Тол йиғочлар енг солишур ўйнаюртек кўй-қўзи.

Киршани қор қани энглик боқса тоғлар сурати,
Тўнлиқи тангсуқ йипордин Рум хитой атлас, чузи.

Лола сағроқин ичарда сайраб усруб сандувоч.
Турна ун тортиб ўтарда сакрашур бақлан қўзи.

Кўкда ўйнар қўл солишур қўғу қоз қил қарғулоч,
Ерда юғруб жуфт олишур ос, тийинг, киш, қундузи.

Тол йиғочлар минбаринда тўти қуш мажлис тутар,
Қумри, булбул мукри бўлуб ун тузар тун қундузи.

Яғиз ер, кук мешизлик яшнаюр майдон бўлуб,
Оғрушим ойтак чечаклар теграсинда юлдузи.

Ўури ин ужмоқ ичинда енг солиб таҳсин қилур.
Ёз уза мундоғ газаллар аймишда Носир Рабғузий.

Айдилар: «Эй ота, мундоғ сафоли кунда сабо нури сувлуг
вофий Юсуфни бизнинг бирла изғил. Ёбон ёзини кўрсун,
бақлан қўзиларни кўруб қазғулари сочилсун, ирикмиш кўнг-
ли очилсун», теб ёлгон тил бирла оталарин ялғаб, тинч
кўнгулларни бўлғаб *Арсилҳу маъана гаган ғартатъ ва йалъаб*
тею қўла келдилар. Яъқуб ялавоч айди: «Эй ўғлонларим,
сиз билурсиз ман Юсуфсиз сувсиз балиқдек чолиқман. Бир
соат сўрумасман сизинг бирла издим эрса нетак турайин!»
Айдилар: «Эй ота, сен бизга инонмасмусен? Юсуфга сен ота
эрсанг бизма қариндошмиз. Санма севар эрсанг биз ўн қа-
риндошмиз орамизда Юсуфни на теб қуштек учурғаймиз,
налук измассан», тедилар. *Ма лака ла та'манна ала Юсуфа*
ва инна лаҳу ланасиҳуна. Яъқуб айди: «Кўнглум явлоқ
қўрқар, сизлар овға бориб Юсуфни юртда кўзғайсиз, бўри
егай сизлар кўрмағайсиз». *Қола инни лайаҳзунуни ан тазха-*
бу биҳи ва ахофу ан йа'кулаҳу из-зи'бу ва антум анҳу
ғофилуна. САВОЛ: Яъқуб ялавоч на далил бирла сизлар
овга борғайсиз Юсуфни бўри егай теб айди? ЖАВОБ: Яла-
вочимиз Муҳаммад Мустафо алайҳис-салом ёрлиқар, қачон
мавло азза ва жалла Яъқубни Юсуф фироқи бирла йиғлат-
моқ тилади эрса Яъқубнинг кўнглинга хавф даҳшат солди.
Қирқ тун-кун ётмади тун чиқармади, тоатдин тийанмади
явлоқ эмганди. Қирқ тун-кун тамом бўлди эрса Яъқубга
уйқу ғалаба қилди така қилди, узиди. Юсуф Яъқуб қўйнин-
да эрди тушинда кўрди, ўзи тоғ бошинда, Юсуфни қўл
ичинда ўн бўри келиб Юсуфни қабсамиш. Ҳалок қилгутек
ҳамла қилурлар. Яъқуб тоғ тепасиндан боқар. Яна бир бўри
ул бўриларни қовар, Юсуфдин дафъ қилур, Юсуф бўридин

халос бўлмишда ер ёрилур, Юсуф ерга ботар уч кунда кезин яна чиқар. Яъқуб қўрқунчада уйғонди. «Инни ахофу ан яъкула ху ал-зиъбу» тедуги ул бўлди. Яъқуб Юсуфни измазин билдилар эрса Юсуфга келиб сўз бердилар, тазвир ва ҳийла бирла Юсуфнинг кўнглун қўпордилар. Юсуф отаси таба борди. Отасидин зорилик бирла илтимос қилди. «Мани иничиларим бирла ябонга изғил ёзи ябонни, қўй қўзиларни кўрайин, кўнглум очилсун», теди. Яъқуб айди: «Эй кўзим ёруқи, кўнглим тўқи, бағрим кесаги, ўзум юксаки», теб йиғлаб айди: «Ман улуғ бўлдум сансиз нетак қарор қилайин, сени явлоқ севарман», теди. Юсуф айди: «Ман билурмен мени севарсен. Севмакнинг аломати ул турурким, севмишинг тилагинча юриса. Манинг тилагим ул турурким иничиларим бирла борсам». Яъқуб ани эшитиб Юсуфнинг азоқи олтинда игнаю бошлади. Айди: «Эй кўрк-лук юзлук Юсуфум, санинг сўзунгни нетак синдурайин! Уғон ҳукминга ризо бердим. Ёрин қариндошларинг бирла изайин», теди. «Бу кеча қўйнулмга суқуб бағримга қисайин. Ул кўрклук юзунгни тўқ кўрайин», теди. Ёриндаси қариндошлари келдилар Юсуфни оталариндин кўлдилар. Яъқуб йиғлаю бошлади, айди: «Эй ўғлонларим, мани Юсуфсуз кўзманг, Юсуфга яхши боқинг. Очса ош беринг, сувсаса сув беринг, ориса эгнингизга олинг». Булар борча айдилар: «Эй ота, бу насиҳатларни ёт кишига қилғу, биз қариндошларингиз налук очарурбиз, налук сувсиз қўярмиз», тедилар. Яъқуб йиғлаю Юсуфнинг бошин ювди, сочин таради. Анда кезин кучуб элниндин ўпди, илкин юқори кўтурди.

Айди: «Изие, Юсуфумни сенга топшурдим манга тирик ёндуртил. Фироқининг мани ўти бирла ёндурмағил». Анда кезин Юсуфни уларга берди. Яъқуб юзинда Юсуфни Рубил эгнинг олди, кўтурди андин Яҳудо олди, яна Шамъун олди. Андин Ловий олди элдин элга олдилар. Яъқуб Юсуфни кўндуру чиқди, бир адиз тепага оғди. Юсуфнинг қораси кўрунмас бўлгунча бўтаси қолмиш ингантек инграю қолди, кўрунмас бўлди эрса қаттиғ ун бирла йиғлаю эвинга ёнди. Қачон оталари кўзиндин айрилдилар эрса Юсуфни ерга чалдилар, айдилар: «Эй Роҳил ўғли, ёлғон туш этмишинг етмасму? Тақи бўйнулизга минармусан язоғ юругил», теб иссиғ қумда ёлинг азоқ қовдилар. Юсуф орди, текма бир қариндошининг юзинга телмура боқа бошлади бириси раҳм қилгай теб. Раҳм қилмадилар. Қаттиғ сувсади, югургу яроғи қолмади ёлворди, айди: «Эй иничиларим, явлоқ очдим таом беринг, сувсадим сув беринг» теди эрса текма бир қариндоши бирор янғокладилар. «Борғил ул ялғон тушунга айғил ош сув берсун» тедилар. Юсуф очин, сувсиз йиғлаю юрию бошлади. Булар бурнароқ бориб бир тепага оғдилар. Муни нетак ўлтурулинг тек кенгашдилар. Бири айди: «Тош бирла янчалинг», бири айди: «Пичоқ бирла санчалинг», бири айди: «Теринг чуқур қазиб кўмалинг, андағуқ улгай», тедилар.

Таом сув тилади бермадилар. Уч йиғочлик ерга теги қовдилар. Қачон Юсуф қариндошларинга яқинроқ келса анинг сўзин қўзуб азин сўз бошлаюр эрдилар. Юсуф уларнинг явуз кенгашларин англади, билдиким ўлтурурлар. Улардин қочди, улуғ қариндоши Рубилни изару борди. Юсуфни тутдилар. Рубилнинг азоқинга тушди. Йиғлаю бошлади, айди: «Эй қариндошим, кўрмасмусен мани ўлтургали ўғрадилар! Эй улуғ иничим, манга раҳм қилмадинг эрса ул абушга отамга раҳм қилинг анинг бағрини куюрманг, отам ўрнинга бу кун сен отасан манга раҳм қилғил», теди. «Мени булардин қутқарғил».

Ёлворди эрса Рубил тақи Юсуфни янгоқлади. «Боргил ул ёлғон тушунга айгил, сани булардин қутқарсун», теди. Юсуф Рубилдин эзгу сўз булмади, эврүлди. Мамъунга борди анга-ма ёлворди. Ул тақи бир янгоқлади. Юсуф юзин тушди, янгоқинда беш эрнак қум билгурди. Юқору боқди кўк йироқ куйи боқди ер қаттиғ. Бир оҳ қилиб ун кўтурди Яҳудо олди. Азоқинга тушуб йиғлаб айди: «Эй Яҳудо, қамуғдин сан багирсоқ эрдинг булардин фарёд тиккил. Манга раҳм қилғил», теб нортек янгоқи уза анҳортек ёши бўлди. Ёлворди эрса Яҳудонинг меҳри тебранди, айди: «Эй қариндош манга ёвуқ келмагил, сўзлашур кўрсалар манима ўлтургайлар». Қамуғ йиғилиб Яҳудога келдилар Яҳудо айди: «Эй қариндошларим, келинг, отамиз ҳаққини кузаринг, улуғ кунда на жавоб айғайсиз, ўғлонга ёвуз санманг». Яҳудога қатиг сўзладилар, ани Юсуф эшитиб ёлворди, айди: «Эй иничиларим, мани қаю ёзуқум бирла ўлтурурсиз?» Яҳудо айди: Муни ўлтуруб бизга неча ер кенг қолгай ўлтургинча илкин, азоқин боғлаб қузуғга кўмушалинг андағуқ ўлғай», тедилар. САВОЛ: Ўлтурмаклари иккидин холи эрмас ё Исҳоқ, ё қонин ҳалол кўрмак бирла бўлғай. Улар иккидин ироқ турурлар. Анинг учунким анбиё уруғи эрдилар, қон тўкмакка налук ўғрадилар? ЖАВОБ: Анлар эътиқод бирла қон тўкмакни ҳалол кўрмадилар. Агар ҳалол кўрди тесамиз куфр бўлур. Ялавочлар куфрдин маъсумдурлар. Тақи бир жавоб: Имом Абулҳасан Шофиъий раҳматуллоҳи алайҳи «Усматул-анбиё» ичинда келтурмиш Юсуфнинг қариндошлари Юсуфга ўғрамишда ялавоч эрмас эрдилар, сағира, кабир а некак маъсум бўлғайлар. *Фанқатаъа ал-каламү ва саката ас-су'алу.*

Анда кезин туз кенгаш қилиб қузуғга кўмушур бўлуб Юсуфни тутуб, судраю қузуғ бошинга келтурдилар. Юсуф текмаси юзина телмура боқиб айди: «Эй қариндошларим, манга раҳм қилинг!»

Агар манга раҳм қилмасангиз ул заиф абушга отамга раҳм қилинг. Тенгри аzza ва жалладин кўркунг», теб телим ёлворди эрса текма бири бир янгоқладилар. «Бу сўзни сўзлагунча бутроқ тўнунг чиқарғил»,— тедилар. Юсуф тақи ёлвору бошлади, айди: «Эй қариндошларим, отам ҳаққи

учун кўнглакимни манга бағишланг, тирик қолдим эрса авратим ўралсун, агар ўлсам кафан бўлсун. Тақи илким боғлаб мани солманг ёза беринг қузуғдағи қуш, қурт, йилонларни кўриғайман», теди. Айдилар: «Ой кунга тақи ўн бир юлдузга айгил тўн берсун, ёза берсун», теб унамадилар. Кўнглакини сучулуб белинга йип боғлаб қузуғга изиттилар. Қузуғнунг ёримиға тегди эрса йипни кесдилар. *Фа ламма заҳабу биҳи ва ажмаъун ан йажъалуҳу фи ғойабати ал-жубби*. Юсуф қузуғ тубинга тегмасдан бурун сидратул мунтаҳода Жаброилга ёрлиғ бўлди. *Адрик абди*. «Тарк қулум Юсуфни тутғил», теб. Жаброил бир қанит тўқиди қузуғ тубинда бир улуғ урунғ тош бор эрди ани сув юзинга чиқарди. Жаброил қанит бирла сиқади тўрқатек юмшоқ бўлди. Яна ужмоҳдин бир мусалло, бир кўнглак келтурди Юсуфга киздурди. Юсуфни тутуб ул тош уза ўлтуртди. Тақи мусалло тўшаю берди, айди: «Эй Юсуф, мавло таоло салом изди, салом бирла дуруд изди», теб ялавочлик тегурди. Ул кун Юсуф ўн икки ёшлиғ эрди. Айди: «Эй Юсуф, тенгри ёрлиқар манинг ҳукмумга сабр қилғил, нажот бериб Миср элинга малик қилайин. Отанг Яъқубға саломат қовуштуруайин». Анда кезин Жаброил бу дуони ўграту берди: *Аллоҳумма йа кашифа кулли курбатин, ва йа мужиба кулли даъватин, ва йа саниъа кулли маснуъин, ва йа жабира кулли касирин, ва йа соҳиба кулли ғарибин, ва йа муниса кулли ваҳидин, ва йа шаҳида кулли нажва, ва йа ҳазира кулли балва, ва йа ла илаҳа илла анта субҳанака ас'алука ан тажъалани фаражан ва махражан ва ан тақзифа хуббака фи қалби ҳатта ла йакуна ли ҳаммун ва зикрун ғайрука ва тахфазани ва тарҳамани йа арҳама ар-роҳимина*. Аймишлар, ким берк ерга кирса ё болоға илинса бу дуони ўкуса мавло таоло нажот берғай. Яна ужмоҳ неъматларин келтура берди. Жаброил қанити бирла қузуғ ичини сиқади эрса бўстонтек ҳарам бўлди. Ул қузуғ Ўрдун еринда мадинли мисрли орасинда Канъонға уч йиғочлик ерда Нух ялавоч ўғли Сом қазмиш эрди. Ул қузуғ оти «Хуббул-ахёр» маъниси ул бўлур «эзгу қузуғи» темак бўлур. Ул қузуғ суви ачиг эрди тотлиғ бўлди, қоронғу эрди ёруғ бўлди. Жаброил Юсуфнунг иликларин ёза берди. Бир айва келтурди. Юсуф ани еди, тўйди. Аймишлар, ул қузуғда тупроқда ётган бир қарағу йилон бор эрди. Юсуфнинг унин эшитиб Юсуфни егалу ўгради. Жаброил бир қаттиғ ун қилди. Ул ундин қулоқи сағир бўлди, кўзлуг илон кўзсиз бўлмаса Юсуф жамолин кўруб егали ўграмағай эрди.

Ривоят. Шайх Басрий раҳматуллоҳ Юсуф қузуғга кирмишда етти ёшлиғ эрди. Маликка сексон йил кечди. Вафот бўлмишда юз йигирми яшаюр эрди. Тақи хабарда келмиш ялавочимиз Муҳаммад Мустафо алайҳис-салом Жаброилга сўрди: «Кўкдин ерга инарда эмганурмусан?» Айди: «Ё расу-лаллоҳ, тўрт йўли явлоқ эмгандим. Бир Иброҳим Халил-

ни манжиниқга уруб ўтга отмишда сидрат ул-мунтаҳодин қанит тўқиб ўтга тушмасдин ошну тутдум. Икинч, Иброҳим Исмоилни қурбон қилурда пичокни тортмаздин бурук тутғил теб ёрлиғ бўлди. Сидратул-мунтаҳодин иниб пичок юзин орқасинга эвурдум. Учунч, Юсуфни қариндошлари белин боғлаб қузуғга издилар. Қузуғ яримига тегди эрса йипни кесдилар, сидратур-мунтаҳодин иниб тутдум. Тўртунч Ухуд тўқушинда санинг муборак тишинга тош тегиб қон оқмишда ёрлиғ бўлди, қон ерга тушмасдин бурун тутғил теб. Ерга тушмасун то қиёматга теги ўт, ем унмагай теб сидратул-мунтаҳодин иниб ул қонни қанитим бирла тутдум.

Бу тўрт йўли эмгандим, теди. САВОЛ: Юсуфни қузуғга солдуруб яна чиқармоқга ҳикмат не эрди? Мавло таолонинг тилаги азалда улким, ики ҳабаший ўғлонлар имон келтурганлари манинг ҳазратимда яқин бўлғайлар. Ул икки ҳабашийнинг бири Башир отлиғ, яна бири Бушро отлиғ. Ул икагуни молик Заърга қирқ йил қул қилди. Қуллуқ қилдилар. Қачон қирқ йил тамом бўлди эрса Юсуфга қузуғ ичинда тўрт кун тамом бўлди, молик Заър кўнглинга кўмишди Мисрдин Шомга сафар қилди. Мавло қудрати бирла йўл озиб Канъон вилоятинга тушди. Юсуф қузуғи бошинга келиб тушдилар. Башир, Бушро отлиғ қул ўғлонларни қузуғга сув олғалу издилар. Булар бориб қузуғга қава солдилар. Мавло ёрлиғи бирла Юсуф икки азоқин қавага урди. Башар тортди, ошурди, қавада Юсуфни кўрди, ойдин, кундин кўрклук. Башир ун қилди: «Бушро қузуғдин бир ўғлон чиқарди!» теб. *Қолайи бушро ҳаза ғулам ва асарруҳу бизоъатан.* Юсуф қузуғга тушмакка ҳикмат бу эрди. Келдимиз мақсудга. Яъқуб ялавоч ўғлонлари Юсуфни қузуғга солиб бормишда бир ўғлоқ бўғуздадилар, қонини Юсуф кўнглакинга булғадилар. Кеч вақтда кенж ўғлондек йиғлашу оталаринга келдилар. *Ва жа'у абаҳум иша'ан йабкуна.* Айдилар: «Эй ота, биз йилқи қора кузарур бўлуб Юсуфни ўтоғда қўйдумиз. Биз келгинча Юсуфни бўри емиш. Нечама биз кўни сўзлук эрсамиз сиз бизга инонмагайсиз». *Қолу йа абана инна заҳабна настабиқу ва таракна Юсуфа инда матаъина ва акалаҳу аззи'бу ва маанта биму'минин лана ва лав кунна содиқина.* Ончада қариндош тею йиғлашимда қонлиғ кўнглакни оталари ўнгунда қўйдилар. *Ва жа'у ала қамисиҳи бидамин казиби,* ёлғон қон келтурдилар. Қон ёлғон эрмас эрди, аммо сўзлари ёлғон эрди. Ойша разияллоҳу анҳо қироати бу турур «бидамин казибин» долун ғайру муъжаматин бирла маъниси тоза қон темак бўлур. Яъқуб ялавоч бу сўзни эшитди эрса, фарёд қилди эрса ўгсуз бўлуб тушди. Қачон ўнгинга келди эрса Юсуф йизин йизлайин теб кўнглакни бутун кўрди, айди: «Не бағирсоқ ва меҳрибон бўри эрмиш, кундин кўрклик Юсуфумни теб кўнглакини йиртмамиш. Ул бўри Юсуфнинг кўнглаки учун ўлтирмиш эрса кўнглакини налук олиб кетмади».

Бўри еди теб қулоқ бирла эшитди, амма қонлиғ кўнглакни кўз бирла кўрди. Етти тун кун Канъон ёбонин кезиб икки илки бирла белин тутуб айди: *Йа ҳабиби ва йа қуррата айни ва йа самарата фу'ади фи аййи жуббин тараҳука ва фи аййи баҳрин ағрақука ва биаййи сайфин қаталука ва биаййи арзин дафанука. Маъниси ул бўлур*: «Эй севарим ва эй кўзум ёруқи ва эй бағрим кесаки ва эй кўнглум меваси, қаю қузугға кўмишдилар сани, қаю дарёға ботурдилар сани, қаю қилич бирла ўлтурдилар сани, қаю ерда кўмдилар сани. Эй Юсуфум, қаю бўри қорнинда ётурсан. Ул оғулағу юмшоқ этингни еюрда нетак қийнануб сабр қилдунг. Ул ариғ сўнгукларинг қаю ёбонда ётур эркан. Эй кошки, санинг бирла чиқса эрдим, не бўлдуқунгни ўз кўзум бирла кўргай эрдим. Эй кошки, сани еган бўрини кўрсам эрдим, азоқи туброқини кўзумга тўтиё қилғай эрдим. Ул бўрини ўнгумдин кетармағай эрдим», теб йиғлади. Ул кун уч юз олтмиш йўли беҳуш-ўғсуз бўлди. Ўнгунга келди эрса яна йиғлади ўғлонлари оталарин андоғ кўруб *Заййаъна ахана Юсуфа ва қатална абана Яъқуба*: Биродаримиз Юсуфни зойиё қилдик ва отамиз Яъқубни ўлдирдик, тею оталари бирла йиғлашдилар. Анда кезин айди: «Бу иш сиз аймишдек эрмас. Анчаси бор сизнинг нафсингиз сизни бу ишга йўлчилади, сиздин чиқарин қилдингиз. Манга сабрдин азин чора йўқ турур». Қола бал саввалат лакум анфусукум амрон фа сабрун жамилун ва-Аллоҳу ал-мустаъану ала ма тасифуна. Яъқуб йиғлади, ўғлонлари айдилар: «Эй ота, Юсуф учун ўзунгни ўлтурурмусен? Тилаюр эрсанг Юсуфни еган бўрини санга келтуралинг. Ани кўрсанг кўнглунг эмрулғай». Айди: «Боринг, келтурунг». Қамуғи чиқдилар ёбонда бир бўри қаршу келди тутдилар. Қўлини, бўйнини боғлаб, оғзинга қон суртуб Яъқуб ялавочга келтурдилар. Юсуфни еган бўри бу турур, тедилар. Яъқуб бўрининг оғзи-қонлиғ кўрди эрса оҳ қилди ўғсуз бўлди. Ўнгинга келди эрса дуо қилди айди: «Илоҳий, бу бўрига тил бергил сўзлашайин», теди. Ёрлиғ келди: «Эй Яъқуб, сўрмоқ сандин, сўзламоқ мандин». Яъқуб ялавоч сўрди: «Эй бўри, тенгри ҳаққи, рост айгил Юсуфумни нетак единг?» Бўри тилга келди, айди: «Ё расулаллоҳ, билмасмусан, қамуғ ялавочлар эти ҳаром турур. Ман Юсуфни кўрмишим йўқ. Уч кун бўлди очман, кўзум ёруқи ўғлонимни йитуруб турурман. Ул аччиғдин уч кун бўлди ош емишим йўқ. Ўғлонимни тилаюрда бу ёлғончилар мани тутуб оғзимга қон суртуб санга келтурдилар. Эй Яъқуб, дуо қилгил, бўлғайким санинг дуо баракотинда ўғлумни манга рўзи қилғай». Яъқуб дуо қилди, бўри дастур тилади чиқди. Ул-ўқ кун бўри ўғлини булди. Анда кезин Яъқуб алайҳис-салом ўғлонлари тошга чиқдилар. «Эмди боралинг, Юсуфни ўлтуралинг, бошин азоқин кесиб келтуралинг, отамиз кўнглаи эмрулсун», тедилар. Яхудо унамади. Қачон Юсуфни қузугдин чиқардилар эрса ул икки

ҳабаший қулларни кўруб икки илкени уларнинг юзинга сиқади эрса юзлари танлари урунг бўлди. Икагу имон кел-турдилар, севунмишда Юсуфга сажда қилдилар эрса, айди: «Эй йигитлар, махлуқга сажда қилманглар раво эрмас сизларни, бизларни яратган тенгрига сажда қилинг». Бушро айди: «Бизни тақи сизни яратган ким турур?» Юсуф айди: «Қамугни яратган бир оллоҳ турур. Мулкин ичинда шерик йўқ, мулкинга завол йўқ». Айдилар: «Имон арза қилғил». Юсуф имон арза қилди, мусулмон бўлдилар. Юсуфни қузуғдин чиқармоқга ҳикмат бу эрди. Савол: Ялавоч ўғлонлари сотилмоқ раво эрмас. Юсуфни қул менгизлик сотдилар, ҳикмат на эрди? Жавоб: Кунларда бир кун Юсуф қузуғга боқди ўз юзини кўрди, тонглади. Кўнглида кечди, бу кўрк бирла қул бўлса эрдим баҳомни ким бера олғай эрди. Ўз кўркинга қуванди эрса қул теб ўн саккиз пул ярмоқга сотдилар. Кўркка қуванганнинг баҳосин кўргуздилар. Сотилмоқда ҳикмат бу эрди. Қачон Юсуфни қузуғдин чиқардилар эрса қариндошларинга хабар бўлди, келдилар. Молик Заърга айдилар: «Бу бизнинг қочгунчи қулумиз турур. Уч кун бўлди биздин қочиб турур. Олур эрсанг санга сотармиз», тедилар. Молик Заър олайн, теди. Ул ҳолда Рубил келиб ибрий тилинча Юсуфга сўзлади: «Биз на тиласамиз сан андағуқ турур теб айғил. Йўқ эрса сани ўлтурурмиз», теди. Молик Заър: «Қулмусен?» теб Юсуфга сўрди. Юсуф айди «Қулман яъни — мавлонинг қулиман», теди. Айдилар: «Бу қул кичикдин борда бизнинг бирла турур, сотғалу кўнглимиз бўлмас, ўзи унаса соталинг», тедилар. «Аммо мунунг уч айби бор. Ул аввалким ўғри турур, икинч айби қочғоқ турур, учунч айби йиғлоқ турур». Молик Заър бу уч айбни қабул қилди. Айди: «Манда ярмоқ йўқ, йилқи қора бор, товар берайин». Улар кенгаштилар товар йилқи олсамиз отамиз билғай, йилқи қорага унамадилар, ярмоқ керак, тедилар. Молик Заър қўпди, арқиш аро кирди. Ўн секиз миср ярмоғи булди, тарозуға тортдилар ўн секиз оғри келди. Канъонда ул ярмоқнинг икисин бир ярмоқга олур эрдилар. Канъон ярмоқининг тўқузига Юсуфни сотдилар. *Ва шаравҳу бисаманин бахсин дароҳима маъдудатин ва кану фиҳи мин аз-заҳидина.* Молик Заър, айди: «Ўз элингиз бирла битик битиб манга беринг», теди. Айдилар: «Хат битик берурмиз ул шарт бирлаким, азоқинга кишан ургил, қатиг ингирчоқга мундурғил. Тақи йироқ ерга элтиб сотғил». Молик Заър бу уч шартни қабул қилди. Яҳудо хат битди: Бисмиллоҳер раҳмонер-раҳим. Биз Яъқуб ўғлонлари аввал Рубил, икинч Шамъун, учунч Яҳудо, тўртунч Лови, бешинч Жод, олтинч Дон, етинч Яъшар сақизинч Ястохир, тўқузунч Забодун, баъзи ривоятда Риюёлун, темишлар, ўнунч Қазур, биз ўнагу Яъқуб ялавоч ўғлонларимиз. Юсуф отлиғ қулумузни молик Заърга ўн етти оғри ярмоқга сотдимиз. Уч айбини айдимиз, молик Заър уч айбни қабул қилди. Аввал айби ўғрилиқ,

икинч айби қочғоқлик, учунч айби йиғлоқлик. Азин уч шарт қилдимиз молик Заърма ани қабул қилди. Аввал аёқинға кишан урмоқ, икинч қатиг ингирчоқға мундурмак, учунч йироқ ерга элтиб сотмоқ. Ўз илкин бу хат олдимиз бу битик фулан кунда, фулан ойда, фулан йилда битилди теб хат бердилар. Юсуфни анга топшурдилар ўтоғларинга ёндилар. Кеча бўлди эрса Юсуф моликдин дастур тилади: «Кичикдин улар бирла турур эрдим бориб уларга видоё қилайин», теди. Молик Заър дастур берди тақи азоқинға кишан урди. Тақи бир ўғлин муаккил қилди. Юсуфнинг оғир кишан бирла юругу яроғи йўқ эрди. Ики сингар бир юзин тушар эрди кўрклук юзи туброқға булғанди. Янғоқларинга тикан санчилди. Юзи, кўзи қонға булғанди. Қариндошларинга келди. Юсуфни андоғ кўрдилар эрса уларма йиғлаштилар. Юсуф текма бирин бошға-бошға қучуб, саломат қолинг», теб видоё қилди. Қамуғлари Юсуфни уфтаниб юзинга боқумадин орқан эврuldилар. Юсуф айди: «Эй қариндошларим, бу ишни манинг ҳаққимға қилдингиз азинларга қилманг, улуғ бўлмишда отамдин мани азирдингиз. Эй қариндошларим, Яхудо саломат қолғил, отамға мандин салом айғил, манинг учун таъзия тутғил. Эй Яхудо, қамуғдин бағирсоқ сан эрдинг, зинҳор бирорда мани анғил. Қайда қузуг кўрсанг мани сақинғил. Эй Яхудо, қачон отам бирла ўлтирмишда Юсуф қайда эркан, кимунг бирла юрир эркан, кимунг юзунга телмура боқиб турур эркан теб ёд қилғил. Эй Яхудо, бу кун тўрт кун бўлди сизлардин азрилғали. Сизларсиз умадим ғариблиқда, сизсиз нетак қилғайман. Эй қариндошларим, кезин ўкунгайсиз, асиг қилмағай. Келинг манинг кичиклигимға боқиб раҳм қилинг, арқиш бегиндин қайра олинг», теб неча ёлворди эрса сўзин тингламадилар. Юсуф йиғлаю ул муаккил бирла орқасинға термула Молик Заърга келдилар арқишға қотилдилар. Арқиш тебради, бир қаттиг ингирчоқға мундурдилар. Йўлга кирдилар. Ул йўл уза Юсуфнинг онасининг қабри бор эрди. Анга теғди ўзини тевадин қузи солди. Онаси қабрин қучти, йиғлади, айди: «Эй онам, сандин азрилмиш эрдим, эмди отамдин тақи азрилдим. Тақи ортуқроқ қул теб сотилдим, азоқимға кишан урдилар, янчуқларим йўгон кишанда шишди. Нозук этим, таним қатиг ингирчоқда янчилди. Эй онам, кошки сандин бурунроқ ўлмиш керак эрдим», тею йиғлади. Ул ҳолда арқишдин сўнг қолмиш бирагу етиб келди. Юсуфни тупроқ қучиб ётур кўрди. Бир неча янғоқлади, айди: «Бекларинг кўни аймишлар явлоқ қочғоқ теб». Юсуф кўнгли эмганди. «Илоҳий, кўрган, билган сан», теб дуо қилди. Мавло таоло ёрлиги бирла ел қўпди. Карвон йўл етурди. Молик Заър арқишни йиғди, арқиш тушди. Молик айди: «Ким эрса тенгриға ёзган бор эрса тавба қилинг. Ким эрсани озор қилмиш бўлсангиз узр қилинг, хушнуд қилинг тенгри азва жалла бу балони биздин кетарсун теди. Юсуфни янғоқ-

лаған эр келди. Молик Заърга айди: «Бу ўғлон дуо қилди жаҳон мундоғ тунарни». Молик Заър ул эр бирла келиб Юсуфнинг азоқинга тушди, узрлар қулди. Юсуф кўнгли анча бирла хуш бўлди, тўғ тўз эмрулди, жаҳон ёруди. Арқиш халқи қамуғ севиндилар. Анда кезин Юсуфни оғирлаюр бўлдилар. Азоқиндин кишанни кетардилар, ариғ тўнлар киздурдилар. Аморийга ўлтуруб йўлга кирдилар. САВОЛ: Ялавочлар халқга эссиз дуо қилмаслар, ёвуз санмаслар. Юсуф арқиш халқига дуо қилди жаҳон тунарда ҳикмат на эрди? ЖАВОБ: Юсуф дуоси эссиз дуо эрмас эрди. Бу эр мани янғоқлади ёзуқ бўлди қиёматда қин кўргуси. Мавло қудрати мундағуқ кўргузсун, улма тавба қилсун, ёзуқдин оринсун, тамуғ азобинга гирифтор бўлмасун, теб эзгу дуо қилди, эссиз дуо қилмади. Анда кезин Юсуфни оғирлиқ бирла Мисрга элтдилар. Ушвон отлиғ элда тенгиз қирогинда туштилари. Молик Заър кишиларинга айди, Юсуфни сувга элтинг бошлиқин ювсун, йўл тўғи тўзидин оринсун. Юсуф тенгиз қирогинга борди, айди: «Илоҳий, бир парда каромат қилғил. Манинг этим танимини киши кўрмасун». Мавло таоло Айнулҳитон отлиғ балиқни изди, сув ичинда қаврилиб қузурукин бошинга келтуруб ётди. Юсуф анинг узасинга кирди, бошлиқин ювди. Ул балиқ ҳолиқ изига ёлборди айди: «Илоҳий, бу Юсуф баракотинда манга каромат бергилким азин балиқ аросинда манга эзгу от бўлсун». Изи азза ва жалла ул балиқ дуосини ижобат қилди анга икки аёл берди. Бириси ул эрдиким Юнус алайҳис-салом анинг қорнинда қирқ кун қолди. Фалтақамаҳу ал-ҳуту ва ҳува мулим. Яна бири ул эрдиким, Сулаймон алайҳис-саломнинг юзуки анинг қорнинда қирқ кун қолди. Юсуф бошлиқин ювуб ёнди эрса Жаброил ужомҳдин кўнглақ келтурди, нурдин яратилмиш. Юсуфга киздурди, молик Заърма Юсуфга атлас тўн киздурди. Олтур тож бошинга урди, гавҳар бирла мурассаъ қилмиш, олтур қур белинга қуршади. Аморийга ўлтуртуб Мисрга кивурдилар. САВОЛ: Ул арқиш ичинда анлардин азин ердин келганлар бор эрди Юсуфни уларнинг илинга тушурмади. Молик Заър илкинга тушурди, ҳикмат на эрди? ЖАВОБ: Миср шаҳринда бир заифа бор эрди Зулайхо отлиғ азалда мавло азза ва жалла ул заифага Юсуф илкинда имон тақдир қилмиш эрди. Юсуфни молик Заърга сотдуруб яна молик Заър Мисрга келтуруб Юсуфни сотгуға сабаб қилди. Ул Зулайхо Юсуф илкинда имон келтурди. Ҳикмат бу эрди. Қачон Юсуфни Мисрга кивурдилар эрса Юсуфнинг кўркиндин кун нури хийра бўлди. Миср халқи аро хабар тушдики, молик Заър бир қул ўғлон келтурмиш. Ким эрса андоғ кўрк кўрмиши йўқ. Миср уруғлари қамуғ Юсуфни кўргали келдилар. Ким Юсуфни кўрди эрса қамуғ ошиқ бўлдилар. Юсуфни сотгун олмоқга орзуладилар. Текма вилоятнинг беглари келиб олгун, кумуш, йилқи қора, мол товар йиғдилар. Юсуфни олғучи бўлдилар Даллол аро

кириб ортуқға еткардилар. Кун келгуча баҳосин ортурдилар. Ёриндаси кун молик тахт урди. Юсуфни атлас тўнлар бирла, олтун тожлар бирла, мурассаъ қур бирла безоб тахт уза ўлтурди. Миср элининг шахрий, рустоси, бойи, чигойи, эркаги, тишиси ким сотгин олғуға, ким наззораға йиғилдилар. Мунодий қўпди, қаттиғ унун қийқирди: *Ман йаштари ғуламан латифан назифан зарифан ажибан лайса фи ағ-дунйа мислуху*, яъни: «Эй Миср халойиқлари, ким сотгин олур бу ўғлонни сифат қилдим, сизма кўрарсиз, ҳеч одабий кўрк ичинда анга менгзамаз. Мундин бурун туғмиши тура-миши йўқ. Юзи тегирми, боши юмғоқ, сочи қора, соғдин, сўлдин қирқ гўжаклик. Бирини тортса ошуқинга тегар, кўз-са тулунгларинда йиғилур. Олни кумуштек урунг, қоши қалам бирла эгмиштек кирпуклари ўқтек, юзи кунтек, ёруқ янғоқлари қизил нортек, энги қумиюр, қароқлари қинаюр, ақиқ эркинлик, тишлари гавҳартек, тор оғизлиғ, сўзи сучук, ўзи силиғ, қилиғи тузун, бели иничка, сурати бу, сифати бу», тею ун қилди. Ул ҳолда Юсуф алахис-салом бошин қузи кўмишиб кўзлариндин қон ёш оқиту айди: «Эй мунодий, мундоғ сифатким сан қилурсан, ким сотгин олу билгай. Сифат қилур эрсанг кўни сўзлагил».

Мунодий айди: «Нетак айтайин?» Юсуф айди: «Айғил: *Ман йаштари ғуламан ка'ибан за'ифан на'хифан мускинан лайса фи ағ-дунйа мислуху*. Сан аймишинг урф ва одат ичинда йўқ». Мунодий айди: «Кўнин айтурман», теди. Юсуф айди: «Кўни сўзлар кўнглунг бор эрса айғил: *Ман йаштари ғуламан Юсуфа Сиддиқа — ллохи ибна Яъқуба Исро'и-ллахи ибни Исҳақа Забиҳи-ллахи ибни Иброҳима Халили-ллахи*. Мунодий айди: «Андоғ десам қамуғ халқнинг юраги ёрилгай», теди. Аймишлар, Миср элининг даллоллари йиғилиб Юсуфни қиммат қилдилар, ўз бўюнин оғиринча кумуш, оғиринча олтун, оғиринча йипор, оғиринча шакар, оғиринча ҳарир, оғиринча анбар, оғиринча кофур, оғиринча адим тойфий. Яна баъзи ривоятда бу айған молларнинг текма бири Юсуфнунг ўн оғиринча муқаррар бўлди. Қачон мунодий Юсуф оталарнинг отин айту берди эрса Молик Заърнинг кўзи ёш бирла бўлди, кўнгли ўт бирла ёқилди. Айди: «Эй Юсуф, ул кун қузуғ бошинда эркан налук аймадинг? Ман сани сотгин олмағай эрдим». Юсуф айди: «Қўрқ-дум, қариндошларим мани ўлтургайлар теб». Молик Заър айди: *Лаъаллака ибну залика аш-шайхи ал-ҳазини ала ҳаз-батин мин ҳазабати Канъана айбки ва йақулу рабби руда айлаййа валади ва қурата айни ва самарата фу'ади*, яъни Канъон ерлари уза ўлтуруб айди: «Изиё, кўзим ёруқи, кўнглим тўқи, аёлимни манга қовуштур теган қазғулуғ абушлға бўлғаймусан?» Юсуф айди: Ул кўзи ёшлиғ, бағри бошлиғ, фироқ ўтинда ўртанмиш, ҳасрат тенгизинда ғарқа бўлмиш, ўқтек бўйи ётек эгилмиш, ойтек очуқ кўнгли тугматек тўкулмиш Исроилуллоҳ ўғли, Забиҳуллоҳ набираси

Халилуллоҳ нофиласи Юсуф менман», теди. Молик Заър кўпуб Юсуфнинг азоқинга тушди, телим узр қўлди. Аймишлар, ул кун Миср элинга малик Райён ибн Навзод ибн ал-Валид ибн Арошт ибн Морон ибн Умар ибн Амлоҳ ибн Ловад ибн Сом ибн Нуҳ алайҳис-салом эрди. Юсуфнинг чови бу Райён маликка тегди. Дайён маликнинг қудратин тонглаб Юсуф хабарин тинглаб ҳайрон қолди. Ёниндаги ёноғ мулкинда иноғ, ўзинга мушир, ўзинга вазир, Миср азизи Қатгир, аймишлар Атгир отлиғ вазирин Юсуфни сотғин олғалу изди. Эллик-эллик эр бирла илик олишиб, отлар ёришиб арқиш тушган ерга келдилар. Азизи Миср тахт уза ой кўрди оҳ тею отдин тушди. Қаю ақл бўлғайким Юсуфнинг юзиндаги менгин кўруб менги юзи бирла юзун тушуб язоғламаса.

ФОЙДА. Кўрмасмусен Кун отлиғ малик бир тун ёриминда адиз кўкдин яғиз ерга кўрклуб юзни кўргалу юзун тушса! Юсуфга сажда қилу келди. *Ва аш-шамса ва ал-қамара ра'айтуҳум ли сажидина*. Агар Райён малик изган Азиз Дайён Малик ярлиқон у бадизни кўруб отдин тушуб язоғ бўлди эрса на ажаб бўлғай. Азиз ақли ангиб, залил бўлуб анга эгиб қиблага, ўтру бизни қибла қилайин теб сажда қилгалу ўгради. Юсуф айди: «*Маҳ маҳ фаинни ласту лизалика аҳлан, қилмағил, ман маъбуд эрмасман манга сужуд раво бўлмас. «Осор» да келмиш Лав азҳара-ллоҳу ар-руҳа сажада лаҳа ман ра'аҳа*. Изи азза ва жалла ҳикмати болиғи бирла жонни кўзлардин кизлади, ани кўрмасунлар, мандин азинга сажда қилмасунлар теб. Ҳақиқат юзинга сурат ниқобин кўмишди, қулларим фитнаға тушмасунлар теб. Кўрмасмусен Исо алайҳис-салом ҳолиндин башарият ҳижобларинда бизни кетурдилар. Ул оталиқ ҳижоби эрди қиёматга теги халқ фитнада қолдилар. Мариямни мавло жуфти тедилар. Исо алайҳис-саломни уғоннинг ўғли, тедилар. *Ва қолат ан-насоро ал-масиҳу ибну-ллоҳи*. Аммо Юсуфнинг юзинга ниқоб ўртмадилар, суратин ҳижоб ичинда кизламадилар. Анинг учун бир тун ичинда ой, кун олнин кўруб кўкдин иниб юзун тушуб сажда қилдилар. *Ашшамса ва ал-қамара ра'айтужум ли сажидина*. Азиз Райёнма ой юзлук ўғлон кўруб азоқинга тушгали ўгради.

БАЙТ

Бу кўнғлум муродға текинмак тилар,

Телим халқлар аро ўкунмак тилар.

Кун, ой сажда қилғай ариғ юзга ман,

Бу кун отдин иниб юкунмак тилар.

Ҳосил ул-амр. Азизи Миср Юсуфни сотғин тилади, Молик Заър айди: «Тақи шаҳарга кирмадимиз, бозорни кўрма-

димиз, қулни сотиғга кивурмадимиз. Ёрин кун кирмишда сиз нетак тиласангиз андоғ қилалинг», теб Азизи Мисрни ёндурди. Ёриндаси Молик Заър Юсуфга маликлар тўнин киздурди, бошинга тож урди. Бир мурассаъ қур бирла белин қуршади, қош ёсин қуруб, кирпук ўқин кизлаб, сабоҳаб қиличин тортиб, малоҳат сўнғукин кўтруб, жонлар булғағалу, эллар талағалу, кўнгуллар олқалу, булун қилғалу този тўнлар кизиб, този отлар миниб Мисрға кирдилар. *Инна ал-мулука иза даҳалу қарйатан афсадуҳа*. Мундағин Юсуфни маликка кивурди. Малик Юсуфни курси уза ўлтуртди. Мунодий айди: *Ман йаштари ҳаза ал-ғулам, ал-лабиба*. Юсуф айди: «Айғил, *Ман йаштари ҳаза ал-ғулама ал-ғариба*». Мунодий айди: *Ман йаштари ҳаза ал-ғулама ал-фарига*. Юсуф айди: *Ман йаштари ҳаза ал-ғулама аттарига*. Мунодий айди: *Ман йаштари ҳаза ал-ғулама ал-латифа*. Юсуф айди: *Ман йаштари ҳаза ал-ғулама аз-заъифа*. Мунодийма ортурайин теб ўлинур Юсуфнунг ёши йинжутек тўклунур. Ул ҳолда Жаброил етилди, ёрлиғ тегурди айди: «Эй Юсуф, қайғурмағил. Манинг иззу жалолим ҳаққи ҳурмати сени манга қул бўлсун тею наззора қилганларни санга қул қилмағинча сени бу элдин чиқармағайман». *Ва казалика макканна ли Юсуфа фи ал-арзи*.

Ривоятда келмиш, Ваҳоб ибн Мунаббаҳ разияллоҳу анҳу айтур: «Юсуфнинг баҳоси тўрт юз ратл олтун, тўрт юз ратл кумуш, тўрт юз ратл йинжу, гавҳар муқаррар бўлди. Зулайҳо эри Азизи Мисрға хабар қилди. «Ул ўғлонни сан сотгин олғил, бизга қул бўлсун», теб. Билмадиким ўзи анга қул бўлғуси. Яна бир ривоятда Зулайҳо аморийга ўлтуруб тамошадин келурда Юсуфга йўлуқди, кўнгул исиқди. Азизи Мисрға айди: «Бу ўғлонни сотгин олғил». Азиз айди: «Бизинг молимиз йўқ, баҳо тегургаймиз». Зулайҳо айди: «Бор молимизни бералинг, кизланчиларни бералинг. Етмаса бўюмдақи, қулоқимдақиларни чиқариб берайин». Қуллуқ боғ боғланган бўюнга бўғмоқ не керак. Ишқ ойини бирла инонган қулоққа олтун исирға не ярашур. Азиз айди: «Эй Зулайҳо, ман моликдин вакил бўлуб Юсуфни малик учун сотгин олғалу келдим. Сенинг учун нетак сўзлайин». Зулайҳо айди: «Ман борайин, маликни кўрайин, дастур берса Юсуфни сотгин олайин». Ёрлиғ, Зулайҳо колобокдек ўзин ўтга отди, қул олур бўлуб қуллуқга ўзин сотди. Йўли Юсуфга тушди, кўзи кўрклукка тушди. Ол қилди, олға илинди. Кўз бирла кўрайин теди, кўнгул олдурди. Узоқга юғурур бўлуб тузоқга йўркашди, йўл кечарда тўлун ой кўрди, булун бўлди. Ўгсуз бўлуб отдин тушди, чечактек менгизи сўлди, ағлоқ ерга совулди, қиз қирқинлари бирла қаршу ўлтуруб, ун тузуб айту бошлади.

ШЕЪР

Ё субҳ ал-важҳи ё зуъ ан-наҳор-муштаҳар,
Анта руҳи важҳук ал-маймуну шамс ав ал-қамар.

Элингиз чин тулинойтек қинаюр кирғу қароқ,
Юзунгуз кундин ёруқроқ куркунгуз кун ё қамар.

Талат ал-ахзон ва даҳран фа-л-ҳабибу қад жафо,
Абдуҳу лам яат бил-куфран явман бал шакар.

Лаълин очса йинжулардин туклунур турлук латиф,
Ул эриннинг тотигинда қайда етсун бол шакар.

Рухук эр-райҳон нашран қад яъужу би-р-ражо,
Лафзук ал-мамзужу шахдан сора ал-аҳл ва-л-амр.

Кўркунгузни қусаюрмен эрта гоҳ бир кун бўлур,
Эмгаким яvloқ телим бор эмгаган охир эмаз.

Кунту фи-д-даъва муҳиққан ло бал ант ал-хоким,
Ё ҳабиби ҳоказо абд ал-ҳазини қад ақтар.

Кўркунга мунглуғ бўлубон кўркини мен қусаюр,
Ўртанур бағрим ёқилди ёшгинам йултек оқар.

Зока забйун мустатилун фа-л-асваду синвуҳу
Қад ағора ал-қалбу минни сумма айноҳу асарр

Қуш булунгларни тарарда текма бир эр зулфдин,
Кин борар киндик йипор рихус-сабо бўлуб эсар.

Лайлуно сорат наҳоран важҳаҳи ан янкашиф,
Ва-н-наҳору мустаниру сора лайлан ан басар.

Ки юраклик бек эр эрдим ман элтиб булнади,
Кўп черикни бости хонлар ишқ черикин ким босар.

Кулламо толабту минҳи би-интиҳолин қублатан,
Лам юҳиб илло сабаб соқа қалби ва-н-қасар.

Рабғузий Носир қурурса юз ўвурмас ишқдин,
Бек неча бушуб сўкарса қул қачон қўнглин кесар.

Азин яроғ бўлмади эрса Юсуфни олмоқ учун Азизга тарғиб қилди. Бўлмади эрса отланиб маликка борди, илтимос қилди, ижобат бўлди. Мол тизди, баҳо берди, Юсуфни олди. Аймишлар: қачон Юсуфнинг оталари отин Молик Заър

эшитди эрса, билдиким бу Рабиъ Халил уруғидин эрмиш. Бу Мубиъ Исроил фаръидин эрмиш. Ул йигирма минг қатраси эрмиш, ул куннинг зарраси эрмиш, ул равза чечаги, ул байза чужаги эрмиш. Сотигдин пушаймон бўлди, сотиг бузғалу тегди. Иқолат тилади, ижобат бўлмади. Юсуфни олиб Канъонга элтур бўлди, бермадилар, олғанин ёндурур бўлди, қўймадилар. Нетак қилсун азалда битулган ақдин Молик Заър ёзумади. Такдирда ёзилган ақдини Заър ўғли бузумади. Зулайхонинг кўнглинда *Қад шағафаҳа* хуббсн мунглима молик Заърга шафоъати асиг қилмади. *Ва казалика макканна ли Йусусфа фи ал-арзи* тамғасига Абу Зулома оли аро кирмади. Ёрлиг, Абу Зулома Зулайхонинг кўнлиндаги ишқни нетак олсун. Юсуфни мулкиндин нетак маъзул қилсун. Ул сотиг узулмади, ул байъ бузулмади эрса ёлвору Юсуфга келди, айди: «Эй байт ар-рисола сулоласи, нубувват риёзининг лоласи, эй сиёдот кимёси, эй саодат тамғаси, эй ориғ уруғи, эй одамийлар узруғи! Кошки ул кун ўнг аймиш эрсанг сотгин олмағай эрдим. Олдим эрса Канъонга элтиб тегургай эрдим. На қилайин, эрким қолмади яна олмоқға илик бормас. Яроғим йўқ, ёндурмоқға йўлум қирмас ҳолим қолмади. На ҳийла қилайин имконим йўқ, кенгаш кимдин қўлайин». Юсуф айди: «Азин яроғ билмас эрсанг бори баҳом олмағил, озодлар баҳосин егучи бўлмағил». Молик Заър Юсуф сўзин қабул қилди, баҳо аймиш эрди яна борин ёндуру берди.

ЛАТИФА

Оқилларга ойтек, кунтак ёруқ турур кофирлар дунё юсуфин телим мол бериб олдилар оғир, темади. Ҳам мол олдилар, ҳам жамол элтдилар. Мусулмон манман тегучилар сизма охират Юсуфин тоат отлиг баҳо бериб сотгин олурда ўсал қилманг, оғир тегманг, йўқ эрса иккисиндин қуруғ қолурсиз. *Инна-ллоҳа таъала йуъти ағ-дунйа ала ал-аахирати... .. ан йуътийа ал-аахирата ала аннаҳу ағ-дунйа*. Молик Заър яна Юсуфга келди, айди: «Санинг сўзунгни эшитдим. Олган молларни Азизи Мисрға топшурдум. Эмди сенга бир ҳожатим бор ижобатға умачим бор сотигчи эрман. Молим телим, аммо амолим йўқ. Қуруғ йиғочман будоким йўқ. Сендин дуо, ҳақдин уманчим бор теди». Аймишлар, *Ал-валаду фи ағ-дунйа сурурун ва фи ал-аахирати нурун: ўгул қиз гўрга нур турур, кўзга сурур турур*. Расул ёрлиқади: *Авладуна акбадуна тамши ала ал-арзи*. Юсуф ани эшитиб илкин кўтурди, кўзин кўкка тикди мутоун макин. Жаброил амин етилди, ёрлиг текурди, айди: *Удъу-ллоҳа таъала лишшаҳир фаиннаҳу қарибун мужибун: «Эй Юсуф, дуо қилғил ул қулумизнинг ҳожатин қўлғил, қабуғ очуқ,*

ижобат ануқ». Юсуф айди: *Кайфа ағъу-ллоҳа. Жаброил, иборатни ул иборатни ўграту бергил*». Жаброил айди: *«Айгил йа ман йуъиззу ва йузиллу ва йа ман йазаъу ва йарфаъу ва йа ман йуъти ва йамнаъу ва йа ман хува ала кулли шай'ин қадирун урзуқ аш-шайха авлаган зукуран. Эй угил қизи бўлмаганлар, бўлди эрса муродича бўлмаганлар! Ичларингиз аритинг, эътиқодларингиз ёритинг. Бу калимотни тилда юритинг. Бўлғайким Юсуфнинг дуоси баракотинда қамуғ тилакларинга изи азза ва жалла тегургай. Ин шооллоҳу таоло. Дуонинг маъниси бу турур: «Эй давлат тожин бошинга уруғли, эй мазаллат жавонин эғнига кизукли, қузи тушганларни юқору кўтурган, ура қўпганларни юмурган, берган сан, олган сан. Бу абушқаға ўғуллар каромат қилғил»*. Сиддиқнинг дуоси ижобатга уланди. Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумо ривоят қилур: Юсуф дуоси Молик Заър ҳақинда ижобат бўлди. Молик Заърнинг ўн икки ариг қорабошлари бор эрди. Ул тунла тугалга тегди. Ул кеча қамуғ қовушди текма бири икишар ўғулға юклук бўлдилар. Қачон тўқуз ой тамом бўлди эрса йигирми тўрт ўғулға юклук бўлдилар. Қачон тўқуз ой тамом бўлди эрса йигирми тўрт ўғул туғурдилар. Юсуф мунча қурбат бирла мундоғ меҳнат налук турур! Мундоғ дуо бирла мунча тенглик ано надин кўтурди? ЖАВОБ: Ялавочимиз Муҳаммад Мустафо алайҳис-салом ёрлиқади: *Инна ашадда ал-бала'и ала ал-анбийа'и сумма ала ал-авлийа'и сумма ала ал-амсал фа ал-амсал*. Мавло азза ва жалла ҳазратинда авлиё қуллар андағуқ бўлур, игна менгизлик. Қамуғ тўнлар йигна бирла тикилур азинларни ўртар, аммо ўзи ёланг қолур ё кэнду чироғ менгизлик ўзи ёнар, ўзгаларга ёруқлуқ берур.

БАЙТ

Қамуғ йигналар тўн тикар киздурур,
 Яна ўзи кўрсанг яланғоч қолур.
 Чирогма улашў куяр ўртанур,
 Азинларга кўрсанг ёруқлуқ берур.

Сирту ка'анни... тузи'у линнаси ва ҳийа таҳтариқу.

Аморий қиссаларда келмиш, Юсуфни байъ қилиб сотар ҳолда аъробийни кўрдилар инганга мунмиш. Тева бурундуқи етмадин тортмади ел булуттак келди. Бу ой юзлукни кўруб тўруқди. «Қодир тақдиринда изи азза ва жалла қазосинда на таъбия бор билмасман», теди. Қамуғ халойиқлар тонглашдилар. Аймишлар, ул тева уч кунлук ердин Юсуф йизин билди. Кўруга мунглуғ бўлди. Уч кун ўт емади, сув ичмади, мақсудға тегди эрса эмрулди. Ишорат. Мунглуғ тилсиз теванинг ҳоли Юсуф бирла мундоғ бўлса ёрлиғ Зулайхо нетак сабр қилсун.

БАЙТ

Күз кўргани жамол ул,
Севмак ани ҳалол ул.
Андоғ жамол кўрубон,
Ким севмаса вабол ул.

Аймишлар, Зулайхо Азизи Мисрнинг эвлуги эрди. Азиз қибтий эрди, Райён маликнинг тикчиси эрди, мўъмин эрди, имонин Райён малик билур эрди. «Санинг ишларингни битурайин мани имондин тиюмағил», темиш эрди. Тенгри азда ва жалла кўркни Юсуфдин олиб Зулайхоға бермиш эрди. Аймишлар, ул кун Юсуф ўн уч ёшлиқ эрди. Аймишлар, ўн секиз ёшлиғ эрди. Азиз Юсуфни сотгин олди, эвинга келтурди. Зулайхоға айди: «Муни эзгу тутғил, мунга эзгулик қилғил. Азинлардин ортуқроқ ағирлағил, тотлиғ емлар, юмшоқ кизимлар берғил. Акрими масваҳу. Бўлғайким бизга асиғи теггай. Сотсамиз бизга андин ортуқ баҳо олғаймиз, сотмасамиз эвда куч бергай. Аса ан йанфаъана, ё кэнду озод қилиб ўғул тутунгаймиз. Ав наттахизаҳу валадан». Қола ибну Масъудин разийа-ллоҳу анҳу асдаку аннаси фарасатан саласун: Ал-азизу ҳайса қола аса ан йанфаъана ав наттахизаҳу валадан, ва ибнату Шуъайб ҳайсу қолат йа абати истажирҳу инна хайра ман иста'жарта алқавиййу ал-амину, ва Абу Бакрин ҳайсу истахлафа Умара разийа-ллоҳу анҳу.

Анда кезин Юсуфни Зулайхоға топшурди. Юсуфни Зулайхо қаттиғ сувар эрди. Бошин юб, сочин тараюр эрди. Кун келу севуклукли зиёда бўлди, тотлиғ ошлар едурди, ариғ тўнлар киздурди. Юсуф кўз очиб Зулайхоға боқмади. Ул ем, ичимга назар қилмади. Бошин кузи солиб отасин соқиниб йиғлар эрди. Бояқи аъробий яна келди, айди: «Эй йигит, налук йиғлаюрсан?» Айди: «Нетак йиғламасман, отадин, онадин азрилдим, қул бўлуб сотилдим. Эй аъробий, сен қаю элдин келдинг?» Айди: «Канъондин келдим». Юсуф айди: «Яъқубни билурмусан?» Аъробий айди: «Нетак билмасман ялавочимиз Яъқуб турур». Юсуф айди: «Яъқуб эвинда не хабар бор?» Айди: «Яъқубнинг Юсуф отлиғ ўғли бор эрди. Қариндошлари ани овға олу бордилар. Ёбонда бўри емиш, оталаринга айту келдилар. Яъқуб йиғлаю кўзлари кўрмас бўлди. Йўл бошинда «Байт ул-аҳзон» отлиғ эв қўпорди, анда тоат қилиб йиғлаюр», теди. Юсуф ани эшитиб оҳ қилди, ўгсуз бўлди, ўгинга келди эрса айди: «Эй аъробий, Яъқуб ялавочнинг Юсуф отлиғ ўғли манман. Қариндошларим қул теб сотдилар. Энди Канъонга борсанг Яъқубға мандин салом айғия ва тақи айғил: эй отам, манинг учун йиғлаю кўзунг кўрмас бўлмиш, манингма оз тилағу танимга таом сингмас бўлди! Ёруқ жаҳон манинг уза қорарди». Анда кезин Юсуф дуо қилди. Аъробийнинг теваси

қўпти, йўлга кирди. Юсуф йиғлаю эвга кирди. Қачон аъробий Канъонга етди эрса Яъқуб ялавоч қапуғинга келди, ун қилди. Юсуфнинг Зайна отлиғ қиз қариндоши бор эрди, ул чиқди. Не булдунг, не кишисан?» теди. Аъробий айди: «Яъқуб ялавочга сўзум бор ўнгинларга аймасман», теди. Зайна айди: «Яъқуб санга бу кун чиқғудек эрмас. Бу кун Юсуфнинг қонлиғ кўнглакин элинга олди. Одам ридосин кизди, Шис тожин бошига урди. Нух асосин илкинга олди. Иброҳим кўнглакин эгнинга кизди. Исмоил қурин қуршанди. Ниёзин бениёз маликка арза қилди, айди: «Илоҳий, Юсуфнинг ўлукин-тирикин менга билдургил». Аъробий айди: «Двоси мустажоб бўлди ўш ман Юсуфдин келдим», теди. Зайна кириб Яъқубга айту берди. Яъқуб ялавоч аъробийни ундади. Аъробий Юсуф саломин тегурди. Юсуф отин эшитди эрса бир чақирди ўтсуз бўлди. Ўгинга келди эрса айди: «Эй аъробий, тушмусан?»

Аъробий айди: «Туш эрмасман. Юсуфдин келдим», теди. Яъқуб қўпди, аъробийни қучди, икки кўзи орасинда ўпти. Айди: «Эй аъробий, Юсуфумни ушбу кўзунг бирламу кўрдунг?» Аъробий: «Кўрдум» теди. Яъқуб айди: «Эй аъробий, сан не севунчилик қилдинг не ҳожатинг бор айгил, мавлодин қўла берайин. Санма севунчга бўлғил», теди. Аъробий айди: «Ё расулаллоҳ манга мол товар керакмаз. Егуча, кийгуча молим бор, ўтуз қизим бор, ўғлум йўқ. Дуо қилғил изи азза ва жалла манга ўғул берсун». Яъқуб дуо қилди, мавло ижобат қилди. Аъробийга олтиш ўғул каромат қилди, берди. Қачон Юсуф эр ҳаддинга тегди эрса мавло азза ва жалла анга илми ҳикмат, туш таъбирини янут беру ёрлиқади. Ва ламма балаға ашугдаҳу аатайнаҳу ҳукман ва илман ва казалика нажзи ал-муҳсинина. Аймишлар, эрлик ҳадди ўн саккиз, айишлар, йигирми, аймишлар, йигирми беш, аймишлар, ўтуз, ўтуз уч, аймишлар, қирқ, аймишлар, олтиш. Қачон Зулайхо Юсуфнинг сочин тарағали келса Юсуфга ўхшаюр эрди. Зулайхонинг сабри қолмади, бир кун Юсуфни бўстонга кюрүб айди: «Эй Юсуф, манинг кўнглумда сўз бор ким эрсага айтмасман сен билурмусен?» Юсуф айди: «Эй Зулайхо, сенинг кўнглунда не борин не билайин». Зулайхо айди: «Эй Юсуф, манинг кўнглумда санинг севуклукинг бор, сени қаттиғ суворман». Юсуф айди: «Мани сувгунча ўз эрингни сувгил». Зулайхо айди: «Ман бори сабр қилу билмазман, нетак қилайин?» Юсуф айди: «Анинг иложи сабр турур, сабр қилғил манинг юзумга боқмағил». Зулайхо айди: «Манинг тириклигим санга сабр қилмоқ турур. Тақи жоним хушлуқи санинг тотлиғ йизинг турур. Тақи кўзум ёруқлуқи санинг дийдоринг турур». Юсуф Зулайходин бу сўзни эшитти эрса Зулайхо қотидин кетди. Ул кун келмади. Тонглай Зулайхо Юсуфга келди ва айди: «Ё Юсуф, бўстон

яблоқ кўркланмиш, турлук чечак очилмиш, неъматлар егу вақт бўлмиш. Турғил бўстонга борғил неъматлар егил, чечакларин йизлагил, бир соат тамошо қилғил».

Ш Е Ъ Р

Сабо истаюр, йиғоч енг солур,
Булут йиғлаюр, чечаклар кулар.
Бу мундоғ чечакликда кўнглум бу кун
Санинг бирла бўлуб овунмоқ тилар.

Юсуф айди: «Эй Зулайхо, манинг бўстони Канъонда қолди, ўзга бўстон манга керакмас». Зулайхо айди: «Ул яна бир бўстонда чечаклар сувсиз қолмиш, сўлмиш, анга сув бергил». Юсуф айди: «Сўлмиш чечакка сув бермак бўстон иясига сазороқ турур». Зулайхо айди: «Эй Юсуф, сенинг севуклугингдин кўзум йиғлаю ғариклиғ бўлди. Кошки сени кўрмагай эрдим». Зулайхо айди: «Сен менинг қулумсен. Менга не учун бўюнсунмазсен?» Юсуф айди: «Мен тангри қулиман». Зулайхо айди: «Эй Юсуф, яқинроқ келгил, кимдин қўрқарсен». Юсуф айди: «Икки ҳақни сақлаюрман: бири яратқан оллоҳ ҳаққин, иккинчи мани сотқун олган Азиздан қўрқарман». Зулайхо айди: «Кўк тенгрисиндин қўрқар эрсанг хазинамдағи молим, олтунум, кумушумни, ёқутум, гавҳаримни чигойларга бергайман, сендин кечургайман. Агар эримдин қўрқур бўлсанг бу замонда оғу бериб ўлтурайин яна тавба қилайин». Юсуф айди: «Ёзуқ қилмағил, тавбага мунглуғ бўлмағил». Зулайхонинг аччиғи келди қўпди, ўқутур энагасига борди, ҳолини анга айту берди. Энагаси анга кўп ўгутлар берди. Зулайхо қабул қилмади ва заъифланди. Қазғу еб ўлар ҳолга тегди эрса қуртқа энагаси йиғлаю айди: «Эй Зулайхо, манга телिम мол бергил. Ул молни харж қилайин бўлғайким, тилакингга теггайсен». Зулайхо энагасига минг олтун берди, минг мисқол йипор берди ва минг оғри кофур берди ва оғир баҳолиғ икки тўн берди. Қуртқа бу молларни сарф қилиб бир эв қўпорди сирчадин, баъзи аймишлар мармар тошдин. Ул эвни кўзгудек ёруқ қилди ва турлук нақшлар бирла беади. Зулайхо суратин таъбия қилди. Юсуф сурати бирла иккисин ёноша яшил, кўк, қизил, сариг чечаклар бирла тўрт томинда ва идишларга кофур ва гулоб тўлдуруб мундоғ тилсимлар қилди. Аймишлар, ёт қуртқани эвга киргузмак керакмас. Агар қаю эвга кирса бузмай чиқмас.

Ғ А З А Л

Эрнинг балоси ики олам балоси-қуртқа,
 Қуртқа қариб ўлурса солгил этини қуртқа.
 Ёт қуртқани эвингда кўрсанг бошини кесгил,
 Куйдур бошини ўтқа, совур кулини қортқа.
 Қуртқа неча қарисун тоат қилиб арисун,
 Эв бузғали топунса боқмас ўнгига ортқа.
 Қуртқа бузар минг ишни қайра тузар тиласа,
 Анинг тегар балоси барча муғулга, сортқа.

Қачон бу эв тамом бўлди эрса Зулайхо кириб ўлтурди йинчка юфқа тўнлар кийиб. Тани ўта кўрунур эрди. Юсуфни ундатиб эвга киюрдилар. Ул эвнинг етти қапуғи бор эрди. Текма қапуғда темур занжирлар беркитти. Юсуф текма қапуғдин кирмишда ул қапуғни беркитур эрдилар. Қачон Юсуф Зулайхо ўлтурган эвга кирди эрса Зулайхони кўрди: безанмиш, турлук тўнлар киймиш, ўзини Юсуфга арза қилди. Юсуф ани мундоғ кўрди эрса текма бир қапуғ сонинча тиз тўнининг боғига тугун сола бошлади. Зулайхо ани кўруб хаёл қилдиким тиз тўнини боғин чешар уминчилиғ бўлди тақи айди: *Йа Юсуфу ма аҳсана важҳака; Маъниси:* не кўрклук юзинг бор! Юсуф айди: *Хаказа савварани рабби*, яъни изим мундоғ яратди. Зулайхо айди: *Ма аҳсана шаърака*, яъни на кўрклукдир сочинг! Юсуф айди: *Ҳува аввалу ма йанташиру фи қабри*, яъни гўрум ичинда бурун кетган бу бўлгуси. Зулайхо айди: *Ма аҳсана басарака*, яъни не кўрклукдур бу кўзунг! Юсуф айди: *Ҳува аввалу ма та'кулу ағ-диган*, яъни гўрум ичинда илк қуш-қуртлар егуси. Зулайхо айди: *Йа Юсуфу унзур илаййа*, яъни манга бир боқғил. Юсуф айди: *Ахафу аз-зулумати фи ахири умри*, яъни охир умрумда кўрмасликдин қўрқарман. Зулайхо айди: *Заъ йадака фи садри*, яъни қўлингни кўксумга қўйгил, Юсуф айди: *Ахафу ал-ғулла фи ал-лаза*, яъни тамуғ бўқовларидин қўрқарман. Зулайхо айди: *Йа Юсуфу ама таштаҳи бимисли*, яъни мантак кўрклукка кўнглунг бўлмасму?» Юсуф айди: *Бала ва лакин ахафу рабби*, яъни кўнглум бор, вале изимдин қўрқармен. Яна айди: *Эй Юсуф, Инни уҳиббука*, яъни мен сени суварман. Юсуф айди: *Инни уҳиббу-ллоҳа*, яъни ман тенгрини суварман. Яна айди: *Эй Юсуф, Удхул фи ал-қайтуни*, яъни манинг бирла қўноққа киргил. Юсуф айди: *Ахафу ан йазҳаба фи ал-жаннати насиби*, яъни ужмоҳдағи ўрнумни олдурғайман теб қўрқарман. Яна айди: *Анта абди иштарайтука билами сумма татовалта алаййа*, яъни сен мени қулумсан. Мол бериб сотқун олдим яна манга бўюнму эгмассен? Юсуф айди: *Кана ал-лазина ихвани ҳина баъуни*, яъни ёзуқ қариндошларимда турурким, мани

соттилар. Яна Зулайхо айди: *Сумма татбаъаду минни, яъни не учун мандин йироқ турурсан? Юсуф айди: Лиҳаққи иснайни лиҳаққи аллази ҳува илаҳун фи ас-самавати ва ал-арзи ва лиҳаққи аллази қола акрими масваҳу, яъни икки ҳақ учун, бири ер, кўк тенгрисидин кўрқармен, иккинчи мани сотқун олиб муни эзгу тутгил тегадин кўрқарман.* Зулайхо айди: «Молин товарим телим турур, садқа қилайин ер, кўк тенгриси кечургай. Эримдин кўрқар эрсанг оғу бериб ўлтурайин. Зулайхо неча қатигланди мақсуди ҳосил бўлмади, умасига тегди. *Ва равадатху аллати ҳува фи байтиҳа ан нафсиҳи ва ғаллақат ал-абваба ва қолат ҳайталак.* Мунда олти қироат бор: ҳайта лака, ҳайти лака, ҳайту лака, ҳаъту лаки, ҳаъта лаки, ҳаъти лаки. Буларнинг уч маъниси бор: бири «ҳо ана лаки» ўш ман санингман, икинчи «ҳалумма илайя мо ҳува лака», яъни манга келгил ним бор эрса бориси санга, учунчи «Тахаййа'ту лака», яъни ўш ануқ бўлдум, ман қамуғни анутдум санга. «Ҳайту лака» ўқисанг Эй тулак, ман санингман, «ҳайти лака» ҳой тулак, қачонга теги тулаклик қилурсан, тулак бўлмасман, тулалгу ерим қалмади, тилағимни тугал бергил.

Юсуф айди: «Тенгри азза ва жаллага сигинурман Азизи Мисрий мани сотқун олди, манга эзгулик қилди, анга ёвузлук сонмағайман. Агар сонсам ўзумга куч қилган бўлғайман. Куч қилғувчилар изи азза ва жалла азобидин қутулмаслар». *Қола маъаза-ллоҳи иннаҳу раббӣ аҳсана масвайя иннаҳу ла йуфлиҳу аз-золимуна.* САВОЛ: Юсуф ҳақинда Зулайхонинг эзгулиги кўп эрди «аҳсанти масвоя» тегди, Азизни яхшилади «аҳсана масвоя» теди, ҳикмат на эрди? ЖАВОБ: Зулайхонинг эҳсони ҳаво бирла булғанмиш эрди, анинг учун ани аймади. Аммо Азизи Мисрийнинг эҳсони ҳаводин холи эрди ани ёд қилди. Зулайхо Юсуфга қасд қилди эрса ўгради, Юсуф юз эвурди. Зулайхони кўрмайин теб ортқару боқди, ўз суратин кўрди, Зулайхо бирла ёношиб томда турур. Соғға, сўлға, устунга, остинға қаради андағуқ кўрди. Анда кезин Зулайхоға боқти, суратин кўрди явлоқ кўрклук. Аймишлар, Ҳавводин бери тишида Зулайходин кўрклук йўқ эрди, кўнгли майл қилди. «*Ва лақағ ҳаммат биҳи ва ҳамма биҳа*» маъниси ул бўлур. Чин-ўқ Зулайхо Юсуфга ўгради. Савол: Зулайхо Юсуфга ўгради, Юсуф Зулайхоға нега ўграмади? Жавоб: Зулайхо кофира эрди, зиноға ўгради ва Юсуф ялавочлар уруғи эрди, зиноға нетак ўграсун! Аймишлар: Ҳамма Зулайхо ҳамму ал-қарори ва ҳамму Юсуфа ҳамму ал-фурор. Зулайхо ўграмоқи қучмоқға эрди ва Юсуф ўграмоқи қочмоқға эрди. Тақи аймишлар, Ҳамму Зулайхо ҳамму ас-сифаҳ ва ҳамму Юсуфа ҳамму ан-никаҳ. Зулайхо ўғримоқи ҳаромға эрди ва Юсуф ўграмоқи ҳалолға эрди. Тақи аймишлар, Ҳамму Зулайхо ҳамму ат-талаб ва ҳамму

Юсуфа ҳамму алҳараб. Зулайхо ўграмоқи тутмоқ эрди ва Юсуф ўграмоқи кетмак эрди. Тақи аймишлар, *Ҳамму Зулайхо ҳамма ас-салби ва ҳамма Юсуфа ҳамму аз-зарби*. Зулайхо ўграмоқи озмоқ эрди ва Юсуф ўграмоқи урмоқ. Андоғ бўлса ўғроқдин ўғроқға тафовут бўлди. Тақи аймишлар, Юсуф ўғроқи ул эрдиким, Азиз ўлмиш бўлса Зулайхони никоҳ бирла олғай. Анинг учун Юсуф йигит, Зулайхо йигит икки саййиди умам, кўрк бор. Зулайхода рағбат бор ва Юсуфда қувват бор ва ражулийят бор. Ул ҳолда рағбат қилмаса эр бўлмас бу таъвил бирла.

Мунда вақф қилмоқ керак. Баъзи аймишлар, агар мунда вақф қилсақ Юсуфни фоҳишаға ўгради темак бўлур, бу раво эрмас. Баъзи аймишлар андоғ ҳолда рағбат қилмоқ эрлик нишони эмас. Анинг учунким тугал ялавочлар қамуғ айблардин ариғ эрдилар. Эр эрмаслик айби қамуғ айблардин улуғроқ турур. Ўзга кичик айблар ялавочларда бўлмас. Бу улуғ айб Юсуфга нетак раво бўлур. Ложарам вақф мунда турур.

«Эҳсон ал-баён» отлиғ тафсирда келтурмиш. Мадина шаҳринда Сулаймон ибн Ясар отлиғ кўрклук, жамоллиғ эр бор эрди. Мадина хотунлари анинг бирла ҳаво қилдилар, мафтун бўлдилар, эранларига унамас бўлдилар. Сулаймон ибн Ясор ани билиб балоға тушмағайин теб Мадинадин қочти ва Шомға борди, анда ўрнади. Етти йилдан сўнг Юсуфни тушда кўрди, айди: «Ё Юсуф, анталлази ҳаммат сенмусенким тишига ўградинг?» Юсуф ялавоч айди: «А'анта аллази лам таҳумма, яъни сенмусенким тишиларга ўграмадинг ва алардин қочдинг? Бу далил бирла маълум бўлдиким Юсуф Зулайхоға ўгради. Обрўйи борким бурҳон кўрди ўзин сақлади. *Лав ла ра'а бурҳана раббихи*. Ялавочимиз Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи ва саллам ёрлиқарким, дунёдин анға уч нимарса севуклук бўлди: бири тотлиғ йизлар, тақи мусулмон тишилар, учунчи кўзум ёруқи намоз ичинда, теди. ИШОРАТ. Юсуф Зулайхоға ўграмадуқ бўлса. *Ва казалика линасрифа анҳу ас-су'а ва ал-фаҳша'а*, маъниси бермағай эрди. Юсуф ўгради, аммо изи азза ва жалладин қўрқти, шариат ҳаққин сақлади. Мавло таоло ёрлиқар ким, бизга андоғ сиғинсаким, Юсуф сиғинди, ани андоғ қутқарғаймизким Юсуфни қутқардуқ. *Ва казалика линасрифа анҳу ас-су ва ал-фаҳшаа*. Бу Юсуф бизинг мухлис қулларимиздин эрди. *Иннаҳу мин ибадина ал-мухласина*. Қамуғ ялавочлар ҳам мухлис эрдилар ҳам мухлас. Ўзга мўъминлар мухлис эрдилар, аммо мухлас эрмаслар.

ҲИКОЯТ

Бир тиши имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийга ошиғ бўлди. Йўли бошин сақлаб ўлтурди. Имом Муҳаммад келди эрса айди: «Эй мўъминлар имоми, сендин бир масъала сўргум бор. Бу эвга киргил сўрайин», теги. Имом Муҳаммад эвга кирди, тиши сўнгинча кирди қабуғ беркитди ва имом Муҳаммадга ёпушти. Неча ўгит берди, қабул қилмади, айди: «Манинг бушуғум бор. Жон ачигидин бушуғ ачиги қатиг темишлар. Мани қўзғил ҳожатимни раво қилайин. Анда кезин санинг муродингни кўрайин». Анга-ча ризо берди.

Имом Муҳаммад ташқару чиқти вужудиндин чиққан ҳадасни юзига, бўйнига суртди. Тиши ани кўрди эрса кўнгли совуди ва йигранди. Айди: «Эр бу турлук эрмиш, тарк кетгил», теб қошидин турғузди. Имом Муҳаммад эвинга борди ва минг олтун садақа берди, изи азза ва жаллага шукр қилди. Аймишлар, одамийдин икки нарса қолур эзгулук ва эсизлик.

Курмасмусенким Зулайхо ўлди ва йиллар кечди. Анинг яроғсиз ишини қамуғ имомлар меҳробда ва қамуғ олимлар минбарда, қамуғ муқрилар маҳфалда, қамуғ ўғлонлар мактабда мунӣ ўқюрлар. *Ва равадатҳу аллати ҳува фи байтиҳа ан нафсиҳи ва ғаллакат ал-абваба.* Мундоғ-ўқ Юсуфма дунёдин ўтти, телім йиллар кечди, эзгу оти қолди. Изи азза ва жалла каломи ичинда ўқюрлар. *Иннаҳу мин ибадина ал-мухласин.* Қачон Зулайхо Юсуфни эвга кюрди эрса, қапуғларни темур занжирлар бирла беркитти эрса, Юсуф ани сезиб тиз тўни боғига тугунлар урди. Зулайхо ани кўруб тиз тўн боғин ёзар теб сувунмишдин эв тўринда бут бор эрди, чодир бирла ёпти.

Юсуф айди: «Ул ёпқонинг не эрди?» Зулайхо айди: «Манинг топунатурған бутум турур, андин уфтанурман». Юсуф айди: «Сен санамдин уфтанурсен ман самаддин нетак уфтанмагайман?» Баъзи аймишлар: «Юсуф ўғроқи ул эрдиким бу ишни қилайинму, қилмагайинму. Қулнинг ўз муроди уза эрки бўлмас, аммо бурҳон кўрди, ул бурҳон на эрди? Мунда укуш қавлар бор. Бири ул туруким, ун эшиттиким, эй Юсуф қанити юлунмиш қуштеқ бўлурмусен, ўзга қушлар учса сен ерда қолурсен. Тақи аймишлар, томда Яъқуб ялавоч суратин кўрди, айур: «Эй Юсуф, ялавочлардин эркан аҳмоқлар ишин қилурмусен?» Қамуғ шаҳватлари эрнаклари учиндин чиқди. Тақи аймишлар, эвнинг томинда битик кўрдиким, эй Юсуф, зино қилмагил. Яна аймишлар, Азизи Мисрийни кўрди. Яна аймишлар, кўнглингдаги ялавочлиқ эрди. Яна аймишлар, Зулайхонинг юзига боқти эрса кўзига кўркисиз кўрунди. Андоғким юзи

қавармиш яғроқтек, икки эринлари ҳабаший эринларидек, кўзлари чақир, бурнининг тушуклари кенг. Юсуф андоғ кўруб юз ўвурди. Зулайхо айди: «Эй Юсуф, бир сўзгинам қолди, сабр қилғил аяйин», теди. Юсуф яна ёнди. Зулайхонинг ичи ўртанмишдин бу ғазални ун тортиб, инчиқ-лаю оғарди.

ҒАЗАЛ

Жилва бирла солну чиқган ол янгоқлиғ ёни қор,
Кўзлари юлдуз, юзи кун, олини кўкнинг ойидин.

Кўрсаюрман кўркунгизни кўргу бўлмас кўзгинам,
Кўрк закотин берки вожиб қилса кўркнинг бойидин.

Қош отиб кўнглаумни олган жон қўларсиз берайин,
Ул нетак ошиқ бўлурким қайтса маъшуқ раъйдин.
Ноғохон бир қубла қўлсам ўфқа бирла ҳойқирар,
Жон бериб ўлгай телим ул жумла қилган ҳойидин.

Рабғузий қул Носируддин табъи турлук сўз тузар,
Гулчираб усрук ўлай кўз боқса қуймоч қошидин.

Юсуф Зулайходин қочғуға юз ўвурди. Зулайхо Юсуфни тутмоқға ура қўпди. Юсуф қочди. Зулайхо қовди. Қаю қапуғға Юсуф етса изи азза ва жалла қудрати бирла темур занжирлар очилур эрди. Юсуф илгари, Зулайхо сўнгинча. Етинчи қапуғда Юсуфға етди, орт этагин тутуб тортди. Этаги йиртилиб бир парчаси қўлиға келди. Иккисининг боши яланг Юсуфни қова менгизи қавариб тош қапуғға ияра чиқти. Азизни кўрдилар тош қапуғда турур. *Вастабақа ал-баба ва қаддат қамисаҳу мин дубурин ва алфайа саййидаҳа лада ал-баби*. Зулайхо қапуғда эрини кўрди тапуғда элини тебратди, магар соқинди. Ёзуқни ўзундин кўтарди ва Юсуфға юклади. Айди: «Санинг эвингда эвлукингга ёвузлик сонган, илик сунганнинг жазоси не турур?» Ул Азиз айди: «Манинг эвлукимга ким ёвузлик сонди ва ким илик сунди?» Зулайхо айди: «Ман бу соат эвда ётур эрдим. Юсуф кирди, мени кўрди, ёлғуз. Эв авлоқ, манга илик сунғали ўғради. Ачиғландим, тутайин теб қува чиқдим, сени мунда кўрдум», теди. Нетак ким худойи таоло ул икисиндин хабар берур қолат ма жаз'у ман арода биаҳлика су'ан.

ЛАТИФА.

Зулайхо мажозий эрди ўз ёзуқин Юсуфга юклади. Айди: Мажаз'а у ман арода би аҳлика су'ан? Қачон севуклуки бўлди эрса дўстини оғирлади ва ариглади. Не келса манга келсун теб ёзуқни ўзига юклади, айди: *Ана равад-туҳу ан нафсиҳи ва иннаҳу ламин ас-содиқина*. Аймишлар, тишисиз тириклик йўқ, тиши бирла тинчлик ҳам йўқ. Белгулук бало турур, балосиз ким эрсага бўлмоқ йўқ. Юсуфни балога киюрди. Яна тузмади. Ўлтургай деб қаттиғ кўрқди ва ол қилиб зиндонга йўл кўргузди. Нетакким изи таоло хабар берур. *Илла ан йўсжана*. Яна соқинди, зиндонга солса юзун кўрмагайман ва онсиз сабр қилу билмагайман теб ўзга макр чиқарди. Қаттиғ қин кўрди *ав азабун алимун*. Юсуф Зулайхонинг балога солганин эшитти ва кўрди эрса, тек турсак ёзуқ манга юклангай теб айди: «Ман анчага теги қотилмадим. Ул мани ўзига ўқиди». *Ҳийа равадатни ан нафси*. Аймишлар Зулайхо бир соат ичинда уч макр тузди, аввал ўзундин ёзуқни кетарди ва Юсуфга юклади. *Ма жаз'а у ман арода биаҳлика су'ан*. Яна кўрқти, ўлтургай деб зиндонга соқиндурди. *Илла ан йўсжана*. Яна соқинди, зиндонга йўл кўргуздум, бағри тутар майли бор тедургам теб қаттиғ қинга ишорат қилди, айди: *Ав азабун алимун*. Қачон Зулайхо бу талбислар қилди эрса Азиз Юсуфга боқиб айди: «Ман сени сотқун олдим, амин ва муътамад қилдим, ўғул тутундум. Манга януг муниму қилдинг?» Юсуф айди: «Ман аригман, ёзуқим йўқ. Зулайхо манга ўгради, ман андин қочдим. Ул мани қува чиқти». Азиз ожиз бўлди, мутаҳаййир қолди. Зулайхога айди: «Сан андоғ теюрсан, бу мундоғ теюр. Қаюнгиз сўзи ёлгон эрканни билайин», теди. Юсуф айди: «Бу ишда ўтарак соқингил, тааммул қилгил». Азиз айди: «Ариғлиқинга тануқ борму?» Аймишлар, Зулайхонинг Талхом отлиғ қорабоши бор эрди ва анинг тўрт ойлиғ ўғли бор эрди. Юсуф анга ишорат қилди бешик ичиндаги ўғлонга. Азиз айди: «Эй Юсуф, ёзуқ сан қилдинг ва ёлгон сен сўзладинг». Яна мангаму куларсен? Тўрт ойлик ўғлон нетак сўзлар», теди. Бешикдин ун келди: *Удну минни фаинна лака фи калами фараҳун*, маъниси ул бўлурким, манга яқин келгил, менинг сўзумда санга фараҳ бор ва роҳат бор. Азиз ўғлон сўзин тинглади ва яқин келди. Ўғлон айди: «Эй Азиз, Юсуфнинг кўнглакининг ўнги йиртуқ бўлса Зулайхо кўни, Юсуф ёлгон, Агар кўнглакнинг орти йиртуқ бўлса Зулайхо ёлгон ва Юсуф кўни. Андин хабар берур». *Ва ин кана қамисуху қудда мин дубуррин факазабат ва ҳува мин ас-содиқина*. САВОЛ: Ўғлон кўни тануқ-ўқ бермади. Зулайхо ёлгон, Юсуф кўни, темади, ишорат бирла айди. Ҳикмат

не эрди? ЖАВОБ: Махлуқнинг тануқлари икидин бирига кўни тануқлиқ берур, бирига асиг қилур, бири расво бўлур — ёлгон тануқлуқ берур. Аммо бу ўғлон мавло азза ва жалла ҳазратиндин эрди. Ёлгон сўзламоқ раво йўқ кўни сўзласа расво бўлур. Бизни расво қилмоқ мавлодин раво йўқ, Зулайхонинг пардасин очмади, иборат бирла аймади, ишорат бирла айди: «Эй Азиз, ўзунг боқғил, кўнглакнинг ўнги йиртуқ бўлса Зулайхо кўни, Юсуф ёлгон».

ФОЙДА. Эй мўъмин, ўз ёзуқингни ўзгага юкламагил, юкладинг эрса мавло ўғлондек анинг ариғлиқин билгуртгай, сени расво қилгай. Айзан. Ўнгингда ким эрсанинг айбин очмагил. Юсуфга зарурат бўлмагунча «Ҳия равадатни ан нафси», темади. Яна ўғлон тануқлуқ берди эрса равшан аймади, ўртуғлуг айди. Азизи Миср ўзи англади. ФОЙДА. Зинҳор ким эрсани ёвузламагил, ул ҳам сени ёвузламасин. Анчада Азизи Миср Юсуфнинг этагига боқти эрса ортини йиртуқ кўрди. Зулайхоға боқиб айди: «Бу сиз тишиларнинг кайди турур. Ўзунгизни ариглаб, оғирлаб ўзгага юкляюрсиз. Тишилар кайди-макри улуг турур». Фаламма ра'а қамисаҳу қудда мин дубурин қола иннаҳу мин кайдикунна инна кайдакунна азимун. Аймишлар, тишиларнинг макрикайди шаҳват бирла улуг турур, аммо шайтон макри Оллоҳ зикри била заиф турур. Изи азза ва жалла Қуръон ичинда Азиздин хабар берур ва ёрлиқар, тишилар кайди улуг турур-инна кайдакунна азимун. Яна шайтон кайди заиф турур-инна кайда аш-шайтони каана заъифан Тишилар кайди недин улуг бўлди, шайтон кайди недин заиф бўлди? ЖАВОБ: Шайтон кайди ўртуғлуг турур, заиф бўлур. Тишилар кайди очуқ турур, улуг бўлур. ТАҚИ ЖАВОБ: Шайтон изи азза ва жалла отин эшитса қочар, кетар, аммо тишилар макр қилурда минг оят ўқусанг кетмас. ТАҚИ ЖАВОБ: Шайтон кайд қилурда ёлғуз турур. Ёлғуз кайди заиф, аммо тиши макр бошласа шайтон анга қўлдош бўлур. Қавийланур. Қачон Юсуф ариғлиги зоҳир бўлди эрса тақи ортурайин теб кўрганин, эшитганин сўзлагалу ўғради. Азизи Миср айди: «Е Юсуф, бас қилғил. Сўзни ва Зулайхони ортуқ расво қилмагил. Эл тилин бизнинг уза ўратмагил». Яна Зулайхоға айди: «Ман худ сандин кечурдим, тавба қилғил, тенгри азза ва жалладин ёрлиқаю тилагил. Андин сўнг мундоғ ишлар қилмагил, юзинг сувин тўкмагил». Изи азза ва жалла хабар берур андин. Юсуфу аъриз ан ҳаза вастағфири лизанбикки иннаки қунти мин ал-хоти'ина. Юсуфга адаб ўгратти, ва айди: «Эй Юсуф, балоға илиндинг эрса сабр қилғил, эзгу отинг чиқсун! Эй Зулайхо, эрксиз бўлуб кўнгул олдурдинг эрса тавба қилғил, тенгри кечурсун. Эй Юсуф, бу сўзни қўйғил азин ўвурмагил, ёвуз чиқмасун. Юсуфу аъриз ан хаза! Эй Зулайхо, ёзуқ санда,

ўзгага юкламагил, андоғ қилмагил, манинг ҳаққимни сақла-
гил. *Вастағфири лизанбики. Иннаки кунти мин ал-хоти'ина.*»

Бу сўз Миср элинда улуғларининг хотунлари эшитти
эрса Зулайҳоға айб қилдилар ўз қулига ошиқ бўлмиш
ва қул анга бўйунсунмаймиш теб маломат қилдилар. *Ва
қола нисватун фи ал-мадинати имра'ату ал-азизи туравиду
фатаҳа ан нафсиҳи.* Аймишлар, ул хотунлар олти эрди:
вазир хотуни, ҳожиб хотуни, хозин хотуни, аёқчи хотуни,
ақтачи хотуни, бовурчи хотуни. Азизи Мисрда кезин бу
олтидин улуғроқ йўқ эрди. Ул олти хотун Зулайхо
қотиға кирар чиқар эрдилар. Зулайхо Юсуфға ошиқ бўлди
эрса аларни қотиға бормас бўлди, розим очилмасун теб.
Зулайхонинг севуклуги қаттиғ бўлди эрса ул хотунлар
эшиттилар, айб қилдилар. Зулайхо ани билди, аларни
меҳмондорликға ундади. Қўрклук таомлар пишуртти, тек-
масига ўлтурғу ўрун ануқлади. *Фаламма самиъат би мак-
риҳинна арсалат илайҳинна ва аътадат лаҳунна муттака'ан.*
Уч қироат бор «муттакаан» ўлтурғу, таянғу ўрун, «мутта-
каан битташдиди валмадди» пичоқ бирла янчиб егу таом
ё кэнду этмак бирла йўрканмиш эт яъни турмак, «мутта-
каан би гайри маддин вал ҳамза биттаҳқиқи ва ҳувал —
лавҳа», яъни қағун. Буларни анутти. Қирқ хотунни ундади,
бу олти хотунни аларнинг орасида ўлтурғузди. Ош берди,
едилар. Олти табақ келтурди, бу олти хотуннинг ўнгун-
да қўйдурди. Бу олти табақда турмаклар, қағунлар эрди,
текма бир табақда бир йитик пичоқ қўйди. Айди: «Эй
манинг эшларим, қўлдошларим мунча йил бўлди манга
топуғ қилдингиз, манинг ошим, неъматимни едингиз. Бу
кун сизлардин бир тилаким бор, берурмусиз?» Қамуғи
ура қўпуб, юкунуб, ер ўптилар. «Эй Зулайхо, не тила-
санг андоғ қилалинг», тедилар. Зулайхо айди: «Сиз олтин-
гиз чодирларингизни кинг, юзунгизни ўртунг, пичоқ элин-
гизга олинг. Дўстум Юсуф келмишда манинг кўнглум учун
бу турмаклардин, қағунлардин янчиб Юсуф огзига қота
беринг. Ким тезроқ тебранса, улуғроқ янчиб Юсуф огзи-
ға қота берса анга улуғроқ хилъат бергайман», теди. Қамуғлари қабул қилдилар. *Ва атат кулла ваҳидатин минҳун-
на сиккинан.* Анда кезин Юсуфни чиқиб келсун тею киши
изди. Зулайхо сўзини синдурмайин чиқиб келди. *Ва қолат
ухруж алайҳинна.* Аймишлар: «ухруж» тил бирла эди, аммо
«алайҳинна» кўнглинда эрди, агар тил бирла «алайҳинна»,
теса Юсуф тишиларга чиқмағай эрди. Мавло таоло тил
бирла айганиндин кўнгул бирла соқинганиндин хабар берур.
Ва қолат ухруж алайҳинна. Юсуф чиқди эрса кўрдилар,
оғирладилар. *Фаламма ра'айнаҳу акбарнаҳу фа ра'айна
нуран казав'и ан-наҳари инда нури аш-шамси.* Расул
алайҳи-салом ёрлиқадиким, Меърож тунинда Юсуфни кўр-
дум тўлун ойтек. Ким Юсуф юзинга боқса ўз юзин
юзинда кўрар эрди, Кўзгуда кўрартек. Юзи кўрклук, соч-

лари чуғд, узранг бўзлуғ, урунг юзлук, кенг кўзлук, йинчка беллик, тўнг билаклик, тўлуғ йинчуклук, тегратма бошлиғ. Кулса тишларидин нур билгурур эрди, эринлариндин тош чиқар эрди. Юсуф эвдин чиқғач тишилар ошуқуб пичоқ бирла турмак кесиб Юсуф оғзиға текка бирла олинг теб кеса бошладилар. Кўзлари Юсуфға машғул бўлди. Бир кўз бирла икки ишни битурса бўлмас. Кўзлари Юсуфни кўрар, тиллари Юсуфни ўгар. Текма бири бир шеър бошлады.

Эвг илки тиши айди:

*Йа ман ра'а қамаран фи урсати ағ-дари
Йўлағибу ҳуран тавран баъда ал-атвари*

Иккинчи тиши айди:

*Ма ан ра'айтаҳу ҳилалан ко'иман абадан
Фи ал-арзи йамши ала рижлиҳи фи ағ-дари*

Учунчи тиши айди:

*Инна ал-ҳилала аллази жала лаҳу холикуна
Ала ас-сама'и йараҳу ал-йавма фи ал-жари*

Тўртунчи тиши айди:

*Йасиду нисвата мисра ҳаказа арзуна
Би ал-важҳи ва ал-йадайн ва ал-айну саҳҳару*

Бешинчи тиши айди:

*Ҳува ал-ғуламу аллази баъҳу ихватуҳу
Зулман ва жавран қафа би аз-зулми мин ал-ъари*

Олтинчи тиши айди:

*Мин аали Яъқуба инна-ллоҳа фаззалаҳу
Турран ала ан-наси маъруфан би атвари*

Туркий тили бирла таржимаси бу турур.

Аввалги байт таржимаси:

*Тулун ойни кўрсанг туғар қўмиюр,
Ариғ ҳурни кўрди улаш ўйнаюр.*

Иккинчи байт таржимаси:

*Ҳамул ойни кўрган яғиз ер уза,
Аёқин юрирда кўнгул булғаюр.*

Учинчи байт таржимаси:

*Ағиз кўкда ойни яратти изи,
Бу кун кўрса ойга келиб тунаюр.*

Тўртинчи байт таржимаси:

*Тишиларни овлар Миср элинда,
Тутуб қийнаюрда кўзи қайнаюр.*

Бешинчи байт таржимаси:

*Бу ўғлонни сотмиш қариндошлари,
Бу кучни муҳосиб қачон санаюр.*

Олтинчи байт таржимаси:

*Ялавоч уруғи учун бу ариғ,
Анинг мунча тенглик изи синаюр.*

Тишиларнинг кўзлари Юсуфни кўрар, тиллари ўғарлар, иликларин эрнакларин кесарлар эрди. Айтурлар, Ҳалумма илаййа фаинни аҳсану ваҳхан мин соҳибати, яъни қамуғдин ариғроқ манман манга келгил. Юсуф кўркинга ҳайрон бўлдилар, иликларин кесдилар, туймадилар, тўнлар қонга бўлғанди. *Ва қаттаъна айдийахунна.* Аймишлар, иликларин қонаттилар. Қатода Раҳимхуллоҳ айтур: Эрнакларин кестилар. Мужоҳид раҳматуллоҳи алайҳи айтур: Иликларин биллакларинга теги кестилар. Кўзлари, кўнгуллари бирла Юсуф жамолин кўруб оғриқин билмадилар. Ваҳаб ибн Мунаббаҳ айтур: Алар қирқ тиши эрдилар, алардин тўқуз тиши ўлдилар. *Ва қаттаъна айдийахунна.* Аймишлар, ташдидсиз ўқисанг иликларин кесдилар темак бўлур, аммо ташдид муболағатма бўлур, яъни иликларин қийқим-қийқим қилдилар. Айдилар: Субҳоналлоҳи! Бу бори одамий эрмас, ойина бу оғирлиғ фаришта турур. Ма ҳаза башаран ин ҳаза илла малакун каримун. Аймишлар, Юсуф ул кўрк бирла чиқиб келди. Бу тишиларга боқмади, бирла сўзлашмади. Айдилар: «Бу одамий зумуррасиндин эрмас, бу фаришта турур. Ма ҳаза башаран ин ҳаза илла малакун каримун. Шин ва ломни остин эъроб бирла ўқимишлар, яъни бу кўрк бу қилиқ бирла сотилғу қул эрмас. Бу оғирлиғ подшоҳ турур. Зулайхо уларнинг иликларин кесмишларин кўрди, тақи кулди ва Юсуфга айди: «Эвга киргил». Юсуф

эвга кирди. Зулайхо ул хотунга айди: «Иликларингизга боқинг». Боқтилар, қамуғ эрнаклари кесилмиш, билаклари боғишларидин айрилмиш, тўнлари қонга булганмиш. Зулайхо айди: «Сизлар бир кўруб иликларингизни кестингиз? Ман эрта-кеча кўрар экач нетак сабр қилайин, нетак ошиқ бўлмайин, маломат қилганингиз буму эрди?» Қолат фа заликунна аллази лумтуннани фиҳи. Аймишлар, колобок чироғ кўруб ўзин ўтга отиб куяр, ўзгалари анга маломат қилурлар, иккинчи, кеча Зулайхога маломат қилган хотунлар колобоктек улар келиб чироғга куйдилар. Нетакким шоир айтур:

*Инна ал-фарраша та'ти иза ра'ат лаҳабан
Ҳавла ас-сирожи фа тулқи нафсаҳа фиҳи*

*Ақулу қавла Зулайхо фи авазилиҳа
Қолат фа заликунна ал-лази лумтуннани фиҳи*

«Ўз қулинга ошиқ бўлди, теб манга маломат қилдингиз ул қулумдин тонмасман. Юсуфни ундатгим қапуғларни беркитдим, этагин мен йиртдим. Нетакким тенгри азза ва жалла андин хабар берур. Қаг равадтуҳу ан нафсиҳи. Юсуф ўзин сақлади, манга бўюнсунмади. Фастаъсама.

Бу Юсуф ҳам кўрклук турур, ҳам ариғ турур, ҳам зоҳид турур, ҳам олим турур. Ман ани кўнглинча кўзмағайман, расво бўлдум, эл эшитти. Юзум суви тўкулди. Лаин лам йафъал ма амуруҳу. Ман айғанимни қилмаса зиндонга кўмишгайман». Алардин хабар берур. Лайусжананна ва лайакунанна мин ас-соғирини. Ул тишилар Зулайхога айдилар. «Сен бу ишни бизга қўйгил, биз зиндон бирла қўрқуталинг». Юсуф кўрдиким Зулайхо зиндонга солурман теюр. Ул олти хотун ҳам зиндондин қўрқутурлар. Айди: «Йлоҳий, эмдигача бирағу эрди яна олтағу анга эш бўлдилар. Улар етти ман бир нетак қилайин! Буларнинг тилагини қилғунча зиндонма севуклукрак турур».

Расул алайҳис-салом айди: «Изи азза ва жалла ул қариндошимга раҳм қилсун. Ул кун Юсуф ўрнига ман бўлсам эрди зиндонга унумағай эрдим, айғай эрдим. Ас-сижну аҳаббу илаййа мимма йағъунани илайҳи, мани бу зиндондин, бу тишилар балосидин сақлагил. Аймишлар, ул олти тишининг зиндонга солдурмоқда мақсудлари ул эрдиким, Юсуфни зиндонга солсала Зулайходин ироқ бўлғай. Биз текма вақтда бориб Юсуфни топқаймиз, кўрклук юзин тўя кўргаймиз. Юсуф муножатга қўл кўтардиким: «Йлоҳий, бу тишилар макриндин сақламасанг улар тапа майл қилсам анда кезин ман осийлардин бўлғаймен».

САВОЛ: Юсуфга қинлар телим эрди. Зулайхо бирла Азиз кўнглинга ўзга қин киргузмади, ҳикмат на эрди?

ЖАВОБ: Ул турурким, мавло азза ва жалла зиндонға бир валий қулни киюрмиш эрди. Ул қул кўнглида Юсуф севуклуги бор эрди. Ул дуо қилдиким, худоё, манга Юсуф жамолин кўргузгил. Тенгри таоло анинг дуосин ижобат қилди. Зулайхо ва Азизнинг кўнглига солдиким, Юсуфни алар зиндонға солдилар. Ул валий Юсуфни кўрди. Аймишлар, Юсуфни зиндонға солмоқда Зулайхонинг мақсуди ул эрдиким, манинг сўзум эл аросинда ёйилди. Бурунғитак Юсуфни ўзга кўргум йўқ. Ман кўрмадим, ўзгалар кўрмасун теб зиндонға солдурди.

Аймишлар, Азиз ҳам Зулайхо Юсуфдин нарсалар кўрдиларким ўзгалардин кўрмадилар, этак йиртилмоқи, ёш ўғлон танақлуқи, иликлари кесилмаги, тишилар «мо ҳозо башаран» темаки, Юсуфнинг ариглиқи. Анинг учун зиндонға солмоқни ихтиёр қилдилар. Аймишлар, Юсуфни зиндонға келтурдилар эрса зиндончи: «Юсуф тўнин чиқаралинг, қурини ёзалинг», теди. Зулайхо унамади. Амомаи Миср бошинда, олтун қур белинда, қийматлиғ тўн эғнинда. Зулайхо айди: «Бу зиндонға юргутек ёзуғлуғ эрмас. Биз муни халоиқдин кизлаюрмиз. Зиндонни ариттилар, ачча бирла сифадилар, ариғ ислар куйдурдилар, бисотлар тўшадилар, тахт қурдилар. Юсуф зиндонға кирди эрса зиндон ёруди. Зиндон халқи сувундилар. Юсуф бир мунгушта намозга турди. Намоз ўқуғандин сўнг йиғлади, тамом зиндон халқи ҳам йиғлаштилар. Кундуз рўза тутар эрди ва кундуз намоз қилур эрди. Иглиғларни эмлаюр эрди. Қачон саҳар вақти бўлса ўлмиш онасиға дуо қилур эрди, отаси учун йиғлар эрди, ким туш кўрса таъбир қилур эрди. САВОЛ: Туш таъбирин зиндонда нетак билди? ЖАВОБ: Мавло, азза ва жалла, Жаброил алайҳис-саломни изу берди. Юсуф намоз қилиб ўлтурурда узумга менгзар мева келтурди. Юсуфнинг эрни уза қўйди. Ул мева эриди, қамуғ томурлариға ёйилди. Тушлар таъбирин анинг бирла билди. Зиндон халқи Юсуф бирла ўғрандилар.

Миср эли турлук-турлук таомлар олиб Юсуфни кўргали келур эрдилар. Юсуф ул таомларни зиндондагиларға берур эрди. Зиндон халқи айдилар: «Эй Юсуф, бизлар сени сувармиз». Юсуф айди: «Наузу биллоҳи! Отам мани сувди эрса қудуқға тушдум. Озод эрдим қул бўлдум. Зулайхо сувди эрса зиндонға тушдим. Эмди сизлар сувар эрсангиз нелар кўрарман эркан», теб қаттиғ йиғлади. Эртаси намоз қилиб ўлтурурда меҳробға орқа бериб зиндон халқиға илм ўғратур эрдиким, йигитни зиндонға келтурдилар. *Ва дахала маъаху ас-сижна фатайани.*

Ул икағунинг бири Райён маликнинг ошчиси эрди, яна бири аёқчиси эрди. Ошчи оти Малсо эрди. Аймишлар, Шубҳоқум эрди. Аёқчининг оти Санво эрди. САВОЛ: Ул икағунинг зиндонға кирмакинга сабаб на эрди? ЖАВОБ:

Абдуллоҳ ибн Аббос айтур, Рум малики Миср маликига элчи йибордиким, бизга хирож бергил ва отимизга сикка ургил. Яна элчига айди: «Райён маликка оғу бериб ўлтурардак ким эрса топсанг анга мол қабул қилгил, маликка оғу бериб ўлтурсун, эл бизга қолғай», теди. Элчи Мисрға келди. Кун кеч бўлуб эрди, қўнарға эв тилади. Кўрарким бир қуртқа эви эшикида ўлтурур, айди: «Қўноқ керакму?» Қуртқа айди: «Мантек қуртқани тиласанг тушгил». Қўноқ тушуб ош еди, отларин боғларға ери йўқ эрса қуртқа анга қазғуруб айди: «Бизни подшоҳимизға тенгри ўлум берсун». Қўноқ айди: «Подшоҳини қарғамоқ яроғсиз бўлур». Қуртқа айди: «Эв ила яза очуқ ерим бор эрди отамдин мерос тегган. Ани мандин эркисиз олди. Бу кун қўноқ отинға ер топмасман». Қўноқ билдиким подшоҳидин рози эрмаз. Қуртқага айди: «Биз икагу бўлуб, подшоҳға оғу берсак бўлурму?» Қуртқа айди: «Подшоҳнинг бир аёқчиси бор. Яна бир ошчиси бор. Ул иккиси мани она ўқунуб турурлар. Улар манга келурлар, сан аларға мол қабул қилгил бу ишни битурсунлар». Ул икагу қуртқага келдилар эрса бу сўзни аларға айди. Элчи мол қабул қилди. Ошчи унади, аёқчи унамади. Анчада қўноқдин мол олғали борур бўлдилар эрса қуртқа айди: «Бу иш бутса Райён подшоҳ ўлгандин сўнг Румдин черик келгай, халқни эмгатгай. Кишилар ўлғайлар, қиёматға тегру манга ёзуқ бўлғай», теб. Қуртқа бу сўзни кўрқуб Райён подшоҳға бориб айди. Райён оқринлиқ бирла сўрғаймиз теб ошчи, аёқчини иккиларин ҳам зиндонға солдурди. *Ва дахала маъаху ас-сижна фатайани.* Бу сабабдин зиндонға кирдилар. Юсуфни кўрдиларким тушга таъбир айтур. Икагу кенгаштилар бизма бир туш кўрдук теб ёлғон эталинг, Юсуф нетак йўрар эрмиш, кўралинг тедилар. Келдилар Юсуфға салом қилдилар, айдилар: «Туш кўрубмиз». Аёқчи айди: «Тушум бу турурким узум еюр эрдим уч донаси чиқти. Ул доналарни ерга тикдим, кўкарди, узум қилди. Ул узумни сиқиб суйин аёқға солиб фалакка аёқ тутардим». Қола *аҳадаҳума инни арони аъсиру хамран.* Яна ошчи айди: «Тушумда уч танур кўрдум, бири оқ, бири қора, бири қизил. Уч қурла этмак пишурдим, бошим уза кўтурдум. Қушлар ҳаводин келиб пора-пора қилиб тортишурлар». Туш сўзин тугатти эрса таъбирини тиладилар. *Набби'на би та'вилиҳи инна нарака мин ал-муҳсинина.* Юсуф кўрдиким ани муҳсин тею ўгарлар. Бирининг туши эзгу, бирининг туши яроғсиз. Кўнглига келдиким бурун имонға ундагамен, мусулмон бўлсунлар. Ёвуз ёмон йўруғға тўш бўлуб ўлсалар мўъмин ўлсунлар. Бурун ялавочлиқ зоҳир қилди, айди: «Сизга айту берайин ёвуз иш келмасдин бурун ул узум оқму эрди, қизилму эрди, ачиғму эрди, сучукму эрди? Этмаки нетак эрди? Идиши нетак эрди? Қамугин айту беринг». Айди-

лар: «Идиш бизинг, ош бизинг. Биз билмас сен қандин билурсен?» Қола ла йа'тикума тағамун турзакониhi илла набба'тукума би та'та'вилиhi кабла ан йа'тийакума заликума мимма алламани рабби. Юсуф айди: «Манинг тенгрим манга ўғратти. Айдилар: «Қандин бу кароматни топинг?» Айди: «Кофирлиқни қўйдум». Инни таракту миллата қавмин ла йу'минуна би-ллаҳи. Айдилар: «Бу йўлни қўйдунг эрса, қаю йўл бирла юурсен?» Айди: «Отам йўлинча юурман». Ваттабаъту миллата, абаа'ий Иброҳима ва Исҳақа ва Яъкуба. Айдилар: «Оталаринг бу йўлни недин топтилар?» Айди: «Мавло таолоға ким эрсани ўртоқ қилмадилар». Ма каана лана ан нушрика би-ллаҳи мин шай'ин. Тақи айди: «Бу мавлонинг фазли ва карами турур бизин уза. Тақи одамийлар ончаси бор укушрак одамий анга шукр қилмаслар». Андин сўнг айди: «Эй манинг зиндондағи икки қўлдошим, ай соҳибайи ас-сиж, яратилмиш тенгриларму йиграк, ё яратқан оллоҳму йиграк? Сиз ўзунгиз бутлар йўнарсииз, ани тенгри атаюрсииз, яратқандин ҳеч ҳужжати йўқ. Ма анзала-ллоҳу биҳа мин султонин. Ҳукми қазо, таблиғ буйруқ қамуғ оллоҳнинг турур. Ин ал-хукму илла ли-ллаҳи. Анда кейин аёқчиға айди: «Санинг тушунг йўруқи ул турурким, уч кундин сўнг сени зиндондин чиқарурлар суюрғол қилиб боёқитек аёқчи бўлурсен». Аёқчи сувунди. Ошчи тушун йўрғали тили бормади, тек турди. Ошчи айди: «Манинг тушум йўруғи нетак турур?» Юсуф айди: «Сени тақи уч кундин сўнг чиқарурлар, дорға осурлар, қурт-қушлар келиб сени тортишуб ерлар». Ва амма ал-аахару фа йуслабу фа та'кулу ат-тайру мин ра'сиҳи. Қазғулу бўлдилар, тақи айдилар: «Бу тушларни ёлғон айтиб эрдук». Юсуф айди: «Айтдингиз, мен йўрдум, ҳукм юриди, қазо етилди — ул сўз ўзға бўлмас». Қузийа ол-амру аллази фиҳи тастафтийани. Уч кундан сўнг келдилар аёқчини чиқардилар суюрғадилар, ошчини осиб ўлтурдилар. Аёқчи зиндондин чиқарурда Юсуф айди: «Сен маликка ёвуқ бўлмишда мани соқинғил». Аймишлар, ул ҳолда Иблис келиб Юсуф кўнглига мунисолди. Аймишлар Жаброил келди, айди: «Эй Юсуф, сени отангға ким қовуштурди?» Юсуф айди: «Оллоҳ таоло». Яна айди: «Қариндошларинг илкиндин ким қутқарди?» Айди: «Оллоҳ таоло». Яна айди: «Ул тиши макриндин ким сақлади?» Айди: «Оллоҳ таоло». Жаброил айди: «Мавло таоло мунча эзгулик қилмиш эркан, мани қўйуб мандин ўзагин халослик тиларсен. Узқурни инда раббика теюрсен. Манинг иззу жалолим ҳаққи-ҳурмати сени аёқчиға унуттурғайман. Йиллар зиндон ичинда қолғайсен. Фа ансаҳу аш-шайтону зикра раббиҳи ва лабиса фи ас-сижни бизъа синина. Шайтон унуттурди, ети йил зиндонда қолди. САВОЛ: Мавло таоло аёқчиға шайтон ташвили бирла унуттирмоқда ҳикмат не эрди? ЖАВОБ: Ул

турурким, аёқчи унутмайин маликка айтса Юсуфни чиқар-салар, аёқчи, ман айтдим, чиқардилар теб миннат қилгай эрди. Малик ман чиқардим теб миннат қилгай эрди. Мавло таоло уларнинг миннатин Юсуф уза раво кўрмади. Ўз фазли ва карами бирла чиқарди, миннат мавлодин бўлди. Ончада Жаброил келди бу дуони таълим берди: *Йа акбара кулли кабирин ва йа ман ла шарика лаҳу ва ла назира лаҳу ва йа ман ҳува ала кулли шай'ин қадирун ва йа холиқа иш-шамси ва ал-қамари ал-мунири ва ай розиқа ат-тифли ас-сағири ва йа арҳама аш-шайхи ал-кабири ва йа муҳйийа ал-мавти ва ҳува алайҳи йасирун ва йа муйассира кулли асириг ижъални мин амри фаражан ва махражан.*

Қачон Юсуф бу дуони ўқуди эрса бир фаришта келди хабар қилдиким, Райён малик туш кўргай ҳеч ким эрса таъбирин билмагай, санга сўрғали киши изгайлар. Зиндондин чиқгайсен мавло фазли бирла. Ўзгалар миннати бирла йўқ. Анчада Райён малик туш кўрди. Райён маъниси сув қонмиш темак бўлур. Эрта қўпти қоҳинларни ундатди, айди: «Тушум бўлур: тенгиз қироғинда ўлтурурман, тенгиздин етти сиғир чиқар туслари сариғ, юзлари оқ, эмуکلаридин сут оқар, қамуғи кўрклук, семиз. Яна етти сиғир кўрдум ороқ, орқаларинда тўғ ўлтурмиш, ороқлиқдин сўнгаклари кўрунур. Кўрмак ёмон, эмукларинда сут йўқ. Эринлари ёрилган, тишлари тўнгуз тишитек, бурни яган бурнитек. Бу етти ороқ сиғир ул етти семиз сиғирга ҳамла қилурлар. Улар қочар, ороқ сиғирлар етар, семиз сиғирларни еюрлар. Аларнинг қурсоқинда ҳеч нимарса кўрунмас. Ани тонглаб турурда етти бош буғдой кўрдум тенгиздин унар, бўйлари тенг. Ул ороқ сиғирлар ани егали борурлар алар емас эркан етти бош қуруғ буғдой чиқар, текма бир қуруғ буғдой ёш буғдойга чулғашиб уларни қурутурлар. Ани тонглаб турурда бир ел қўбар. Ул етти бош қуруғ буғдойларни, ул етти сиғирни йўқ қилур. Ани кўруб қўрқтум, уйғондим», тею муаббирларга тушум йўруғин йўрунг теда. *Йа аййуха ал-мала'у афтуни фи ру'йайа ин кунтум ли ар-ру, йа таъбуруна.* Муаббирлар Юсуф таъбирин билмадилар, уч кун муҳлат тиладилар, туш йўриғин тилаб топмадилар. Уч кундин сўнг яна сўрди, кўркунчдин айдилар, мунинг йўриғин билаолмасмиз. Қолу азғосу аҳламин ва ма наҳну би та'вили ал-аҳлами биъалимина. Ўшул кеча Юсуф туш кўрди, бир ким эрса кўкдин инар. Миср халқини моллари бирла йиғар, келтириб Юсуф қўйнига суқар. Юсуф айтур: Қамуғини уларга-ўқ беринг. Қачон Юсуф уйғонди эрса зиндон халқиға айди: «Сувунч сизларға, қамуғингиз зиндондин қутулурсиз. Миср халқи сизга қул бўлурлар. Улар оч бўлур, сизлар тўқ бўлурсиз». Зулайхо ул кеча туш кўрарким, Юсуф тахт уза ўлтурур, бошинга тож кийиб.

Зулайхо келиб Юсуфнинг азоқинга тушар. Юсуф азоқи бир-ла Зулайхони ита солур, Зулайхо эмганур, ингранур. Ончада Райён маликнинг тушин йўргучилар билмадилар эрса, айди: «Мунча йилдин бери манинг неъматимни еб, манинг тушумни азғоси аҳлом теюрсиз». Бир нечани ўлтурди, бир нечани элдин чиқариб қавди. Ул ҳолда зиндондин чиққан аёқчи унутмиш Юсуфни онгди. Аймишлар, Юсуфни Зулайхо тақи Миср халқи етти йил унуттилар. Етти йилдин сўнг аёқчи Юсуфни онгиб Райёнга айди: «Санинг тушунгни йўргучига ман йўл бошлағайман мани анга йиборгил», теди. Ана унабби'укум бита'вилиҳи фа арсилуни. Райён малик сўрди: «Кимдур?» Айди: «Бир йигит бор явлоқ биликлик, кўни сўзлук, ғариб, мазлум турур. Биз икагу туш кўрдук, анга айдук, ул йўриди анинг сўзинча бўлди». Райён айди: «Ул йигит қайда турур?» Айди: «Зиндонда». Райён аёқчини Юсуфга йиборди, қачон зиндонга келди эрса Юсуфнинг бурунқи айтқан сўзинким Райёнга явуқ бўлмишда «Мани сақингил» теганини унутқани учун уфтаниб айди: *Юсуфу аййуҳа ас-сиддиқу афти-на*. Эй кўни сўзлук, кўни ишлик. *Аймишлар*, улар кофир эркан Юсуфни ўга сўзлади. Ул айди: *Инна нарака мин ал-муҳсинина*. Олим мунглуғ бўлдилар эрса сиддиқ тею ўгдилар. Кофирлар кофирлиқлари бирла олим теб оғирладилар. Ким олимни оғирласа фаришталардин бўлур, ким олимни хўрласа Иблис жумласиндин бўлур. Сўрди: «Эй сиддиқ, саволимиз жавобин айғил. Райён малик туш кўрмишки, етти ориқ сиғир етти семиз сиғирни еюр. Етти бош ёш буғдойга етти бош қуруғ буғдой чулғашиб қурутти. Бу тушумизни йўрсин теб Райён мани санга йиборди». Юсуф айди: «Семиз сиғирлар, етти бош ёш буғдойлар кенглик, учузлик турур. Етти орук сиғир, етти ёш қуруқ буғдой торлиқ, очлиқ турур. Учузлик, қизлик текма бири етти йил бўлғуси турур. Телим халоиқ ул етти қизлиқ йилда ҳалок бўлғуси турур.» Аёқчи айди: «Ул ишнинг яроғи не турур?» Юсуф айди: «Ул етти йили ошлиқ кўп бўлганда егу чоқлиғ, экар чоқлиғ олиб қолсунлар қолганини анборласунлар. Қолла тазраъуна сабъа синина да'абан фа ма ҳасагтум фа заруху фи сунбулиҳи илла қалилан мимма та'кулуна. Бу етти йилдин сўнг яна етти йил келгайким кўкдан ёғмур ёғмағай, ердин кўк ёш унмағай. Ул етти йилда йиғганини бу етти йилда егайлар. *Йа'кулна ма қадгамтум лаҳунна илла қалилан мимма туҳсинуна*. Бу етти йилдин сўнг яна тўқлуқ бўлғай». Аёқчи келиб Райён маликка бу сўзни айди эрса тинглаб яна аёқчини йибордиким, борғил ул йигитни келтургил бу ишнинг яроғин айту берсун, манинг кўнглум тинсун». Аёқчи Юсуфга келди, Райён малик сўзин еткурдиким, сени ундаюр. Юсуф айди: «Зиндондин чиқмасман». Аёқчи айди: «Не учун?» Юсуф айди: «Маликка айғил, иликлари ке-

силган тишилардин сўрсунким, иликларин не учун кести-
лар, тўнларин не учун қонга булғадилар, муроди улар-
нинг на эрди? Улуғроқи Зулайхо эрди, менинг ёзуғлиғ-
лиқим, ёзуқсизлиқим белгулик бўлмагунча чиқмасман». Аймишлар, мақсуди ул эрдиким, тишилар сўзи белгулук
бўлмайин чиқсам Райён малик манга сўрсаким, не бўл-
диким зиндонга тушдунг? Ман тишилар сўзин эту берсам
Райён кўнглига ёқмағай, мани душман тутқай. Аввал
ариғлиқимни билсун, андин сўнг чиқайин, теги. Расул
алайҳис-салом ёрлиқар, ул кун Юсуф ўрнига ман бўлсам
эрди зиндондин тарк чиқғай эрдим, аммо қариндошим
Юсуф ул ишни яхши қилибдур. Райён Малик кўнгли
тамом арусин теб чиқмайдур. Аёқчи келиб Маликка
сўзин айтти эрса малик ул тишиларни йиғдурди. Сўрди-
ким Юсуф бирла ҳолингиз нетак эрди. *Қола фа ма хат-
букунна*. Ул хотунлар маликдин бу сўзни эшиттилар
эрса малик бу ишни билмиш теб қамуғлари кўндилар,
айдилар: «Эй малик, Юсуф ариғ эрди, биз анга туҳмат
қилдуқ. Ўзумизни анга арза қилиб ўзимизга ани индадуқ
ул бизга боқмади ва майл қилмади. Биз андин ҳеч айб
кўрмадук». Зулайхо ул ҳолда пардада ўлтурур эрди. Парда
ичиндин аёқчиға ишорат қилди ва айди: «Мани Юсуф
ҳеч ямонладиму?» Аёқчи айди: «Сени ҳеч оғизланмади». Зулайхо айди: «Аҳсанта, зиҳи эр, зиҳи олим, зиҳи ариғ-
ким, ўн икки йил зиндонда манинг учун ётди ва сиррим-
ни очмади ва айбимни айтмади», тею пардадин чиқа кел-
ди ва чодирдин бошин солиб айди: «Эй малик, эмдига
тегру севуклугум мажозий эрди айдим: *Ма жаза'у ман
арода биаҳлика су'ан*. Эмди севуклугим ҳақиқат бўлди,
ҳақ айғу вақт келди. Қолат *имра'ату ал-азизи ал-аана
ҳасҳаса ал-ҳаққу*. Қамуғ маңда ана ровадтуҳу ан нафси-
ҳи ошиқ бўлғай манман, Юсуфни ундаган манман, ўзумни
Юсуфга арза қилган манман, эвни ман безадим, эвга ман
киюрдим, этагин ман йиртдим, анга ёзуқ ман юкладим,
ёлғон ман сўзладим, ёзуқ ман қилдим, ул ариғ турур. *Ва
иннаҳу ламин ас-содиқина*. Йигитлигим борди, қаридим,
ўлум ёвуқ бўлди». Ал ана ҳасҳаса ал-ҳаққу. Аймишлар:
Зулайхо уч кўни сўзлади бири. Ал ана ҳасҳаса ал-ҳаққу.
Иккинчи айди: *Ана ровадтуҳу ан нафсиҳи*. Учинчи айди:
Ва иннаҳу ламин ас-содиқина. Бу уч сўздин уч каромат
топти, ёт эрди ёвуқ бўлди, хўр эрди азиз бўлди, қуртқа
эрди йигит бўлди. Мундин тақи ортуқроқ улким Юсуфга
жуфт бўлди. Зулайхо айди: «Эй малик, бу кунга тегру
Юсуфнинг зиндонда эрдуким унутмишмен, йўқ эрса ишқин-
да ўзумни ўлтургай эрдим, бу кун аввалқидин ошиқроқман».

ҲИКОЯТ

Зулайхо Юсуфни зиндонга солгандин сўнг зиндон эшикига борур эрди, зиндончиға айтур эрди, борғил Юсуфни боғлағил, тақи қаттиғ таёқлағил, анинг фарёдин ман эшитайин. Фақир зиндончи Зулайхо сўзин севмайин кириб Юсуфға айди. Юсуф айди: «Зулайхо кўнглинча мани ургил». Зиндончи унамас эрди валекин Зулайходин кўрқуб бир таёқни ерга солди. Тақи Юсуфға айди: «Сен бир ун қил». Юсуф зиндончи кўнгли учун бир ун қилди. Зулайхо ул унни эшитиб саройға ёнар эрди. САВОЛ: Зулайхо Юсуфни сувар эркан таёқлатмоқда не ҳикмат эрди? ЖАВОБ: Зулайхо ошиқ эрди ёвуқдин юзин кўрмасман, йироқтин унин эштайин, кўнглум овунсун. Севуклукнинг уни ҳам севуклук бўлур, темишлар. Мундағуқ қиёмат кун мўмин қулға тамуғни кўргузгайлар, мўмин қулар мавлонинг дўсти турурлар. Алар ҳам ўт ичинда нола қилгайлар тамуғ кўркунчидин ўт ичинда Йухиббуҳум ва йухиббунаҳу. Мавло таоло мўминлар уни сувар. Анину ал-муз-нибина аҳаббу илайя мин суроҳи ас-сиддиқина. Кофирларга кўргузур дунёда мани ёд қилган қуларим бор эрди бу кун тамуғга кюрдум эрса мани ўт ичинда ёд қилурлар. Келдук бояқи сўзга. Аёқчи зиндонга борди, ул тишилар сўзин тақи Зулайхо сўзин Юсуфға айди. Юсуф севунди. Залика лийаълама анни лам аҳунҳу билғойби. Айди: «Сўрдуқум анинг учун эрдик, Азиз билсунким ман анга хиёнат сақинмадим, мавло таоло хиёнат қилғучи эшини ҳарғиз салоҳға келтурмас». Ва анна-ллоҳа ла йаҳди кайди ал-ҳо'инина. Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумо айтур, Юсуф бу сўз бирла ўзини ўғди эрса Жаброил қаноти бирла Юсуфни бир урди, айди: «Зулайхони урғали ўграмадингму, табиат юнгулликидин Зулайхоға майл қилмадингму?» Юсуф айди: «Ман ўзумни ариғламасман ва нафсимни аритмасан. Бу нафс ёвуз ишга бошлаган турур». Ва ма убарри'у нафси инна ан-наса лааммаратун биссу'и.

ОДАМИЙНИНГ НАФСИ ҚИЛГАН ИШНИ ЕТМИШ ШАЙТОН ҚИЛАМАСЛАР. ҚОЛА АШ-ШОИРУ

*Тавваки нафсука ла та'ману ғава'илаҳи
Фа ан-нафсу ахбасу мин сабъина шайтонан*

Аймишлар, Юсуф етти йил зиндонда эрди аёқчиға эътимод қилди. Узкурни инда раббика теди. Олти йил қолди зиндонда уч иш бирла машғул бўлди, дуо қилди, халқдин умид кести, тақи сабр қилди. Ложарам мавло таоло

фараҳ берди. Райён малик киши изди Юсуфни манга кел-
турунг теб. *Ва қола ал-малику и'туни биҳи афхлисҳу*
линафси. Юсуфга айди: «Аййухас садиқу қўпгил. Малик
сани индайур. Ариғлиқинг билгурди, ёзуқ, хиёнат ўзга-
лардин чиқди». Юсуф зиндон қапуғинга келиб бошин ювди,
ариғ тўнлар кийди. Зиндон халқи қамуғи йиғлаштилари,
айдилар: «Эй Юсуф, телим йиллар бўлди бизга эш эрдинг,
эзгулик қилдинг, энди бизлар зиндонда сенсиз нетак ту-
ралинг?» Юсуф қайра ёниб аёқчиға айди: «Борғил маликка
айғил, ман телим йиллар бўлди бу зиндон халқи бирла
ўграндим. Ман чиқмишимга булар йиғлашурлар, ман булар-
ни кўзи ёшлиғ, бағри бошлиғ қўя билмон. Маликка
айғил буларни манга бағишласун, озод қилсун, йўқ эрса
мани булар бирла қўйсун». Аёқчи келиб маликка айди
эрса қамуғини озод қилди. Яхши тўнлар кийдурди!

БАШОРАТ. Бу кун дунёда Юсуф шафоати бирла Райён
малик зиндонлиғларни озод қилди, тонгла Дайён малик
Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи ва саллам шафоати
бирла мўъминларни тамуғдин озод қилса ҳеч ажиб ва
ғариб эрмас. Юсуф зиндондин қамуғ зиндонлиғлар бирла
чиқди эрса кўрдиким зиндон эшикида етти тахти равон
турур. Қамуғи қийматлиғ, парчалар бирла ўртулган. Ул
замонада расм андоғ эрдиким, подшоҳ кимни оғирласа
тахти равонга миндурур эрди. Юсуфни олтун тахт уза
ўлтуртдилар эрса Юсуф коғаз ва қалам тилади ва хат
ёзди ва зиндон эшикига ёпуштирди. Кўрдилар ёзгани бу
эрди: *Ҳаза қабру ал-ахйа'а ва маскану ал-аҳибба'у ва*
шаматату ал-аъда'у: яъни бу зиндон тириклар гўри турур,
дўстларга исланмак ери турур ва душманларга, сарзаниш
ери турур. Мундоғ оғирлаб Юсуфни Мисрға кижурдилар.
Миср халқи бири биринга айтурлар эрди: бу ўғлон ул
ўғлон турурким ўн икки йилдин бурун аёқинга занжир
уруб эшакка миндуруб зиндонга элтдилар. Бу кун мунча
эъзоз ва икром бирла олтун тахтга миндуруб малик
саройиға элтурдилар. Айдилар: «Илоҳий, ул хўрлуқ на эрди,
бу оғирлиғ на эрди!» Юсуф айди: *Туъиззу ман таша'у*
иъзазан ва тузиллу ман таша'у излалан ва ана арза би-
қазо'иҳи, яъни кимни тиласа азиз қилур ва кимни тиласа
хўр қилур. Мен бу ҳукмга розиман. Қачон Юсуф саройиға
кирди эрса малик ура қўпти ва ёнида ер берди. Аймиш-
лар, малик Юсуфга етмиш тил бирла сўз сўзлади. Юсуф
қамуғ тил бирла жавоб берди. Сўз тамом бўлди эрса Юсуф
маликка иброний тил бирла дуо қилди ани билмади. Бу
не тил турур тею сўрди. Юсуф айди: «Бу манинг отала-
рим Иброҳим, Исҳоқ ва Яъқуб алайҳимус-салом тиллари
турур». Малик қотидин чиқарда ибрий тили бирла салом
қилди, малик ани билмади. «Бу на тил турур!» теди.
Юсуф айди: «Бу отам қариндоши Исмоил тили турур».
Малик явлоқ тонглади, айди: «Вазирликни санга берайин».

Юсуф айди: «Вазирлик Азизи Мисрнинг турур, манинг уза телим ҳақлари бор. Ул тирик ман вазирликни олмасман». Малик айди: «Қамуғ подшоҳлиқ санга мусаллам турур, қаюса керак эрса олғил». Юсуф айди: «Манга ўзга ўрун керакмас. Бу етти йил ошлиқлар ишин манга топшурғил. Ман ул яроғни билурман». Қола ижъални ала хаза'ини ал-арзи инни ҳафизун алимун. Ул ишни Юсуфга топшурди, айди: «Эй Юсуф, менинг мулкумда не иш тасарруф қилсанг қилғил, икки иш қилмағил. Бири улким, уюмда хотунлар бирла, қорабошлар бирла сўзлашмағил». Юсуф айди: «Ул бизин шариатимизда раво эрмас, манинг ул ишга ризом йўқ. Иккинчи улким, ош емак ор турур». Бу сўзга Юсуфнинг ўфкаси келди айди: «Манга ҳам санинг бирла ош емак ор турур». Малик айди: «На учун?» Юсуф айди: «Ман Яъқуб ялавоч ўғлиман, Исҳоқ ялавоч набирасиман, Иброҳим ялавоч уруғиман, санинг бирла нетак ош еурман». Малик Юсуфга кўрклуб саройлар ануқлади. Юсуф таригчилик қилдура бошлади. Телим экин эктурди. Ошлиқ тариг бўлмишда егу чоқлиғ тўкдурур эрди. Қолган ошлиқларни боши бирла анбор қилдирур эрди, қуш кумурсқа емасун деб.

Аймишлар, ул замонда султон раиятнинг ярим ҳосилин олур эрди, раият мазлум эрдилар. Аммо Юсуф эрклик бўлди эрса раиятга доду адл қилди. Вилоят ободон бўлди. Уч йилдин сўнг Азизи Миср ўлди, анинг ўрнин Юсуфга берди ва малик тамом вилоят ишин Юсуфга билдурди ва ани эрклик қилди. Юсуф етти йилда битган экинларни анбор қилди. Ул учузлик тамом бўлди эрса етти йил қизлик бўлди. Бу етти йил ичинда ёгин ёғмади, Ердин кўк ёш унмади, халоиқ мунглуғ бўлдилар. Бир ботмон арпа бир олтун бўлди. Халқга яроғи чоқлиқ ошлиғ берур эрди ва фақирларга кунда юз тева юки ошлиқ берур эрди. Бойларга сотар эрди, баҳосин малик хазинасиға солур эрди. Юсуфнинг қирқ ҳожиби бўлди, қирқ минг сотқун олмиш қул қорабоши бўлди. Миср халқи қамуғ Юсуф эркинда бўлдилар. Аймишлар, аввалғи йил қаҳатлиғда олтун, кумушларин бериб ошлиқ олдилар, икинчи йил идиш-аёқларин бериб ошлиқ олдилар, учунчи йил эв яроғ-асбобин бериб олдилар, тўртунчи йил тўшак-ўрунларин бериб олдилар, бешинчи йил йилқи — қораларин бериб ошлиқ олдилар, олтинчи йил ер-сувларин бериб ошлиқ олдилар, еттинчи йил малик Юсуф бирла сўзлашмиш эрди. Миср теграсинда ким эрсанинг нарсаси қолмади. Беш йилғи сотилған ошлиқдин уч йиллиқнинг баҳоси манинг бўлсун, икки йиллиқнинг баҳоси санинг бўлсун. Юсуфга тегтан икки йил ичинда Юсуфнинг қариндошлари Канъондан ошлиқ олғали келдилар. Еттинчи йил кирди эрса, халқда нарса қолмади. Қамуғ Юсуфнинг бўлди. Халоиқ очиқтилар, Юсуфга келиб ўз бўйларин, ўғул-қизларин сотиб

ошлиқ олиб едилар. Аймишлар, бир йил тамом бўлмоққа қирқ кун қолди аймишлар, тўрт ой қолди. Ошлиққа етар-ға халқ очиқиб Юсуфга ёлбору келдилар. Анборда ошлиқ қолмай эрди. Юсуф ул ҳолда мутаҳаййир бўлди. Жаброил келиб мавло ёрлиқин еткурди ва айди: «Эй Юсуф, ёзиға чиқгил, бу оч халоиқға юзунгни кўргузгил». Юсуф ёзиға чиқди, тахт уза ўлтурди ва юзидин парда кўтарди. Халоиқ Юсуфнинг жамолин кўруб ош-таомни унуттилар. Бир қавлда қирқ кун, бир қавлда уч ой нимарса емадилар, Юсуф кўржи бирла кун кечурдилар. Ошға, сувға муҳтож бўлмадилар. Аймишлар, мавло таоло Юсуфнинг сирриға хитоб қилдиким, эй Юсуф, биз сени қуллуққа солмасак эрди бу кун қуллар қадрин қайда билгай эрдинг. Қуллар қадрин билмак ул бўлурким, бу кун Миср халқининг барин озода қилгайсан. Мунодий қилдурди. Миср халқининг барчасин йиғдурди, айди: «Эй Миср халқи, барчангиз эру хотун манинг қулум бормусиз?» Айдилар: «Бормиз!» Яна мунодий қилдурдиким, ман қамуғни мавло таоло хушнудлуқи учун озода қилдим. Ривоят қилурларким Юсуф Канъондин чиқғали йигирми етти йил тамом бўлмиш эрди. Қизлиқ, қаҳатлиқ йилларининг бешинчи йили эрдиким Яъқуб ялавоч ўғлонлариға айди: «Мисрда ошлиқ бор дерлар сизлар бориб ошлиқ келтурунг». Ўғлонлари қамуғ боралинг теб текма бири икки тевага ёғ, қурут, пишлоқ, юнг юклаб Мисрға ўградилар. Юсуф билур эрдиким, ўзга элларда ошлиқ йўқ. «Қариндошларим мунда ошлиқ олғали келур», теб сақлагучилар қўймиш эрдиким, қачон бу турлук узун бўйлуғ қавий йигитлар келса манга олиб келинг. Яъқуб ялавоч ўғуллари ўн йигит қамуғи бир суратлиғ кийим кийиб келдилар эрса Юсуфға хабар бердилар. Юсуф билдиким қариндошлари турур. Аймишлар, бу йигирми етти йил ичинда Юсуф эллик йўли хат йибормиш эрди. Яъқуб ялавочға ул хатлардин бири, мавло таоло ҳукм ва қазо қилди, Яъқубға тегмади. Қариндошлари келди эрса Юсуф аларни таниди ва алар Юсуфни танимадилар. *Ва жа'а ихвату Юсуфа фа дахалу алайҳи фа арафаҳум ва ҳум лаҳу мункируна.* Қачон Юсуф қариндошларин кўрди эрса ул қилған ёвузлиқларин сақинди, аларға айтайин, теди. Мавло таоло кўнглига солдиким: «Эй Юсуф, улар ошлиқ олғали мунглуғ бўлуб келдилар, сен ишларин ошкора қилсанг уфтангайлар. Уларға ошлиғ бергил, севунуб ёнсунлар, санинг эзгулигинг зоҳир бўлсун.» Юсуфға бу ният хуш келди. Юсуф аларни кўрди. Қамуғлари туфроққа булғанмиш, тўнлари ариғсиз. Сўрди: «Қайдин келибсиз, кимнинг ўғлонлари турурсиз?» Айдилар: «Биз Канъондин келдук, Яъқуб ялавоч ўғлонлари турурмиз, Канъондин келурмиз.» Айди: «Отангиз тирикму турур?» Айдилар: «Тирик турур». Айди: «Не иш ишлаур?» Айдилар: «Ялавоч турур, тенгри таолоға

қуллуқ қилур». Юсуф айди: «Кимдин кимга ялавоч турур?» Айдилар: «Ҳақдин халқга ялавоч турур». Юсуф айди: «Ялавоч эрмиш Миср халқиға на учун ялавочлиқ тегурмас?» Айдилар: «Канъонга тақи Канъон теграсидаги халқга ялавочлиқ тегурур. Тақи кўзлари кўрмас», тедилар. Юсуф айди: «Кўзлари недин кўрмас бўлди?» Айдилар: «Юсуф отлиғ ўғли бор эрди ани яvloқ сувар эрди. Ул ўғли ғойиб бўлди, анинг учун йиғламоқдин кўзлари кўр бўлди», тедилар. Ул ҳолда Юсуф ани эшитиб ниқоб ичидин йиғлади. Аймишлар, ул ҳолда Юсуф тахт уза ўлтурур эрди, ҳарир тўнлар киb, олтун тож бошинда, соғ ёнинда минг сақолсиз қул олтун тўпузлар олиб турур эрдилар. Сўлинда ҳам минг сақолсиз кумуш тўпузлар олиб турурлар эрди. Юзи ниқоб бирла ўртукулук эрди. Ўнгинда минг эр олтун қурлуғ, иликларинда қилич яшнаюр. Юсуф айди: «Ўзунгиз ҳам бир отанинг ўғлонларимусиз?» Айдилар: «Бале». Айди: «Сиздин ўзга қариндош ини огангиз борму?» Айдилар: «Ўн бир қариндошмиз, ул бирни келтурмадук». Юсуф ўз беқларинга айди: «Нима кўрклук эрмасму, бир отадин ўн бир ўғлон бўлса!» Қариндошлари ул сўзни эшитиб севунмишдин айдилар: «Яна бир қариндошмиз бор эрди ул ғойиб бўлди». Юсуф сўрдиким, нетак ғойиб бўлди? Учагу бир йўли жавоб айладилар, бири айди, бўри еди, бири айди, ўғри ўлтурди, яна бири айди, кўнглакин қонлиғ топдуқ. Сўзлари айри чиқди, Юсуф айди: «Булар жосуслар, ё ўғриларму турур, сўзлари айри чиқди — элтинг, зиндонга солинг». Юсуфнинг илкинда сағроқ бор эрди, сағроқни бир қоқди эрса овоз чиқди. Юсуф айди: «Қаю сўз бўлса бу сағроқ айтур. Бу соат сўрдум эрса ул қариндошингизни тирик турур», теди. Улар айдилар: «Бизлар жосус эрмасмиз, ўғри ҳам эрмасмиз». Юсуф уларни уч кун эвда сақлатти, яна кўнгли тўзмади, йиборди. Текма биринга бир тева юки буғдой берди. Ибн Яминга тақи бир тева юки буғдой йиборди. Оталаринга бир тева юки буғдой йиборди. Тақи келтурган ёғларин, қурутларин, юнларин жуволлариға солдурди. Тақи айди: «Буларға ул чоқлиқ озук берингизким булар қопларин очмасунлар». Андин сўнг айди: «Яна келур бўлсангиз ул қариндошингизни ола келинг. Агар ани келтурмасангиз сизларға буғдой бермасман». *Фаин лам та'туни биҳи фала кайлла лкуминди ва ла тақрабуни.* Аймишлар, Яҳудо уларнинг оғаси эрди, айди: «Эй қариндошлар, бу малик Юсуф бўлғай. Отамизни сўрди, йўлини сўрди. Уни Юсуфга менгзар». Ўзгалар айдилар: «Бу не сўз бўлур! Юсуфга бу мамлакат, бу подшоҳлиғ ким берди, бу телим черикни қандин келтурди? Тирик бўлса эрди оти чови чиқғай эрди, отасини тилағай эрди, бу кун бизга эзгулик қилмағай эрди, бизни қинағай эрди». Яҳудо айди: «Ибн Яминни келтурунг теди эрса манга маълум бўлдиким, бу Юсуф турур». «Бу

сўзни қўйғил», теб чиқтилар. Канъонга келдилар. Яъқуб ялавоч ўғлонларин кўруб севунди ва ҳолларин сўрди. Айдилар: «Миср малики бизга телим эзгулук қилди, буғдой берди сени сўрди. Сенга бир юк буғдой юборди. Ибн Яминга ҳам бир юк буғдой юборди. Олиб борган ёғ, қурут, юнг, ярмоқларимизни қайра олиб келдук. Тақи Миср малики айди. Ибн Яминни манга олиб келинг, агар ани келтурмасангиз, келманг. Сизларга буғдой бермасман, теди. Бизлар ани сақлағувчилармиз». *Ва инна лаҳу лаҳофизуна.*

Яъқуб айди: «Юсуфни олиб бордингиз, келтурмадингиз. Ибн Яминни олиб борсангиз ман сизга нетак инонурман». Айдилар: «Бу йўл қабул қилалинг, саломат сенга келтуралинг», Яъқуб айди: «Манга хат берингким, Ибн Яминга ёвуз санмағайсиз ва бизни мавло таоло бирла аҳд қилинг». *Қола лан урсилаҳу маъакум ҳатта ту'туни мавсиҳан мин Аллоҳи.* Қамуғи аҳд қилдилар ва хат бердилар. Яъқуб ялавоч ўзига берган буғдойнинг ярмини Канъон халқиға улаштурди. Ўғлонлари Ибн Яминни олиб тебрадилар. Улуғ арқиш йиғилди. Ўғлонлари Яъқуб ялавочға айдилар: «Бизга не насиҳат қилурсен, сўзингча юругалинг». Яъқуб айди: «Аввал сўзум ул турурким, бу нарсаларким сиз элтиб эрдингиз, жуволлариңгиздин чиқти. Янгилиб солмиш бўлғайлар бизга ҳаром турур ё кэнду сизларни синамоқ учун қўймиш бўлғайлар, бизга ярамас бўлғай, олиб боринг, теди. Тақи бир сўз ул турурким, Мисрға тегмишда қамуғингиз бир эшиқдин кирманг. Текмангиз бир эшиқдин киринг халқ кўзи тегмасун». *Йа баниййа ла тадхулу мин бабин ваҳидин ва удхулу мин абвабин мутафарриқатин.*

ҲАДИС. Расул алайҳис-салом ёрлиқар, *ал-айну тудхилу ар-ражула фи ал-қабри ва тудхилу ал-жамала фи ал-қидри.* Маъниси ул бўлурким, кўз эрни гўрга кюрур, тевани ошчиға кюрур. ҲИКОЯТДА келмиш, арабада бир қабила бор эрди. Қамуғунинг кўзи тегар эрди, машҳур эрдилар. Қачон эт егулари келса хотунлариға ақзон остуруб кўзлари йўл бошиға чиқиб ўтган кишиларга: «Нима кўрклук отинг бор ё ситиринг, ё теванг бор!» тегач ул гала ўлар эрди ва алар этларин сотқун олиб келур эрдилар.

ҲИКОЯТ.

Қачон қурайш кофирлари Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васалламға зарар тегурур бўлдилар эрса ул қабиладин бирағуни дерга тутдилар, Муҳаммадға кўз тегур ҳалок бўлсун теб. Ул Расул алайҳис-саломға кўз солғали ўгради эрса Расулға келмасдин бурун Жаброил келди ва бу оятни келтурди, *ва ин йақаду алазини кафару лайузлиқунака биабсорихим ламма самиъу аз-зикра ва йақулуна иннаҳу ламажнунун ва маҳува илла зикрун лильаламина.* Ул ким эрса келиб Расулға кўз солғунча Расул бу оятни ўқуб анинг ўзига дам қилди. Фил-ҳол анинг икки кўзи сачраб чиқти.

ЯНА ҲИКОЯТДА келур. Бир қуртқа Расул алайҳис-саломга келиб айди: «Ё Расулаллоҳи, биз саҳрода йилқи қорага ияриб юрурмиз, ҳолимиз зиёда бўлсун теб зиёда бўлмас». Расул айди: «Йилқи қорани сотинг, эл орасиға қириб экин экинг, экинларингиз орасида қубошлар сан-чинг».

Расул аймаиштеқ қилдилар, ҳоллари азиз бўлди. САВОЛ: Экин орасида қубош санчмоқда не фойда бор? ЖАВОБ: Фойда ул турур, ямон кўзлук ким эрса ошлиқға боқса ул ошлиқ ҳалок бўлар. Агар орасида қубош бўлса, санч-ған кўз қубошқа тегар, ошлиқға тегмас. Фикр қилсанг-ким ёмон кўз қубошқа тегар бўлса, кўк ошлиқға кўз тегмағай. Аймаишлар, қубош ошлиқдин азизрак учун бурун кўз анга тегар, андин сўнг ошлиқға тушар, зиён қилмас. САВОЛ: Бурун кўз тушганга зарар қилур, сўнг тушганга зарар қилмас, ҳикмат на эрди? ЖАВОБ: Кўзнинг зарари, зиёни аввал боқмишда бўлур. Қаю нарса азизрак бўлса кўзнинг нуқсони анга тегар. Андин сўнг неча боқса зиён қилмас. САВОЛ: Кўз тегмақда ҳикмат не турур? ЖАВОБ: Ҳикмат ул турурким, мавло таоло мўъминни сувди, ўзини мўъминларга севунг, теди. *Йуҳиббуҳум ва йуҳиббунаҳу.*

Қачон мўъмин севук кўзи билан нарсага боқса мавло таоло кунунч турур. Ул авни ҳалок қилур мандин ўзгага севук кўзи бирла боқмасун теб. Нетакким Расул алайҳис-салом ёрлиқар. *Ана ғайурун ва ас-Саъду ғайурун валлоҳу ағйару минна*, яъни мен кунунч турурман, Саъдма кунунч турур, изи азза ва жалла биздин кунунчрак турур. САВОЛ: Қубошнинг тегар кўзни ёндурурға не қудрати бор? ЖАВОБ: Қубошнинг қудрати йўқ, лекин арабнинг одати бор. Бирорда сабаби феълға изофат қилу берарда мусаббибға изофат қилур. Андогким Иброҳим ялавоч дуосиндин хабар берур ва ёрлиқар *рабби инна-хунна азлална касиран мин ан-наси.*

Бутларнинг одамийларни оздурурда қудрати йўқ валекин оздурмоқға сабаб бўлур. Келдук мақсудға. Яъқуб ялавоч ўғуллари Мисрға келдилар. Текма бири бир дарвозадин кирдилар оталари аймаиштеқ. *Ва ламма дахалу мин ҳайсу амараҳум абуҳум.* Ибн Ямин Яҳудо бирла бир дарвозадин кирдилар. Қауғдин бурунроқ Юсуф саройиға келдилар. Яъқуб ялавоч Юсуфға бўлак измиш эрди. Иброҳим ялавочнинг дастори эрди, Яъқубға мерос тегмиш эрди. Анинг бирла салом қилиб кирдилар, ани ўтрусида қўйдилар. Тақи айдилар: «Яъқуб ялавоч айди, бу дастор манга отам Иброҳимдин мерос қолди, ман санга издим». Юсуф ул бўлакка севунди анинг учунким, ул дастор кимга тегса ул пайғамбар бўлур эрди. Яна ул юклари ичинда чиққан нарсаларни илайинда кўзу айдилар: «Бу нарсалар бизин ул элтган юкларимиз ичинда чиқти, янги-

либ қўймиш бўлғайлар теб олиб келдук». Юсуф айди: «Яхши қилдингиз, аммо бу нарсаларга муҳтож эрмасмиз. Қамуғи сизга бўлсун, йўл озуқи қилинг». Юсуф билдиким, буларни отам қайра йибориб турур. Топуғчилариға Юсуф парда ичидин айди: «Олти табақ бирла таом келтурунг». Келтурдилар. *Аймишлар*, Яъқуб ялавоч ўғлонлари ҳар икки-си бир онадин туғмиш эрди. Юсуф айди: «Текмадин туғганлар бир табақда ош йигиз». Андоғ қилдилар эрса Ибн Ямин ёлғуз қолди. Ош илайида Ибн Ямин йиғлай бошлади. Юсуф ани кўруб пардадин айди: «Бу қариндошингиз не учун йиғлаюр?» Сўрдилар эрса айди: «Манинг бирла бир туғган бу кун бўлса эрди, бирга ош емасму эрдук, теб йиғлайман». Юсуф айди: «Ул қариндошингиз дастур беринг, манинг бирла таом есун». Қамуғлари ура кўпуб хидмат қилиб айдилар: «Бу бизга улуг от турур теб». Ибн Яминни пардага киюруб тахт уза ўлтурғуздилар. Элнида таом қўйдилар. Юсуф юзиндин ниқоб кўтарди. Ибн Ямин Юсуфнинг юзун кўрди эрса оҳ уруб ўзиндин кетди. Юсуф анинг огзин тутди. Гулоб келтуруб юзига сочдилар эрса ўзига келди. Юсуф сўрдиким, не иллатинг бор тутоғлуқмусен? Ибн Ямин айди: «Биз ялавочлар уруғимиз, бизда тутоғлиқ иллоти бўлмас, аммо маликнинг юзун кўрдум эрса манинг ғойиб бўлган оғамға ўхшаюр. Оғамнинг соқиниб ўзумдин кетдим». Юсуф айди: «Қазғурмағил ул ғойиб бўлган оғанг ман турурман» теди эрса Ибн Ямин яна ўзундин кетди. Яна гулоб сочдилар, ўзига келди. *Ва ламма дахалу ала Юсуфа ова илайҳи ахоҳу қола инни ана ахуку фа ла табта'ис бима каану йаъмалун*. Андин сўнг айди: «Отам ҳоли нетак турур айғил». Ибн Ямин айди: «Санинг қазғунгдин «Байтул-аҳзон»ға кириб йиғламоқдин икки кўзи кўр бўлуб турур». Юсуф бу сўзни эшитиб йиғладиким беҳуш бўлди. Қачон ҳушиға келди эрса Ибн Яминға айди: «Сан ош егил, санга қариндошларим қилганларин этайин». Ош егандин сўнг айди: «Аввал мани қузуғға солдилар. Қузуғдин чиқариб, қул теб соттилар. Андин зиндонға тушдум. Телим йиллар зиндонда ётдим. Мавло таоло фазли бирла зиндондин чиқдим. Мундоғ мамлакат ва подшоҳлиқ берди». Тақи айди: «Бу сўзни алардин кизлагил бир неча кун аларни эмгатайин». Ибн Ямин айди: «Эркликсен, не қилсанг ўзунг билурсен». Андин сўнг пардадин чиқти уларни уч кун оғирлади. Текма биринга бир тева буғдой берди тақи йўл озуқларин ануқлади. *Аймишлар*, қамуғларинга ошлиқни сусуб берди энг сўнгра Ибн Яминға буғдой сустурди. Юсуфнинг бир сув ичар идиши бор эрди ани улардин ёшурун Ибн Яминнинг жуволи ичинда кизлатди. *Фа ламма жаҳҳазахум бижиҳазихим жаъала ас-сиқояти фи раҳли аҳихи*. *Аймишлар*, ул идиш кумушдин эрди мавло таоло ул идишни Қуръон ичинда сиқоя теди. Сиқоя

араб тилинча сув идиши темак бўлур. Яна бир ерда савоғ, теди. Савоғ араб тилинча соғу бўлур. Ул соғу тўрт озоқлиқ, текма бир азоқи азин-азин ғавҳардин. Ичинда, тошинда уч юз олтиш меҳроб эрди. Текма бир меҳробда бир соҳибшариатнинг суратин ёзмиш эрдилар. Анинг тўрт бўлунгинда тўрт қийматлиғ ғавҳар ўрнатмиш эрдилар. у сифатлиғ соғу эрди. Бас, қамуғлари Юсуфга дуо қилиб ёндилар. Йўлда келурда Айнуш-Шамс отлиғ бир кент бор эрди, анда туштилар. Ош еб тебраюрда Юсуф тўрт минг эр бирла отланиб етиб келди. Мунодий қилди-ларким, эй арқиш халқи, биз сизларни ошлиқ олғали келган сотиғчилар хаёл қилдуқ. Сизлар худ ўғрилар эрмишсиз. Сумма аззана му'аззинун аййатуҳа ал-бири иннакум ласариқуна.

ФОЙДА. Аймишлар, ўғрилар тўрт турлук бўлур, мол ўғриси, намоз ўғриси, сўз ўғриси, соғу ўғриси. Мол ўғрисининг илкин кесарлар. *Ва ас-сариқу ва ас-сариқату фақтаъу айди* ҳаҳума. Сўз ўғрисини ўтга куйдурурлар. Илла ман истарақа ас-самъа фа атбаъаху шиҳабун мубинун. Намоз ўғрисининг юзи сувин тўкарлар. Қола ан-набию алайҳиссалом, Асва'у ас-сариқи ман сарақа салотаху. Соғу ўғрисини олуб қолурлар, хильатлар бериб суюрғаюрлар. *Аймишлар*, дунёда ўғрилиқдин ёвуз от йўқ. Ўғри қиндин қатиг қин ҳам йўқ, ул қин соғ қўлин кесмак, ул қўл бирла ўғурлар, ул қўл бирла таом еюр, анинг бирла таҳорат қилур, анинг бирла масҳ тортар. Соғ илик барча яхшилиқни қилур. Мундоғ азиз илик ярим олтун учун кесулур. Мундоғ қаттиғ қин бўлмағай. Қачон Яъқуб ялавоч ўғлонлари ўғри отин эшиттилар эрса кучлари, қувватлари қолмади, менгизлари сарғарди, қўрқтилар. *Айди*лар: «Не йитурдингиз? Кимни ўғри теюрсиз?» Қолу ва ақбалу алайҳим маза тафқидуна. Ул мунодий қилган айди: «Бизга раҳм қилинг, маликнинг соғусин йитурдик, ким чиқариб берса бир тева юки буғдой бералинг». САВОЛ: Севунчи ўзга мол этмайин бералинг темакда ҳикмат не эрди? ЖАВОБ: Очлиқда ҳеч нарса буғдойдин ортуқ йўқ учун буғдой бералинг, тедилар. Мен ул буғдойни қабул қилдим тею мунодий қилдурди. *Ва лиман жа'а биҳи ҳимлу базира* ва ана биҳи заъимун. Бермадингиз эрса мен қинга кирурман, сиз ҳам эмғакка тушарсиз. Ўзингизга куч қилманг, балоға тушманг. Тева юки буғдойни олинг, соғуни беринг. Уш малик сўнгимиздин келур теб ёлбордилар. Айнуш-Шамс кендининг эркаги, тишиси наззо-рага чиқиб, тева юки буғдойни олиб соғуни берсалар буларга йиғрак эрди, тедилар. Ул ҳолда Юсуф тўрт минг эр бирла етиб келди, айди: «*Ҳал важадтум ас-соъа*. «Соғунгизни топмадуқ». Юсуф улуглариға айди: «*Не теюрсиз?*» Улар андикиб айдилар: «*Биз элга ёвузликға келмай-миз*, ялавоч ўғлонларимиз ўғрилар эрмасмиз. Қавлуху

таоло. *Ва ма кунна сариқина.* Юкларимиз ичинда чиқган нарсаларни Канъондин Мисрға келтурдук, соғуму ўғурлармиз. Тақи Канъондин чиқтуқ эрса теваларимиз оғизларин боғладуқ, киши мулкинда унган ўтларни емасун, кофирлар йиғочидин яфроқ узмасун теб. Мисрдан чиқганимизда андагуқ қилдуқ. Мундоқ сақланур кишилар маликка суюрғаниб буғдой бердуруб ошин еб яна саройиндин соғуму ўғурлармиз!» Юсуф айди: «Ахтариб боқалинг, топмасақ ёнғаймиз. Ўғрининг элин кесмак, агар топсак нетак бўлур?» Улар айдилар: «Кимнинг юкидин чиқса ул тирик боринча маликка қул бўлур. Иброҳим ялавоч, Исҳоқ ялавоч, Яъқуб ялавоч шаъриати бирла». Юсуф айди: «Бизнинг тўрамизда ўғрининг элин кесмак, берга урмоқ, мол олмоқ турур». Улар айдилар: «Бизнинг йўлимиз ҳукм қилсанг эркинг бор. Ўз тўрангча ҳукм қилсанг ҳам эркинг бор. Қавлуҳу таоло. *Казалика нажзи аз-золимина.* Юсуф айди: «Юкларингизни очинг». Бурун ошчиларнинг юкин очдилар. Қаюсининг юкинда чиқса биз ялавоч ўғлон нетак бўлғаймиз теб севунур эрдилар. Бу ўн оға инининг юкин ахтардилар, чиқмади. Юсуф уларга узр қилди ёнарға кўнгуллари бор эрди. Рубил айди: «Бу биримизнинг ҳам юкин кўрунг». Ибн Ямин юкин очтилар эрса соғу анда чиқди. Қавлуҳу таоло. *Сумма истахражаҳа мин виъаи ахиҳи.* Қамуғи қазғулуғ бўлдилар. Айди-лар: «Эй Роҳил ўғли, онанг икки ўғул туғдурди, иккиси ҳаз ўғри». Ибн Ямин айди: «Эй қариндошлар, ман ўғри эрмасман, воллоҳки ман ўғурламадим». Алар қабул қилмадилар. Мавло таолоға зорилик қила бошлади. Қариндошлари айди: «Дуо зорилик қилгунча ўғрилиқ қилмасанг нетак эрди!»

САВОЛ: Ибн Ямин соғу ўғурламади. Юсуфдин *инна-кум ла сориқун* темак нетак раво бўлур? ЖАВОБ: Мавло таоло ёрлиқар. *Казалика кидна ли Юсуфа* яъни биз Юсуфга мундоғ ўғрату бердук, қариндошингни бу адо бирла олиб қолғил. Мавло ёрлиқи бирла эрди. Изи азза ва жалла таълим қилу берди. Қавлуҳу таоло. *Ва фавқа кулли зи улмин алимун.* Қариндошлари уфтанмишдин бу баҳона топдиларким Ибн Яминнинг соғу ўғирламоқи тонг эрса бир туғгани ўғурлуқ қилмиш эрди. Қолу ин йасриқ фақад сарақа ахун лаҳу мин қаблу. САВОЛ: Юсуф ўғрилиқ қилмади, не учун ўғрилиқ қилди? тедилар. ЖАВОБ кўп турур, аммо дурустрак ул турурким, Юсуфнинг холаси Яъқуб ялавочнинг никоҳинда эрди. Юсуфни явлоқ сувар эрди. Анинг учун Исҳоқ ялавоч қурини Юсуфга билдурмайин тўни ичинда белига қуршаю берди. Қур йитурдум тею Яъқуб ялавочга келдилар. Тилаю Юсуфда топдилар. Ул шариятича манинг ўғлим турур тею Юсуфни олиб қолди. Ул сабабдин Юсуфни ўғрилиқ қилди, тедилар. Юсуф ани эшитти аммо билгуртмади. *Фа асарраҳа Юсуфу*

фи нафсиҳи ва лам йубдиҳа лаҳум. Амр мавло таоло-нинг эрди, аймағил теб. Қариндошлари айдилар: «Берга урғил, мол олғил, олиб қолмағил, олиб қолур эрсанг бизларнинг биримизни олиб қолғил. Қарт отаси бор». *Йа аййуха ал-азизу инна лаҳу абан шайхан кабиран фа хуз аҳадана маканаҳу.* Юсуфни Азиз тею ўгдилар, андин сўнг ҳожат қўлдилар, қарт отасин шафиъ келтурдилар. СА-ВОЛ: Оталарининг ялавочлиқин шафиъ келтурмадилар, қартлиқин шафиъ келтурдилар. Ҳикмат не эрди? ЖАВОБ: Улар Миср мулкин қаю дин уза эрдукин билмас эрдилар. Ялавочлиқни мусулмонлар-ўқ оғирлаюрлар, кофирлар оғирламаслар. Аммо қартлиқни қамуғ динларда оғирлаюрлар, ул сабабдин қарт, тедилар, ялавоч, темадилар. Юсуф айди: «Тенгри сақласун, манинг соғум кимдин чиқти эрса ани қўюб ўзга ким эрсани олиб қолсам ман золимлардин бўлурман. Қавлуҳу таоло. *Инни изан лазолимуна.* Қачон Юсуфдин уманч кестилар эрса Яҳудо айди: «Эй қариндошлар, сизлар бу арқиш бирла ул черик бас келмасмусиз? Ман маликка бас келурман. Йўқ эрса сиз маликка топунуб тутунг, қолган черикка ман бас келурман». Юсуф ўз қариндошларининг кучин, қувватин билур эрди. Қачон улар ўфкаласа туклари ура қўпуб тўнларидин ўта чиқар эрди. Бир элни ёлғуз бузмағунча тиянмас эрдилар ё кэнду Яъқуб ялавоч уруғиндин ким эрса илигини орқалариға сифаса ўфкалари босилур эрди. Яҳудо қариндошлариға айди: «Мандин йироқ турунг, буларға бир тепунайин». Юсуф Яҳудонинг ўфкаланмишин кўрди эрса ёш ўғлиға айди: «Борғил ул эрнинг орқасин қўлунг бирла сифағил». Ўғлон бориб сифади эрса Яҳудонинг ўфкаси босилди, қариндошлариға айди: «Яъқуб ялавоч уруғиндин Миср элинда ким бор?» Юсуф айди: «Эй арқиш халқи, куч-қувват қамуғ бизда бор, ўзга кимарсада йўқму теюрсан? Соғу ўғурланг тилаю келган бирла саниш қилинг», теб Ибн Яминни олиб ёнди. Уларни Айнуш-шамс отлиғ кендда қўйди. Яҳудо айди: «Эй қариндошлар, отамиз биздин хат олди, аҳд қилдуқ Ибн Яминни саломат келтургаймиз теб. Мундин бурун Юсуф учун йўлсизлиқ қилдуқ. Ман бери Канъонға бормасман, отам юзига нетак боқайин. Уч ишдин бири бўлмағунча ё отам дастур бергай, ё изи азза ва жалла ҳукм қилгай мундағуқ ўлгайман, ё қариндошимни олиб боргайман. Қамуғ ҳукмларда изи азза ва жалла бийикрак турур. Андин хабар берур ҳатта *йа'зана ли аби ав йаҳкума-ллоҳу ли ва ҳува хайру ал-ҳакимина.* Юсуф ибн Яминни олиб ёнди эрса қариндошлари мутаҳаййир қолдилар. Юкларин ул кендда амонат қўйдилар, йиғлаю Мисрға келдилар. Аймишлар, Мисрға келмишда кенгаштилар, айдилар: «Текма биримизнинг бу чоқлиқ куч-қувватимиз бор, урушуб инимизни олалинг». Яҳудо айди: «Ман ёлғуз Имлоқ чери-

кин сидим. Миср элини сақишға киюрдум», теб йиғочлар кестилар, собқон тошларин йиғдилар. Текма биримиз бир иш етуралинг, теб сўзлаштилар. Юсуф уларға соқчилар кўймиш эрди, келиб соқчилар айди, Юсуфғаким урушурмиз тею турурлар. Юсуф тақи қирқ минг силоҳлиғ эранлар йиғдурди. Райён маликка хабар бўлди. «Ман ҳам отланайин», теди. Юсуф унамади. «Бу ишни ман кифоят қилғайман», теди. Тонгласи текма бири бир дарвозадин кирдилар. Яҳудо бир қаттиг ун қилди. Миср халқи қамуғи беҳуш бўлдилар, юклук тишилар ўғлон тушурдилар. Шамъун яна бир дарвозадин кирди. Халқ ани кўруб қўрқуб қочтилар. Бир тош кўтируб Юсуфнинг саройиға урди эрса сарой емулди. Юсуф билдиким аларға ким эрса ўтру турмас. Иброҳим ялавоч дасторин чиқариб аларға қаршу тутдилар. Аларнинг унлари чиқмас бўлди. Юсуф ёниб кирди. Қамуғини тутдилар. Яҳудо ун қилмишда Райён малик қўрқуб тунакка кирмиш эрди. Юсуф уларни тутди эрса малик эшитиб севунди. Миср эли йиғилди. Юсуф аларға айди: «Оламда эр биз-ўқмиз теб сақинурсиз. Мунда ҳам эранлар бор кўрдингизму!» Киши изди ул кенддин юкларин келтуртди. Уч кун уларни эвда сақлади, тўртинч кун уларнинг кўзи олтида Райён маликка киши йиборди, буларни ўлтургил теб. Яна буларға айди: «Сизларни ёрлиқадим, этган гуноҳларингизни кечурдум, сизларни озод қилдим, бошингизни олиб тарк мундин кетинг», теди. Яҳудо айди: «Ман бормасман, сизлар бориб отамизға этинг ўғлунг ўғрилиқ қилди теб». Тўқуз оғанин Канъонга келдилар, Яқуб ялавочға ҳолни айдилар, Ибн Ямин ўғрилиқ қилди. Яқуб тўқуз ўғлин кўрди. Икисини кўрмади эрса қазғулуг бўлди. Айди: «Мундин бурун бирин олиб бордингиз, йитурдингиз. Яна бу бирин олиб бориб келтурмайин ўғрилиқ қилди теб баҳона қилурсиз. Манинг ўғлум ўғрилиқ қилмас, ёлгон айтурсиз». Улар айдилар: «ул кенддаги арқиш халқидин сўрунг, инонмасангиз». Яқуб айди: «Манга сабрдин ўзга чора йўқ. Изи азда ва жалла манга қамуғин қовуштурғай. Фа сабрун жамилун аса-ллоҳу ан йа'тиъани биҳим жамиъан иннаҳу ҳува ал-алиму ал-ҳакиму. Укуш йиғлади. Давот, қалам олиб хат ёзди. Миср халқиға маликиғаким, бу хат Иброҳим Халилуллоҳ набираси, Исҳоқ Забиҳуллоҳ ўғли, Яқуб Исроилуллоҳдин Фиръавн оғуши Азизи Мисрға тегсун. Билгинким, биз ялавочлар уругимиз, оталаримиз бало бирла мубтало эрди, онам Исҳоқ ялавоч мавло ёрлиқи бирла бўғузланди. Улуғ отам Иброҳим ялавоч Намруд ўтиға отилди. Ман тақи икки ўғул қазғусинда мубтало бўлдум. Бирисин бўри еди, тедилар, яна биринсин ўғрилиқ қилди теб сен олиб қолмишсен. Бизда ўғрилиқ қилур киши йўқ. Ман бир заиф мунғул, қазғулуг, кўзсуз қартман. Ёшим улғайди, сўнгукларим ковланди, соч сақолим

оқарди. Орқам мунгда, қазғуда букрайди. Манга раҳм қил-
гил, ёрлиқагил. Кўзум яруқи ўғлумни манга бериб юбор-
гил. Сенга эзгу дуё қилайин. Бу жаҳонда эзгулик кўр-
гил, ул жаҳонда қутулғил. Бизнинг кўнглумизни оғрит-
магил, нафасимизни зойиъ қилмагил. Сенга яхши келмас.
Агар йибормадинг эрса бир тунла эрта қўпуб сеҳр ўқин
санинг тапа изгайман. Сен ва мулкунг, элинг кунинг йўқ
бўзун бўлғайсиз.

САВОЛ: Юсуф Фиръавн оғушиндин эрмас эрди, не учун
Фиръавн оғуши теб хат ёзди? ЖАВОБ: Миср маликлари
қамуг Намруд уруғиндин эрдилар, Фиръавн атанур эрди-
лар. Бу малик ҳам уларнинг уруғиндин турур теб бил-
май изди. Қачон хат Юсуфга тегди эрса Юсуф уч тун-
кун эвга кириб йиғлади. Андин битикка жавоб битидиким,
бу Азизи Мисрдин Исҳоқ ялавоч ўғли, Яъқуб ялавочга
тегсун. Эй заиф қарт, сен битикда аймишсен, отам бўғуз-
ланди, улуғ отам ўтга отилди, ўғлумни манга изгил. Изма-
динг эрса саҳарда қўпуб дуо ўқин отқайман. Эмди ма-
нинг жавобим ул турурким, оталаринг нетак сабр қилди-
лар эрса, сен ҳам андағўқ сабр қилгил. Тенгри азза ва
жалла уларга нетак йўл берди эрса, санга ҳам андағўқ
йўл бергай. Тақи сўзум ул турур, зинҳор саҳарда қўпуб
ул ўқни манинг тапа отмагил. Ул кўзунг ёруқи, кўнглунг
тўқи ўғлунгни тенгри таоло тарк кунда сенга қовуштур-
гай. Вассалом. Қачон битик Яъқуб ялавочга тегди эрса,
ўқиди, айди: «Бу битик кофирлар битиги эрмас, бу сўз
кофирлар сўзи эрмас. Бу битик ялавочлар битиги турур
ё кэнду сиддиқлар битиги турур». Ул вақтда Яъқуб
ялавоч уругиндин ўзидин ўзга ялавоч йўқ эрди. Умидлик
бўлдиким бу битик ўғлум Юсуфнинг бўлғай теб. Ўғлон-
ларинга айди: «Сизни нафасингиз сизга бу ишни бежаю
берди, нетакким Юсуф ҳақинда бежади. Қавлуҳу таоло.
Қола бал саввалат лакум анфусукум амран. Миср малики
не билди ўгрини қулланмоқни сизлар анга ўграту бердин-
гиз! Ичингизда не борин мавло билур. Ўғул-қизни қарға-
моқ биздин раво эрмас. Юсуфга сабр қилмиштек мунда
ҳам сабр қилайин, бўлғайким изи азза ва жалла қамуғини
манга қовуштургай». Қавлуҳу таоло. Фа сабрун жамилун
аса-ллоҳу ан йа'тийани биҳим жамиъан иннаҳу ҳува ал-
алиму ал-ҳакиму. Аймишлар, ул ҳолда тенгри таоло ёрлиқи
бирла Яъқубни уйқу бости. Тушунда Азроилни кўрди,
сўрдиким: «Ё малак ул-мавт, Юсуфумнинг жонин олдинг-
му?» Азроил айди: «Юсуф тирик турур, жонин олмишим
йўқ. Мавло таоло Юсуфни санга қовуштургай, севунгай-
сан». Яъқуб севинмишдин уйгонди. Айди: «Эй дариго, Юсу-
фумнинг ҳоли нетак эркан?» Ул ҳолда Жаброил етилди,
ёрлиг тегурдиким, эй Яъқуб, неча йиғлаюрсан? Мавло таоло
азза ва жалла айтур ўғлунг Юсуфни сенга қовуштур-
гайман. Яъқуб ялавоч севунмушдин олнини саждага қўйди,

изи азда ва жаллага шукр қилди. Ўғлонларин индаю айди: «Миср элига боринг, Юсуфни тиланг». Айдилар: «Борғаймиз, Ибн Яминни келтургаймиз, аммо Юсуфни топмағаймиз». Аймишлар, Яъқуб ялавоч Юсуф учун онча йиғладиким ики кўзи оқарди, кўрмас бўлди. Ўғлонлариндин юз ўғурди. Баъзилар аймиш қирқ йил йиғлади, баъзилар аймиш сексон йил йиғлади.

САВОЛ: Одам уч юз йил йиғлади кўзлари оқармади. Яъқуб қирқ йил йиғлади эрса кўзлари оқарди. Ҳикмат на эрди? ЖАВОБ: Одам зиллат қилди мавло ёрлиқидин ташин буғдой еди, тақсиринга йиғлади. Анинг учун кўзи оқармади. Аммо Яъқуб тақсиринга йиғламади, Юсуф учун йиғлади, кўзлари оқарди. Аймишлар, Довуд ялавоч қирқ йил йиғлади зиллати учун. Теграсинда қирқ қари сув йиғилди. Ўт унди, Довуднинг бўйи кўрунмас бўлди.

ҲИКОЯТДА келур, бир кун ҳаводин бир қуш ёнуб Довуднинг кўзи ёшиндин ичди, учуб борурда қуш айди: «На тотлиғ сув ичдим!» Довуд ани эшитиб тақи ортуқроқ йиғлаю бошлади. Мавлодин хитоб келдиким: «Эй Довуд, нетак йиғлаюрсан?» Айди: «Илоҳий, манинг ҳолим андоғму бўлдиким ҳаводағи қушлар таън қилурлар, мани фусус тутарлар. Менинг кўзум ёшин тотлиғ теюрлар». Хитоб келдиким: «Эй Довуд, ул қушлар ялғон аймади, рост айдиким, дунёда ҳеч нарса яратмадим, осийларнинг кўзи ёшиндин тотлироқ». Довуд ани эшитти эрса севунмишдин яна ортуқроқ йиғлади.

ҲИКОЯТДА келмиш: Шайх Зуннун Мисрий бир тунла эвининг томи уза миниб тоат қилур эрди. Онча йиғладиким кўзи ёши новадондинму бўлуб оқти. Ул оқарда бир киши том тубидин ўтуб борур эрди анинг тўнига сув томди. Айди: «Бу новадондин оқартурган сув ариғму ё ариғсизму эркан». Зуннун эшитиб айди: «Эй мўъмин, муваҳҳид тўнунгни югил арисун, бир осийнинг кўзи ёши турур». Мақсудга келдук. Ул ҳолда Жаброил одам сура-тида Яъқубга келди, айди: *Йа Яъқубу ма аллази азҳаба басарака*, яъни кўзунгни ким оқартти, орқангни на букри қилди, юзингни на очди?» Яъқуб айди: «Юсуф учун йиғлаганим кўзумни оқарти, Ибн Ямин қазғуси белимни букри қилди, Яҳудо соқинчи юзумни очти». Жаброил айди: «Ё Яъқуб, сени Юсуфму яратди?» Яъқуб айди: «Ибн Яминму санга рўзи берур?» Яъқуб айди: «Йўқ». Жаброил айди: «Тангридин не учун шикоят қилурсен?» Яъқуб билдиким, сўзлаган Жаброил турур. Ушул соатда кўринмас бўлди. Яъқуб айди: *Лав зарабтани биҳаза ас-савти аввала марратин ма афнайту умри фи зикри Юсуфа*. Илоҳий бу қамчи бирла аввал-ўқ урсанг, эссиз умрумни Юсуф оти бирла кечурмагай эрдим». Яъқуб йигисиндин эвағи ўғул-қизи айтур эрдилар: «Изи ҳаққи, Юсуф темақдин тақи эрмадингму. Тинмай Юсуф дерсен, қазғуда ё кэнду ўлгай-

сан». *Та-ллоҳи тафта'у тазкуру Юсуфа ҳатта такуна ҳаразан ав такуна мин ал-ҳаликина. Бу сўзга Яъқубнинг қазғуси қазғу уза ортди. Айди: «Манинг шикоятим-йиғим улар учун эрмас, изиға турур. Изи ҳазратиға мунгланурман. Қавлуҳу таоло. Иннама ашқу басси ва ҳузни ила-ллоҳи. Қачон тоат ва ибодатдин фориса бу дуони айтур эрди. Йа қасира ал-хайри ва да'има ал-маъруфи массикни ала ал-исламя ҳатта алқоқа. Яна бу дуони айтур эрди: Аллоҳумма рудда алаййа райҳанни сумма иснаъ ма ши'та, яъни худоё ул икки чечакларимни менга ёндура бергил, андин сўнг не тиласанг манга ани қилгил.*

РИВОЯТДА келур: Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анхумодинким, Яъқуб ялавоч изисига ёлборди фараҳ тилади, бу дуони укуш айди эрса Азроил бир кун одам сура-тинча келди. Яъқуб илки бирла ани тутди ва айди: «Кимсен?» Айди: «Азроилмен!» Яъқуб айди: «Ё Азроил, изи азза ва жалла ҳаққи ҳурмати учун айгил ўғлум Юсуфнинг жонин олдингму?» Азроил айди: «Йўқ. Тарк рўзгорда Юсуфни кўруб севунгайсен». Яъқуб севинмишдин йиғлаю бошлади. Азроил айди: «Ё Яъқуб, изи азза ва жалла санга салом ёрлиқар айтур, манинг изза жалолим ашқу басси ва ҳузни ила-ллоҳи тегунча ё қасиралхайри ва ё доимал маъруф тесанг Юсуф бирла Ибн Яминни агар ўлмиш бўлсалар тургузгай эрдим тақи сенга қовуштургай эрдим. Бу кун иккиси тирик турурлар. Нетак қовуштурмағайман». Яъқуб ани эшитиб ўғлонларинга айди: «Ман билурманким Юсуфни бўри емади. Ибн Ямин ўғурлуқ қилмади». Ўғлонлари айдилар: «Тирик эрканин билмишсен санга қовуштурурин англамишсен. Йа асафан ала Юсуфа. Йиғлоқ не сабабдин эрди». Айди: «Билур эрдим манга қовуштурғусини аммо қачон қовушғусин билмасман, анинг учун йиғлаюрман». Одам ўғлонлари рўзи келурин билурлар, аммо қачон келурин билмаслар, қўрқунчлари андин турур.

Аймишлар, Яъқуб ялавоч ўғлонларининг озуклари ту-ганмасдин бурун кенгашгали оталариға келдилар. Оталари айди: «Боринг Юсуф бирла Ибн Яминни сўрунг, истанг. Йа баниййа изҳабу фа таҳассасу мин Юсуфа ва аҳиҳи. Айдилар: «Эй ота, йиллар кечди, йиғлаюрсен. Неча Юсуф теюрсен, бўри еган Юсуфни қандин топалинг». Яъқуб айди: «Изи раҳматиндин навмид бўлманг, изи раҳматиндин навмид бўлган кофирлар турур!» Ва ла тай'асу мин равҳи-ллаҳи иннаҳу ла йай'асу мин равҳи-ллаҳи илла ал-қавму ал-қафируна. Яъқуб ялавоч ўғлонлари йўлга кирдилар, ота-лари узата чиқди. Васият қилди. Қачон Мисрға тегди-лар эрса йўлчилар Юсуфга хабар қилдилар. Юсуф ўн минг олтун қурли йигитларни аларға қарши йиборди тақи юз минг кумуш қурлуғ йигитни ўзи қотинда турғузди.

Аймишлар, Юсуфнинг етти қат саройи бор эрди. Барча томлари олтун, кумуш бирла безаклик, йиғочлари ақиқ

бирла. Ул етти қат саройларни турлук-турлук нарсалар бирла беади. Илк қат саройда Миср улуғларин ўлтуртди. Барча йипак тўнлук, олтун қурлуғлар. Иккинчи эвни яшил бирла беади, бекларни ўлтуртди. Учунчи эвни қизил безак бирла беади, баҳодирларни ўлтуртди. Тўртунчи эвни насх бирла беади, оқ сақоллиғларни ўлтуртди. Бешинчи эвни лолалар бирла беади, мунажжимларни анда ўлтуртди. Олтинчи эвни йипор бирла беади, анда донишмандларни ўлтуртди. Еттинчи эвни чечаклар бирла беади, ўз топуғчилари бирла олтун тахт қуруб, тахт уза минг олтун қурлуғ йигит соғинда, қўллариға олтин амудлар олиб турурлар. Минг кумуш қурлуғ йигит сўлинда, қўллариға ё ўқ олиб турурлар эрди. Орқасинда бир туб йиғоч эрди, қизил олтундин, бутуқлари кумушдин, япроқлари йинжудин, емишлари ёқутдин. Қачон қариндошлари қапуғға тегдилар эрса аларни оғирлиқ бирла кивурди. Бу тақтеъни кўрдилар эрса қўруқтилар, малик бизга ёвуз сақинибму мундоғ бурҳонлар кўргузур. Қачон кирдилар текма бирин тахт ўза ўлтуртди. Ўзи Ибн Ямин бирла тахт уза эрди. Яъқуб ўғлонларининг бу учунчи келганлари эрди. Қаҳатлиқ ул ҳадди эрдиким, бир эшак бошини тўрт олтин мағрибийға олур эрдилар. Бу келмишда ярамоқлари йўқ эрди. Товар, жувол, киз, арғамчилар олиб келдилар. Орқалариға юклаб, ёлбору, инграю кирдилар. Айдилар: «Эй Азиз, бизга, ўгул-қизимизға қатиглиқ тегди. Очлиқдин тоқатимиз қолмади. Хазинаға яроғлиғ нимарса келтурмадук озгина ёғ, арғамчи, киз, товар олиб келтурдук, буғдой баҳосиға тегмас. Буни олғил, бизга садқа атаб буғдой бергил», теб ёлбордилар. Алардин хабар берур: *Йа аййуха ал-азизу массана ва аҳлана аз-зурру ва жи'на бибиъотин музжатин фа авфи лана ал-қайла ва тасаддақ алайна*. Юсуфнинг кўзи ёши оқа, Ибн Яминнинг ёши оқа тахтдин тушуб эвга кирди, укуш йиғлади. Қотиндақилар айдилар: «Айҳал азиз, тўрт йил бўлди, қамуғ халоиқлар ингранурлар, ялворурлар, анларға йиғламадинг, бу кун не бўлди, йиғлаюрсен?» Айди: «Тек турунг, булар манинг қариндошларим турур. Ул қарт отамға тақи қариндошларимға қаттиғ эмгаклар тегмиш. Мунча халоиқ қатинда уфтанмайин массано ва аҳлано аз-зурру, тею фарёд қилдилар. Нетак йиғламайин», теди. Андин сўнг аларға, билмасмусен соғу буғдой қирқ олтун бўлди. Бу сизнинг келтурганларингиз бизга ярамас, теди. Текма келмишларинда Юсуф уларни қўноқлатур эрди. Бу йўл қўноқлатмади.

Аймишлар, минг турлук боло одам ўғлонларига ул иш қилмаским, бир соат очлиқ қилур. Яна минг шайтон одам ўғлонларига ани қилмаским, бир соат тўқлуқ қилур. Тақи аймишлар, мавло азза ва жалла одамийнинг нафсин яратди эрса, ёрлиқ келдиким ман кимман, сен кимсен? Нафс айди:

«Сен сансен, ман манман». Қаю турлук роҳатга тегди эрса мунн тўқ айди. Қачон очлиқ бирла қийнади эрса айди: «Худоё, сен оллоҳсен, ман қулмен». Тақи мавло таоло ёрлиқар, ёрин ужмоҳлиғлар ужмоҳдин тамуғлуғларта кўрурлар. Тамуғлуғлар ужмоҳлиғларни кўрурлар. Қамуғ қинларга тоқат келтурурлар, фарёд қилмаслар, аммо очлиғ, сувсоғлиқга фарёд қилурлар. *Ва нада асҳабу ан-нари асҳаба ал-жаннати ан афизу алайна мин ал-ма'и ав мимма разақақум Аллоҳу*. Ул сиз ичган сувдин у еютурган таомдин бизга бериб изинг. Ужмоҳлиқлар айғайлар, изи азза ва жалла бу ем-ичимни кофирларга ҳаром қилиб турурлар. *Ҳаррама-ҳума ала ал-кафирина*. Бу оят бирла маълум бўлдики, қамуғ қинлардин қорин очлиқи қатигроқ эрмиш.

Келдуқ мақсудга. Етти кун Юсуф саройига келу қолдилар, Юсуф бизоатларин унамади. Айдилар: «Эй Азиз, бизинг бизоатларимиз сенинг хазинангга ярамас. Сен бизга мунгул эрмассен, бизлар сенга мунгулғимиз, бизни ноумид қайтармагил, садқа қилгил, ошлиқ бергил. Садқанинг ажрин мавло таоло берур».

Ва тасаддақ алайна инна-ллоҳа йажзи ал-мутасаддиқина. Ривоят қилмиш Ҳомид Насавийким, Юсуфнинг қушлук ошинга қирқ минг олтун харж бўлур эрди. Кечалик ошинга ҳам андағуқ. Тақи ҳар кунда қирқ минг олтун садқа қилур эрди, кечада ҳам андағуқ. Айдилар: «Эй малик, сенинг жувонмардлигинг қамуғ оламга ёруқлук берур. Биз ғариблар уза ҳам ёруқлук берса не бўлғай. Қарт отамиз бор, Ямин учун йиғлаюр, Отамизга, бизга раҳм қилгил. Ибн Яминни бизга садқа қилиб бергил. Қорувин мавло таоло бергай. *Инна-ллоҳа йажзи ал-мутасаддиқина*.

Аймишлар: Юсуфни бурун Азиз тею ўгдилар «қолу ё айюҳал азизу» ўзларини хўрладилар. «Массано ва аҳлано аз-зурру». Учунчи келтурганларин сенга ярамас тедилар ва «жиъно би бизоъатин музжотин». Тўртунчи тилаганлари адл билар тиладилар «фа авфи лано алкайла». Бешинчи фазл умид қилдилар ва «тасаддақ алайно». Олтинчи берган жазога ваъда қилдилар. «Инналлоҳа яжзи ал-мутасаддиқин».

РИВОЯТ қилур, Абдуллоҳ Ҳорис Ибн Навфал разияллоҳу анхум, бу қамуғ ёндилар, Юсуфдин ижобат бўлмадилар. Ибн Яминни кўрмадилар айдилар: эй Азиз, ул ўғрилиқ қилди еган қариндошимиз қани?» Юсуф айди: «Сотдим, битик олдим. Битик бу турур, иброний тилинча биз ўқию билмасмиз, сизинг тилингиз турур, ўқунгиз, эшиталинг». Яҳудо уфтанмишда Рубилга берди, Рубил Шамъунга берди. Шамъунга, Ловига иликдин иликга бердилар, ўқумадилар. Бу битикни билмасмиз тедилар. Юсуф айди: «Ўз тилингизни нетак билмассиз, ўқунг», теди эрса улар кўрқдилар, юзлари сорғарди, ёлбора бошладилар. Айдилар: «Эй Азиз, бу битикни ўқумоқда сизнинг мақсудингиз не турур? Ҳар қин бўлса биз торталинг, бу битикни бизга ўқутмагил. Ўз

битигимизни ўзумиз ўқию билмасмиз. Мундағуқ қиёмат бўлса, «Оманно биҳи ва саддоқно» тегма бир банданинг қилмишларин битик қилиб қўлинга бергайлар, ўқиғил теб. Ул бандалар кўргайлар қамуғи ёзуқ ва маъсият ўқуй олмағайлар. Ёрлиғ келгайким: ўқингиз, фарёд қилиб айгайлар битик бу эрса ўрнумиз тамуғ турур. Бу битикни бизга ўқутмағил ўфтанмишдин ўқию билмасмиз тегайлар». Яна Юсуф айди: Бўлмас, ўқунг теб Яхудоға берди. Яхудо олиб ўқуди. Бу ул битик турурким, молик Заър Яъқуб ялавоч ўғлонлариндин бир ўғлон олди Юсуф отлиғ мундоғ сувратлиғ. Қачон молик Заър отин эшиттилар эрса айдилар: «Биз анга бир ўғлон қул сотиб эрдук». Юсуф айди: «Эмдига тегру бўри еди дер эрдингиз, эмди қул сотуб эрдук дерсиз. Ул сизларга қариндош эрмиш, қариндошин сотмоқ раво бўлурму? Тутунг буларни» теб қамуғини тутдурди. Миср улугларин йиғдурди, буларни нетак қилалинг теб. Баъзиси айди: «Қўлларин кесинг!» Баъзи айди: «Дорға осинг!» Юсуф айди: «Буларни қийнанг, токим қин бирла ўлсунлар, токим ўзгаларга ҳам панд бўлғай. Қариндошларин сотмағайлар». Тутуб бозорға элтур бўлдилар эрса, фарёд қилиб айдилар: «Эй Азиз, бу кун не қилсанг бизнинг сазомиз турур. Сандин бизинг тилагимиз ул турурким, бизни ўлтургандин сўнг ул ярамаз бизоатларимиз бирла сўнгакларимизни отамизга юборгил». Яна Яхудо йиғлаю айди: «отамиз Яъқуб ялавоч бу кунга тегру бир ўғул учун йиғламоқдин кўзлари кўрмас бўлди. Энди ўн ўғул учун нетак қилғай». Қамуғ йиғлашиб фарёд қилиб айдилар:

*Во асафо ала фироқи қавмин
Ва-лмудну ва-музну ва-рраваси
Кам тағаййара лана ал-лайали
Ва куллу ҳамдин лана қулубу*

*Хуму-лмасобиҳу ва-лҳусуну
Ва-лхайлу ва-л'унсу ва-ссукуну
Хатта таваффаҳум улмануну
ва куллу ма лана уйуну*

ТУРКИЙ

Бу бизтек қатиг қиндаким бор бу кун,
Урулди ориғ жонға турлук тугун.
Ғариблиқда эрксиз тушуб ийланиб,
Эссиз ўн қариндош ўлармиз бу кун.

Эмди тегру ошиқ қўлуб садқа қилғил,— тедук, андин кечдук. Ибн Ямин қариндошимизни садқа қилғил,— тедук, андин ҳам кечдук. Иш бошқа келди, эмди қуруғ бошимизни садқа қилғил». Қамуғ Миср халқи ул йиғини кўруб йиғ-

лаштилар. Ул ҳолда Жаброил келиб айди: «Ё Юсуф, мавло таоло ёрлиқар. Буларға бир йўли эмгак юкламагил. Келтурганларин олмассен, ваъда қилган бу бугдойни бермассен, яна ўлтурурман теб қўрқутурсен». Юсуф уларни келтуруб қаттиғ айди: «Бизоатингизни қабул қилдим, ошлиқ берайин, ортуқроқ ҳам берайин. Қолган ишларингизни ёрин биткарайин», теб уларни севундурди.

Мундағуқ қиёмат куни мавло таоло қамуғ бандаларни тамуғ ўти бирла қўрқутгай, азобни кўргайлар. Анда кезин ужмоҳға киргайлар, ўз фазли бирла. ҲИКОЯТДА андоғ келурким, эранларда бириси вафот қилди. Ани тушда кўрдилар. Мавло таоло сенинг бирла не муъомала қилди теб сўрдилар. Айди: *Ҳасабуни фа дафаъу сумма манну фа аътақу, маъни* ул бўлурким, бизни сақишга тортиб қаттиғ йинчкаладилар, охир сўнгги миннат қилиб озод қилдилар. Аймишлар, ул битикни ўқумасмиз,— тедилар. Юсуф ўз битикчисига берди ўқиғил теб. Ўқиди. Бу ул хат турурким, Яъқуб ялавоч ўғлонлари ўн қариндош-ул Яҳудо, Шамъун, Рубил, Лови, Жод, Дон, Яғшо, Ястожир, Рамолун, Қозўро. Бу ўн қариндош иттифоқ қилиб Юсуф отлиғ қулумузни молик Заърга сотдуқ. Битикни ўқиб тугатти эрса, Яҳудо айди: «Эй малик, бу хат бизинг турур. Юсуф отлиғ қулимиз бор эрди ани сотдуқ». Юсуф айди: «Анинг ҳикояти нетак эрди?» Яҳудо айди: «Инимиз бизинг бирла овға чиқди, биз овға машғул бўлдуқ, ани бўри еди». Юсуф айди: «Бу сўз маъқул эрмас. Манинг бир соғум бор. Қаю сўзни сўрсам манга айтур», теб соғуни келтурди, илкинга олди. Яна бир илки бирла соғуни қоқди. Соғу садо қилди. Юсуф айди: «Эй йигитлар, сизларнинг орангизда бир йигит бор ўфкаси келса азоқин ерга тепса тизига тегру кўмулур эрмиш. Агар тошни қўли бирла ўвса унтек бўлур эрмиш. Урласа туклари тўнидин ўтуб таш чиқар эрмиш. Ун қилса бир йиғоч ерга борур эрмиш. Ул йиғоч ерким уни бормиш анинг тўртда бир улушинда эшитган ҳомила заифалар ўғлон тушурур эрмиш. Ул кимдур?» Яҳудо айди: «Ул манман». Юсуф айди: «Манман темакка ўфтанмасмусен? Мундоғ кучунг қувватинг бор экач Юсуфни бўрига налук едурдинг?»

Яна соғуни қоқди овоз чиқди, айди: «Бу соғум айтур, сизларнинг орангизда бир эр бор. Соясинда минг қўй ётур йиғочни бир қўли бирла қўпорур. Агар санчишға кирса йигирми минг эрни қочирур. Ул кимдур?» Шамъун айди: «Манман». Юсуф айди: «Мунча қувватинг бор экач Юсуфни бўрига налук едурдинг?» Яна соғу қоқди, айди: «Бу соғум айтур, сизлар орангизда бир эр бор, бир ўқ отса олти йиғоч ерга борур. Отқанин ёзмас. Ул кимдур?» Рубил айди: «Манман». Юсуф айди: «Мунча кучунг бор эрмиш Юсуфни налук бўрига олдурудинг?»

Яна соғуни қоқди, айди: «Бу соғум айтур, буларда бир эр бор, тевани бошиндин ошура ташлар. Ул кимдур?» Лови

айди: «Ул манман». Юсуф айди: «Бу кучунг бор эркан Юсуфни бўрига налук олдурдинг?» Мундағук ун йўли соғуни қоқти. Текма биринга жавоб айди. Яна бир соғуни қоқти, айди: «Бу соғум айтур сизлар Юсуфни ўлтургани ўғрамишсиз яна қузуғға солмишсиз. Қузуғдин чиқариб қул теб сотмишсиз. Азоқинға кишан урғил темишсиз. Қаттиғ ингирчоқға мундургил, йироқ ерга элтиб солғил. Уч турлук айби бор қочқоқ, йиғлоқ, ўғридурут темишсиз. Бу кун ул кун турурким иликларингизни кесиб Миср элининг эшиклариндин осарман». Улар кўрқуб ўз ичин аро ўз тиллари бирла сўзлаша бошладилар. «Келинг мундоғ қин бирла ўлгунча тегма биримиз эрдамларимизни кўргузуб ўлалинг», тедилар.

Баъзилар аймишлар, Яхудо бу сўзни эшитиб ура қўпти ва айди: «Эй қариндошлар, эмдига тегру бу сўзни ким эрсага аймадингиз. Отамиз, ўғул қизимиз билмади. Тақи отамиз айди: боринг бизга Юсуфни, Ибн Яминни тиланг теди. Иброҳим ялавоч ва Исҳоқ ялавоч ва Яъқуб ялавоч ҳаққи ҳурмати бу малик Юсуф турур. Қолу а'иннака лаанта Юсуфу. Эй малик, Юсуф эрсанг бизни мундин ортуқ эмгатамил. Ул қари отамизни мундин ортуқ қазғуда тутмағил теди эрса дарҳол Юсуф юзиндин пардасин кўтарди. Бошинда нишонаси бор эрди кўрсатти, айди: «Ўш ман Юсуфман, бу Ибн Ямин манинг бирла бир туғган қариндошим турур». Қола ана Юсуфу ва ҳаза ахи.

САВОЛ: Ибн Ямин Юсуфнинг қариндоши эрди, уларма билур эрдилар. Бу ерда ман Юсуфман, бу манинг қариндошим темақда ҳикмат не эрди? ЖАВОБ: соғу ул кун анинг юкинда чикти. Ўғрилиқи учун қул теб олиб колдуқ, қул атадуқ. Ул қул отин эшитиб, қазғурди. Бу кун қариндошим,— теди кўнгли ўссун, севунсун теб. Маълум бўлдиким текма эмгак сўнгги роҳат эрмиш, текма қазғу сўнгги севунч эрмиш, текма меҳнат сўнгги неъмат эрмиш. «Эй Юсуф, биз сени қул теб соттуқ, гариблиқға солдуқ. Бу подшоҳлиқға қандин тегдинг?» Юсуф айди: «Изи азза ва жалла уза миннат кўзди: Ким ёзуқдин сақинса, мавлодин кўрқса, балоға сабр қилса, салимға рози бўлса, мавло анинг эмгакин зойиъ қилмас. *Қад манна-ллоҳу алайна иннаҳу ман йаттақи ва йасбир фа инна-ллоҳа ла йузиъу ажра ал-муҳсинина*. Ман изи азза ва жалла ҳукминга сабр қилдим, Миср урағутлари балосиндин ўзумни сақладим. Анинг баракотидин подшоҳлиқға тегдим». Андин сўнг қариндошлари Юсуфға узр қўлдилар. Юсуф уларнинг узрларин қабул қилди. Уларни қазғудин чиқарди, айди: Эй қариндошларим, *ихвани ма авқаътумуни фи ал-жубби ва лакин ажластумуни ала ас-сарири. Ихвани ма авқаътумуни фи ал-ғурбати бал жаъалтумуни маликан*. Қамуглари бу сўзни эшитиб севунуб айдилар: «Мавло сени бизинг уза уздурди, сени оғирлади. *Таллоҳи лақағ асарака-ллоҳу алайна*. Қамуғ ёзуқлар бизда

турур «ва ин кунна лахоти'на» Юсуф узрларин қабул қилди ва уларни уётдин чиқарди. Айди: *Ла тасриба алайкум ал-йавма*». Аймишлар, қариндошлари ҳақинда ҳам эрлик қилди, ҳам кишилиқ қилди» *ла тасриба алайкум ал-йавма*»,— теди. Эрлик ул эрди мавло таолодин уларни ёрлиқаю тилади *йағфиру-ллоҳу лакум ва хува арҳаму ар-роҳимина*,— теди. Андин сўнг борча ура қўпуб Юсуфга хидмат қилдилар. Бирин-бирин кучуштилар. Ўғли Афротимни қариндошларига кўруштурди. Миср халқи қамуғ тапуғ бирла узрлар қилдилар. Андин сўнг Яҳудо айди: «Эй Юсуф бизларнинг биримизга фармонлағил отамизга севунчилари борсун». Юсуф буюрди. Аморийлар қилдилар. Айди: «Боринг, Канъонга Яъқуб ялавочни хотуни бирла азин қаб-қариндошни кўчуруб келинг». Яҳудога айди: «Сен менинг кўнглакимни отамга олиб борғил, кўнглакимни кўзига суртса кўзлари очилғай». Рубил қўпа келди. Яҳудонинг азоқинга тушди, айди: «Ул кун қонлиғ кўнглакни ман элтиб эрдим. Отамизни ман қазуғлуғ қилиб эрдим. Бу кун кўнглакни мен элтайин. Қазғу мандин бўлди эрса, севунч ҳам мандин бўлсун». Қариндошлари текма бири ман борайин,— тедилар. Юсуф айди: «Ул кун кўнглакни ким элтти эрса бу кун ҳам ул элтсун». Рубилни юборди.

САВОЛ: Яъқуб, Юсуф иккилари ҳам ялавоч эрдилар, сексон йил айрилмоқда сабаб не эрди? ЖАВОБ: Яъқуб ялавочнинг Юсуф ўғлон эрканда бир Мубашшара отлиғ қорабоши бор эрди. Ул қорабошнинг Башир отлиғ ўғли бор эрди. Бир кун ўйнаюрда Юсуфга бир шаппот урди. Юсуф йиғлаю отасига келди. Яъқуб онт ичти, Баширни сотқайман теб, Охир онасиндин айириб сотти. Онаси Мубашшара йиғлаю қолди. Тенгри таоло тақдир қилди: «Эй Яъқуб, сен Баширни онасиндин айириб сотдинг эрса, ман ҳам Юсуфни сандин айириб сотқайман. Қамуғ олам билсунларким, этни гириноқдин айирмоқ керакмас». Аймишлар: «Бу Мубашшара ўғли Башир қазғусиндин йиғлаю кўзлари кўрмас бўлмиш эрди, Яъқубнинг ҳам. Ул Мубашшара йиғлаю Яъқуб ялавочга келди. Яъқуб муножот қилдиким: «Илоҳий, бу Мубашшара ўғли мунга қовушғайму? Манинг ўғлум манга қовушғайму?». Хитоб келдиким: «Эй Яъқуб, тақдирим Мубашшарага ўғлин қовуштурмағунча Юсуфни санга қовуштурмағайман», теб. Яъқуб ялавоч бу севунчни Мубашшарага айди. Мубашшара умончлик бўлди. Канъон йўли бошинда кўлака қилиб ўлтурур эрди. Ўғли Башир Мисрда қул эрди, Юсуф хабарин билди эрса, Яъқубга севунчи хабарин айтийин теб жамозага миниб тебради. Башир илгари, Рубил сўнғидин келди. Қачон Канъонга етти эрса онаси ўлтурган кўлакани кўруб боруб андин сув қўлди. Онаси сув берди. «Қайдин келурсен, қайда борурсен»,— теди. Башир айди: «Мисрдин келурмен, Канъонга борурмен. Яъқуб ялавочга ўғли Юсуф севунчисин айту борурмен. Онаси айди: «Ёлғон айтурсен!» «Эй қуртга,

мени не билиб ёлгон теюрсен?» Онаси айди: «Манинг ўғлим мандин айрилиб турур. Яъқуб ялавоч дуоси бирла мавло таоло хабар бериб турур. Мубашшара ўғлин онасига қовуштурмағунча Юсуфни қовуштурмағайман теб. Манинг ўғлум севунчиси манга келгани йўқ Юсуф севунчиси Яъқубга нетак келур». Башир айди: «Отинг не турур?» Онаси айди: «Мубашшара». «Ўғлинг оти не турур?» Айди: «Башир». Қачон мунн эшитти эрса ўзини тевадин ташлади. Онасининг азоқинга тушди ўш ўғлунг манман теб. Мубашшара ўғлини қучоқлағач кўзлари очилди.

Аймишлар, қачон Рубил Мисрдин чиқти эрса ярим йўлга келди эрса, Яъқуб ялавочга Канъон ичинда Юсуфнинг кўнглаки йизи келди, фарёд қилиб айди: бу соат Юсуфнинг йизини булдум. Қола абуҳум инни лаажиду риҳа Юсуфа лав ла ан туфаннидуни. Эздаги қизлари айди: «Юсуф қазғусинда қаридинг, мундунг. Қайдаки Юсуфни тилаюрсен, аввалқи севуклукинг кетмади». *Та-ллоҳи иннака лафи залалика ал-қадими ай маҳаббатика ал-қадими ва қила хитобика ал-қадими.* Ушул кун Башир Мубашшара бирла кириб Яъқубга севунчиладилар. Сўнгинча Рубил етиб кирди. Юсуф кўнглакини отаси юзи уза қўйди. Яъқуб кўнглакни кўзига суртгач, кўзлари очилди. *Фа ламма ан жа'а ал-баиру алқоҳу ала важҳиҳи фартагга басиран.* Рубилни қучди, Юсуфнинг хабарларин сўрди. Қамуғни айта берди. Иккинчи кунда қолган ўғлонлари келдилар. Аморий келтурдилар. Юсуфдин тапугчилар келди.

САВОЛ: ул кўнглакни кўзга суртмак бирла Яъқубнинг кўзлари очилди. Ҳикмат на эрди? ЖАВОБ: аймишлар, Юсуф ялавочнинг икки мўъжизаси бор эрди. Бири ул соғу эрди, қаю сўзни андин сўрса ул жавоб берур эрди. Бири кўнглак эрди. Қачон Иброҳим ялавочни Намруд алайҳилаъна ўтга отти эрса, мавло ёрлиқи бирла ужмоҳдин Жаброил бир кўнглак келтурди. Иброҳимга кийдурди эрса Иброҳимни ўт куйдурмади. Ул кўнглак эрди Юсуфга мерос эрди. Андин сўнг ўғлонлари Яъқуб ялавочга айдилар: «Эй ота, санга улугъ ёздуқ. Ёзуқимизга муқирр келдук. Биздин кечургил, мавло таолодин ёрлиқаю талик тилагил». *Йа абана астағфир лана зукубана инна кунна хоти'ина* Яъқуб ялавоч дуони киру солди. Вақти келса ёрлиқаю тилағайман, теди. *қола савфа астағфиру лакум раббн.*

САВОЛ: Яъқуб ялавоч ўғлонлари Юсуфдин узр қўлдилар, ўшул соатда-ўқ Юсуф кечурди. Мавлодин ёрлиқаю тилади. Оталаридин ёрлиқаю тиладилар эрса, ўшул соатда тиламади, киру солди. Ҳикмат на эрди?

ЖАВОБ: Аймишлар: йигит эрди. Йигитларнинг кўнгли кенг бўлур тарк кечурди. Аммо отаси қарт эрди. Қартларнинг кўнгли тор бўлур, анинг учун кейин солди. Йигит бирла қари орасинда бу чоқлиғ фарқ бор. ЯНА ЖАВОБ ул турурким, Яъқуб ялавоч кўнгли торлиқдин дуони кейин солмади.

Билур эрдиким, тегма нарсанинг вақти бор. Дуонинг ижобати саҳар вақтинда бўлур кону қалилан мин ал-лайли ма йахжаъуна ва биласҳари ҳум йастағфируна яъни манинг қулларим тунла оз уюрлар. Уёғ туруб тоат қилурлар, саҳар бўлса ёрлиқаю тилаюрлар. Яъқуб ялавоч қачон саҳар вақти келса ёрлиқаю тилайман теб кейин солди. Андин сўнг Яъқуб ялавоч Канъондин кўчди. Барча тобиълари бирла Мисрға юз қўйдилар. Мисрға уч кунлук ер қолди эрса, Юсуфнинг Афротим отлиғ ўғли уч минг киши бирла қаршу келиб улуг отасини кўрди. Отдин тушуб салом қилди. Яъқуб ялавоч айди: «Бу ўғлон кимнинг турур? Кўнглаум мунисувди. Юсуфму эркан». Айдилар: «Юсуфнинг ўғли турур». Ани кучди. Юсуф ялавоч Мисрда мунодий қилдурдиким, мани теган отланиб манинг бирла отамға ўтру чиқсун. Тўрт минг киши отланди. Нағора, нафир бирла отасига ўтру чиқди. Бир қизил алами бор эрди қизил олтундин. Йинжу ёқут бирла мурассаъ қилған. Кавкаблар ўзнатмиш. Ул аламни кўтурсалар, ел ани тебратса, кўк кўкрар эрди. Халоиқ ани эшитиб беҳуш бўлур эрдилар. Юсуф ул аламни олиб отланди. Миср халқи наззораға бир йиғоч ўтру чиқтилар. Юсуф отасини от устиндин кучди. САВОЛ: Юсуф отасига не учун отдин тушуб кўрушмади?

ЖАВОБ: Отасини танимади. Тақи Райён малик отдин тушмагил темиш эрди. Юсуф сақинди: агар отдин тушсам Райён малик кўнгли оғриғай. Аммо отам мани яvloқ севар, мандин кечургай,— теди.

Аймишлар: Юсуф икки кўнгулук эрди. Агар отдин тушсам Райён малик сўзи синмиш бўлғай. Агар тушмасам отам кўнглин озор қилмиш бўлғайман теб. Намоз қилди тақи уюди, саждада туш кўрдиким айдилар: «Эй Юсуф, отдин тушмагил. Малик махлуқ турур сандин кечурмағай. Мавло таоло карам турур сандин кечургай». Ул сабабдин отдин тушмади. Анинг учун Юсуф ялавоч ўғлонлариға ялавочлиқ тегмади.

Баъзи ривоятда келмиш: Юсуф отдин тушти. Отаси бирла кўрушди, отасини олтун қанглиға мундурди, ўн минг қўш отлиғ. Барчаси олтун, кўмиш устамлиғ. Тўрт минг қул ўғлон қамуғи олтун қурлуғ. Бу азаматлиғ бирла кирдилар Мисрға. Яъқуб анда сўрди: «Эй Юсуф, сенга нетак эмгаklar тегди? Манга айту бергил». Юсуф айди: «Эй ота, эмгак телिम кўрдум, айтиб туганмас. Аммо эзгулук кўрмишим оз турур. Дастур берсанг айту берайин». Андин сўнг эмгаklarин айтди, аммо қариндошлари қилмишин айтмади. Отам кўнгли қариндошларимдин совғай теб. Мисрға кирдилар эрса Яъқуб ялавочни олтун тахт уза ўлтуртди. Юсуфнинг холаси Яъқуб ялавочнинг никоҳинда эрди. Отаси, холаси бирла ўн бир қариндоши қамуг Юсуфға сажда қилдилар. *Ва рафаъа абавайҳи ала ал-арши ва харру лаҳу сужжадан.*

Ул ҳолда Юсуф айди: «Эй отам, ул кун Канъонда туш

кўрганимким ўн бир юлдуз, ой, кун манга сажда қилдилар теганимнинг таъбири бу кун рост келди». *Ва қола йа абати ҳаза та'вилу ру'йайа мин қаблу.*

САВОЛ: Изи азза ва жалладин ўзгага сажда қилмоқ раво бўлмас. Яъқуб ялавоч ўғлонлари Юсуфга налук сажда қилдилар? Бу сўзга УЧ ТУРЛУК ЖАВОБ бор. *Бири* ул турурким, Юсуф уларнинг қибласи тапа ўлтурур эрди. Яъқуб ялавоч ўғлонлари бирла мавло таолоға шукр саждасин келтурдилар. Ул сажда изига эрди. *ИККИНЧИ ЖАВОБ* ул турурким, Юсуф бошларин эгиб тавозуъ қилдилар, юзларин ерга қўймадилар. *УЧУНЧИ ЖАВОБ* ул турурким, ул сажда Юсуфга эрди. Аввалги шарият подшоҳларга таҳийят тариқи бирла эрди. Бизнинг ялавочимиз шариятинда мансух бўлди. Жавобларда дурустраки бу турур. Қуръон оятига мувофиқ.

САВОЛ: Юсуф тушининг таъбирин билгургунча неча йил кечди? ЖАВОБ: Ҳасан ва Қалода авлинча сексон йил кечди. Сулаймон қавлинча қирқ йил кечди. Саъид ибн Хабир қавлинча ўтуз олти йил кечди. Яна бир қавлча йигирми икки йил кечди. Муҳаммад ибн Исҳоқ қавлинча ўн сакиз йил кечди. Юсуф айди: «Мавло таоло ул тушумни кўнига чиқарди. *Қад жаъалаҳа раббӣ ҳаққан санга эзгулук қилди мани зиндондин чиқарди.*» *Ва қад аҳсана би из аҳражани мин ас-сижни.* Зиндонда кеч қолди. Анинг учун *иккинчи жавоб* ул турур Юсуфни қузугға қариндошлари солмиш эрди алардин қола ла тасриба алайкум ал-йавма теб кечирмиш эрди. Уфтанмасунлар теб аймади, аммо зиндонга Миср халқи киюрмиш эрди уларнинг кўнглин сақламади, айту берди. *УЧУНЧИ ЖАВОБ* ул турурким, Юсуф бу сўзларни отасига шукр тариқи бирла ҳикоят қилур эрди. Қузугдин чиқиб қуллукға тушганин айтмади. Аммо зиндондин чиқиб маликликка тегди, ани шукр қилиб айди. Тақи айди: «Сизларни Канъон ёбонидин мунда келтурди ва жа'а икум мин албадви ва манинг ва қариндошларим оросинда шайтон ҳасад қилди. *Мин баъди ан назаға аш-шайтону байни ва байна ихвати.* Манинг изим тиламишинча неъмат текурукли, латиф. *Инна раббӣ латифун лима йаша'у* олим турур, ҳаким турур». *Иннаҳу ҳува ал-алиму ал-ҳакиму.* Тонгласи кун Райён малик Миср халқи бирла нисор тапуғлаю мол келтурди. Яъқуб ялавочға салом қилди. Юсуф ул молларни қариндошлариға берди. Райён малик Яъқуб олнида имон келтурди. Қиссаларда андоқ келмиш Юсуф зиндондин чиқиб Райён маликка келмишда Райён саройида етти тегирмон тоши бор эрди, олтундин. Тегма бири беш минг ботмон. Райён малик Юсуф кўркин кўруб тонглаб ўтру юриди эрса азоқи ул тошға тегди. Юсуф ул тошни кўтруб йироқ ташлади. Райён Юсуфнинг ул кучин, қувватин кўрмиш эрди. Юсуфма қариндошларининг эрдамин этмиш эрди. Қачон уларни кўрди эрса буларнинг куч-қувватларин кўрайин теб

ундатди. Шамъун бошлаб ул беш минг ботмон тегирмон тошин кўтариб ташлади. Қамуғи ҳам ўшундоғ ташладилар. Малик аларнинг кучин кўруб тонглади. Аймишлар: Малик бир кун овға чиқди. Алар бирла Шамъун арслоннинг бўйнин тутуб маликка келтурди. Рубил ҳам қоплонни келтурди. Қамуғлари эрдамларин кўргуздилар. Отлари, чавлари ёзилди. Малик айди: «Эй Юсуф, қариндошларингга айғил манга бир мулк олу берсунлар». Ёрлиғ қилди. Рум вилоятида тўқуш қилиб тегма бири ёлғуз бир мулк олдилар. Маликка тортдилар. Румдин, Шомдин ўн бир шаҳар олдилар, тегма бири ўн минг чериклик бўлдилар. Малик ул мулкларни ўзларина-ўқ берди, улар ул мулкларни қамуғ ерландилар, ёйилдилар. Бани Исроил аларнинг уруғи бўлди. Яъқуб ялавоч андин сўнг йигирми етти йил тирилди. Телим халоиқ Яъқуб ялавочга келиб имон келтурдилар. Райён малик секиз йил уч ойға тегру тирик эрди. Музъаф отлиғ ўғли бор эрди. Фиръавннинг отаси ул эрди. Тўқуз ёшда эрдиким Райён малик ани Юсуфга топшурди. Йигирми етти йилдин сўнг Яъқуб вафот бўлди, ялавочлик Юсуфга тегди. Отасиндин сўнг йигирми етти йил тирилди. Андин сўнг вафот қилди. Аймишлар, Яъқуб ялавоч Мисрда вафот қилди, Канъонга элтиб қўйдилар. Юсуф ҳам Мисрда вафот қилди Мисрда-ўқ қўйдилар. Мусо ялавоч рўзгорига тегру анда эрди Мусо келиб торилмиш сўнгукларин йиғиб Канъонга элтиди, отаси қотида қўйди.

ҲАДИС. Ялавочимиз Муҳаммад Мустафо, саллоллоҳу алайҳи ва саллам ёрлиқар: *Лухуму ал-анбийа'и муҳарраматун ала ал-арзи* яъни ялавочлар эти, сўнгуки ерга ҳаром турур, чуримаслар. Аммо ул кун Зулайхо Юсуфни эвга киюруб ўзинга тортарда Юсуф анга илтифот қилмади, сўзламади. Зулайхо айди: «Эй Юсуф, нима кўрклуқдур бу кўзларинг!» Юсуф айди: «Ёрин бу кўзлар лаҳадда сўғалғуси, туброқ бўлғуси». Яна айди: «Нима кўрклуқ сочларинг бор!» Ёрин гўр ичинда бирин-бирин торилғуси турур. Яна айди: «Нима кўрклуқ тишларинг бор!» Юсуф айди: «Ёрин лаҳадда қамуғ тўкулғуси турур». Зулайхо Юсуфни ўгмушинча Юсуф бу янглиг жавоб айтур эрди. Зулайхонинг кўнгли совусин теб. Мавло таоло Юсуф Сиддиқ сўзлари ростга чиқсун теб этларин чуритди, сўнгукларин ушатди.

Юсуф пайгамбар алайҳис-салом Зулайхога қовушқан сўзлари

Қачон Зулайхо Райён малик бирла Азиз қотинда, ёзуқ ман қилдим, туҳмат ман қилдим, Юсуфда ёзуқ йўқ теги эрса, Азиз Зулайхони эвга изди. Неча оз вақтдин сўнг Азизи Миср вафот бўлди. Зулайхо тул қолди. Ўн сакиз йил умидинда ўлтурди. Миср улуғлари Зулайхони тиладилар эрса унамади. Кундин кун Юсуф муҳаббати кўнглинда ортди.

Юсуф фироқинда зор-зор йиглаюр эрди. Қамуғ молини Юсуф ишқинда фидо қилди. Ҳар ким Юсуф сўзин этса минг олтун берур эрди. Моли туганди, қаллош бўлди. Яъқуб ялавоч Юсуф фироқида «Во асафо ало Юсуфа» темишдек Зулайхо андағуқ айтур эрди. Қачон оч бўлса Юсуф теюр эрди. Ўн секиз йил мундоғ кун кечурди. Қачон сусаса Юсуф теюр эрди, сусағи қонар эрди. Кунлардан бир кун Юсуф овға отланди. Зулайхо эшитди эрса бир қорабоши қолмиш эрди. Анга айди: «Манинг илким тутуб Юсуфнинг келур йўлинда ўлтурғил». Қорабоши Зулайхо илкин тутуб чиқарди, йўл бошинда бир том тубинда ўлтурди. Қачон Юсуф лашкари бирла пайдо бўлди, қорабоши Зулайхоға хабар қилди. Зулайхо таёқин олиб ура кўпуб баланд овоз бирла айди: *Ал-ҳамду ли-ллаҳи аллази саййара ал-абда мулукан биссабри ва саййара ал-мулука абдан бишшаҳвати*. МАЪНИ УЛ БЎЛУР: шукр ул тенгригаким қулларни сабр била подшоҳ қилур ва подшоҳларни эвмаклик бирла шаҳват ҳавосидин қуллуқға тегурур. Юсуф черик товушиндин Зулайхо унин эшитмади. Мавло таоло елга фармонладиким, Зулайхо унин Юсуфнинг қулоқинга тегурди эрса жиловин тортиб тинглаб айди: «Эй Зулайхо!» Юсуф унин Зулайхо эшитти эрса севунмишдин беҳуш бўлди. Юсуф ани андоғ кўруб йиғлади. Ўзина келди эрса айди: *Айна шоббуки жамалуки қолат афнайту фи хуббика*. «Ул кўрклук йигитлигинг қани?» Айди: «Санинг севукликингда йитурдум». *Қола айна молуки қолат ифтадайтун лиман жа'а бихабарика* яъни: «Ул молинг, товаринг қани?» Айди: «Санинг хабаринг келтурганларга фидо қилдим». *Сумма ма аллази азҳаба басараки қолат шигдату ал-ҳузни мин ҳижроника* яъни: «Ул кўзунг недин кўрмас бўлди?» Айди: «Санинг фироқингда кўрмас бўлди, йиғламоқдин». Юсуф айди: «Эмди не тилаюрсен?» Айди: «Юзунгни бир кўрмак тилаюрмен». Юсуф айди: «Муни эвга элту боринг. Ман тушмишда келтургайсиз манга». Зулайхони Юсуф саройиға элтдилар. Юсуф келганда келтурдилар. Анчада Яъқуб ялавоч тирик эрди, Зулайхонинг қиссасин эшитмиш эрди. Зулайхони ундатиб кечмиш ҳолларин сўрди. Қамуғин кўнилик уза айту берди. Яъқуб айди: «Эй Зулайхо, Юсуф севуклуги ҳануз кўнглунда борму?» Зулайхо айди: «Аввалқидин ҳоли севуклугум зиёдароқ турур». Юсуф илкинда қамчи бор эрди. Зулайхо айди: «Эй Юсуф, ул қамчини менга тутта бергил». Юсуф Зулайхонинг огзига тутта берди «оҳ!» қилди, огзиндин ўт чиқиб қамчини куйдурди. *Аймишлар*, ул қамчи олтундин эрди. *Аймишлар*, огзиндин ўт чиқди эрса қамчи эриди, оқди. Юсуф айди: «Санинг кумушдин бир бутунг бор эрди, не қилдинг?» Зулайхо айди: «Бир кун кўптум, ул бутға бориб айдим сексан йил бўлди сенга тапунурман. Қаридим, қуртқа бўлдум. Бу кун сандин уч ҳожатим бор раво қилгил. Уч ҳожатим ул турурким, йигитлигимни манга қайта

бергил, иккинчи, аввалқи кўркемни манга қайта бергил, учунчи, кўзумни кўрар қилгил. Неча айдим эрса жавоб бермади. Ачигландим, бир олдим, уруб ул бутни пора-пора қилдим, ўтга ёқдим. Энди сенга келдим. Тўрт ҳожатим бор. Тенгри аzza ва жалладин тилаю бергил. Қабул қилсанг айтайин». Юсуф қабул қилди. «Не турур ҳожатинг?» теди. Зулайхо айди: «Аввал ҳожатим ул туруркем, йигитлигимни манга қайта берсун; иккинчи, аввалқи кўркем манга қайта берсун; учунчи, кўзумни кўрар қилсун. Бу уч ҳожатимни раво қилса тўртунчини андин сўнг айгайман». Юсуф Яъқуб ялавочдин дуо тилади. Яъқуб дуо қилди эрса Зулайхо йигит бўлди, кўркем қайта келди, кўзлари кўрар бўлди. Зулайхо дарҳол имон келтурди ва мусулмон бўлди. Юсуф сўрди: «Ул яна бир ҳожатинг не турур?» Зулайхо айди: Ҳожатим улким, мани ўзунга никоҳ қилиб олгил». Юсуфнинг ўфкаси келди. Уни ташқари қовдурди. Ул ҳолда Жаброил келди, Яъқуб ялавочга салом тегурди, айди: «Эй Яъқуб, мавло таоло ёрлиқар, Юсуфга айгил қабул қилган ваъда етсун, яъни ҳожатин битказсун, никоҳ бирла олсун». Яъқуб Юсуфга мавло ёрлиқин тегурди эрса Юсуф қабул қилди. Тўй асбобин ануқлади, ақд қилғали ўгради. Мавло ёрлиқи бирла Жаброил етилди Юсуфга Зулайхони ақд қилмоқ учун. Ҳавво онамизни Одам отамизга ақд қилурда мавло таоло ўз ариғ зоти бирла хутба ёрлиқамиш эрди. Ул хутба Одам қиссасинда етилди. Жаброил ул хутбани ўқуди, ақд қилди. Миср халқи қамуғ севундилар. Яъқуб ялавоч изига шукр қилди.

Аймишлар: мавло таоло Зулайхонинг кўнглунгдаги севуклуки Юсуф кўнглунга солди. Зулайхо кўнглунга оллоҳ таоло ўз севуклугин солди Зулайхо мавлога тун-кун тоат қила бошлади. Юсуф севуклукин унутди. Ахборда келмиш, қачон Юсуф ўграса Зулайхо қочар эрди. Юсуф айди: «Эй Зулайхо, бу чоқга тегру ман сандин қочар эрдим, сен сўнгумдин югурур эрдинг. Эмди не бўлдимки ман сўнгингдин югурурман, сан мандин қочарсен». Зулайхо айди: «Анчага тегру латиф кўрдум анга исиндим, эмди латиф бўлдум, анга сиғиндим. *Ва ҳува ал-латифу ал-хабиру.* Ул кун иззат кўрдум, кўнгул бердим, бу азиз бўлдум анга уландим. *Ва ҳува ал-'азизу ар-рахим.* Аймишлар: бир кун Юсуф Зулайхога ўгради, тутқали етди, Зулайхо қочди. Юсуф сўнгидин югурур эрди. Зулайхонинг орт этакидин тутди, тортди эрса, йиртилди. Зулайхо юз эвурди, айди: *Йа Юсуфу ҳаза қамисун биқамисин кўнглак ўрнига кўнглак йиртилди.*

ҲИКОЯТДА келмиш, Бағдод халифаси Хорун ар-Рашид бир йил Бағдод бўзунига ошлиқ бериб жумласин сотқун олди, қуллуқ битигин берди. Бир кун отланиб ёзига чиқди. Тақи мунодий қилдурдиким, эй Бағдод бўзун, ёзига чиқинг. Тақи хазинада неким олтун кумуш бор эрди барчасин

качирларға юклатиб чиқартди, қуллуқ битикларин кел-туртди. Мунодий қилдурдиким, эй Бағдоод бўзуни, қамуғин-гизни ман мавло таоло ризоси учун озод қилдим. Тақи мани тасарруфимдағиларни ҳам озод қилдим. Битикларин бер-дуртди. Ул жумла молларин ҳам бағишлади, ул халқ мол-товарларин улаштилар. Ул ҳолда бир қорабош мол-товарға боқмади, озоз битигин олмади. Ҳоруннинг этакин тутди. Халоиқ ани кўруб тонглаб айдилар: «Эй заъифа, жумла озодлиқ битигин олдилар, мол-товар олдилар, сен не учун олмассен?» Айди: «Ман кўрарман қамуғ халоиқ мол-товар мундин олур. Ман ул молни қўйиб мунинг этагин тутқаним андин турурким, қамуғ муродларим мундин ҳосил бўлғай дерман». Мундағуқ Зулайхо айди: «Эй Юсуф, мен сени сувдум, кўнгул бердим, ёлбордим, манга боқмадинг, эшит-мадинг эрса яратқан изимға ёндим. Ул қапуғға тапуғ қилу ёбушдим эрса йигитлигимни, кўркумни, кўзумни қайта бер-ди. Молу товару ҳурматимни бурунқидин зиёда қилди. Охири сентек суваримға қовуштурди. Ул қабуғни нетак кўзайин, анинг тапуғин нетак қилмағайен», теди. Миср халқи севунуб моллар исор қилдилар, ҳадялар келтурдилар. Зулайхо барчасин Юсуф қариндошлариға берди. Юсуф бир-ла Зулайхо ўн секиз йил тириклик кечурди, етти фарзанд бўлди: беш ўғул, икки қиз.

АЙМИШЛАР: қачон Зулайхони Юсуфға ақд қилдилар эрса икагу хилват қилдилар. Зулайхо айди: «Эй Юсуф, мен сени эмдига тегру севдугум андин эрдиким, сенинг кўркунг, жамолинг бор эрди. Кўрклукни севмак айб эрмас. Икинчи ул эрим ғаннин эрди, манга ёвумас эрди. Ўн секиз ёшда анга тушдум бу кунга тегру эр бирла қовушмоқ лаззатин кўрмишим йўқ, онадин туғмишдек ариғман. Қачон эрим манга ўғраса қаттиғ чорлаб мандин қочар эрди. Сўрсам айтур эрди, қачон ман санга ўғрасам, орқангдан икки арслон қўпа келиб манга ҳамла қилурлар, улардин қочарман теюр эрди». Юсуф айди: «Эй Зулайхо, ул икки асрлон эрмас эрди, фаришталар эрди. Мавло таоло ёрлиқи бирла сени кофирдин манинг учун сақлатди». Қачон Юсуф Зулайхоға қўшилди эрса Зулайхо онадин туғмиштек қиз эрди. Ул ҳолда Зулайхо бу шеърни ўқуди.

ШЕЪР

Ики нангдин сени сувдум, эй кўнгуллар зийнати,
Эрмади ўйнашлиқимдин ушбу нафсим рағбати.
Санда кўрк эрди малоҳат манма ёш ўғлон кичик,
Кўрса кўрклукларни сувмак анбиёлар сийрати.
Икиланч эрим Азиз ғаннин эрди белғулук,
Тирик эрканча тугалга зоҳир эрди гуннати.

Ногаҳон эрим Азиз ўграю келса ул манга,
Кочурурди ани мандин икки арслон ҳайбати.
Ман онадин туғмушимтек ҳам эрурман ушбу кун,
Эмдига тегру танимга тегмади эр лаззати.
Айтайин шукрин изига тоат ичра қатланиб,
Қайда билинур текмаларга ушбу неъмат қиймати.
Кўрқда усмат, ишқда вуслат, мулк, нубувват бу қамуғ
Қўллар узра гар телим бор мавломизнинг миннати.

Аймишлар, мавло таоло ялавочларга қаю тишини тақдир қилди эрса ул тишини кофирдин сақлади. Зулайхони Юсуф учун сақламиштек. САВОЛ: «Ялавочимиз Муҳаммад мустафо саллаллоху алайҳи ва саллам Хадичани юзи очиқ олмадиму?» ЖАВОБ: «Мавло таоло ялавочларга тишилари-нинг бурунқи эранларини бирор турлук иллат бирла мубтало қилди, хотунлариға қовушу билмадилар, Азизи Миср менгизлик».

Йигирми йилдин сўнг Яъқуб ялавоч вафот қилди. Райён малик ўғли отаси ўрнунда ўлтурди. Аммо қамуғ мулкини Юсуф билур эрди отасидин сўнг йигирми тўрт йил тирилди. Андин сўнг уч ой етти кун оғриди. Охир умри бўлди эрса муножот қилди: Изие, манга мулк бердинг тақи туш илмини, тақи шарият илмини ўғрату бердинг Рабби қағ аатайтаний минал-мулки ва аллаштаний мин таъвимил-аҳадис.

САВОЛ: Юсуф айған мулк қайда эрди? Мунға ЕТТИ ТУРЛУК ЖАВОБ. Аймишлар, АВВАЛ ЖАВОБ ул турурким, Юсуфга ҳасад қилдилар, анга-ўқ мунглуғ бўлдилар. ИКИНЧИ ЖАВОБ, кўрк мулки эрди. УЧУНЧИ ЖАВОБ, кўнгул мулки эрди. Кўрганлар Юсуфни сувдилар, кўрмаганлар эшитиб сувдилар. ТҮРТУНЧИ ЖАВОБ, жувонмардлиғ мулки эрди. Аймишлар, очлиқ йиллар ҳеч ким эрса Юсуфдин жувонмардрак йўқ эрди. БЕШИНЧИ ЖАВОБ, ялавочлиғ мулк эрди. Ўн секиз ёшинда ялавочлиқ ҳосил қилди. ОЛТИНЧИ ЖАВОБ, мавло таоло қазосинға ризо эрди, атосинға қоний эрди. ЕТТИНЧИ ЖАВОБ, қамуғдин очуқроқ Миср мулки эрди.¹

...Аларға айди: «Йўл беринг, Абул Валидга кириб айтур сўзим бор». Улар кулуштилар, Абул Валид ким бўлур билмасмиз бу сарой бизинг тенгримизнинг турур теб. Мусони тиланчи соғиндилар, йўл бермадилар. Мусо айди: «Сиз йўл берманг, ман кирарман»,— теди. Мусони ургали тегдилар. Мусо таёқ кўтурди, сарой қабуғин урди. қабуғ очилди. Бу қирқ эшикчи ўгсус бўлдилар. Аймишлар, Фиръавн

¹ Қўлёманинг шу ерида «Юсуф ва Зулайхо» достони узилиб, кейинги саҳифадан бошқа ривоят бошланади. У ривоятнинг бошланиш қисми ҳам қўлёманда йўқ.

кабуғинда улуг майдонлар бор эрди. Текма бир майдон бошинда зангилар, ҳабашийлар, дайламейлар соқчи эрди. Аммо хос майдон бошинда арслонлар, барслар, пиллар, итлар, тўнгузлар ётмиш эрди. Ким эрсага бошчи бўлмаса киру билмас эрдилар. Қачон Мусо майдон бошига келди эрса ул қуртлар Мусони кўруб қўрқтилар. Қочиб Фиръавнга бордилар. Фиръавн уларни кўруб қаттиг қўрқти, қабугларни боғлатти. Мусо қабугга келиб таёқ бирла калқани урди. Ул уннинг қўрқунчидин Фиръавннинг сақоли оқарди. Эшикдин кириб Мусо таёқни ерга солди — улуг йилон бўлди. Бошини кўтарди, оғзиндин ўт чиқар эрди. Оғзин очиб Фиръавнга табунди, устун эрни Фиръавннинг бошидин бир қари устун эрди. Остин эрни тахтнинг азоқиндин остин эрди. Фиръавнни ютқали тикди. Фиръавн қўрқуб тахтдин орқан йиқилди, табаси қуйи азоқи юқори бўлди. Қуллари Мусога табундилар урғали. Мусо илкин қўйнидин чиқарди кундек қумиюр эрди. Кўзлари хира бўлди. Қамуг чиқтилар, Фиръавн секирди, тўнин судраю қочти. Оқсоқ эрди ул кунга теги ким эрса оқсоқлиқин билмас эрди. Фиръавн сув юзинда тахт уруб ўлтурур эрди. Улуқ ерда ёзиламоқға ер қилмиш эрди яна тахтга ўлтурур эрди.

Аймишлар, ул кун қўрқмишиндин юз йўли ёзилади, қирқ йўли ранж тўнинг булғади. Аймишлар, Мусо Ҳорун бирла Фиръавн эшикинга бордилар. Бир йилга теги йўл булмадилар. Қачон Фиръавнга кирдилар эрса Фиръавн Мусони таниди, сўрди: «Кимсан?» Айди: «Икагу тенгрининг ялавочларимиз, сенга келдук». Инна расулу раббил оламин. Айди: «На сўз келтурдингиз?» Айди: «Ёрлиғ ул турур бани Исроилни бизинг бирла изғил». Ан арсил маано бани Исроил.

Фиръавн Мусодин қўрқмиш эрди. Айди: «Билмазмен сени». Мусо айди: «Мунча йил санинг бирла эрдим нетак билмазсен?» Фиръавн таниди... оғди, айди: Мен сени кичикликда эктуладим қач йиллар маңда эрдинг алам нураббика финаа валидан ва либиста фина мин умурика синийн қилғу ишни қилдинг фаъалта фиълатакал-латий фаъалта яъни қибтийни ўлтурдунг». Мусо айди: «Қилдим ўлтурдум, вале ўлтурурға кўнглум йўқ эрди. Ул мандин хато кечди тақи сандин қочдим. Эмди изи азза ва жалла манга ялавочлиқ берди. Фа вахаба лий раббий хукман ва жаъаланий минал мурсалин». Фиръавн айди: «На ялавочлиқ келтурдунг?» Айди: «Изи азза ва жалла ёрлиқар: «Имон келтургил кофирлиқни қўйғил». Фиръавн айди: «Билурсен тенгри манман, ер-кўкни ман яратдим, халойиқ манинг қулим турур». Мусо айди: «Сен бир чибин яратурға қувватинг йўқ. Эмдига теги тенгри манман тединг. Эмди ёнғил, тавба қилғил, қамуғини сандин кечурур. Яна тўрт йил умр берур, мулкунгни ортурур. Ёрин ўрнунгни ужмоҳда қилур». Фиръавн бу сўзни эшитди, кўнглига хуш келди, айди: «Эй Мусо, ёнғил, элингга борғил,

кўлдошларим бирла кенгашайин. Қамугимиз имон келтуралинг». Мусо ёнди. Бани Исроил бўзуни бу сўзга қамуг севундилар. Фиръавн, Ҳомон азин беклари бирла йиғилиб кенгаштилар. Имон келтургу кўнгул бўлди. Ҳомон айди: «Сен хато қилурсен, телим йиллар бўлди тенгриман, тединг. Бу кун қуллуқғаму кирурсен. Кучинг бор, черикинг бор, надин кўрқарсен? Қочқоқни тута оласмусен? Элдин қува олмасмусен ё кэнду ўлтура билмасмусен. Бу турган сарҳангларга айғил бир соатда ҳалок қилсунлар. Ким эрса анга бўлушса санчишалинг». Фиръавн айдиким, андин икки кўркунчим бор, бири таёқ ерга солса йилон бўлур, бири илиги ой кундек ёруқ. Кўзларни хира қилур. Ҳеч ким ўтру тура билмас. Ани нетак қилурмиз. Ҳомон айди: «Бу сўзниким, айтурсен жодулук турур. Ул биздин борғали жодулук ўрганмиш. Бизда ҳам жодулар кўп бор. Улар бирла талашсунлар». Яна айдилар: «Мусо улуг биликлик жоду турур инна ҳаза ласаахирун алим» Фиръавн айди: «Бу Мусо жодулуки бирла сизларни бу элингиздин чиқармоқ тилаюр. Сизлар не теюрсиз?» *Юриду ан юхрижакум мин арзикум бисихрихи фа маза таъмурун. Айдилар: Сен йиғин, улар тақи жодуларини йиғсунлар. Қолу аржиқ ва аҳоҳу вабъас фил мадаини ҳаширин. Фиръавн қамуг жодуларни йиғдурди. Аймишлар, йигирми беш минг жоду ҳозир бўлди, яна бир қавлда ўтуз минг. Бу мунча жодуларда етмишни уздурмиш эрдилар. Яна булардин тўртини уздурдилар бирининг оти Собур, иккинчининг оти Гобур, учунчининг оти Хатҳат, тўртунчининг оти Баҳсафи. Буларга айди: «Бир улуг жоду келиб турур, таёқини йилон қилур. Айдилар: Бу жодулук осон турур. Биз аларни енгсамиз не бергайсен? Аинна ланаа лаажран ин куннаа наҳнул-ғолибин, Фиръавн айди: на тиласангиз берайин тақи ўзумга яқин қилайин қола наъам ва иннакум ламинал муқаррабин». Анчада Мусо етиб келди. Фиръавн мусулмон бўлгу умончида. Фиръавн айди: налук келдинг? Мусо айди: тунаги сўзга келдим. Фиръавн айди: биз ҳам жодуларни келтурдук. Талашгил кўралинг. Мусо айди: Биз жоду эрмасмиз, тенгрининг ялавочларимиз. Ёрлиг ул турур имон келтургил Бани Исроилни бизга бергил.*

*Аймишлар, ул ҳолда Ҳомон қўбти Фиръавн учун жавоб аймоқга ўгради. Мусо Ҳомонга манъ қилди. Сенга келмишимиз йўқ. Тек турғил, Фиръавн жавоб этсун теди. Ҳомон Фиръавн сўз ўграту бошлади, айди: «Сўргил, кимдин келмиш, кимга келмиш, кимга сўзлаюр». Фиръавн сўрди. Мусо айди: «Мани, тақи сани яратқан тенгридин ёрлиқ келтурдум». Фиръавн айди: «Ман кэнду тенгриман». Мусо айди: «Сен тенгри эрмассен. Сенинг менинг тенгримиз бир оллоҳ турур». Фиръавн айди: «Сизинг тенгрингиз ким турур?» *Фаман раббукума йа Мусо. Мусо айди: тенгримиз ул турур, қамуг халойиқга рўзи берган, йўл кўргузган қола раббунал**

лази аъто кулла шайин халкаху сумма ҳада. Ҳужжатлар эдиштилар. Охири наврӯз кунига йиғилмоқ бўлдилар қола *мавъидухум ёвмуз зинати ва ан йўҳшаран насу зуҳан*. Ёзида майдон ануқладилар, минора қўбордилар, тахт ўрнатилар. Фиръавн, Ҳомон ўлтурдилар. Фиръавннинг боши уза қўбба қўбордилар. Адизлиги қирқ қари.

ЖОДУЛАРНИНГ ЁЛҒОН СЌЗЛАРИ

Аймишлар, тўрт минг йўли тўрт минг эр йиғилди. Бани Исроилма қамуғ ҳозир бўлдилар. Олмиш қачир юки жоду келтурдилар. *Аймишлар*, ул жодуларда тўрт юзни узурмишлар. Текма бири бирла бир юк таёқ, бир юк йибларни таёқнинг учин ўнғдилар, симоб тўлдурдилар. Яна елимладилар. Ичинда симоб таъбия қилдилар. Фиръавннинг ўнгинда қирқ минг яроғлиғ отлиғ эр, яна қирқ минг яроғлиқ пиёда турдилар. *Аймишлар*, бу муқобала Скандарияда эрди. Жодулар келдилар. Фиръавн оти уза онт ичтилар, биз Мусо уза ғолиб келурмиз. Қолу *биъиззати Фиръавна иннаа ланаҳнул-ғолибун*. *Айдилар*: «Эй Мусо, сенму бурун кўмушурсен ё бизми бурун кўмушурмиз». Мусони оғирладилар. *Аймишлар*, ул ҳолда Жаброил келиб ҳаводин ун қилди: «Эй жодулар, мавло таоло ёрлиқар. Сиз манинг ялавочимни бурун сен кўмушгил, тедингиз. Манинг иззатим ва жалолом ҳаққи ҳурмати сизларга имон хильатин кийдургунча бу кунни уларға туғурмағайман». Бир қумлиғ қўлға кирдилар, жодуларин кўмуштилар. Ҳаво исиди кун иссиғи йилонларға тегди, симоб қизиди. Йиблар тебрану бошлади. Халойиқ юриюр саниди.

САВОЛ: Мусо ялавоч эрди, налук қўрқти? ЖАВОБ: Мусо ул жодулардин қўрқмади. Халойиқ ани кўруб арсиқмасунлар теб қўрқти. Хитоб келдиким, эй Мусо, қўрқмағил, сенинг илкинг устун турур қулнаа *ла тахаф иннақа антал-аъла*. Эй Мусо, илкингдакин кўмушгил ва алқи ма фи ямини-ка талкаф ма санаъу. Таёқни кўмушди. Бу таёқ бир бузург йилон бўлди. Куйруқин тўқию Фиръавни қабоди. Оғзин очиб ул жодуларнинг қамуғин ютти. Мусо йилонни қўлинға олди — баёқитек таёқ бўлди.

Аймишлар, секиз юк жоду эрди қамуғини йўқ бўзун қилди. Жодулар улуғи Шамъун отлиғ кўзи кўрмас эрди. *Аймишлар*, Юханна эрди қамуғининг устоди эрди. Анга бориб айдилар: «Ёлғуз таёқ жодуларимизни еди». Шамъун айди: «Ул жоду емишдин сўнг узунроқ бўлуб йўғунолдиму ё йўқму?» *Айдилар*: «Йўқ, Шамъун айди: Бизма андоғ жодулиқ қилурмиз, аммо узун тақи йўғун бўлур. Бу йўғнол-мамиш. Маълум бўлдиким, Мусо ялавоч турур. Ман имон келтурдум сиз ҳам келтурунг»,— теди. ФОЙДА. Қаюма

ишни ўгранса тамом ўгрангу. Шамъун жодулиқни тамом билур учун йилон узамади, ортмади эрса ҳақиқатни билиб имон келтурди. Қамуг сажда қилдилар. *Айдилар:* «Олам-лиғларизи санга имон келтурдук». *Фа улқияс-саҳарату сажидина қолу ааманнаа бираббил оламин.* Фиръавн айди: «Анлағуқ раббул — оламин манман». Улар айдилар: «Сени аймасмиз Мусо тақи Ҳорун тенгрисиға имон келтурдук. *Рабби Муса ва Харуна.*» Фиръавн айди: «Манга кенгашсиз имон келтурдингиз Қола аамантум лаҳу қобла ан аазана лакум». Сизинг кэнду Мусо бирла тилингиз бир эрмиш, жодулиқда устодингиз ул турур. *Иннаҳу лакабирукум аллазий алламакумус сеҳра.* Айди: иликларингизни кесайин. *Айдилар,* санга келиб қўл қовуштуруб табуғ қилғандин иликлар кесган йиграк. Яна айди: азоқларингизни кесайин. *Айдилар,* бу қабуғға келиб табуғ қилган азоқларни кесган йикрак. Яна айди: қамуғингизни хурмо йиғочдин осгайман. *Фа лауқаттианна айдиякум ва аржулакум мин хилафин ва лаусаллибаннакум фи жузуъин-нахли.* *Айдилар:* бизни оссанг, сенинг тенгриликнинг ёлғони билгургай. Нетак теса биз устун сен остун бўлсанг тенгриман тедукинг ёлғон бўлмасму? Фиръавн айди: «Сизларни қин бирла ўлтурайин. Манинг қинимму қаттиғроқ, анинг қиниму қаттиқроқ билгайсиз». Улар айдилар: «Ул нарсаким биз андин кўрдук сени анинг уза узурмағаймиз қолу лан нуъсирака ала ма жаъаннаа минал баййинаати. Сен, бу кун дунё не ким тиласанг қилғил. *Фақзи ма анта қозин иннаша тақзий ҳазиҳил ҳаятаг дуня.* Биз изиға имон келтурдук, умончимиз ул турур. Ул бизни ёрлиқағай. Сен куч бирла жодулук қилдурганларни кечургай. *Иннаа ааманнаа бираббинаа лаияғфира лана хатоёнаа ва ма акраҳтанаа алайҳи минас-сиҳри.* Сенинг ҳукмунг фоний турур, Мавло таоло ҳукми боқий турур. *Валлоҳу хайрун ва абқо.* Қушлук, вақтинда жодулук қилдилар, кун ўртада имон келтурдилар, охшоми шаҳид бўлдилар ужмоҳға бордилар.

ОЙСАНИНГ ҚИССАСИ

Фиръавн Мусоға, таҳдид қилди ўлтургайман теди. Ойса айди: уфтанмасмусен, мунча мўъжиза кўруб мусулмон бўлмадинг, мусулмон бўлгонларни ўлтурдинг. Фиръавн айди: сенма мусулмон бўлгонларға имон... бўлмағил. Бу ишлар қамуғ сендин кўргу Мусо тенгрисиға топинурсен. Ойса айди: менинг тенгрим оллоҳ турур теб мусулмонлиғ билгуртти. Фиръавн Ойсани тутдурди. Қирқ кун ош-су бермади. Турлук уқубатлар қилди, ёнмади. Тўрт темур қозук ерга қоқиб, Ойсани керди.

Аймишлар, Фиръавндин ўзга ким эрса мундоғ қилмиши

йўқ эрди. Бу қирқ кун Ойсанинг дуоси бу эрди: *Рабби ибни лий индака байтан фил-жаннати ва нажжиний мин Фиръавна ва амалиҳи ва нажжиний минал-қавмиз-золимин*. Мавло таоло нурдин бир қубба изди, ким эрсанинг кўзи Ойсанинг танига тушмасун теб. Ул темур қозуқларда орқан ётурда сусади. Мавло таоло ужмоҳдин шарбат изу берди, ёрлиқади. Олтуз занжирга иссиғлиқ ҳавода керилгу турур. Ани ичти ужмоҳ уланди. Андин сўнг халқ Мусоға юзланди. Мусулмонлиқға кирубошладилар. Фиръавн халҳаро уфтану на қилғусин билмади, ожиз бўлди. Айди: манинг Мусо бирла ишим йўқ кэнду кўкка ёвуқланайин, Мусо тенгрисин кўрайин. Ҳомонга айди: ўт ёқғил, кирпич пишурғил, сарҳ қўборғил. Анга ошиб, Мусонинг тенгриси борму, кўрайин. Бу Мусо ёлғон айтур бўлғай кўрайин. *Фа авқид лий я Ҳаману алат тини фажъал лий сарҳан лаъаллий атталиъу ила илаҳи Муса ва инний лаазуннуҳу минал казибин*. Ҳомон кирпич куйдурди, хумдонлади, Фиръавндин бурун ким эрса пишиғ кирпич қилимиш йўқ эрди. Оҳақ бирла пишиғ кирпич бирла ёптурди.

Аймишлар, ул минорани онча ошурдиким анинг кўлакаси кун уврулса юз йиғочлиғ ерга борур эрди. Тақи аймишлар, ердин миноранинг тепасинга тегру тутуш эранлар туруб кирпични илиқдин иликка берур эрдилар. Ул кирпич минора тепасинга ошқунча икки кун икки тун кечар эрди. Фиръавн ул минораға ошиб кўкка боқти, ердин кўргантек кўк кўрди. Азин нарса кўрунмади. Яна инди, айди: «Мусо ёлғон сўзлаюр эрмиш, кўкда тенгри йўқ. Ернинг, кўкнинг тенгриси манман, оғзинга туфроқ, ўзга тенгри йўқ», — теди. *Ма алимту лакум мин илаҳин ғайрий*. Фиръавн бани Исроилга ўфкалик бўлди, қаттиғ эмгату бошлади. Айдилар: «Эй Мусо, эмгакимиз ортуқ бўлди, мавло таолодин тилагил бизга фараҳ берсун». Мусо айди: «Сабр қилинг, мавло таоло душманни ҳалок қилғай». Мусо Фиръавнга келди, айди: «Имон келтургил, бани Исроилни манга бергил, йўқ эрса дуо қилғам азоб келгай». Фиръавн Мусоға қаттиғ сўзлади, на қилсанг қилгил теди. Мусо қирқ тун-кун мавлога дуо қилди, ёлборди. Жаброил келиб айди: эй Мусо, кўнглунгни хуш тутғил, азоб етилди. Изи азза ва жалла Мусоға ялавочлиқда тўқуз нарса бермиш эрди.

Аввал таёқ, икинчи байзо, илик, учунчи инфижор, тўртунчи инфилоқ, бешинчи тўфон, олтинчи чуғурка, етинчи куя, секизинчи бақа, тўқузинчи қон *фа арсалнаа алайҳим ат-туфана вал жарода вал қуммала ваз зафадиъа вад дама айаатин муфассалатин*.

Ул тўфон келди етти тун-кун ёгин ёғди, Миср ичи сув тўлди. Халқ ёзига қочди. Фиръавнга келиб айдилар: «Тенгри эрсанг сувдин бизни қутқарғил». Фиръавн айди: «Бу ишни Мусо қилди анга бориб ёлборинг бу азоб кетса имон кел-

турайин. Бани Исроилни анга берайин». Мусоға келиб ёлбордилар. Мусо дуо қилди, тўфон кўтрулди, ер қуриди. Ёш ўтлар унди, чечаклар очилди. Айдилар: «Ягин азоб-азоб теюр эрдук, бу кэнду бизга роҳат эрмиш»,— теб имон келтурмадилар. Мусо яна қирқ тун-кун дуо қилди. Бу қирқ кун ичинда ошлиқлари экинлари кўркланди. Изи азда ва жалла чугурка изди, ошлиқларин ею бошлади. Учса кун кўрунмас эрди. Йиғлаю Фиръавнга келдилар. Эл улугларинга айди: сизма булар бирла боринг Мусоға эдинг. Ул йўли ом халқи келди. Ом эътиқодсиз бўлур. Эмди биз хослар келдуқ. Бу азобни биздин кетарур бўлсанг бизма имон келтуралинг. Бани Исроилни сенга бералинг теб ёлбордилар. Мусо ижобат қилиб дуо қилди, мавло таоло иссиғ ел изди. Қамуғ чугуркани куйдурди. Егуча ошлиқ қолди. Улар аҳд синдурдилар, имон келтурмадилар. Мусо яна қирқ кун дуо қилди яёғ чугурка келди. Қолган ошлиқларин еди. Баъзилар аймишлар, куя бўлур. Ошлиқларинда куя қўпти бирагу ўн соғу ошлиқ тегирмонга элтса келгунча уч соғу қолур эрди. Яна Фиръавнга ёлбору келдилар. Фиръавн ўз қатиндақи бекларини изди. Мусоға этинг тақи бир йўли бизинг учун дуо қилсун. Бу азоб кетса мусулмон бўлғаймиз бани Исроилни санга бергаймиз. Мусоға келиб айдилар. Ялавочлар кўнгли юмшоқ бўлур ижобат қилиб дуо қилди куя ҳалок бўлди.

ЧУГУРКА ҚИССАСИ

Анас ибн Молик разияллоху анху айди: ялавочимиз Муҳаммад Мустафо саллоллоху алайҳи ва саллам чугурка келмишда бу дуони ўқур эрдилар. Аллоҳумма ахликил жарода Аллоҳумма иқтаъ даираху Аллоҳумма уқтул кибараху ва аҳлик сиғораху ва афсид байзаху ва хуз биафваҳиҳи ан маъайишинаа мин арзакинаа иннака самизуд дуъа.

Яна Жобин ибн Абдуллоҳ ривоят қилур: Умар разияллоху анху халифа бўлмишда чугурка туганди. Ким эрса чугурка хабарин аймади. Умар разияллоху анху қазғулуг бўлди. Шомға, Яманга киши йиборди. Ямандин бир овуч чугурка келтурдилар. Умар кўрди эрса уч йўли «Оллоҳу акбар» теди. Тақи айди: Расул алайҳис-саломдин эшиттим, айди: Халақа-ллоҳу таъала алфа умматин минҳа ситтумиатин фил баҳри ва арбаъумиатин фил барри. МАЪНИСИ УЛ БҲУЛҲ. Изи азда ва жалла ер юзинда минг турлук халқ яратти. Уларда олти юз сувда турур, тўрт юз қуруғ ерда турур. Бу мунча танлиғларда энг илки чугурка ҳалок бўлғай. Анда кезин азинлари йўқолу бошлағай, тузулмиш мунчуқ йиби узулмиштек торилғай.

Мақсудга келдуқ. Қачон чугурка қолмади эрса айдилар:

егу нарсамиз қолмади на теб мусулмон бўлалинг. Мусо яна дуо қилди қамуғ сувларда на бор эрса чиқтилар мавло таоло ёрлиқи бирла. *Аймишлар*, Мусоға ёрлиғ бўлди Нил дарёси қироқинга келди, Таёқ бирла ишорат қилди. Остин-устун бақалар бири биринга ишорат қилдилар. *Ҳатта харажат минал баҳри мислил лайлиг дамиси* Қоронғулуқ менгизлик чиқтилар. Ул кишининг эғнига тегдилар. Тунла ёттилар, тонг бирла қўбтилар — жумла ариқларда сув қон бўлмиш. Бани Исроилнинг ариқлари андағуқ сув оқти. Қаю қибтий ул сувдан ичти ўлдилар. Етти кун қон оқти, Фиръавн отланиб сув бошинга борди. Қамуғ ариқларни қон кўрди, ёлғиз бани Исроил ариқи сув оқар. Бирагу айди: «Ман явлоқ сусадим», теб аёқ олди, илкин сувға қотти. Илки теккан ер қон бўлди. Теграси ҳамон сув оқар. Қибтий, бани Исроил бир ердан сув олсалар, бани Исроил олган сув, қибтий олган қон бўлув эрди. Ожиз бўлдилар. Фиръавн тош йиғоч сўра бошлади. Мавло таоло қудратин кўргузди, йиғочдин сўрган сув бирла қонмади. Тақи ортукроқ сусади, яроғи қолмади, айди: «Мусоға ман бораин, азинлар аҳд синдурдилар сўзларинга тегмадилар. Ман аҳд қилайин сўзумга тегайин», теб Мусоға келди. Айди: Сен дуо қилғил бу бало кетсун ман мусулмон бўлайин. Тақи бани Исроилни сенга берайин». Мусо қабул қилиб, дуо қилди: қон балоси кўтрулди. Сувлари оқа бошлади. Мусо Фиръавнга келди сўзунга етгил, теди. Фиръавн айди: «Бани Исроилни берайин. Мунда турмағил бу вилоятдин чиқаргил. Оталаринг вилоятига борғиб», — теб бани Исроилни сочди. Мусоға тобшурди. Молларин бермасман, теди. Мусо бани Исроил улуғларин йигди, дуо қилди. ЁРЛИҒ бўлди: бани Исроил, эранлари, тишилари қибтийлар эвинга кирсунлар, элтсунлар. Ёрин бизинг ийдимиз бор. Молимизни бизга беринг кийим — тутум, қулоқдағи қўлдағи нарсаларни бизга амонат беринг. Ёринг ийдимиз қилиб яна келтурб бералинг, — тедилар. Мавло таоло қибтий тишиларининг кўнглинга меҳр солди. Қамуғ олтун-қумуш юзук, билазук исиргаларин бани Исроил тишиларинга бердилар. Яна ёрлиғ бўлди: қабуғларинга қон сувадилар. Тунла чиқарда бири бирини танимоқ учун тун ёрими бўлди эрса чиқтилар. Мавло таоло қибтийларга уйқу кўмушти: бир қибтий уйғонмади. Ул ҳолда Мусо ялавоч кўнглига тушди. Юсуф ялавоч қилмиш эрди. Мусо манинг сўнгулукимни чиқариб Канъонга элтгай теб. Ким эрса Юсуф ялавоч сўнгукин қайдалиқин билган борму? Бир қуртқа айди ман билурман. Мусо, айғил теди. Айди: «Бир ҳожатим бор раво қилмагунча аймасман». Мусо айди: «Ҳожатинг не турур?» Айди: «Ҳожатим ул турурким, ужмоҳ ичинда санинг бирла бўлам». Мусо қабул қилди, Юсуф сўнгукин олиб чиқти ўн икки сибт эрдилар. Тегма бир сибт йигирми минг эрдилар, Мусо дуо қилди: қибтийлар моли, товари қамуғ

тош бўлди. Мусо чиқти, икки юз қирқ минг соқчиғутак эр бирла. Хорун черик бирла сўнгини сурди. Тонг отти эрса қибтийлар уйғондилар. Фиръавнга хабар қилдилар. Фиръавн черик йиғинг теб мунодий қилдурди. Бани Исроилни юклари оғир эрди яёғ авратлар, ёш ўғлонлар кўп учун Мусо бани Исроил бирла ақрин юрур эрдилар.

Аймишлар, уч кун юрдилар уч юз минг эр бирла. Фиръавн отланди. Етмиш минг яёғ Мусони қовдилар. Кун туғар вақтда Мусонинг черикин кўрдилар. Мусо қавми кўрқтилар. Айдилар: эй Мусо, илгару тенгиз ортқару ёғи тедилар *фа ламма тараъал жамъани қола асҳабу Муса иннаа ламуд-ракун* Мусо айди: кўрқманг изи азза ва жалла бизинг бирла турур. *Каллаа инна маъий раббий саяхдиний*. Сувга ЁРЛИФ бўлди. Эй Мусо таёқинг бирла тенгизга урғил. *Фанфалақа факаана қуллу фирқин каттавдил азим*. Мусо айди: кириг. Айдилар: тенгиз туби балчиқ нетак киралинг. Мавло таоло ел изди. Кун иссиғи бир соатда тенгиз тубини қуриди. САВОЛ: Олам ичинда қаю ердурким анга бир йўли кун теғди азин тегмагай? ЖАВОБ, ул турурким, Нил дарёси турур. Мусо асо бирла урғанда сувлар айрилиб дарё тубига кун тушди, азин тушмагай. Айдилар: «Эй Мусо, бу ўн икки йўлнинг текма бирини бир сибтий ўғли қизи бирла кириб ҳалок бўлса яна бири кўрмагай». Мавло ул тоғ менгизлик сувларни ўта тулуклар яратди. Қамуғлари бири бирин кўрар бўлдилар. Кўнгуллари тинч сувга кирдилар, кечтилар. Ул ҳолда Фиръавн черики етилди Фиръавн айғир от минмиш эрди. Тенгизни кўрдилар ўн икки йўл бўлмиш эрди. Мусо ани кўруб кўрқти. Мусонинг мўъжизаси эрдукин билди, аммо черикка билгуртмади, айди: манинг тенгриликимни билдингизму? Сув манга йўл берди теб шалтоқ бирла ёнар бўлди. Ул ҳолда Жаброилни мавло таоло одам суратинча изди. Қисрақ от миниб анинг ўнгиндин сувга тушди. Фиръавн минган айғир ани кўруб тизгинин фиръавн қўл... чиқариб сўнгиндин тушди. Аймишлар мавло таоло тўрт юз фариштани изди. Фиръавн черикининг сўнгидин тею сўрар эрди. Қибтийларма қамуғ кирдилар. Савол қилмишлар, мавло таоло ёрлиқар *ва ин минкум иллаа варидуха*, ул бўлурким сизларда ким эрса тамуғга кирмаган бўлмагай. Анбиё авлиё мўъмин кофир ва қамуғ...¹ кирур мўъминма кирурмиш.

Мўъминдин кофирга не фарқ бўлди. ЖАВОБ: Кўрмасмусен, Нил тенгизига бани Исроил бўзун кири, Жаброил ҳам кирди. Фиръавн черикин бошлаб аларни андоғ — ўқ қилди. Ўзи саломат чиқди. Мундағуқ мўмин кофирни бошла тамуғга кирар, ўзи чиқар улар анда қолурлар: *Сумма ну-*

¹ Қўлёзма матнида кўринмаган ёки ўчган мисралар ўрнига кўп нуқталар қўйилди. (Мухаррир).

нажжил лазинат тақов ва назаруз золимина фиҳа жисийя. Қиссада андоғ келмиш. Мусо черики тугал сувдин чиқтилар, Мусо бир адиз ерда бани Исроилни йиғиб мавло таолоға шукр қилдилар, ҳамду сано айдилар. Тақи айди: *Ё ибадажжа-ллоҳ абсиру фа инна-ллоҳа куд аҳлака адув-вакум фил баҳри*. Яъни мавло таоло қуллари, кўрунг. Изи азда ва жалла таҳқиқ душманингизни ҳалок қилди. Дарёда қачон тамом қибтийлар дарёға кирдилар эрса сувға ёрлиғ бўлди «оқа бошла» теб. Қачон Фиръавн дарёға ғарқ бўлди эрса ул ҳолда айди: имон келтурдум ааманту аннаҳу ла илаҳа лазий ааманат биҳи бану Исроил. Ул ҳолда Жаброил бир овуч балчиқни олиб Фиръавннинг оғзига тикти. Эмдиму имон келтурурсен? Мундин бурун мавлоға ёздинг, тенгриман тединг, ёзуқсиз бани Исроил ўғлонларин ўлтурдунг ва қад асайта қаблу ва кунта минал муфсидин. Аймишлар, Фиръавн бир кун Нил дарёси қирогинда ов овлаю турур эрди. Жаброил одам суратинча келиб Фиръавнга айди: манинг қулу бор сўзумни олмас. Ман буюрган ишни қилмас. Анинг ҳукми нетак бўлур? Фиръавн айди: андоғ қулни сувға ботурмоқ керак. Жаброил айди: бу ҳукмга сендан хат керак. Фиръавн хат берди. Ул хат Жаброилда эрди. Дарё тубинда ғарқ бўлур ҳолда Жаброил ул битикни Фиръавнга кўргузди: бу санинг ҳукмунг борму? Айди: бор. Мавлоға ёзган, мавло сўзин эшитмаган қул сенсен тею ҳалок қилди. Аймишлар, Фиръавн ҳалок бўлмишдин сўнг Жаброил ўзинга ёнди. ХИТОБ келди: эй Жаброил, Фиръавн имон иқрор қилур ҳолинда қўйсанг имон келтурса манинг иззу жалолим ҳаққи ҳурмати қабул қилғай эрдим, ужмоҳға кюргай эрдим. Аймишлар, Мусо бўзунига айди: Фиръавн черики бирла ҳалок бўлди. Бани Исроил айдилар: бир ун эшиттимиз, аммо Фиръавн ҳалок бўлганин билмасмиз. Фиръавн тўрт юз йил тенгрилик даъво қилди. Бани Исроилға қуллуқ буюрди. Юрак олдуруб қўрқмуш эрдилар. Кўз бирла кўрмагунча кўнгуллари тинмади тенгиз қирогинга келдилар. Мусо бани Исроилни тенгиз қирогинда қўндурди, Фиръавн нетак бўлури кўрмак учун. Аймишлар, Одам рўзгориндин Фиръавн рўзгорига теги сувға ғарқа қилса ўлукни ташқари солмас эрди. Мусонинг кўнгли тинсун теб сув ўлукни ташқари отар бўлди, Фиръавннинг ўлукин сув ташқари солди. Аймишлар, каана Фиръавну мулқан ала шатоил баҳри кассаврил азим яъни Фиръавн тенгиз қирогинда бир улўғ сиғиртек бўлуб ётур эрди. Фал явма нунажжика бибаданика литакуна лиман халфака (ааятан) қироат шоз ичинда келмиш фа ағрақнахум ажмаъин. Аймишлар, Мусонинг Сомирий отлиғ холаси ўгли бор эрди. Жаброил тенгиздин чиқмишда ким эрса Жаброилни танимади, Сомирий таниди. Танимоқда сабаб ул эрди: Сомирийнинг кўзи Жаброилнинг оти туёқинга тушди. Қаю ерга туёқини қўйса, ул ер яшнаюр эрди. Сомирий, отдин

инди, Жаброил оти туёқи ўрниндин бир овуч тупроқ олди, асради. Бани Исроилдин чиқиб турган ерда Амолика уруғиндин Фиръавн бирла қолмиш эрдилар. Тенгиз қироғида ўрнаб бутга топунур эрдилар. Ул бутлар бузағу суратлиғ эрди. Бани Исроил ани кўруб, Мусога айдилар: эй Мусо, бир тенгри қилу бергил. Андоғким ул бўзунларнинг тенгриси бор қолу я Муса ижъал лана илаҳан кама лахум аалиҳа. Мусо айди: биликсиз эрмишсиз бу бутга табунманг, мунга табунганлар қамуғ ботил турурлар. Охир ҳалок бўлғуси турурлар инна ҳаулааи мутаббарун. Сизларга мавло таолодинму азин тенгри керак? Ул бизларни фазли бирла уздурди, қудрати бирла душманларни ҳалок қилди.

МУСО АЛАЙҲИССАЛОМ ШОМҒА БОРҒАН ҚИССАСИ

Бани Исроил умончи ул эрди, Мисрға киргаймиз қолган қибтийларни қул қилғаймиз, улар бизга на қилдилар эрса бизма анларға қилғаймиз. Мавло таоло хавости бўлди, уларнинг умончи бўлмади. ЁРЛИҒ бўлди: оталарингиз ери Шом вилояти турур анда боринг. Ёриндаси тебрадилар ул вақт Мисрни Ҳомон билур эрди. Фиръавн уруғи йўқ эрди, Фиръавндин сўнг Ҳомон етти йил тирилди. Андин сўнг ўлди. Қирқ йил Ҳомон ўғлонлари Мисрда подшоҳлиқ қилдилар, қирқ йилдин сўнг яна ябондин келиб Мисрни олдилар. Қачон Шомға тегдилар эрса ёрлиғ бўлди бу кендларга қирурда қамуғ сажда қилинг, тил бирла узр қулинг. Тавба қилинг. «Ҳитта» тенг яъни «Ҳиттатун алайно зунубуно аллази иртакбано бил-ихтиёри ал-асноми» бутга табунган ёзуқларимизни биздин кечургил темак бўлур. Қамуғ сажда қилу кирдилар Шом халқи наззораға турдилар. Яна бир ерда мундоғ сўзламасун теб мавло таоло қизғут қилди эзгулари ариғлари ул ёрлиғини битурдилар, йиғитлари ариғсизлари ул ишга фусус қилдилар тилларин увурдилар «ҳиттата» темадилар «ҳинтата» тегилар. Фа баддалал лазина заламу қовлан ғайрал лазий қила лаҳум. Анчада Шуай вафоти бўлмиш эрди. Мусо Тур тоғинга тегди. Ошғил теё ёрлиғ бўлди, ошти. Мавло таоло Мусо бирла сўзлашти. Мусо шарият қўлди ижобат бўлди, ТАВРОТ отлиғ китобга ваъда бўлди. Утуз минг ялавоч «ТАВРОТ»нинг шарияти уза эрдилар. Бани Исроилға иззат эрди, ёрлиғ келди: Эё Мусо, сизларни ялавоч уруғлари қилдим. Бир анча сиздин ялавоч, бир анчаси малик бўлғайлар. Бир анчаси олимлар азин халқлардин уздурдум. Сизни эзгулар қилдим. Ёрлиқға бўюнсунуб осий бўлманг. Манинг хушнудлиқим тилар эрсангиз Яман вилояти таба отланинг. Оталарингизни Амолика отлиғ душманлари бор. Улар бирла ҳарб қилинг, сизларга нусрат берайин. Мусо севунуб Тур тоғиндин ёнди.

Бани Исроилга ёрлиғ текурди. Севундилар, яроғланиб отландилар. Амолиқа малик ул хабарни билиб явлоқ кўрқти. Фиръавн ҳалок бўлганинг эшитмиш эрди. Улар явлоқ узун бўйлуғ, кучлук эрдилар. Уларга одийлар теюр эрдилар. Мусога киши издилар, ўз кучлариндин, ҳайбатлариндин азоб ваъдаси қилдилар. Мусо айди: Ман сизлардин кўркмасмен. Ўз кўнглумча келмишим йўқ. Ман Тенгри ялавочиман, мани сақлаган мавло таоло турур. Имон келтурунг, йўқ эрса санчишурмиз. Ул кўркуб...

ОДИЙЛАР СИФАТИ.

Аймишлар, текма бирларининг бўйлари уч юз аршун, кўкусларининг эни ўн етти аршун. Мусо ўн икки кишини уларга жосус изди. Рубил уруғиндин Шомил ибн Заказ, Шамъун уруғиндин Собит ибн Жазъин, Яхудо уруғиндин Жадди ибн Сури, Ашитар қафо уруғиндин Салул ибн Малик, Бағсо уруғиндин Жай ибн Қўқиш,...уруғиндин Хорлабил ибн Ҳамал, Ловий уруғиндин Жулойин ибн Маликиё, Юсуф уруғиндин икағу. Юшаъ ибн Нун тақи Хуррий ибн Ошуш ибн, Ёмин уруғиндин Фалтама ибн Дафрин. Булар тунла юридилар, кундуз кизландилар.

Эл ҳаддинга тегдилар эрса бир бўрлоқга кирдилар. Бўрлоқ ияси емиш олғали келди эрса буларни кўрди. «Қайдин келдингиз»,— теб сўрди. Қўқмишдин кўнисин айту бердилар. Олтағусин бир енгига суқти, анда кезин емиш терди, кўтурди. Элга кирди. Малик саройинга борди. Бу ўй иккисин емишлар бирла малик илайинда қўйди. «Мундоғ кишилар бизга ёғилаша келмишлар»,— теди. Малик айди: «Мундоғ ушоқлар нетак эл тутурлар». Айдилар: «Булар ол бирла эл тутурлар. Инонмасангиз буларнинг биринга айғил отимга ем берсун». Малик андоғ қилди. Уларнинг отлари улуг эрди. Отлариндин охурлари адиз эрди. Анга оша билмади қозуқларни охур томинга қоқти. Одийлар кизлану туруб боқар эрдилар. Ул қозуқга ошиб яна қозуқ қоқар эрди. Мундоғин охурга ошиб отга ем берди. Иниб яна ем оғдургунча от емни тугатур эрди. Отга ем едурмадин, ем уза сиди. Сидук йизигиндин от ем емас бўлди. Ани кўруб Одийлар маликка айдилар малик уларни ўлтурур бўлди. Хотуни айди: Буларнинг қўлидан не келгай қўйғил, борсунлар. Сизнинг кучингиз уларга айтсунлар кўркуб келмагайлар теди. Аймишлар, уларнинг бириси бу олтисини кўтариб бир оясига қўйди, яна олтисини яна бир оясига қўйиб бозорни кездурди. Мундоғ кишилар ёғилашу келмишлар теб бозор халқи кулуштилари. Малик уларга бир бош узум берди, озук учун. Кўтара билмадилар. Бир узун йиғочни узумнинг ўртасига суқтилар, йиб

бирла боғладилар. Олтиси бир ёндин яна олтиси бир ёндин экинларига қўйдилар. Эвларинга келгунча озуклари ул эрди. Йўлда сўзлаштилар: Одийларни мундоғ тесак қўрқ-ғайлар санчишга бормағайлар. Хотунларга, этмағалинг келиб Юшаъ ибн Нун сўзларди. Хотунлар бу сўзни эшит-тилар, эрларига айдилар. Қамуғ эрлар юрак олдурдилар. Мусоға айдилар: биз ул элга кирмасмиз, улар кучлук эр-мишлар. Ул элда бор эрканча кирмасми қачон чиқсалар киргаймиз *Қолу я Муса иннаа лан надхулаҳа абадан ма даму фиҳа фа ин яхружу минҳа фаиннаа дахилун* Мусо айди: ёрлиғ бўлди киринг. *Айдилар: сен тенгринг бирла борғил санчишғил биз мунда ўлтуруб турурмиз. Фазҳаб анта ва раббука фа қотилаа иннаа ҳаҳуна қоъидун* Мусо изи азза ва жаллаға ёлборди, айди: манинг буларга эрким йўқ. Ўзум тақи қариндошим бор биз қариндош бориб санчишалинг, бу фосиқлардин бизни қутқарғил, айирғил. *Инний ла амлику илла нафсий ва ахий фафруқ байнанаа ва байнал ковмил фасикин.* Ёрлиғ бўлди: булардин айирма-ғил булар ёнармиз теюрлар уларга йўл беркитгаймиз. Қирқ йил ёбонда қолғайлар элга борумағайлар. Уларнинг учун қазғурмағил сени сақлағайман *Қола фа иннҳа муҳарраматун алайҳим арбаъина санатан ятиҳуна фил арзи.*

ЯНА ЁНИНДА ҚОЛҒАН ҚИССА.

Ўттуз тун кун Мусоға келдилар, қаттиғ ун бирла айдилар: Биз мунда ҳалок бўлдуқ. Бизни мунда неча сақларсен, қўбғил бизни бир ёнға элтғил. Йўқ эрса ижозат берғил кеталинг. Сен қаёнға борур эрсанг борғил. Мусо тонгласи тебради. Кечага тегру юридилар манзилга етдук теб сақин-дилар. Кўрдилар, тонг бирла тебраган ерга келмишлар. Ён озуклари туғанди йилқи қораларини едилар, ожиз қол-дилар. Мусоға ёлбору бошладилар. Мусо айди: Қамуғи маъсиятингиз шумлуқи турур. Яна дуо қилди: изиё, қамуғ санинг қулларинг турур, нодонлик қилдилар буларни ҳалок қилдинг эрса Яъқуб ялавоч уруғиндин сени бирлаган ҳеч кимарса қолмади. Аллоҳумма урзукнаа мин фазлик. Фазлингдин бизга рўзи берғил тею дуо қилди. Мавло таоло дуосин ижобат қилди *«Манна вас-салво»* каромат қилди. «МАННА» яндоқ шакари бўлур, «салво» булдурчин эти бўлур сунклунмиш. Тунла шакар ёғар ўн кун егуча терарлар, суклунмиш булдурчин йағар улар егуча ва анзалнаа алайкум алманна вас-салва сусадиладар сув қўлдилар. ЁРЛИҒ келди: эй Мусо, таёқингни тошға ургил. Урди эрса ўн икки йул билгурди. *Фа қулназ ribs биасокал ҳажар фанфажарат минҳусната ашара айна.* Текма бир сибтға бир йул оқар сув бўлди ўз ариқларини билур эрдилар. *Қод алима қуллу*

унасин машрабахум. Бир йил мундоғин турдилар тунлари, кийимлари, чодирлари ўпради. Кун иссиғига тоқат тутмаз бўлдилар, ёлбордилар Мусога. Дуо қилди булут оғди тун адук ёға бошлади. Текма бирининг бўйига лойиқ ёш ўғлонга теги ўғлон улғормишинча тун узаюр эрди. Ой эскирмишинча қоронғулук бўлса Мавло таоло кўкдин бир сандук ёруқ изур эрди ва золалнаа алайҳимул ғомама. Қирқ йил мундоғ кун кечурдилар шакар ею, сукланмиш эт ею аниқ тўн киб булут кўлакасинда турдилар. Масъалада келмиш, кимарса фориг қолса қайғурур. Тўйғинча эт, шакар едилар. Булар бириси таъом емишда кезин ул этдин олиб ёрин емак учун қўйди кеча ул эт сасиди. Аймишлар, Одамдин Мусо вақтига теги пишган ош кеча қолса сасимас эрди. Бирагу кўз қилиб сақлади эрса сасиди. Ул кундин бери пишган ош кеча қолса сасир бўлди. ХАБАРДА келур. Расул алайҳис-салом айди: *Лав ла бану Исроила ма хубизат таому катта, ҳадис*. Бани Исроил бўлмаса пишган ош ортқай эрди. Яна айдилар: Эй Мусо дуо қилғил, изи азза ва жалла ердин унган зарғун, тарин, сармусоқ, йасмуқ, суғон берсун. *Фадъу ланна раббака юхриж ланаа мин ма тунби-тул арзу мин бақлиха ва қиссаиҳа ва фумиҳа ва ағасиҳа басалиҳа қола а тасдаб дилунал лази ҳува ағна бил лази ҳува хайр* Мусо айди: Устун неъматни қўюб остин неъмат-му тилаюрсиз.

Аймишлар, бу қирқ йил ичинда тирноқлари узамади, сочлари тароқға муҳтож бўлмади, тўнлари уйрамади. Кир бўлса ўтга солур эрдилар. Кири куяр эрди, тўнлари куймас эрди. Мундағин қирқ йил ул ёбонда қолдилар. Аммо ул сўзким «БАЛЪАМ БОЪУР» дуоси бирла қолди ялғон турур ани тингламагу. Улар ўз шумлуқиндин ёбонда қолдилар.

ФОЙДА. Ул ёбонда Мусо дуоси бирла ануқ, тўнлар кийдилар, ануқ неъматлар едилар. Биз ёзуқлуғлар Муҳаммад расулulloҳ дуоси бирла ужмоҳ неъматин еб мавло дийдорин булсамиз ҳеч ажиб ва ғариб эрмас.

ТАВРОТНИНГ ҚИССАСИ

Яна айдилар: Эй Мусо, бизга ваъда қилмиш эрдинг мавло таоло манга китоб индирур теб. Эмди қулғил ул китоб келсун. Мусо Тур тоғинга келди, муножот қилди, айди: Изие, сен билурсен, ким не тилаюр бўлар. Мавло таоло «ТАВРОТ» отлиғ китобни Мусога изди. Минг суралиғ оёт ўн лавҳ узра битиклик. Аймишлар, лавҳ яшил забаржаддин эрди. Аймишлар, қизил ёкут. «ТАВРОТ»ни битиган қаламнинг унин Мусо эшитур эрди. Бу лавҳ ўн йўли Мусо ўнгинда инди. Ёрлиғ келди кўтургил тею. Мусо қўтурмади. Мавло таоло текма сура сайин бир фаришта изди, қў-

тара билмадилар. Текма ҳарф бир оят сайин бир фаришта изди кўтара билмадилар. Текма ҳарф сайин бир фаришта изди ҳам кўтара билмадилар. Ёрлиғ бўлди Мусоға бир йўли ла ҳавла ва ла қуввата илла биллах, тегил. Қачон Мусо бу калимани айди эрса, «Таврот»ни ёлғуз кўтарди. Қавмига келди, бани Исроил улуғ — кичик, эр — хотун етти тун кун куюб турдилар. Мусо келди азин ерга ошти. Айди: тенгри, изза ва жалла, бу китобни сизга изди. Ибрий тилинча бу китобда етти минг буйруқ бор, тоъатга етти минг тийиғ бор, маъсиятга етти минг ўгут бор, етти минг эзгулук-эхсон бор. Бани Исроил қачон буларни эшитилар эрса айдилар, буларни ким сақлаю билгай. Ул табунганимиз бузағу бизга йиграк бу кўтургандин тедилар. Мусо айди: Сизлар не кишиларсиз, ўзунгиз китоб қилдингиз, яна унамассиз теб дуо қилди: Изийе, ман булардин ёрлиқтим, сан билгил. Мусо черики ўн икки йигочлик ер ичинда тушар эрдилар. Жаброилга ёрлиқ бўлди Фаластин тоғлариндин бу мунча черикни босғуча тоғни тубиндин камуруб келтуруб уларнинг бошлари уза тутди. Ва из на-тақнал жабала фавқаҳум кааннаҳу зуллатун. Мусо айди: Қабул қилинг, қилмадингиз эрса бу тоғ тепангизга тушар, қамуғингизни янчар. Унамадилар тоғ инди, тепаларинга тегди, учаларин бости, юзун тушдилар. Сингар янғоқларин ерга қуюб сингар кўзларин бирла тоққа боқтилар. Мундин ортуқ инса қабул қилалинг, инмаса қабул қилмагалинг, тедилар. Тоғ иди янғоқларинга тегди эрса қабул қилдилар.

Бу кун жуҳудлар айтурлар, оталаримиз мундоғ қилиб балодин қуртулдилар теб, андоғ намоз қилурлар.

ОЯТ, ҲАДИС ВА АРАБЧА ШЕЪРЛАРНИНГ ТАРЖИМАСИ

Оятларнинг таржимасини саҳифаларига қараб тартиб билан ўқинг

9- бет

1. Батаҳқиқ биз Одам болаларини мукаррам қилдик.
2. ...Аёлларга қараганда уларнинг даражалари ортиқ.
3. Ва албатта бу менинг йўлим, тўғри қилиб қўйилган, киринглар бу йўлга.
4. Батаҳқиқ сизларга ўзинглардан бўлган элчи, яъни пайғамбар келди.
5. Сизлар одамлар учун яратилган энг яхши умматдурсизлар.
6. У сизларни шакллантирди ва шаклларингизни гузал қилди. Оллоҳга шукр берган нарсаси учун. У қандоғ ҳам яхши парвардигор ва қандоғ ҳам яхши дўст.
7. Сенинг ҳаётинг билан қасамёд этаман.
8. Агар сен бўлмаганингда эди фалакларни яратмаган бўлур эдим.
9. Поқдур ул Оллоҳ ки олиб юрди (уни) кечаси...
10. Ва Оллоҳ сени одамлардан сақлайди.
11. Ва албатта сен улўғ аҳлоқлик инсонсен.
12. Сен ерда керилиб юрма.
13. Ва агар бандаларим мени сўрасалар сендан, мен жуда ҳам яқин-дурмен.
14. Ва аммо тиланчини жеркиб қайтарма.
15. Кўз тоймади ва ҳам ҳаддан ошмади.
16. Икки камон масофасича яқинлашди ёки ундан ҳам яқинроқ...
17. Ва тез фурсатда парвардигоринг берур сенга ва бас сен рози бўлурсен.
18. Улар тавба қилувчилардурлар, ва ибодат қилувчилардурлар, ва шукр айтувчилардурлар.
19. Кечанинг баъзи қисмида Қуръон билан бедор тур, (бу эса) сенга нафлдур.
20. Оллоҳ бандасига айтган сиррини айтди ёки берган ваҳйини берди.
21. Сенга бўлган сано (мақтов) ни санаб охирига чиқаолмайман.
22. Кечасида қоим бўл, магар озгина қисмида...
23. Улфатландирмак учун Қурайш қабиласини...
24. Биз сени уларга гувоҳ қилиб келтирдик.

10-бет

1. Шоят сенга парвардигоринг юборса (улўғ мақомни).
2. Оё Оллоҳ бандасига кифоя қилгучи эмасму?
3. Албатта сен тўғри йўлга бошлайсан.
4. Рамазон ойи шундай ойдурки, унда Қуръон эндирилгандур.
5. Қиёмат яқинлашди ва ой иккига бўлинди.
6. Ҳақиқатда биз юбордик сени гувоҳлик бергувчи ва башорат бергувчи қилиб.
7. Унга кўп салом айтинглар.

11- бет

1. Оллоҳнинг элчиси Муҳаммад пайғамбар (с) дедилар... Оллоҳ дедикки мен бир яширин хазина эрдим, бас/мени танисин деб/халқни яратдим.

12- бет

1. Осмон аниқ бир тутун келтирган куни...
2. Сўнг осмон томонига юзланди ва уларни етти қават осмон қилиб яратди.
3. Ва ерни ундан кейин тўшади.
4. Оллоҳ шундай зотки, у етти осмонни яратибдур ва ерлардан ҳам шунчани.
5. Оё биз ерни тўшак қилиб бермадикму?
6. Батаҳқиқ биз осмонларни, ерни ва уларнинг ўрталаридаги бор нарсаларни олти кунда яратдик.
7. Оллоҳнинг элчиси деди: шошилиш шайтоннинг иши ва шошил-маслик Раҳмоннинг ишидур.

13- бет

1. Ерларнинг сифати.
2. Фаришталар, жинлар ва одамларнинг яратилиши ҳақида сўз.

14- бет

1. Эслагин, эй Муҳаммад, ул вақтики парвардигоринг фаришталарга деди: сажда қилинглар Одамга, бас сажда қилдилар ҳаммалари, аммо иблис сажда қилмади.
2. Иблис жинлардан эрди.
3. Ва ундан илгари жинларни яратдик биз эсиб турган ўздан.
4. Албатта мен ер юзида халифа (ўринбосар) яратмоқчиман.

15- бет

1. Сизлар билмаган нарсаларни мен биламан.
2. Сизлар билмаган нарсаларни мен биламан.
3. Мен биламанки сизларнинг ибодатларингиз ужб (ўзига зеб бериш) билан аралашган, чунки сизлар биз дедингиз ва уларнинг гуноҳ ишлари узр билан аралашган. Узрли гуноҳ менинг наздимда ужблик ибодатдан маҳбуброқдур.
4. Эй парвардигоримиз, биз ўзимизга ўзимиз зулм қилдик.
5. Яқинлашманглр мана бу дарахтга.
6. Кейин танлаб олди уни парвардигори.
7. Ҳақиқатан Оллоҳ Одамни танлаб олди.
8. Сажда қилинглар, таъзим қилинглр Одамга.

9. Ва ўргатди Оллоҳ Одамга ҳамма нарсаларнинг отларини.

16- бет

1. Пайғамбар (с) дедилар: Кимда ким дунё ажойибларини кўрмоқчи бўлса Одам алайҳис-салом қиссасига қарасин.

17- бет

1. Худо исмига қасамёд этаманки, агар Оллоҳ уни мени устимдан ҳукмрон қилиб қўйса мен унга бўйунсунмагайман ва агар мени унинг устидан ҳукмрон қилиб қўйса уни ўлдургайман.
2. Ва у кофирлардан эрди.
3. Одамларнинг парвардигори бўлган Худога ҳамд (яъни мақтов бўлсин).
4. Парвардигоринг сенга раҳмат қилсун, мен сени ана шунинг учун яратдим.
5. Ва инсон шошиладурган бир махлуқ қилиб яратилди.

18- бет

1. Ва сизларга ваъда қилинган жаннат башорат бўлсин.
1. Чунки мен ернинг устки қаватидан яратилдим.
2. Чунки у (Хавва) тирик жондан яратилди.

19- бет

1. Ҳамд менинг мақтовим, менинг исмим Оллоҳ, раҳмон менинг хазиналаримни калити, раҳим гуноҳкорларимнинг гуноҳини кечиш калити, улуғлик менинг лозимим, буюклик менинг тўним, азизлик ва сахийлик менинг гўзаллигим, гўзаллик ва улуғлик менинг мартабам, инсонлар ҳаммаси менинг қулларим ва чўриларим, анбиёлар ва пайғамбарлар менинг элчиларимдир ва танлаган бандаларимдир, Муҳаммад менинг ҳабибим ва пайғамбарим ва унинг умматлари умматларнинг яхшисидир ва менинг севган дўстларимдир. Мен батаҳқиқ нарсаларни жуфт яратдим, токи уни билан менинг бирлигимга исбот топсинлар. Шоҳид бўлинглар, менинг фаришталарим, ва менинг аршимни кўтариб тургучилар, ва менинг осмонимдаги сокинларки Мен батаҳқиқ жуфтладим чўрим Ҳаввони қудратимнинг санъати бўлган ва яратишимнинг ажойиботи бўлган Одамга. Менга тасбеҳ айтиш (Субҳоноллоҳ деб) ва таҳлил айтиш (ла илаҳа иллаллаҳ деб) ва одам болаларининг намоз ўқиши маҳр қилинди. Эй Одам, жаннатимга кир ва меваларимдан тановвул қил. Мана бу дарахтга яқинлашманглар. Салом бўлсин ҳар иккалангларга ва менинг раҳматим ҳам бўлсин. Одамларнинг парвардигори бўлган Оллоҳга шуқр.

4. Эй Одам, сен ва хотунинг иккаланг шу жаннатда туринглар ва ундаги мевалардан хоҳлаганларингни енглар ва мана бу дарахтга яқинлашманглар. (Агар яқинлашсанглар) золимлардан бўлиб қоласизлар.

20- бет

1. Ва ўргатди Оллоҳ Одамга ҳамма нарсанинг номини, сўнг уларни фаришталарга кўрсатди ва деди: қани айтинглар менга бу нарсаларнинг номларини, агар сизлар ростгўй бўлсангизлар.

2. Улар дедиларки (эй парвардигор) Сен покдурсан, Сен ўргатгандан бошқа бизда ҳеч илм йўқдур.

3. Эй Одам, буларга ана у нарсаларнинг номларини айтиб бер.

4. Оё, айтмадимми сизларга ки мен сизларнинг билмайдурган нарсаларингни биламан.

5. Сажда қилинглар, яъни таъзим қилинглар Одамга.

6. Бас фаришталар ҳаммалари баробарига сажда (таъзим) қилдилар.

21- бет

1. ...Магар иблис, у инкор қилди, ва кибр қилди ва у кофирлардан бўлди.

2. Нима нарса сенга монӣълик қилди?

3. Сен мени оловдан яратдинг ва уни лойдан яратдинг.

4. Кимики бирор нарса билан фахрланса, ўша нарса билан азобланур.

5. Эй парвардигорим, улар тириладурган кунга қадар менга муҳлат бер.

6. Албатта сен муҳлат берилганлардандурсен, то маълум вақтнинг кунигача.

22- бет

1. Одам боласи танида қон қандай юрса шайтон ана шундай одам ичида юради.

2. Мен ер юзида халифа (яъни ўринбосар) яратмоқчиман.

3. Албатта Оллоҳ таоло мўминлардан жонларини ва молларини уларга жаннат бериб сотиб олди.

4. Шоир айтганидек:

Сотиладурган нарса тақводорнинг жони

Унинг харидори инсониятнинг парвардигори

Унинг баҳоси Оллоҳнинг жаннати

Унинг далили Оллоҳнинг мухтор элчиси

Исботлаган уни Таврот

Инжилу Забуру Қуръони ҳам.

5. Оё мен сизларнинг парвардигорингиз эмасманму?

6. Ори, парвардигоримизсен.

23- бет

1. Ана улар жаннатда ва мен парво қилмайман, ва ана улар дўзахда ва мен парво қилмайман.

2. Дарҳақиқат балонинг энг қаттиғи пайғамбарларга келур, ундан сўнг авлиёларга келур ва ундан сўнг тартиб билан...

24- бет

1. Агар ул иккаласининг меңдан қандай қочганини кўрсанг эди.

2. (Эй Одам), сенга мевасини еса абадий боқий қоладурган дарахтни ва фоний бўлмайдурган подшоҳликни кўрсатайми?

3. Бас у (яъни Одам) эсидан чиқарди ва унда пухталиқ топмадик.

4. Бас у (яъни Одам) эсидан чиқарди ва унда пухталиқ топмадик.

5. У такаббурлик қилди ва у кофирлардан бўлди.

25- бет

1. Азалда бўлган иноят абадий кифоя қилур.

2. Ва улар жаннат дарахтлари баргларидан унинг (авратларининг) устини ёпа бошладилар.

3. Ҳар бир дарахтда олов бордур.

4. Оловлик қилгандур ани Ғаффор.

5. Ҳақиқатда шайтон сиз иккалангизга ошкоро душмандур.

26- бет

1. Бу ердан ҳамманглар тушинглар дедик.

2. Эй парвардигоримиз, биз ўз ўзимизга зулм қилдик, ва агар сен бизни гуноҳимизни кечмасанг ва бизга раҳминг келмаса, унда зиён тортгучилардан бўлиб қоламиз.

27- бет

1. Бир қўй баракадур, икки қўй икки баракадур, ва уч қўй эса хазинадур.

28- бет

1. Унга (у хотунга) енгил бир юк пайдо бўлди.

2. Ўша юк (ҳамл) оғирлашганда ҳар иккалалари Оллоҳга ёлбордилар...

3. Эй Али, Муҳаммадни ювманглар, чунки у пок ва поклангандур.

4. Оллоҳ сенга кўп яхши мукофот берсин.

29- бет

1. Сен уларга Одамнинг икки ўглин воқеасини ҳақиқат қилиб ўқиб эшитдиргин. Вақтики улар ҳар икковлари қурбонлик қилдилар, уларнинг фақат битталарининг қурбонлиги қабул қилинди...

2. Банд сўзи луғатда... ўн минг эр демақдур.

30- бет

1. Агар сен мени ўлдирмак учун қўл узатсанг, мен сени ўлдирмак учун қўл узатмасман. Албатта мен оламларни парвардигори Оллоҳдан қўрқарман.

2. Кимки бир яхши одатни чиқарса унга ўша одатнинг савоби бўлур ва то қиёмат кунига қадар шу одатга амал қилганларнинг ҳам савоби унга бўлур. Ва кимки бир ёмон одатни чиқарса унга ўша одатнинг гуноҳи бўлур ва шунингдек то қиёмат кунига қадар ўша ёмон одатга амал қилганларнинг ҳам гуноҳи ўша одамга бўлур.

3. Биз Бани Исроилга шуни ҳукм қилиб ёзиб бердикки, кимики, бирор одамни ўлдирмаган ёки бирор фасод иш қилмаган бир тирик жонни ўлдирса у гўё тамом одамларни ўлдирган бўлур ва кимики бир жонни ўлимдан сақлаб қолса у гўё ҳамма одамларни ўлимдан сақлаб қолган бўлур.

30- бет

1. Кейин Оллоҳ Таоло бир қаргани юборди. У (қарга) биродарининг жуссасини қандай дафн қилишни кўрсатиш учун ерни ковлар эрди. У эй афсус мен шу қаргачалик ҳам бўла олмадим биродаримни танасини дафн қилишда ва у надомат қилгувчилардан бўлиб қолди.

2. Ҳақиқатда бизлар (олинглар деб) кўрсатдик омонатни осмонларга ва ерга ва тоғларга...

31- бет

1. Уларнинг тили билан (Эй парвардигоримиз, жинлардан ва инслардан, бизларни тўғри йўлдан адаштирганларни кўрсатгилки, биз уларни қадамларимиз остига олайлик, токи улар энг паст хорланганлардан бўлсинлар).

32- бет

1. Албатта мен бундан илгари менга шерик қилган нарсаларингиздан безорман.

2. Эй ер, ол муни.

3. Эй ер, ол муни.

4. Эй ер, ол муни.

33- бет

1. Ул шахарда тўққиз нафар эрлар бор эдики улар...

2. Қандай яхши ҳунар туқувчилик хотин-қиз умматларимга, ва қандай яхши ҳунар тикувчилик эр умматларимга, агар уларда ёлғончилик бўлмаса эди.

34- бет

Ул одамларики айтадурлар:

1. «Оллоҳ бизнинг парвардигоримиз», сўнг (ишларида) тўғри бўлдилар.

2. Ҳаммаларингиз биргаликда Оллоҳ Таолонинг ҳидоят ипини маҳкам тутинглар.

35- бет

1. Ҳақиқатда у ғоятда ростгўй пайғамбар эди ва биз уни баланд мартабага кўтардик.

37- бет

1. Ҳар бир тирик жон ўлим мазасини тотиб кўрувчидир.

2. Сизларнинг ҳар битталарингиз албатта унинг (жаҳаннамнинг) лабига келгувчидирсизлар.

3. Улар ул ердан чиқарилмаслар.

4. Менинг бандам тўғри айтади, қўйинглар уни, менинг марҳаматим билан жаннатга дохил бўлсин.

5. Бугун ҳукм кимнинг қўлидадур. Ёлғиз ғолиб Оллоҳнинг қўлидадур.

38- бет

1. Аршни кўтариб турганлар ва унинг атрофидагилар парвардигорларининг ҳамди билан тасбиҳ айтиб турадилар ва Унга (Оллоҳга) имон келтирадилар ва мўминларнинг гуноҳларини кечиришни сўраб турадилар.

39- бет

1. Мен албатта сизлар учун равшан қўрқитувчидирман.

2. Парвардигорларингиздан мағфират талаб қилинглар. У албатта гуноҳларни кечирувчидир.

3. Эй парвардигорим, ер юзида бирорта кофирни қолдирмагин.

4. Сўнг биз уни ва унинг билан кемада бўлганларни қутқариб қолдик.

5. Эй Нух, бизнинг тарафимиздан саломатлик ила тушгин.

6. Салом бўлсин Нухга аҳли олам ичида.

40- бет

1. Эй парвардигорим, мен қавмимни кечаю кундуз даъват қилдим, лекин менинг чақиришим уларнинг нафратларинигина зиёда қилди.

41- бет

1. Эй парвардигорим, ер юзида бирорта кофирни қолдирмагин.

2. Сен пайгамбар эдинг энди дурадгор бўлиб қолдинг.

3. Қачон унинг ёнидан қавмининг раислари ўтса уни масхара қилар эдилар.

4. У (яъни Нух) деди: «Агар сизлар бизни масхара қилсаларингиз бизлар ҳам сизлар масхара қилгандек масхара қиламиз. Жуда ҳам тезда биласизлар (ким ҳақ эканлигини)».

5. Миндир кемага ҳар хил жонивордан бир эр ва бир урғочисини ва аҳлингни ҳам.

42- бет

1. У деди: «Мен бир тоғ томонга паноҳ оламан у мени сувдан сақлайди».

2. (Нух) деди: «Бугун Худонинг азобидан қутқарадурган ҳеч бир зот йўқдир, магар Худонинг раҳматига сазовор бўлган одамгина омон қолади».

3. Салом бўлсин Нух пайгамбарга аҳли олам ичида. Албатта биз яхши амал қилгучиларни ана шундоқ мукофотлаймиз. Ҳақиқатда у бизнинг мўмин бандаларимиздан эди.

43- бет

1. У кема сузар эди кўз олдимизда, токи мукофот бўлсин ёлғонсан дейилган одамга (яъни Нух пайгамбарга).

2. Осмон эшикларини қуйиб оқадиган сувга очиб ташладик ва ерда чашмаларни оқизиб қўйдик.

44- бет

1. Ва ҳукми Илоҳий томонидан айтилдики, эй ер сувингни ют, ва эй осмон ёғишингни тўхтат.

2. Ва қарор топти (кема) Жудий номли тоғ устида.

45- бет

1. Кафолат (яъни бирор нарсага кафил бўлиш) аввали маломатдур ва ўртаси надоматдур ва охири эса жарима тўлашдур. Кимики ишонмаса синаб кўрсин.

2. Эй Нуҳ, биз томондан бўлган саломатлик ила туш.

47- бет

1. Ва Од қабиласига уларнинг биродарлари Ҳудни (юбордик).
2. Эй менинг қавмим, Оллоҳга ибодат қилинглар.
3. Улар дедилар: Эй Ҳуд, сен бизларга бирорта ҳужжат келтирмадинг.
4. Бас, ваъда қилган нарсангни олиб кел.

48- бет

1. Ва мен сизларга олиб келган нарсамни етказмоқдаман.
2. Ва лекин сизларни жоҳил қавм кўраман.
3. Ва Од қабиласига уларнинг биродарлари Ҳудни (юбордик).
4. Оё сен бизларни худоларимизнинг ибодатидан қайтармоқ учун келдингми?
5. Ким экан биздан кучлироқ.
6. Эй қавмим, Оллоҳга топининглар. Сизларга ундан бошқа бирор худо йўқдир.
7. Уни билишлик фақат Оллоҳнинг наздида.
8. Мен сизларга олиб келган нарсамни етказмоқдаман.
9. Ва лекин сизларни жоҳил қавм кўраман.

49- бет

1. Эй бор Худое, агар Ҳуднинг айтгани рост бўлса, унда бизларни сероб қилгил.
2. Мен қулни ихтиёр қилдим.

50- бет

1. Ва аммо Од (қавми) бўлса, улар ниҳоятда тез эсадиган совуқ шамол билан ҳалок қилиндилар.
2. Бизларни Ҳуднинг шамоли тебратди.
3. Халхон (исмлик баҳодир)дан бошқа ҳеч ким қолмади.
4. Ва аммо Од (қавми) бўлса, улар ниҳоятда тез эсадиган совуқ шамол билан ҳалок қилиндилар. У шамолни Оллоҳ уларнинг устига етти кеча ва саккиз кундуз муттасил мусаллат қилиб қўйган эди.
5. Улар гўё хурмо дарахтининг ичи қавак тўнкаларига ўхшарди.

51- бет

1. Ва Самуд (қабиласига) уларнинг биродарлари Солиҳни (юбордик).
2. Ундан мағфират тиланглар, кейин унга тавба қилинглр.
3. Оё сен бизни ота-боболаримиз ибодат қилиб келган нарсага ибодат қилишимиздан қайтармоқчимисан?
4. Уларга Оллоҳнинг элчиси айтди: (ҳурмат қилинглр) Оллоҳнинг туясини ва унинг ичиш навбатини.
5. Ҳақиқатда менинг парвардигорим яқиндур, қабул қилгувчидир.
6. Улар тоғлардан уйлар қилур эрдилар, хотиржамлик билан (туриш учун).
7. Самуд қавмига уларнинг биродарлари Солиҳни юбордик.
8. Эй Солиҳ сен аввалда бизнинг орамизда умид қилинган киши эдинг.
9. Оё, сен бизни ота-боболаримиз ибодат қилиб келган нарсага ибодат қилишимиздан қайтармоқчимисан?

52- бет

1. Ва албатта, бизлар сен даъват қилиб тарғиб қилаётган дин ҳақида қаттиқ шакдамиз.

54- бет

1. Ягона Оллоҳдан бошқа бирорта маъбуд йуқ ва мен Солиҳ, Оллоҳнинг элчисидурман.
2. Уларга хабар бергинки, сув(нинг ичилиши) улар уртасида тақсим қилингандур.
3. Ўша шаҳарда тўққиз нафар (фосиқ) бор эди. Улар ер юзида фасод иш билан шуғулланар эдилар ва ислоҳ қилмас эдилар.
4. Вақтики турди уларнинг энг бадбахтлари.

57- бет

1. Улар уни (Солиҳни) ёлғончи дедилар ва туянинг оёғини кесдилар.
2. Худо билан қасам ичинглр, биз албатта, уни ва унинг оиласини кечаси босиб қоламиз.
3. Улар (ўзлари билганларича) бир навъ макр қилдилар ва бизлар ҳам унга қарши тадбир қилдик ва улар (буни) сезмас эдилар.
4. Қара, уларнинг макрларининг оқибати қандай бўлдики, биз уларни ва қавмини ҳаммаларини ҳалок қилдик.
5. Ва улар (буни) сезмас эдилар.
6. Ўша шаҳарда тўққиз нафар (фосиқ) бор эди. Улар ер юзида фасод ишлар билан шуғулланар эдилар ва ислоҳ қилмас эрдилар.

59- бет

1. Ҳақиқатда биз уларга бир наъра юбордик ва улар молхонада ҳайвонлар оёғи остида қолган босилган ҳашакдек бўлиб қолдилар.

2. Босилган хашақдек бўлиб қолдилар.
3. Ёндириглар уни ва маъдад беринглар маъбудларингга.
4. Унинг (Оллоҳнинг) менинг ҳолимни билишлиги сўрашимга ҳожат қолдирмайди.
5. Бутун оламларнинг парвардигорига итоат қилдим.
6. Ва Оллоҳ таоло Иброҳимни ўзига дўст қилиб олди.
7. Эй олов, Иброҳим учун совуқ ва саломат бўл.

61- бет

1. Кейин, кеч кириб қоронғу тушганда юлдузни кўрди ва «мана бу менинг парвардигорим»,— деди.
2. Яъни масхара юзасидан дедик: «Шунга ўхшаш нарсa менинг парвардигорим бўладими?»
3. Мен ботиб кетувчи нарсани севмасман.
4. Агар парвардигорим мени тўғри йўлга бошламаса у ҳолда мен албатта гумроҳлардан бўлиб қоламан.
5. Қуёшни чиқиб келаётганини кўрганда, «мана бу менинг раббим, бу каттароқ экан»,— деди.
6. Албатта, мен сизлар Худога шерик қилаётган нарсаларингиздан безорман.
7. Мен ер ва осмонларни яратган зот томонига юзимни таслим бўлган ҳолимда йўналтирдим.
8. Тулки бошига сийиб кетган нарсa парвардигорми ва у бошдаги тешик кўзми?
Бошига тулки сийиб кетган нарсa албатта, хордур.
Тўғри йўлдан адаштирадурган ва Оллоҳга шерик қилинадурган нарсаларнинг ҳаммасидан безорман.
Ва голиб бир Оллоҳга имон келтирдим.

62- бет

1. Эй отагинам, ҳақиқатда менга илмдан сенга келмаган нарсa келди, шунинг учун менга эргашгин.
2. Эй отагинам, шайтонга ибодат қилманг, ҳақиқатда шайтон Раҳмон отли Худога осийдур.
3. Агар сен (бизнинг худоларимизни ҳақорат қилишдан) тўхтамасанг сени тошбўрон қилиб ўлдираман, мендан абадул-абадга узоқ бўл.
4. Иброҳим деди: «Салом бўлсин сенга, мен парвардигоримдан сенинг учун мағфират тилайман, ҳақиқатда У менга кўп меҳрибондур».
5. Худо номи билан қасамёд қиламанки, сизлар орқа ўгириб кетганларингиздан кейин бутларингизни иложини қиламан.
6. Иброҳим деди: «Қани емайсизларми, нима бўлди сизларга, гапирмайсизлар».
7. Улар дедилар: «Ким бизнинг маъбудларимизга бу ишни қилди? Ҳақиқатда у золимлардандир».
8. Улар дедилар: «Олиб келинглар уни одамларнинг кўз олдида, шояд улар гувоҳ бўлсалар».

9. Ҳамчуноники дебдурлар: «Давлат адолат билан қоим бўлади агарчи дорул куфр бўлса ҳам ва давлат жабру зулм билан ҳеч қачон боқий қолмайди агарчи имонлик одам қўлида бўлса ҳам».

63- бет

1. Сен қилдингми бу ишларни бизнинг маъбудларимизга нисбатан, эй Иброҳим?
2. Сўранглар ўзларидан, агар улар сўзласалар.
3. Оё сизлар Оллоҳни қўйиб сизларга бирор нарсада нафъи тегмайдиган ва зарари ҳам йўқ нарсага ибодат қиласизларми?
4. Вақтики Иброҳим деди: «Менинг парвардигорим шундай зотки, у тирилтиради ва ўлдиради».
5. У дедик: мен ҳам тирилтираман ва ўлдираман.
6. Ҳақиқатда Оллоҳ таоло қуёшни машриқдан чиқаради ва сен уни мағрибдан чиқариб кўр.
7. У кофир ҳайрон бўлиб қолди.
8. Кейин улар ўзларига келдилар ва дедилар (баъзилари баъзиларига:) албатта, фақат сизлар золимсизлар.

64- бет

1. Улар дедилар: «ёндиринглар уни ва маъбудларингларга мадад беринглар».
2. Кимики унинг қалбида Оллоҳнинг ўти бўлса қандай қилиб у одамларнинг ёндирган ўтидан кўрқсин.
3. Менинг қалбимдаги ўт сизларнинг ёндирган ўтинглардан кучлироқ, чунки менинг қалбимдаги ўт Оллоҳ таолонинг ўтидур ва сизларнинг ўтингиз эса бу дунёнинг ўтидур.

65- бет

1. Мен парвардигорим сари кетувчиман, У мени тўғри йўлга бошлайди.
2. Унинг ёмонлигидан Оллоҳдан паноҳ тилайман.
3. Бизга Худо кофийдир ва У қандоғ ҳам яхши кафилдир.
4. Бас, У қандоғ ҳам яхши эга ва қандоғ ҳам яхши мададкор.
5. Эй Иброҳим бирорта ҳожатинг борми?
6. Аммо сенга, ҳожатим йўқдир.
7. Унинг Оллоҳнинг менинг ҳолимни билишлиги сўрашимга ҳожат қолдирмайди.
8. Эй олов, Иброҳим учун совўқ ва саломат бўл.

66- бет

1. Эй Жаброил, тезда етиб бор ёрдам бериш учун бандамга.

2. Бир Оллоҳдан бошқа бирорта маъбуд йўқ ва сен, эй Иброҳим, Оллоҳнинг элчисидирсан.

3. Уша кечаси тиллар табдил топиб ўзгарди ва шунинг учун Бобил деб аталиб қолди.

68- бет

1. Улар ёмон макрларини қилиб кўрдилар ва уларнинг ёмон тадбирлари Худо қошида эрди.

69- бет

1. У (Оллоҳ) хоҳлаган одамини гумроҳ қилиб қўяди ва хоҳлаган одамини тўғри йўлга солиб қўяди.

2. Бас келди Оллоҳнинг ҳукми иморатларининг асосларига, кейин у уларнинг устиларига тепадан йиқилиб тушди.

70- бет

1. Йўл тўсиб одамлардан нарсалар ундириб қолувчилардан ёмонроқ махлуқ йўқдир.

2. Ҳақиқатда ҳамма мўминлар бир-бирларига биродардирлар.

72- бет

1. У тирилтиради ва ўлдиради ва доим тирикдир, яхшилиқ унинг қудрат қўлидадир ва у ҳар бир нарсага қодирдир.

2. Мен гувоҳлик бераманки бир Оллоҳдан бошқа бирорта маъбуд йўқ ва шунингдек гувоҳлик бераманки албатта сен, эй Иброҳим Худонинг элчисидирсен.

73- бет

1. Эй отагинам, нимагаки буюрилган бўлсангиз бажаринг уни, иншаъаллоҳ мени сабр қилгувчилардан топажаксиз.

2. Биз унинг ўрнига катта бир сўюшлик жонивор бердик.

3. Албатта у ваъдасига содиқ банда эди ва элчи қилиб юборилган пайғамбар эди.

75- бет

1. Эй парвардигоримиз, албатта мен жойлаштирдим авлодларимнинг баъзисини ҳеч нарса ўсмайдирган бир водийда Сенинг ҳурматлик уйинг яқинида.

76- бет

1. Мен икки қурбонлиқнинг фарзандидирман.

2. Ва башорат бердик биз унгаки бир фарзанд бўлур оти Исҳок, у пайғамбар бўлур, солиҳ бандалардан бўлур.
3. Мен икки қурбонликнинг фарзандидирман.
4. Эй Иброҳим, тур ва қурбонлик қил.
5. Болангни қурбон қил.

78- бет

1. Эй ўғилчам, ман тушимда кўрсам сени сўйиб турибман, қара, сенинг раъйинг қандай?
2. Оё эшитмадингми, Оллоҳ таолонинг баъзи пайғамбарларига деганини: Менинг муҳаббатимни даъво қилган одам қандай қилиб кечаси унинг кўзига уйқу келади.

79- бет

1. Эй отагинам, нимагаки буюрилган бўлсангиз бажаринг уни.
2. Иншаъа-ллоҳ мени сабр қилғувчилардан топасиз.
3. Вақтики ҳар иккаласи Оллоҳнинг ҳукмига бўйсундилар ва болани пешонасини ерга қилиб ётқизди...
4. Бориб ет бандамнинг мададига.
5. Биз нидо қилиб дедикки эй Иброҳим тушни ҳақиқат қилдинг.
6. Албатта биз яхши амал қилғувчиларни ана шундай мукофотлаймиз.

80- бет

1. Биз унинг ўрнига катта бир сўюшлик жонивор бердик.
2. Оллоҳ улугдир, Оллоҳ улугдир.
3. Бир оллоҳдан ўзга бирорта маъбуд йўқ ва Оллоҳ улугдир.
4. Оллоҳ улугдир ва ҳақиқий мақтов Оллоҳга хосдир.

81- бет

1. Иккита калима, тилга енгил, аммо Оллоҳ қошида тарозуда оғир ва у икки калима шуки: Субҳана-ллоҳи ва биҳамдиҳи, иккинчиси эса: субҳана-ллоҳи ал-азим.
2. Мол дунёнинг ортиши охират зодининг камайишидир, мол ва дунёнинг камайиши эса охират зодининг зиёда бўлишидир.

82- бет

1. Эй парвардигоримиз, Сен биздан бу ишни қабул қил, албатта Сен эшитувчисан, билувчисан.
2. Эй парвардигоримиз, Сен уларга ўзларидан пайғамбар юборки уларга Сенинг оятларингни ўқиб берсин ва уларга Қуръони каримни ва ҳикматни ўргатсин ва уларни покласин, ҳақиқатда фақат Сен ғолиб ҳикматликсен.
3. Мен отам Иброҳимнинг дуосиман ва Исонинг башоратиман ва онам-Оминанинг тушиман.

4. Одамларга ҳаж ҳақида хабар бер.
5. Эй одамлар, дарҳақиқат Оллоҳ таоло сизлар учун бир уй қуриб қўйди ва уни зиёрат қилиб туришни буюрди, бас зиёратга келинглар.
6. Лаббай эй Худо лаббай, лаббай эй шериги йўқ лаббай, албатта ҳақиқий мақташлик ва ниъмат ва ҳукм фақат сенга хосдур. Сенга ҳеч бир шерик йўқ.
7. Ва биз унга башорат бердик Исҳоқ билан ва у пайғамбар бўлур.
8. Башорат бердик биз у хотинга Исҳоқ билан ва Исҳоқдан кейин Яъқуб билан.
9. Биз унга Исҳоқни бердик ва зиёда қилиб Яъқубни ҳам бердик ва ҳаммаларини солиҳ бандалардан қилдик.

83- бет

1. Кейин биз унга юмшоқ ва итоатлик фарзанд билан башорат бердик.
2. Териси Ийснинг териси ва овози Яъқубнинг овозидир.

84- бет

1. Мен тирилтираман ва ўлдираман.
2. Эй парвардигорим, ўликни қандай тирилтирасан? Менга кўрсат.
3. Оё ишонмайсанми?
4. Йўқ, ишонаман, лекин қалбим таскин топсин учун.
5. Эй парвардигорим, ўликни қандай тирилтирасан? Менга кўрсат.
6. Оё ишонмайсанми?
7. Лекин қалбим таскин топсин учун.
8. Кейин уларни сўйиб ҳар хил тоғнинг устига улардан бир-бир бўлагини қўйгин.

85- бет

1. Ҳақиқатда биз инсонни ниҳоятда гўзал бир шаклда яратдик.
2. Оллоҳ йўлида шаҳид бўлганларни ўликлар деб ҳисобламанглар, балким улар тирикдирлар.
3. Кейин уларни қақиргин улар сенга югуриб келадилар.
4. Ва билиб қўйгинки албатта, Оллоҳ таоло ғолибдур, ҳикматлиқдир.
5. У деди: «Эй парвардигорим, ўликни қандай тирилтирасан? Менга кўрсат».

86- бет

1. Ва баракот бердик биз унга ва Исҳоқга ва ҳар иккаласининг зуриётларидан баъзилари яхши ишлар қилгучи бўлурлар ва ўз нафсига очигдан очик зулм қилувчилар ҳам бўлур.
2. Дўстининг жонини олаётган дўстни кўрганмисан?
3. Ул вақтики уларнинг биродарлари Лут деди...
4. Келтир Оллоҳнинг азобини агар сен рост сўзлагувчилардан бўлсанг.
5. Остин-устин қилинган шаҳарларнинг хабарлари уларга келмади-ми? Келган эди уларга пайғамбарлари равшан муъжизалар билан.

6. Оё сизлар эркаклар билан яқинлик қиласизларми ва насл кўпайиш йўлини кесиб қўясизларми?

7. Ва бу нарса учун мен сизлардан ҳақ сўрамайман, менинг ҳаққим бутун оламларнинг парвардигори бўлган Оллоҳнинг бўйнигадир.

87- бет

1. ...Мана булар қизларимдир. Сизлар учун булар уларга қараганда покроқдир.

2. Ёки бир маҳкам паноҳ топсам эди.

3. Субҳ вақти яқин эмасми?

88- бет

1. Алайка ас-салом, сан кимсан?

2. Мен Жаброил Аминман.

3. Оллоҳ сенга салом айтди.

4. Ягона Оллоҳдан бошқа бирорта маъбуд йўқ, ва сен, эй Лут, Оллоҳнинг элчисан.

5. Қандоғ ҳам яхши эга ва қандоғ ҳам яхши мададкор.

90- бет

1. Ва бу нарса учун мен сизлардан ҳақ сўрамайман, менинг ҳаққим бутун оламларнинг парвардигори бўлган Оллоҳнинг бўйнигадир. Оламда эркаклар билан ётасизларми ва парвардигорингиз хотинларингиздан сизлар учун яратиб қўйган нарсани ташлайсизларми? Балки сизлар ҳаддан ошган қавмдирсизлар.

2. Эй Лут, агар сен сўзингдан қайтмасанг шаҳардан ҳайдаб чиқарилганлардан бўласан.

3. Ва Лутни юбордик, вақтики у қавмига деди: ҳақиқатда сизлар шундай бир ҳаёсизлар ишини қиласизларки сизлардан аввал бу ишни аҳли оламдан ҳеч ким қилмагандир.

4. У деди: оё сизлар эркаклар билан яқинлик қиласизларми ва насл кўпайиш йўлини кесиб қўясизларми?

5. Қавмининг жавоби фақат шу бўлдики, улар дедилар: «келтир Оллоҳнинг азобини агар сен рост сўзлагувчилардан бўлсанг».

6. Эй парвардигорим, фасод иш қилувчилар устидан менга нусрат бергайсан.

7. Ягона Оллоҳдан бошқа бирорта маъбуд йўқ ва Лут Оллоҳнинг элчиси.

8. Эй парвардигорим, золимлардан мени халос қил.

9. Лут хонадонини шаҳарларингиздан чиқаринглар чунки улар тозаликни ихтиёр қиладурган одамлардур.

91- бет

1. Оё етдими сенга Иброҳимнинг ҳурматлик меҳмонларининг хабарлари. Вақтики улар Иброҳимнинг устига кирдилар дедилар: «Салом». Иброҳим деди: «Салом, эй нотаниш одамлар».

2. Кейин у (Иброҳим) ўз аҳл томон буйруқ билан ўғирилди ва

тезда бир семиз бузоқни пишириб келтирди. Кейин у бузоқни меҳмонлар олдиға яқинлаштириб қўйди... неға емайсизлар деди.

3. Кейин Иброҳим дилида улардан қўрқинч пайдо бўлди. Улар дедилар: «Қўрқма».

4. Ва улар Иброҳимға бир олим бола билан башорат бердилар.

5. Севинчлик хабар бердик биз у хотинга (Сорага) Исҳоқ билан.

6. Оё мен туғаманми? Аҳволимиз шуки, мен кампир бўлсам ва мана бу эрим қариган чол бўлса.

7. Оё сен Худонинг қудратидан таажжуб қиласанми?

8. Иброҳим пайғамбар деди: «Энди муддаонглар нимадур, эй фаришталар?»

9. Ҳақиқатда бизлар бир гуноҳкор қавм устига юборилдик.

10. Магар Лутнинг хонадонини ҳалок қилмаймиз, албатта биз уларнинг ҳаммаларига нажот берамиз, магар Лутнинг хотинини ҳалок қилурмиз.

11. У ерда бир уйдан бошқа мусулмонлардан топмадик.

92- бет

1. Вақтики бизнинг элчиларимиз Лутнинг қошига келдилар, ғамгин бўлди улардан ва кўнгли сиқилди уларнинг келишларидан.

2. Лутнинг қавми унинг қошига шошилиб келдилар.

3. Мана булар менинг қизларим, улар сизлар учун покроқдурлар.

4. Мана булар менинг қизларим, агар бир иш қилмоқчи бўлсангизлар.

5. Улар дедилар: Сен батаҳқиқ биласанки бизнинг қизларингда ишимиз йўқ ва сен албатта билсан бизнинг муродимизни.

6. Бас Худодан қўрқинглар, ва меҳмонларим ҳақида мени шарманда қилманглар, ичингларда бирорта тўғри йўлни топган одам йўқми?

7. Эй Лут, бизлар парвардигорингни элчиларимиз, улар ҳаргиз сенга ета олмайдилар.

93- бет

1. Ҳақиқатда уларга ваъда қилинган вақт субҳ вақтидур.

2. Сабоҳ вақти яқин эмасми?

3. Ул мамлакатнинг устини остин қилиб юбордик, ва ёғдирдик уларнинг устига сопол тошларни устма-уст қилиб, у тошлар парвардигорнинг наздида ҳар қайсиси нишонга олинган эди, ва у тошлар бу золимлардан узоқ эмас эди.

4. Ва ғамдин унинг икки кўзи оқ бўлиб қолди, ва у (Яъқуб)нинг ичи хафагарчиликка тўлган эди.

5. Яъқуб деди: Ҳақиқатда аҳвол шулки, мен ўзимнинг дил дардимни ва хафагарчилигимни Худога арз қилмоқдаман.

6. Эй ўғилларим, боринглар кейин изланглар Юсуфни ва унинг укасини ва Оллоҳ таолонинг раҳматидан ноумид бўлманглар.

7. Олиб боринглар менинг мана бу кўйлагимни, сўнг уни унинг (Яъқуб)нинг юзига ташланглар, унинг кўзлари очилур.

94- бет

1. Таврот нозил қилинмасдан олдин Исроил ўғилларига ҳамма таом ҳалол эди, магар Исроил ўзига ҳаром қилган нарсаларгина.

95- бет

1. Ягона Оллоҳдан ўзга бирорта маъбуд йўқ ва Муҳаммад Оллоҳнинг элчисидир.

97- бет

1. Ягона Оллоҳдан ўзга бирорта маъбуд йўқ ва Яъқуб Оллоҳнинг элчисидир.

98- бет

1. Ягона Оллоҳдан ўзга бирорта маъбуд йўқ ва Яъқуб Оллоҳнинг элчисидир.

2. Ягона Оллоҳдан ўзга бирорта маъбуд йўқ ва Яъқуб Оллоҳнинг элчисидир.

3. Ягона Оллоҳдан ўзга бирорта маъбуд йўқ ва Яъқуб Оллоҳнинг элчисидир.

99- бет

1. Эй отажоним мен тушимда ўн бир юлдуз ва қуёшни ва ойни кўрдим, уларни менга сажда қилиб турганини кўрдим.

2. Эй ўғилчам, бу тушингни биродарларингга сўзламагинки тагин улар сенга бирор макр ишлатмасинлар.

3. Мени мамлакат хазиналари устидан тайинлагинки мен сақлағувчидирман, билувчидирман.

4. Эй парвардигорим, менга улар чақираётган нарсадан кўра ҳибсхона маҳбуброқдир.

5. Мени мусулмон бўлган ҳолимда жонимни ол ва яхши бандаларинг билан қовуштиргин мени.

6. Биз сенга энг яхши қиссани баён қилмоқчимиз.

101- бет

1. Улуғ баракотлик зот удурки осмонда катта-катта юлдузларни яратибдир.

2. Юлдузлик осмон билан қасамёд этаман.

3. Қасамёд этаман кечаси кўриниб кундузи яширинувчи, тўғри юриб сайр қилувчи, орқасига қайтувчи юлдузлар билан.

102- бет

1. Эй ўғилчам, бу тушингни биродарларингга сўзламагинки тагин

улар сенга бирор макр ишлатмасинлар. Ҳақиқатда шайтон инсонга ошкора душмандир.

2. Бўйун томирлари бўртиб чиқди, ва терилари жимирашди, ва туклари тик турди.

3. Вақтики дедилар: «Албатта Юсуф ва унинг укаси отамизга биздан кўра маҳбуброқ ваҳолангки биз кўпчилик жамоатмиз. Ҳақиқатда отамиз очиқдан очиқ адашгандирлар».

103- бет

1. Ўлдиришлар Юсуфни ёки узоқ ерга олиб бориб ташланглар.
2. Ва шундан кейин яхши бир қавм бўласизлар.
3. Улардан бир дегувчи деди: Юсуфни ўлдирманглар, уни бир қоронгу қудуққа ташлангларки уни баъзи бир йўловчилар олиб кетсин.

103- бет

1. Фавт бўлган гуллар қайтиб келди
Ва қушлар баланд овоз билан сайрай бошлади.
Раҳмати Илоҳийнинг осорларига бир боқ,
Ҳаётсиз ерни қандай тирилтиради.

104- бет

1. Юборинг уни эртага биз билан яйрасин ва ўйнасин.
2. Нима бўлди сенга Юсуфни бизга ишонмайсан, ва бизлар бўлсак унга хайрихоҳмиз.
3. Яъқуб деди: «Уни олиб кетишинглар мени хафа қилади. Ва сизлар фафлатда қолиб уни бўри еб кетади деб қўрқаман».

106- бет

1. Сўз тўхтади ва савол соқит бўлди.

107- бет

1. Ва вақтики уни олиб бордилар ва уни қоронгу қудуққа ташлашга иттифок қилдилар...

2. Бандамнинг мададига етиб бор.

3. Эй бор Худоё! Эй ҳар бир қайғуни кеткизувчи! Ва эй дуъоларни эшитувчи! Ва эй бор мавжудотнинг устаси! Ва эй ҳар бир синиқни тузатувчиси! Ва эй ғарибларнинг ҳамнишини! Ва эй ёлғизларнинг муниси! Ва эй ҳар бир сирри суҳбатнинг гувоҳи! Ва эй банданинг бошига тушган балолардан хабардор! Ва эй сендан ўзга бирорта маъбуд бўлмаган поко парвардигоро! Сендан бу ташвишдан чиқиш жойини менга осон ва енгил қилишингни сўрайман, ва менинг қалбимга ўз муҳаббатингни солиб қўйишингни сўрайманки менда сендан бошқа зикр ва қайғу бўлмасин, ва мени ўз ҳифзинга олишингни сўрайман, ва эй меҳрибонларнинг меҳрибонроғи, менга раҳминг келишини сўрайман.

1. Деди: «Эй, суюнчи, мана бу ерда бир бола». Акалари уни тижорат моли деб яширдилар.
2. Улар кечқурун оталарини олдига йиглаб қайтдилар.
3. Улар дедилар: «Эй ота биз ўзишиб ўйнашга борган эдик ва Юсуфни нарсаларимиз ёнига қўйган эдик сўнг бўри келиб уни еб кетибди. Ва сен бизлар рост гапирсак ҳам ишонгувчи эмассен».
4. Улар Юсуфнинг кўйлагига ёлгон қон суртиб олиб келдилар.

1. Эй менинг севгилим, ва эй кўзимнинг қорачиги ва эй дилимнинг меваси қайси кудуққа сени ташладилар экан, қайси дарёга сени ғарқ қилдилар экан, қайси қилич билан сени ўлдирдилар экан ва қайси ерга кўмдилар экан.
2. Биродаримиз Юсуфни ойиъ қилдик ва отамиз Яъқубни ўлдирдик.
3. У деди: Йўқ ундоғ эмас, балки нафсларингиз сизларга бир ёмон ишни яхши қилиб кўрсатибдур.
4. Ва соттилар акалари уни саноғлик тангалардан иборат арзон баҳога. Ва улар гўёки бу пулларга муҳтож эмас эдилар.

1. Кейин уни наҳанг балиқ ютиб юборди ва у маломат қилинди.

1. Ким дунёда ўхшаши бўлмаган латофатли, назофатли, гўзал сўзли ажойиб бир ғуломни сотиб олади?
2. Ким дунёда тенги бўлмаган қайғули, заиф, ариқ, бечора бир ғуломни соти олади?
3. Ким Оллоҳнинг дўсти Иброҳимнинг абираси, Оллоҳнинг қурбони бўлган Исҳоқнинг набираси, Оллоҳнинг бандаси бўлган Яъқубнинг ўғли, Оллоҳнинг ростгўй бандаси Юсуфни қул қилиб сотиб олади?
4. Тагин сен Канъон тепаликларидан бир тепаликда ўлтириб, «эй парвардигорим, дилимнинг меваси, кўзимнинг қорачиги ўғлимни менга қайтариб бер» деб зорланиб йиғлаб турган ғамгин мўйсафиднинг ўғли бўлмагин.

1. Қуёшни ва ойни менга сажда қилиб турганларини кўрдим.
2. Ҳай, ҳай, мен бунга мустаҳиқ эмасман.
3. Агар Оллоҳ таоло инсон руҳини шакллантириб кўрсатганда эди, уни кўрган одам сажда қилган бўлар эди.
4. Насоролар яъни христианлар Исони Оллоҳнинг ўғли дедилар.

5. Қуёшни ва ойни менга сажда қилиб турганларини кўрдим.

115- бет

1. Ҳақиқатда подшоҳлар қайси бир шаҳарга кирсалар уни вайрон қилурлар.

2. Мана бу оқил қулни ким олади?
3. Мана бу ғариб қулни ким олади?
4. Мана бу нодир қулни ким олади?
5. Мана бу ҳайдалган қулни ким олади?
6. Мана бу латофатлик қулни ким олади?
7. Мана бу заиф қулни ким олади?
8. Ана шундай мартаба бердик Юсуфга ул мамлакатда.

117- бет

1. Унинг муҳаббатига мубтало бўлубдур.
2. Ана шундай мартаба бердик биз Юсуфга ул мамлакатда.
3. Албатта Оллоҳ таоло бировга дунё беради охиратни ҳисобига...
4. Уғул бу дунёда хурсандлик ва охиратда ёруғлик.
5. Фарзандларимиз — бу ерда юрган жигарларимиз.
6. Оллоҳ таолога ёлбориб дуо қил, чунки у яқиндур, ижобат қил-гувчидир.

118- бет

1. Қандай дуо қиламан?
2. Эй Ул зотики бировни азиз қилади ва бировни хор қилади, ва эй Ул зотики бировни мартабасини паст қилади ва бировни мартабасини баланд қилади, ва эй Ул зотики бировга беради ва бировни маҳрум қилади, ва эй Ул зотики У ҳар бир нарсига қодирдур, мана бу мўйсафидга ушш фарзандлар ато қилгил.
3. Ҳақиқатда балоларнинг энг каттаси пайғамбарларга тушади, улардан кейин авлисаларга, ундан кейин кейингиларга ва ундан кейин шу тартибда.
4. Мен гўё (шам) бўлиб қолдим, одамларга ёруғлик беради-ю, ўзи ёнади.

119- бет

1. Уни ғоятда иззатли тут.
2. Шояд бизга фойдаси тегса.
3. Ёки биз уни фарзанд қилиб оламиз. Ибн Масъуд Оллоҳ рози бўлсин ундан, дебдурларки: Энг ростгўй фаросатлик одам учтадур: Биринчиси, Азизия Миср, унинг «Шояд бизга фойдаси тегса ёки ўғил қилиб оламиз» деган сўзи. Иккинчиси, Шуъайб пайғамбарнинг қизи: Унинг «Эй отагинам бунга (яъни Мусога) хизмат ҳақи бергин. Ҳақиқатда энг яхши узра берган одамнинг бу кучлик амонатлик одамдур» деган сўзи. Учин-

чиси, Абу Бакр Сиддик; Унинг ўз ўрнига ҳазрати Умар разийа-ллоҳу анҳуни қўйиб кетгани.

120- бет

1. Вақтики у камолотга етганда биз унга ҳукуматни ва илмни бердик. Яхши амал қилгувчиларни биз ана шундай мукофотлаймиз.

122- бет

1. Эй Юсуф, юзунг мунча ҳам гўзал.
2. Мени парвардигорим шундай яратмиш.
3. Сочларинг мунча гўзал.
4. Қабримда ҳамадин олдин тўкиладиган нарса мана шу сочларимдир.
5. Кўзларинг мунча ҳам гўзал.
6. Қурт қумурсқалар аввал уни ер.
7. Эй Юсуф, менга қарагил.
8. Умрим охирида қоронғуликдин (яъни кўр бўлиб қолишдин) қўрқаман.
9. Қўлингни синамга қўй.
10. Дўзахдаги занжирлардан қўрқаман.
11. Эй Юсуф, мендек гўзалларни нафсинг хоҳламасму?
12. Хоҳлайди, лекин парвардигоримдан қўрқаман.
13. Мен сени севаман.
14. Мен Оллоҳни севаман.
15. Қўноқхонага киргил.
16. Жаннатда насибамдан маҳрум бўлиб қоламан деб қўрқаман.
17. Сен мени қулимсан, мен сени пулимга сотиб олганман, сен эсанг менга бўйин тозлайсан.
18. У, мени сотган одамлар менинг биродарларим эди.

123- бет

1. Кейин мenden узоқлашасан.
2. Икки зотнинг ҳаққи учун: Ул зотики еру осмонларнинг ягона Илоҳидир, ул зотнинг ҳаққи учун, иккинчиси «Уни ғоятда иззатли тут» деган одамнинг ҳаққи ҳурмати учун.
3. Юсуф уйда турган хотин уни ўз томонига мойил қилмоқ учун кўп ҳаракат қилди. Ва (бир кун) эшикларни маҳкамлаб менга кел, деди.
4. Мен сенинг учун тайёрландим.
5. Юсуф дедикки Худодан паноҳ тилайман, албатта У менинг парвардигорим, У менинг даражамни чиройлик қилди, албатта золимлар ва тўғри иш қилмаганлар ҳаргиз нажот топмаслар.
6. У хотин Юсуфга қасд қилди ва Юсуф унга қасд қилган бўларди...
7. Зулайхонинг қасди мақсадни қўлга киритиш қасди эди. Юсуфнинг қасди эса қочиш қасди эди.
8. Зулайхонинг қасди зино ва Юсуфнинг қасди никоҳ эди.
9. Зулайхонинг қасди талаб қилиш эди, ва Юсуфнинг қасди қочиш эди.

1. Зулайхонинг қасди ечиш эди ва Юсуфнинг қасди эса уриш эди.
2. Хотунларга майл қилиб қасд қилмаган санмусан?
3. Агар парвардигорининг мўъжизаларини кўрмаганда эди...

Пайғамбар алайҳис-салом дебдурлар: «Менга дунёларингиздан уч нарсa сеvикликдир: бири хушбўй нарсалар, иккинчиси хотун зоти, ва учинчиси намозда кўзимнинг ёруғ бўлиши».

4. Ана биз шундоқ қилдик, ундан ёмонликни ва беҳаёликни қайтармоқ учун.

5. Ана биз шундоқ қилдик, ундан ёмонликни ва беҳаёликни қайтармоқ учун.

6. Ҳақиқатда у бизнинг мухлис қилинган бандаларимиздандур. (Мухласин деб ломни фатҳа қилиб ўқиш керак).

1. Юсуф уйда турган хотин уни ўз томонига мойил қилмоқ учун кўп ҳаракат қилди ва эшикларни маҳкамлади...

2. Ҳақиқатда у бизнинг мухлис қилинган бандаларимиздандир. (Бу ерда баъзи байтлар мавжуд бўлиб ўқиш узрли бўлди)

1. Улар ҳар иккаласи дарвоза томон югуришдилар ва у хотин Юсуфнинг орқа этагидан кесиб олди ва дарвоза олдида ул хотиннинг эрини учратиб қолдилар.

2. У хотин деди: Сенинг хотинингга ёмонликни раво кўрган одамнинг жазоси фақатгина...

1. Мен уни ўзимга мойил қилмоқ учун ҳаракат қилдим ва у ҳақиқатда ростгўйлардандур.

2. Зиндонга солинишидур.

3. Ёки қаттиқ азобга...

4. ...бу хотин мени ўзига мойил қилмоқчи бўлиб ҳаракат қилди...

5. Сенинг хотинига ёмонликни раво кўрган одамнинг жазоси фақатгина...

6. Зиндонга солинишидур.

7. Ёки қаттиқ азобга...

8. Менга яқин кел, зеро менинг сўзимда сен хурсандчилик топарсен.

9. Ва агар унинг кўйлаги орқа томондан йиртилган бўлса, унда у (хотин) ёлғон гапирган бўлади ва у (эр) ростгўйлардан бўлади.

1. Вақтики унинг кўйлагини орқасидан йиртилганини кўрди, деди

«Бу сиз, хотинларнинг макрларингиздандир, ҳақиқатда сизларнинг макр ва ҳийлаларингиз улугдир».

2. Ҳақиқатда сизларнинг макр ва ҳийлаларингиз улугдир.
3. Ҳақиқатда шайтоннинг макри заифдур ва ҳеч нарса эмасдир.
4. Эй Юсуф, бу ишдан юз ўғир, ва (эй хотин), сен ўз гуноҳингни кечирилишини сўра, ҳақиқатда сен хато қилгувчилардан бўлдинг.
5. Эй Юсуф, бу ишдан юз ўғир.

129- бет

1. Сен (эй хотин) ўз гуноҳингни кечирилишини сўра, ҳақиқатда эса сен хато қилгувчилардан бўлдинг.
2. Ўша шаҳардаги бир неча хотинлар, Азизи Мисрнинг хотини ўз гуломини ўзига моил қилмоқчи бўлиб ҳаракат қилибди,— дедилар.
3. Вақтики у (Зулайхо) уларнинг ҳийлаларини эшитди, уларга одам юборди ва улар учун чиройли бир мажлис ҳозирлаб қўйди.
4. Ва у хотинларнинг ҳар бирига биттадан пичоқ бериб қўйди.
5. Ва Зулайхо Юсуфга «чиқ уларнинг олдига» деди.
6. Ва Зулайхо Юсуфга «чиқ уларнинг олдига» деди.
7. Вақтики у хотинлар Юсуфни кўрдилар гоятда ҳайратда қолдилар. (Оят тамом). Ва у хотинлар кундуз куни чиққан қуёшни кўрдилар.

130- бет

1. Эй ҳовли соҳасида ойни кўрган
Вақти — вақти билан бир ҳурни ўйнатар эди.
2. Ҳилолни ҳеч қойим кўрганмисан?
Оёғи билан ҳовлида ерда юрганини.
3. Ул ҳилолики парвардигоримиз унга осмонда жило берибди,
Уни бугун ҳар ким ҳам кўра олади.
4. Миср гўзалларини мафтун эгди
Гўзал юз билан ва сеҳрли кўзлар билан.
5. У акалари сотиб юборган гуломдур
Зулм билан ва жабр билан
6. У Яъқуб зурриётидан, аммо Оллоҳ уни ортиқ қилди,
Ҳамма одамлардан, яхши хосиятлар билан танилди.

131- бет

1. Менга келақол, чунки мен дугонамдан кўра гўзалроқман.
2. Ва у (хотин)лар қўлларини кесиб олдилар.
3. Ва у (хотун)лар қўлларини кесиб олдилар.
4. Бу киши одам боласи эмасдур, бу киши улуг бир фариштадур.
5. Бу киши одам боласи эмасдур, бу киши улуг бир фариштадур.

132- бет

1. Зулайхо дедик: «Бу ўшал одамки уни деб мени маломат қилдингизлар».

2. Парвона шуълани кўrsa дарҳол унга келур
Шам атрофида, ва ўзини ул шуъллага урур
Мен Зулайхонинг маломатчиларига деган сўзини айтмоқчи-
ман
У деди: «Ана шудур мени маломат қилган одаминглар».
3. Ҳақиқатдан ҳам мен уни ўзимга мойил қилмоқ учун ҳаракат
қилдим.
4. Аммо у ўзини сақлади.
5. Агар у менинг буйруғимни бажармаса...
6. У албатта қамалур ва хорланганлардан бўлур.
7. Ҳибсхона менга яхшироқдур уларнинг чақираётган нарсаларидан
кўра.

133- бет

1. Ва Юсуф билан зиндонга икки йигит кирди.

134- бет

1. Ва Юсуф билан зиндонга икки йигит кирди.
2. У икки йигитнинг бири дедик, тушумда мен ўзимни мевалардан
ароқ сиқиб чиқариб турганимни кўрдим.
3. (Эй Юсуф), бизга бу тушнинг таъбирини айтиб бер, ҳақиқатда биз
сени яхши амал қилгувчилардан кўрмоқдамиз.

135- бет

1. Юсуф дедик: «Ҳар куни ризқиланиб турган таомларингиз кел-
май туриб мен сизларга бу тушларингизни таъбирини айтиб бераман.
Бу нарса эса парвардигоримнинг менга таълим берган нарсаларидандир».
2. Ҳақиқатда мен Оллоҳга имон келтирмайдиган қавмнинг жамоаси-
ни тарк қилдим.
3. Мен оталарим Иброҳим ва Исҳоқ ва Яъқубларнинг тутган йўл-
ларига эргашдим.
4. Худога бирор нарсани шерик қилишлик бизларга дуруст эмас.
5. Бу эса Оллоҳ таолонинг бизларга ва бошқа инсонларга берган
фаъли карамидир, лекин одамларнинг кўпчилиги бунга шукр қилмай-
дилар.
6. Эй зиндон йўлдошлари!
7. Оллоҳ таоло улар учун ҳеч бир далил тушурмагандир.
8. Ҳукм фақат Оллоҳнинг қўлидадир.
9. Аммо иккинчилари эса дорга осилажақдур ва унинг бошидан
қушлар еб кетажақдур.
10. Сизлар жавоб сўраб турган нарсаларингиз Оллоҳ таоло томони-
дан ҳукм қилиниб бўлган.
11. Кейин шайтон подшоҳга Юсуф ҳақида эслатиб қўйишни унут-
дириб қўйди.

1. Эй барча улуғларнинг улуғроғи, ва эй ул зотики унинг на шериги бор ва на ўхшаши бор, ва эй ул зотики У ҳамма нарсага қодирдир, ва эй қуёш ва ёруқ ойнинг яратувчиси, ва эй ёш гўдакка ризқ бергувчи ва эй улуғ ёшлик мўйсафидга раҳм қилгувчи, ва эй ўликларни тирилтиргувчи, ва бу иш унга жуда ҳам осондир, ва эй ҳар бир қийин ишни енгиллатувчи мени ишимни енгиллаштиргин ва бу мушкулдан чиқиш йўлини кўрсатгил.

2. Эй аъёнлар, менинг тушимни таъбирини айтиб беринглар агар сизлар туш таъбирини айта олсангизлар.

3. Улар дедиларки: «Бу хом хаёллар тўпламнинг тушдаги аксидир. Биз эса хом хаёлларнинг таъбирини айтишни билмаймиз.

1. Бу тушнинг таъбирини хабарини мен бераман, мени юборинглар (унинг олдиға).

2. Эй Юсуф, эй ростгўй одам, хабар бер бизга...

3. Ҳақиқатда биз сени яхши амал қилгувчилардан кўрмоқдамиз.

4. Юсуф деди: «Етти йил пайдар-пай экин экинлар, олган ҳосилни сомони ва бошоғи билан қўйинглар, магарам озгинасини яъни ўзинглар ейдиганинглари олиб қолинглар.

5. У (етти йил) еб қўяди олдиндан у йиллар учун ҳозирлаб қўйган ошлиқларингизни, магарам озгинасини яъни эҳтиёт қилиб олиб қолганинглари.

1. (Подшоҳ) деди: «Ишинглар қандай?»

2. Сенинг оиланга ёмон ният билан қасд қилган одамнинг жазоси... (зиндонга тушиш)... дан бошқа эмас.

3. Азизи Мисрнинг хотини, «ҳақиқат энди зоҳир бўлди» — деди.

4. Ҳақиқатда у ростгўйлардандир.

5. Мен уни ўз томонимга моил қилмоқ учун ҳаракат қилганман.

6. Ҳақиқат энди зоҳир бўлди.

7. Мен уни ўз томонимга моил қилмоқ учун ҳаракат қилганман.

8. Ҳақиқатда у ростгўйлардандир.

1. Оллоҳ уларни яхши кўради ва улар Оллоҳни яхши кўрадилар.

2. Гуноҳқор бандаларимнинг гуноҳларини эслаб мендан кўрқиб инграши ростгўй бандаларнинг бақариб қилган дуосидан менга маҳбуброқ! дир.

3. Мен шунинг учун ана шундай қилдимки у (Азизи Миср) билсинки унинг йўғида унга хиёнат қилмадим.

4. Ва яна шуни ҳам билиб қўйсинки Оллоҳ хоинларнинг макрлариға йўл бермайди.

5. Мен ўз нафсимни пок демоқчимасман, ҳақиқатда нафс доим ёмонликка буюрувчидур.

6. Сенинг нафсинг хоҳишларида ҳаддан ошди, унинг озишларидан омонда бўла олмайсан, чунки нафс етмишта шайтондан ҳам ёмонроқдир.

140- бет

1. Подшоҳ (Азизи Миср) деди: «Келтиринглар уни менга, мен уни хосларимдан қилиб оламан».

2. Бу ер тирикларнинг гўри, ва дўстларнинг турар жойи ва душманларнинг хурсандчилик таънаси.

3. (Эй Худо!) Сен кимни хоҳласанг азиз қиласан, ва кимни хоҳласанг хор қиласан. Ва мен Унинг ҳукмига розиман.

141- бет

1. Юсуф деди: «Мени мамлакатдаги хазиналар устидан нозир қилиб қуи, ҳақиқатда мен бу ишни яхши муҳофаза қиламан, яхши биламан».

142- бет

1. Ва Юсуфнинг акалари келди ва Юсуфнинг олдига кирдилар, Юсуф уларни таниди ва улар уни танимадилар.

143- бет

1. Агар уни олиб келмасангиз сизларга менинг наздимда дон ўлчаш йўқдир ва менга яқин келманглар.

144- бет

1. Ва бизлар албатта уни муҳофаза қилурмиз.

2. Яъқуб айтдики: «Мен уни сизлар билан ҳаргиз юбормасман то сизлар Оллоҳ томонидан бир аҳди паймон келтирганингизча».

3. Эй ўғилларим, сизлар ҳаммаларингиз бир дарвозадан кирмангизлар, балки бошқа-бошқа дарвозалардан кирингизлар.

4. (Ёмон) кўз эрни қабрга киргизади ва туяни қозонга.

5. Албатта кофирлар Қуръони каримни эшитганларида сени ёмон кўзлари билан тойдиришларига оз қолди. Ва улар «албатта бу мажнун бўлса керак»,— дейдилар, ваҳоланки бу Қуръони карим тамоми олам учун фақат бир насиҳатдир.

145- бет

1. Оллоҳ уларни яхши кўради ва улар Оллоҳни яхши кўрадилар.

2. Мен рашкчиман, Саъд ҳам рашкчи, аммо Оллоҳ ҳар иккаламиздан ҳам рашкчиरोқдир.

3. Эй парвардигорим, улар (бутлар) кўп одамларни йўлдан оздирди-

лар.

4. Вақтики улар (Яъқубнинг ўғиллари) оталари буюрган жойдан кирдилар...

146- бет

1. Вақтики Юсуфнинг олдига кирдилар, у биродарини ўзига тортди ва мен аканг бўламан ва булар қилиб турган ишларидан хафа бўлма деди.

2. Вақтики уларнинг юklarини ҳозирладилар, сув ичадиган идишни укасининг юки ичига солиб қўйди.

147- бет

1. Шундан сўнг бир жарчи орқаларидан «эй карвон, сизлар бешак ўғридирсизлар»— деб чақирди.

2. Ўғри эр ва ўғри хотин ҳар иккаласининг қўлини кесингиз.

3. Магарам, кимики ўғирликка қулоқ солса унга равшан бир юлдуз орқасидан тушиб қувлайди.

4. Ўғриларнинг энг ёмони намоз ўғрисидир.

5. Улар (Яъқубнинг ўғиллари) уларга юзланиб туриб «нима нарса йўқатдинглар»,— деб сўрадилар.

6. Кимики уни топиб берса унга бир туя ошлиқ бўлмай ва мен бу ваъдани устидан чиқишга қафилдирман.

7. (Ўлчов) идишни топдингизларми?

148- бет

1. Бизлар ўғри эмасмиз.

2. Золимларни биз ана шундай жазолаймиз.

3. Ундан кейин ўлчов идишни укасининг юкини ичидан чиқарди.

4. Сизлар албатта, ўғридирсизлар.

5. Ана шундай қилиб Юсуфга (укасини) яқинлаштириб бердик.

6. Ва ҳар бир илмлик одамнинг устидан тагин бир илмлик одам бордир.

7. Улар дедиларки, агар бу ўғирлаган бўлса бунинг бир акаси ҳам илгари ўғирлик қилган эди.

8. Юсуф бу ишни ўз ичида махфий тутди ва уларга изҳор қилмади.

149- бет

1. Эй Азизи Миср, бунинг қариган отаси бор, шунинг учун унинг ўрнига бизларнинг биримизни олгин.

2. Унда биз золимлардан бўлиб қоламиз.

3. ...То отам менга рухсат бермагунча ёки Оллоҳ менга ҳукмини чиқармагунча. Ва у ҳукм чиқарувчиларнинг энг яхшисидур.

1. Энди (менинг учун) сабр қилмоқ яхшидур. Шояд Оллоҳ уларни ҳаммасини биргаликда менга қайтарса, ҳақиқатда у илмлик ҳикматлик зотдир.

1. (Яъқуб) деди: «Балким сизларнинг нафсларингиз бир ишни сизларга маъқуллатиб олган».

2. Энди (менинг учун) сабр қилмоқ яхшидур. Шояд Оллоҳ уларнинг ҳаммасини биргаликда менга қайтарса, ҳақиқатда у илмлик, ҳикматлик зотдир.

1. Эй Яъқуб, нима нарса кўзингни кўр қилди?

2. Агар бу қамчин билан мени олдинроқ урган бўлганимда эди мен Юсуфни эслаб умримни зойиъ қилмаган бўлардим.

1. Худо ҳаққи сен Юсуфни доим эслайсан, ўзингни жуда ҳам қийнайсан ёки ҳалок бўлгувчилардан бўласан.

2. Ҳақиқат шуки, мен ўз бетоқатлигимни ва хафалигимни Худогагина арз қилмоқдаман.

3. Эй хайри эҳсони кўп зот, ва эй яхшилиги доим бўлган зот, то ўзинг билан учрашганимча исломда мустаҳкам қил.

4. Эй бор Худоё, менинг райҳонимни ўзимга қайтариб бер, кейин хоҳлаганимни қил.

5. Мен ўз бетоқатлигимни ва хафалигимни худогагина арз қилмоқдаман.

6. Эй афсус Юсуфга.

7. Эй ўғилларим, боринглар Юсуфни ва унинг укасини қидиринглар.

8. Ва Оллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманглар, ҳақиқатда Оллоҳнинг раҳматидан фақатгина кофирлар ноумид бўладилар.

1. Эй Азизи Миср, бизларга ва аҳли аёлларимизга очлик зарари етди, ва биз озгина, арзимайдиган мол келтирдик. Бизларга дон ўлчовини яхшила ва бизларга садақа қил.

1. Дўзахийлар жаннат аҳлига нидо қилиб ёлборар эканлар, «бизларга сувдан ёки Оллоҳ таолонинг берган неъматларидан бир оз ташланглар» деб.

2. Оллоҳ у икки неъматни кофирларга ҳаром қилгандир.

3. Ва бизларга садақа қил, Оллоҳ таоло садақа берувчиларга албатта, мукофот беради.

4. Оллоҳ таоло садақа берувчиларга албатта, мукофот беради.

1. Таассуфлар бўлсин бир жамоанинг фироқига
Улар йўл кўрсатадурган чироқлар эди ва ҳимоя қиладиган қалъалар эди.

Сафардаю шаҳарда, базмдаю размда

Қанча-қанча тунлар тағйир топди то уларга ўлим келгунча.

Қалблар айтган ҳар бир ҳамда

Ва кўзлар кўриб турган ҳар бир шайъ

(Таржима тахминий бўлди)

1. Мени қаттиқ ҳибсга олдилар ва сўрдилар, сўнг менга яхшилик қилиб озод қилдилар.

1. Улар дедиларки: «Оё, сен тагин Юсуф бўлмагин?»

2. У дедик: «Ҳа, мен Юсуфмен ва бу менинг укам».

3. Ҳақиқатда Оллоҳ бизга катта яхшилик қилди, ва кимда-ким ёмонликдан сақланса ва сабр қилса унинг ажри Оллоҳнинг ўзида, чунки Оллоҳ яхши амал қилгувчиларнинг ажрини зойиъ қилмайди.

4. Эй биродарларим, сизлар мени қудуққа ташламадингизлар, балки мени тахтга ўлтиргиздинглар. Эй биродарларим, сизлар мени гурбатта ташламадинглар, балки мени подшоҳ қилдинглар.

5. Худо ҳаққи, Оллоҳ сени азиз қилиб биздан юқори қилибдир ва бизлар эсак аниқ хато қилгувчилардирмиз.

1. Юсуф деди: «Сизларга ҳеч итоб йўқдур бугун».

2. Оллоҳ сизларни мағфират қилади, чунки У раҳмдилларнинг раҳмдилроғидир.

1. Уларнинг оталари (Яъқуб) дедилар: «Мен Юсуфни ҳидини сезаяпман, агар мени ақлдан озган деб таъна қилмасангиз».
2. Худо ҳаққи, сиз ўша эски адашганлигингиздасиз. (Оят тамом). Яъни Юсуфни яхши кўришда давом қилмоқдасиз. Дебдурларки, бунинг маъноси «сиз эски сўзингизда давом қилмоқдасиз», демакдир.
3. Вақтики элчи етиб келди. Юсуфнинг кўйлагини Яъқубнинг юзига отди ва унинг кўзи бирданига очилиб кўрадиган бўлиб қолди.
4. Эй отамиз, бизни гуноҳларимизни Худодан сўра, бизлар бешак хато қилгувчилардирмиз.
5. Яъқуб дедик: «Мен тезда сизлар учун парвардигоримдан сизларнинг гуноҳларингизни кечиришини сўрайман».

1. Улар кечанинг озгина қисмида истироҳат қилар эдилар ва саҳарлари улар гуноҳларини кечиришини Оллоҳдан сўраб эдилар.
2. Ва Юсуф ота-онасини тахтнинг юқорисига ўлтурғузди ва акалари эса сажда қилиб ерга йиқилдилар.

1. Ва Юсуф деди: «Эй отагинам, мана бу илгари кўрган тушимнинг таъбиридир».
2. Уни парвардигорим рост қилиб кўрсатди.
3. Оллоҳ менга яхшиликлар қилдики, мени зиндондан чиқарди.
4. Сизларга бугун ҳеч бир итоб йўқдир.
5. Ва сизларни саҳродан келтирди.
6. Шайтон мен билан акаларим ўртамизга низо солгандан кейин.
7. Албатта, менинг парвардигорим хоҳлаган нарсасини бажаришда ҳўб тадбир билан иш кўргувчидир.
8. Албатта, У ҳамма нарсани билувчи кўп ҳикматли бир зотдир.

1. Пайғамбарларнинг гўшти ерга ҳаромдир.

1. Ҳамду сано ул Оллоҳга бўлсинким, У қулни сабр баракотидин подшоҳ қилибдир ва подшоҳни шахват фалокатидин қул қилибдир.
2. Қани ёшлигинг, қани гўзаллигинг? (У хотин) деди: «Сенинг муҳаббатингда йўқ қилдим».

3. Деди: «Қани молу мулқинг?». Деди: «Сени хабарингни келтирганларга фидо қилдим».

4. Сўнг деди: «Нима нарса кўзингни кўрмас қилди?». Деди: «Сенинг ҳажрингда қайғириб кўп йиғламоқдин бўлди».

165— бет

1. У гоятда тадбирлик, гоятда хабардор.
2. Эй Юсуф, бу кўйлак ўрнига кўйлак бўлди.

167- бет

1. Эй парвардигорим, Сен менга подшоҳлик ато қилдинг ва тушларни таъбир қилиш илмини ўргатдинг.

168- бет

1. Албатта, бизлар оламлар парвардигорининг элчисидурмиз.
2. Бани Исроилни биз билан бирга юборгин,— деб.
3. Биз сени болалигингда ўз ичимизда тарбия қилмадикми? Ва сен умрингнинг бир қанча йилларида бизнинг ичимизда турдинг.
4. Сен қилган қилмишингни қилдинг.
5. Парвардигорим менга подшоҳлик берди ва мени мурсал пайғамбарлардан қилди.

169- бет

1. Бу албатта билгувчи жодугардур.
2. Бу ўзининг сеҳри билан сизларни ватанларингиздан чиқармоқчи, сизлар нима дейсизлар?
3. Улар унга ва унинг биродарига муҳлат бер ва шаҳарларга одам тўплагучиларни юбор дедилар.
4. Агар бизлар ғолиб чиқсак бизларга ҳақ бериладими?
5. У деди: Ори ва албатта сизлар менга яқин одамлардан бўлиб қоласизлар.
6. Эй Мусо, сиз иккингиизнинг оллоҳингиз ким?
7. У, яъни Мусо, деди: Бизнинг парвардигоримиз шундай зотки, у ҳар бир нарсага яратилиш шаклини берди ва сўнг унга тўғри йўлни кўрсатди.

170- бет

1. (Мусо) деди: «Сизларга ваъда қилинган кун сизлар ясаниб чиқадингиз ид кунларингиздур ва эрталаб одамлар йиғиладурган кундур».

2. Улар дедилар: «Фиръавн номи билан қасам ичамизки, бизлар албатта ғолиб чиқувчилармиз».
3. Биз дедик: «Қўрқма, сен албатта устун чиқасан».
4. Ва ташла қўлигдаги нарсани, у сеҳргарларнинг ясаган нарсаларини ютиб юборади.

171- бет

1. Жодугарлар сажда қилиб йиқилдилар ва оламлар парвардигорига имон келтирдик, дедилар.
1. ...Мусо ва Хорунларнинг парвардигорига.
3. Фиръавн деди: «Мен сизларга изн бермасдан туриб унга имон келтирдиларингизми?»
4. У сизларга жодугарликни ўргатган катталарингиздур.
5. Мен сизларнинг қўл оёқларингизни орқа томонидан албатта кесарман ва сизларни хурмо дарахтининг шохига албатта осаман.
6. Улар дедилар: «Бизларга келган равшан оятлардан ҳаргиз сени ортиқ кўрмасмиз».
7. Ниманики ҳукм қилмоқчи бўлсанг ҳукм қил, ҳақиқатда сен фақат бу дунёда ҳукм қилаоласан.
8. Албатта биз имон келтирдик парвардигоримизга, токи У бизларнинг хатоларимизни ва сен мажбур қилиб қилдирган сеҳрни кечирсин.
9. Ва Худо яхшироқдур ва боқийроқдур.

172- бет

1. Эй парвардигорим, жаннатда ўзингнинг наздинда менга бир уй қуриб қўй, ва мени Фиръавндан ва унинг ишидан ва золим қавмдан қутқар.
2. Эй Ҳамон, менинг учун олов ёқиб лойни пишир ва ундан баланд бир тепалик бино қил, шояд мен Мусонинг Худосини кўрсам ва албатта мен уни ёлғончилардан деб гумон қиламан.
3. Мен сизлар учун мендан бошқа худони билмайман.
4. Кейин юбордик биз уларга сел балосини, чигиртка балосини, бит балосини ва қурбақа балосини ва қон балосини. Буларнинг ҳаммаси ошқора мўъжизалар эди.

173- бет

1. Эй Оллоҳ, чигирткани ҳалок қил, Эй Оллоҳ, унинг йўлини тўс, Ё Оллоҳ, унинг катталарини ўлдир ва кичикларини ҳалок қил, тухумларини буз, палағда қил ва бизнинг ҳаёт-мамотимиз бўлиб турган ризқимизни еб қўяётган оғзидан тут.
2. Оллоҳ таоло мингта уммат яратган, ундан олти юзтаси денгизда ва тўрт юзтаси қурғоқликда.

174- бет

1. То бақалар тун қоронғусидек денгиздан чиқдилар.

175- бет

1. Икки гуруҳ бир-бирини кўрганларида Мусонинг ҳамроҳлари бизлар тутилдик, дедилар.
2. Йўқ-йўқ, ҳаргиз ундай эмас, парвардигорим менинг билан, У тезда менга тўғри йўлни кўрсатажак.
3. Бас дарё икки бўлак бўлиб ёрилди, ва унинг ҳар бир тарафи буюк тоғдек эди.
4. Сизлардан бирорта одам жаҳаннам қирғоғига келтирилмай қолмас.
5. Шундан сўнг Худодан қўрққанларни қутқарамиз ва золимларни эса тиз чўккан ҳолда у ерда қолдирамиз.

176- бет

1. Эй Оллоҳнинг бандалари, боқинглар, Оллоҳ таоло батаҳқиқ сизларни душманларингизни денгизда ҳалок қилди.
2. Бани Исроил имон келтирган Зотдан бошқа бирорта маъбуд йўқ эканлигига энди ишондим.
3. Олдин ҳақиқатда осий эдинг ва фисқи фасод ишлар билан шуғулланучилардан эдинг.
4. Фиръавн денгиз қирғоғига катта ҳукиздек отиб ташланган эди.
5. Сендан кейингиларга ибрат бўлсин учун бугун сенинг баданингга нажот берамиз.
6. Ва биз уларнинг ҳаммасини ғарқ қилдик.

177- бет

1. Бани Исроил дедилар: «Эй Мусо, уларнинг бутлари бўлгандек бизларга ҳам бир бут ясаб бер».
2. Булар албатта ҳалок бўлучилардур.
3. (Эй худо!) Санамлар ихтиёри билан қилган гуноҳларимизни кечир!
4. Уларнинг золимлари уларга айтилган сўзни бошқа сўзга ўзгартириб юборишди.

179- бет

1. Бани Исроил дедилар: «Эй Мусо, модомики у золимлар ўша шаҳарда эканлар биз унга асло кирмасмиз».
2. Агар улар ўша шаҳардан чиқсалар, унда биз киражакмиз.

3. Бор сен ва парвардигоринг иккаланг жанг қилинглар, бизлар эса бу ерда ўтирамыз.

4. Мен фақат ўзимга ва акамга эгаман, фосиқлар билан бизнинг ўртамызни бир-биримиздан жудо қилгин.

5. Оллоҳ таолодан фармон бўлдиким, бу шаҳар уларга қирқ йилгача ҳаром қилинди. Унгача улар ер юзида саргардон бўлиб юрадилар.

6. Ё Оллоҳ, ўз фазлинг билан бизга ризқ бер.

7. Ва эндирик сизлар учун осмондан мани деб атолган ширин кулчаларни ва салва деб атоладиган беданага ўхшаш қушларни.

8. Бас биз унга айтдик: «Ҳассанг билан тошни ургил» деб. У урди ва тошдан ўн икки кўз булоқ ўйнаб чиқди.

9. Ҳар бир фирқа ўзининг ичадиган жойини билиб олди.

180- бет

1. Ва булутни биз уларнинг устига соябон қилиб қўйдик.

2. Агар бани Исроил бўлмаганда эди таом пиширилмаган бўлар эди.

3. Сўра биз учун парвардигорингдан ерда унадиган нарсалардан чиқорсин: кўкатларидан ва таррасидан ва бугдойидан ва нухатидан ва пиёзидан. Мусо дедик: «Яхши нарсани ундан паст нарсага алмаштирасизларми?»

181- бет

1. Куч қудрат ва қувват фақат Оллоҳнинг ёрдами билан бўлади.

2. Ёдингдами эй Муҳаммад, Биз Баний Исроил қавмининг устида Тур тоғини соябон каби кўтариб турдик, агар Бизнинг буйруқларимизга итоат қилмасангиз устингизга ташлаб юборамиз,— деб.

А

Абушқа — қари, кекса, чол, қария.
Авло — яхшироқ, афзалроқ.
Авон — замон, вақт
Авоқибат — оқибатлар, натижалар, яқунлар.
Адм — тери.
Адиз — улуг, буюк, баланд, юксак.
Адоқ — дарёнинг қуйилиш жойи.
Ади — Ямандаги шаҳар номи.
Адовий — дорилар, дори-дармонлар.
Аёқчи — соқий, май қуювчи.
Азин — бошқа, ўзга.
Азоқ — оёқ.
Азоқ олтинда — оёқ остида.
Азрилмоқ — айрилмоқ, бўлинмоқ.
Азроил — жонни олувчи фаришта номи.
Азгоси аҳдам — алоқ-чалоқ туш.
Айва — беҳи.
Айн — кўз, кўз қорачиғи.
Айроқ — йироқ, узоқ.
Ал — ҳийла, алдов.
Алайҳил-лаъна — унга лаънатлар бўлсин.
Алайҳинна — уларнинг (аёлларнинг) олдиға.
Алвоҳ — лавҳлар.
Алин — пешона, ўркач.
Алпогут — ботир, қаҳрамон, қўрқмас.
Алғучи — олувчи.

Ам(м) — амаки.
Амома — салла, дастор.
Аморий I — туя, филга ортилган қажара.
Аморий II — бошқа, ўзга.
Амулсун — тинчлансин.
Амуд — гурзи.
Амул — вазмин, ўзини босиб олган, босиқ.
Амурд — нок.
Анбар — хушбўй модда, анбар.
Анбийё — набийлар, пайгамбарлар.
Ангдимоқ — эсламоқ, ёдга келтирмоқ.
Андоза — ўлчов, қолип, ҳад, меъёр.
Андом — қад-қомат, тан, бўй, бадан.
Анутмоқ — тайёрламоқ, ҳозирламоқ.
Арён — айрон.
Аритмоқ — тозаламоқ, покламоқ.
Ариту — шилиб, тозалаб.
Ариғ — соф, тоза, покиза.
Анима — уни ҳам.
Ано — оғир меҳнат, машаққат.
«Анталлази ҳаммат» — унга мойил бўлган сенмисан.
Ануб — тайёрланиб, ақлни пешлаб.
Ариғламоқ — танламоқ, сараламоқ.
Ариғсиз — нопок, ифлос.
Арш — осмоннинг зич юксак қавати.
Аршун — аршин (ўлчов бирлиги), 65,2 смдан 112 смгача тенг бўлган.
Арқиш — карвон, савдо карвони.
Арқиш улуғи — карвонбоши.
Арқиш халқи — савдогарлар.
Арғамчи — арқон.
Асиг — фойда, наф.
Асигсиз — бефойда, фойдасиз.

¹ Луғат ва изоҳлар муаллифи Ҳ. Дадабоев.

Асмо — исмлар, номлар, аташ, ном қўйиш.
Асиғ қилмас — наф, фойда келтирмас.
Асмо илми — исм қўйиш илми.
Асо — ҳасса, таёқ.
Асрамоқ — сақламоқ, яширмоқ, эҳтиётламоқ.
Ахоҳум — уларнинг биродари, дўсти.
Ахсурмак — аксирмоқ, акса урмоқ.
Ачигма-сассигма — аччиғи, сассиги.
Ашну — аввал, ...гача, қадар.
Ашоқ — паст.
Аягу — қовурға.
Ақзон — қозонлар.
Ақиқ — қизил рангли қимматбаҳо тош.
Ақрон — сайёра.
Ақрунлуқ — секинлик, аста-секинлик.
Ақтачи — бош отбоқар.
Ағи — ипак мато.
Ағлоқ — авлоқ, пана, яширин (жой).
Агри — юк.
Агин — ёмон.
Аҳсана масвоя — аёлнинг эркакка мурожаати; мени яхши сақлади.
Аҳсанти масвоя — эркак кишининг аёлга мурожаати: мени яхши сақлади.
Аҳсан-ул-қисас — қиссаларнинг энг яхшиси.

Б

Бавл — пешоб, нажас (ахлат).
Бавл қилмоқ — сиймоқ, ёзилмоқ.
Бадиз — тасвир.
Байт ул-аҳзон — гамхона, кулфатлар макони.
Байт ул-маъмур — обод уй (ри-воятларга кўра, Каъбанинг қар-

шисида туртинчи қат кўкда осилиб турувчи ибодатхона.)

Байт ул-муқаддас — Фаластиндаги машҳур шаҳар, Уршалим ва Қуддуси Шариф деб ҳам айтилган.

Байъ — олди-сотти, харид.

Байъат — олди-сотти тўғрисидаги келишув, битим.

Байъи иттифоқ — олди-сотти тўғрисидаги келишув, битим, қ. байъат.

Байъ қилмоқ — харид қилмоқ.

Бал фаолаҳу — у қилди.

Бани Исроил — яҳудийлар.

Барқ I — бино, иморат.

Барқ II — мол-дунё, борлиқ.

Башорат бермоқ — хушхабар келтирмоқ, башорат қилмоқ.

Баъдаху — ундан сўнг.

Бақир — мис.

Бақлан қўзи — ёш, семиз қўзи.

Баҳман — Шамсия йили ҳисобидаги ойларнинг ўн биринчиси, (22 январ — 21 февраль кунларига тўғри келади).

Бағирсоқ — меҳрибон, раҳмдил, оқ кўнгил.

Безарламоқ — юз ўтирмоқ.

Берга — хивич, хипчин.

Бизоат — мол-дунё, мол ва асбоб.

Бикр — тоза, соф, бокира қиз.

Бино қилмоқ — яратмоқ, қурмоқ, асос солмоқ.

Бирагу — кимдир, бирор кимса.

Бир йўли — бир марта, бир қарра.

Бирламоқ — битта, якка деб бил-моқ.

Битик — хат, мактуб, нома.

Битикчи — котиб, мирза, хат ёзувчи.

Битмазмиз — қулоқ тутмасмиз.

Бовурчи — сарой ошпази, баковул (мансаб номи)

Бодия — чўл, дашт, биёбон, саҳро.

Болиға — балоғатга етган қиз.

Борлаган — бор деб билган, борлигига ишонган.

Ботил — бузук, бузилган, ноҳақ, асоссиз.

Бош — яра.

Боғдош — оёқни чалиштириб ўтириш.

Буйракланмоқ — юрак олдириб қуймоқ, кўркмоқ.

Булдурчин — қуш номи; бедана.

Берун — ташқари.

Булнамак — асир қилмоқ, қўлга туширмоқ.

Булнади — асир қилди.

Булнамиш — асир, тутқун қилган.

Булун — асир, тутқун.

Булунг — тараф, томон.

Буроқ — афсонавий учар от, диний эътиқодга кўра гўё Муҳаммад алаҳис-салом, Меърож тунинунга миниб Маккадан Қудусга ва у ердан аршга кўтарилган эмиш.

Бурч — қарз.

Бурҳон — далил, ҳужжат, гувоҳ.

Бус — туман.

Бусуб — писиб, пистирма қилиб.

Бусуг — пистирма.

Бутмамак — ишонмаслик.

Бутмасмусен? — ишонмайсанми?

Бутроқ тўн — титилиб кетган кийим, куйлак.

Бухл — бахиллик, қизғанчиқлик.

Бучак — бурчак, тараф.

Бушуб — аччиғи келиб, ғазабланиб.

Бушуг — ҳирс, шаҳвоний туйғу.

Бушукди — хафа бўлди.

Бугра — эркак туя.

Бўз — буй, қад.

Бўзун — халқ.

Бўйнагу — кўзга кўринган киши, номдор.

Бўлак — тухфа, тортиқ, совға.

Бўроқ — тоқзор, узумзор.

Бўқагу — ўғрилар бўйнига солинадиган сиртмоқ, кишан.

Бўқов — кишан.

Бўгуз — дон.

В

Васнаъ ал-фулка — қайиқни ясагин.

Вақф қилмоқ — бағишламоқ, назр этмоқ.

Ваҳй — худодан пайғамбарларга юборилган хабар ва илҳом.

Вилдон — хизматкор, югурдак.

Вилоят — ўлка, мамлакат.

Вирд — намоздан ташқари вақти-вақти билан тақрорланадиган қисқа дуо.

Вожиб — фарз, бажарилиши мажбурий, зарурий бўлган иш.

Вофий — тугал, тўлиқ, етарли, комил.

Г

Ганж — бойлик, хазина.

Гшла — гина, хафагарчилик.

Гшлим — ерга тўшаладиган палос.

Гов — муътабар, эътиборли, шоншухратли.

Д

Дайён — ҳисобчи (худо сифати), жазаловчи.

Дайёр — истиқомат қилувчи; монах; уй эгаси.

Дархост — талаб, илтимос.

Дастур — расм, одат, йўсин.

Даф — доира, ноғора.

Даъват — чақириқ, чақириш, таклиф.

Дер — узоқ вақт, муддат.

Дигар — ўзга, бошқа, ғайр.

Додак — жория, хизматкор.

Доний — дуоғўй.

Дохил — дахлдор, тегишли.

Дуруд — дуо, салом, олқиш, мадҳ, сано.

Дукди — урди.

Дуоб — узум шарбати, шинни.

Е

Еграги — яхшироғи, ажойиброғи, афзали.

Ел эсанди — ел эсди, шамол турди.

Ема — ва, ҳам, шунингдек.

Етагу — еттовлон.

Етилди — тўхтади, тинди.

Етти яшаб — етти яшар.

Етуралинг — амалга оширамиз, қиламиз.

Ё

Ё — ёй, камон.

Ёбон — чўл, биёбон.

Ёвумас эрди — яқинлашмас эрди.

Ёзи — чўл, текислик.

Ёзиламоқ — ёзилмоқ, бўшалмоқ.

Ёзмас — хато қилмас, нишонга бехато урар.

Ёй — ёз.

Ёнсанг — қайтсанг, воз кечсанг.

Ёрдиси — ёрти, ярми.

Ёрин — эртага, эртанги кун.

Ёриндаси кун — эртасига, эртанги кун.

Ёриқ — совут, зирх.

Ёрлиқамоқ — фармонламоқ, буйруқ қилмоқ, илтимос қилмоқ.

Ёрлиғ — фармон, буйруқ.

Ёсмуқ — дуккакли ўсимлик, ясмиқ.

Ёғи — душман, хасм.

Ж

Жабронл — худо билан пайғамбар ўртасида хабар етказувчи фа-ришта.

Жавиқмоқ — шуҳрат қозонмоқ.

Жазъ — бетоқатлик, доду фарёд.

Жавоби дигар — бошқача жавоб.

Жамоза, жаммоза — чопқир туя.

Жараб — кипиқ.

Жарда — сариқ от.

Жарда — сеҳргар, жодугар.

Живор — яқин ер, ён, атроф.

Жизя — солиқнинг бир тури.

Жовидона — мудом, доимий ра-вишда.

Жувол — тўрва, халта.

Жувонмард — олийжаноб, очик қўлли, сахий.

З

Забих — қурбонга сўйилган мол.

Заиф — қувватсиз, кучсиз, ожиз.

Закар — эр кишининг олати,

Замзам — Маккада Каъба яқини-даги мусулмонлар муқаддас ҳи-соблайдиган қудуқ.

Замҳарир — совуқ, қаҳратон.

Зиллат — хорлик, тутанлик, паст-лик.

Зойил — йўқ бўлувчи, йўқолувчи, фони, сўнувчи.

Зокир — зикр айтувчи, ибодатга машғул бўлувчи, ҳамд-сано ай-тувчи.

Зулфиқор — Ҳазрати Алига Му-хаммад пайғамбар тортиқ қил-ган қилич.

Зумурра, зумра — 1. жамоат, гу-руҳ, тўда; 2. хил, жинс.

Зухра — Чўлпон юлдузи (Венера сайёраси).

И

Ибрый — яҳудий.

Иброний — қ. ибрый.

Иброний, ибрый тили — қадимги яҳудий тили.

Ивуқ — кийик.

Игашмак — ўжарлик қилиш, ўжар бўлиш.

Иглаимак — хасталанмоқ; жой-лашмоқ.

Иглик — касалманд, бетоб.

Игсиз — соғ-саломат.

Идрис — исломиятдан илгари ўт-ган пайғамбар.

Ижобат — қабул қилиш, рози бў-лиш, мъқуллаш.

Изи — худо, тангри, оллоҳ.

Изи қазоси — оллоҳнинг ҳукми: ажал, ўлим.

Изи аzza ва жалла — Оллоҳ қуд-
ратли ва улуғ.
Измоқ — озода қилмоқ, қўйиб
юбормоқ; юбормоқ, жўнатмоқ.
Изнамак — изидан бормоқ, қидир-
моқ.
Изнатди — бажарди, ижро этди.
Изурмоқ — жўнатмоқ, юбормоқ.
Ийд — байрам, ҳайит.
Ийдгоҳ — байрам тантаналари ўт-
казиладиган жой.
Икагу — икковлон, иккаласи.
Икиндук намози — пешин намози.
Икирар-икирар — иккитадан-икки-
тадан.
Илқо — учрашув, мулоқот.
Илҳон — куйлаш, куй, овоз.
Имлоқ — улуғ, буюк.
Иморат — обод қилиш, ободон-
лаштириш.
Инади — юришмади, бузилди.
Инган — ургочи туя.
Инғирчоқ — ғижирловчи эгар.
Илмагил — (ерга) тушмагин.
Иямоқ — тушмоқ, пастга тушмоқ.
Инод — жарлик, қасдма-қасдлик.
Иноғ — маслаҳатчи, иноқ. (рутба
номи).
Интяқлаю оғарди — аста-секин-
лик билан айта бошлади.
Инқиёд — тобе бўлиш, бўйсуниш.
Инқиёд қилмоқ — риоя, амал қил-
моқ.
Исор — инъом, бағишлов, сочиш.
Истиғфор — афв, кечирим сўраш;
тавба қилиш.
Исурмак — маст, кайф бўлмоқ.
Исфаҳон — Эрондаги шаҳар.
Итиғ — ўткир, кескир.
Ишорат — 1. кўрсатма, амр, фр-
мон. 2. имо-ишора, белги; рамз.
Ия — эга, соҳиб.
Иқола(т) — савдодан айнаиш.

Й

Йиг, **ег** — яхши.
Йигда — жийда.

Йигитлиғ — ёшлик, навқиронлик.
Йиграк — яхшироқ, маъқулроқ.
Йизиг — ёмон ҳид.
Йизиглиғ — сассиқ, бадбуй.
Йизламоқ — ҳидламоқ, ҳидлаб
кўрмоқ.
Йизланмоқ — ҳидланмоқ.
Йилқи қора — қорамол.
Йинмак — ахтармоқ, қидирмоқ,
истамоқ.
Йип — ип; арқон.
Йипор — мушк, анбар.
Йирланмоқ — куйламоқ, сўзла-
моқ.
Йитик — ўткир, кескир.
Йитуруб — йўқотиб.
Йиғилмадинг эрса — ташламасанг,
бас қилмасанг.
Йигоч — тахминан 9 км келади-
диган масофа бирлиги.
Йул — булоқ, жилағ, ариқ.
Йулук — ажратиб олиш учун ту-
ланадиган пул, гаров.
Йумақ — ювиш, тозалаш, поклаш.
Йўл кесмоқ — йўлтўсарлик қил-
моқ.
Йўллағ — омадли, омад кулиб
боққан.
Йўл сақлагучи — соқчи, қоровул,
кузатувчи.
Йўлчиламоқ — йўл кўрсатмоқ.
Йўқсиз — қашшоқ, бечора.
Йўкурмоқ — қориштирмоқ, ара-
лаштирмоқ.

К

Кайд — макр, ҳийла, найранг.
Кайдиҳим ҳозо — бу макрларни.
Калаз — чумчуқ.
Калим — кийим, куйлак.
Калима — сўз, гап, жумла.
Ками, кеми — кема, қайиқ.
Каркас — ўлимтиқлар билан кун
кечирувчи йиртқич қуш.
Каромат — мурувват, сахийлик,
олиҳимматилик.
Кароҳият — нафрат.

Каттон — зигир поясидан туқилган мато.

Каъба — Макка шаҳридаги зиёратгоҳ, муқаддас сайлгоҳ.

Кез — мустаҳкам, асосли.

Кезик — навбат, кетма-кетлик.

Кезин — кейин, сўнг.

Кенд — шаҳар.

Кенд қўбордилар — шаҳар (қишлоқ) бунёд этдилар.

Кертунмак — ишонмоқ.

Кесак — парча.

Кеталинг — кетамиз.

Кивурмак — киргизмоқ, киритмоқ.

Киз — мушк сақланадиган жалта, идиш.

Кизламак — беркитмоқ, яширмоқ, яшириб қўймоқ.

Кизланчи — беркитилган, яширин.

Кизмоқ — киймоқ.

Кижурмак — киргизмоқ, олиб кирмоқ.

Ким эрса — кимдир, бирор кимса.

Килим — жулдур кийим, ёпинчиқ.

Килим киб — кийим кийиб.

Кин — мушк, хушбўй модда.

Кин йипор — мушк, анбар.

Кириш — ёй ипи, гириш.

Кирпич — ғишт, кирпич.

Киру солди — кейинга қолдирди.

Кишани — оппоқ, оқ.

Колбат — бадан, жисм, жасад.

Колобок — парвона.

Кофур — камфора (оқ хушбўй модда).

Коҳил — дангаса, ялқов.

Коҳин — авлиё, ғойибдан хабар берувчи, исломда келажак ҳақида ёлғон сўзловчилар сифатида талқин қилинади.

Куб — хум.

Куванмак — 1. ишонмоқ; 2. хурсанд, шод бўлмоқ.

Куга — кувёга.

Кузазмак — асрамоқ, сақламоқ.

Кузак кувё

Кузармоқ — 1. яқинлашмоқ (куз ҳақида); 2. қутқармоқ, асрамоқ.

Куймак — кутмоқ.

Кумруг, кувруг — ногора.

Кунг — жория, хизматкор.

Кунгур — дарвеш.

Кукиламак — рашк қилмоқ.

Курси — тахт, курси.

Куруд — Миррих (Марс).

Куса(й)мак — соғинмоқ; истамоқ, хоҳламоқ.

Кусар эрди — хоҳлар эрди, истар эрди.

Кэнду — ўз, ўзи (олмош).

Кўгарчин, кўгарчун — кабутар.

Кўкуз — кўкс.

Кўлук — улов, юк ташувчи ҳайвон.

Кўмоч — қўрга кўмиб пиширилган нон.

Кўнглунг эмрулгай — кўнглинг таскин топгай.

Кўни — тўғри, ростгўй.

Кўнилик — ростгўйлик, ҳақиқат.

Кўничи — тўғри, садоқатли.

Кўнулмас — тўғри бўлмайдиган, тўғриланмайдиган.

Кўнунч — рашкли.

Кўкрартак — ларзага келтургудек.

Кўримчи, кўрумчи — авлиё.

Кўрумчи мунажжам — олдиндан башорат қилувчи, юлдузчи.

Кўрсаюрман — кўришни орзу қиламан, истайман.

Кўшиш — ғайрат, тиришиш.

Л

Лавҳул — маҳфуз — пешонада ёзилган нарса, лавҳ.

Лаъин — лаънати.

Ливотат — жинсий алоқа.

Луълуъ — гавҳар.

Мавло — худо, оллоҳ, ҳомий, соҳиб.

Маляҳ — ширин, мазали, лаззатли.

Малак ул-мавт — ажал фаришта-си, Азроил.

Мамуқ — пахта.

Ман I — оғирлик бирлиги.

Ман II — таъқиқ.

Мангим — қадам.

Манжавиқ — палахмон, тош отадиган қадимий уруш қуроли.

Манзилат — мартаба, даража, тутган ўрин, мақом.

Мансух бўлмоқ — бекор, йўқ қилинмоқ.

Маозаллоҳ — худо паноҳ берсин, худо сақласин.

Маркаб — улов, от, туя, эшак каби миниладиган ҳайвон.

Масх — хунук қабиҳ суратга кириш, ўзгариш.

Махдум — жаноб, улуг мартабали зот.

Махлуқот — яратилган жонзотлар, махлуқлар.

Машриқ — кунчиқар, кунтуғар, шарқ.

Машруъ — диний қонунга мувофиқ, шариатга биноан, шаръий.

Маъзул — озод, бекор, холи.

Маъсият — шариатга хилоф йўсинда иш тутиш, гуноҳ.

Мағриб — кунботар, кунботиш, ғарб.

Мекоил — фаришта.

Менг — хол.

Менгзамоқ — ўхшамоқ, мос келмоқ.

Менгизлик — юзли, чехрали.

Меърож туни — Муҳаммад пайгамбарнинг арши аълога кўтарилган туни.

Мияни — мия.

Мисоқ — аҳду паймон, қасамёд, ваъда.

Мисқол — оғирлик ўлчови (таҳминан 4,68 гр)

Мангламоқ — қадам ташламоқ, сайр қилмоқ.

Муаббир — туш таъбир қилувчи.

Муаккил — вакил қилинган.

Мубориз — қаҳрамон, ботир, паҳлавон.

Муваҳҳид — ягона худога эътиқод қилувчи.

Мужда — суюнчли хабар, хушхабар.

Мужодала — баҳс, баҳслашув.

Мужоҳада — сазй, ғайрат.

Музд — мукофот, ҳақ.

Муйвуз — шох, мунгуз.

Мулкат — подшоҳлик, ҳукмронлик.

Мунажжим — илми нужум билан шугулланувчи шахс.

Мунгушмоқ — қайғурмоқ, ғамаламга ботмоқ.

Мункар била Накир — ривоятга кўра, ўлик кўмилгандан кейин унинг тепасига келиб, ҳаётлигида қилган савоб ва гуноҳ ишларини сўроқ қилувчи икки фаришта номи.

Мунодий — жарчи, хабарчи, хабар берувчи, нидо қилувчи.

Мунодий қилмоқ — нидо қилмоқ, чақирмоқ, жар солмоқ.

Муножот — худодан нажот, мадад тилаб қилинадиган яширин ибодат.

Мунтаҳий — охирга, ниҳояга етувчи.

Муомалот — муомалалар, бордикелдилар.

Мурассаъ — қимматбаҳо тошлар билан безтилган.

Муртад(д) — диндан қайтган, диндан озган.

Мусаббиб — сабабчи, оллоҳ.

Мусаллам — тобе бўлган, бўйсунган, таслим бўлган.

Мусаллат — ғолиб бўлган, назоратчи.

Мусаллат қилайин — жазо бериш учун юборайин.
Мусалло — масжид, намозгоҳ, намоз ўқиладиган жой, жойнамоз.
Мусаххар — бўйсундирилган, ҳукми остига киритилган.
Мустажоб — қабул бўлиш.
Мустақим — тўғри, пок, ҳалол.
Мусҳаф — Қуръони шариф.
Мутаассиб — бирор нарсага қаттиқ берилувчи, ихлос қўйувчи.
Мутаҳаййир — ҳайратда қолган, ҳайрон бўлиб қолган.
Мутриб — чолғучи.
Мутриба — чолғучи, созанда аёл.
Муфассир — шарҳловчи, шарҳ қилувчи.
Муханнос — хунаса.
Мухлас — ихлосли, ихлосга эга.
Мушир — маслаҳатчи, кенгашчи.
Мушоҳада — кўздан кечириш, томоша қилиш, кузатиш.
Мушфиқ — шафқатли, марҳаматли, меҳрибон.
Муътамад — ишончли, ихлосманд.
Муътафикот — огир шароит.
Муқирр — бўйинга олган, иқрор бўлган.
Муқри — қироат қилувчи, қори.
Муҳаққиқ — аниқловчи, таҳқиқ қилувчи.
Муҳиб — ошиқ, дўст.
Муҳожир — ҳижрат қилган, ўз ватанидан узоқда юрганлар.
Муҳосиб — ҳисобчи.

Н

Набот — гиёҳ, ўт.
Навқиса — бойликка янги етишган, нокас.
Навмид — умидсиз, ноумид.
Навда — йиғи-сиғи, нола.
Назир — ўхшаш, монанд.
Наззора — қараш, назар солиш, томоша қилиш.
Налук — нега, нима учун.

Намози дигар — бир кунда ўқиладиган беш вақт намознинг учинчиси, аср намози.
Намоз қазоси — ўқилиши шарт бўлган намознинг ўтиб кетиши.
Насб — қўйиш, бунёд этиш, тиклаш.
Насиб — баҳра, улуш, ҳисса.
Насх — арабча ёзувнинг бир тури.
Нафир — карнай.
Нафоз — ўтиш, бажарилиш, таъсир.
Наузу биллоҳи — Оллоҳ сақдасин.
Наҳуд — нўхат.
Наъл — ковуш; пойафзал.
Наққош — наққош, суратчи, нақш қилувчи.
Наҳну — биз.
Не йитурдингиз? — нима йўқотдингиз?
Нийёз — илтижо, ялиниш.
Нисор — сочиш, чочқи.
Новадон — тарнов, нов.
Нозир — назорат қилувчи, назоратчи.
Ноиб — ўринбосар, нойиб.
Номустақим — нотўғри, нопок, ҳаром.
Носир — ёрдам, кўмак берувчи.
Нофила — авлод.
Ноҳид — Зухра юлдузи, Чўлпон.
Нубувват — пайғамбарлик, авлиёлик.
Нукта — нозик ва терак маъноли сўз, ибора, ҳазил.
Нусрат — зафар, ғалаба, ютуқ.
Нух — исломиятдан илгари ўтган афсонавий пайғамбар номи.

О

Обид — тоат, ибодат қилувчи, сингувчи.
Овуч — ҳовуч, қафт.
Одам — Одам Атә.
Одий — душман, ёмон киши. Од

Қавмига мансуб кишилар.
Озиглик — жасур, мард, ботир.
Озод битиги, озодлиқ битиги — қулликдан озод бўлганликни тасдиқловчи гувоҳнома.
Олами сифлий — фоний дунё, бу дунё.
Оллинда — олдида, ҳузурида.
Олтинда — остида, тагида.
Ом — омма, барча, халқ.
Онгда — эслади, ёдиға тушди.
Онгсизив — тўсатдан, бирдан.
Орзу — Уторид (Меркурий).
Ормиш эрди, узуди — чарчаган эди, ухлади.
«Осор» — «Ёдномалар» (китоб номи).
Ос, тийин(г), киш — оқсусар, олмахон, қундузнинг бир тури.
Охир уз-замон — қиёмат, охир замон.
Ошич — Лойдан ясалган кўзача.
Ошлиқ — озиқ-овқат, егулик ғалла, дон.
Ошчи — ошпаз ошчи.
Оқсақоллик — иззат-эҳтиромли, ҳурматли.
Оғ — тўр, тузоқ.
Оғди — кўтарилди, етди.
Оғин — соқов, гунг.
Оғир баҳо — қимматбаҳо, нархи баланд.
Оғир баҳолғ — қимматбаҳо.
Оғиривча — оғирлигича.
Оғирламамишсан — иззат-ҳурмат қилмабсан.
Оғирламоқ — мукофотламоқ, баҳоламоқ; ҳурмат, эҳтиром, такалуф кўрсатмоқ.
Оғирлиқ — ҳурмат-эҳтиром, иззат-иқром.
Оғлағу — нозик, юмшоқ.
Оғир черик — оғир қуроғлар билан қуроғланган қўшин.
Оғоз — бошланиш, киришиш.
Оғри — дирхам, ақча.
Оғуш — насл, насаб, авлод.
Оғуқмоқ — заҳарланмоқ.

Рабби лотазар — эй танграм, йўқ қилгин!
Ражо — орзу, умид.
Ражулият — мардлик, жасурлик, эранлик.
Разияллоху анҳо — худо ундан рози бўлсин.
Разияллоху анҳумо — унинг иккаласидан худо рози бўлсин.
Ранят, раъият — фуқаро, халқ, омма.
Рафия — юксак, баланд, буюк.
Раҳмат бўлмоқ — қазо қилмоқ, дунёдан ўтмоқ.
Ризвон — саккиз жаннатнинг бири, розилик ва мамнуният жаннати.
Ришо — розилик, бўйсунуш, кўнуш.
Ришват — пора.
Риҳлат — дунёдан ўтиш, ўлиш, кўчиш.
Ровий — ривоят қилувчи, нақл қилувчи, қиссачи.
Роний — раҳбар, раҳнамо, бошлиқ.
Роҳат — ҳузур, лаззат, дам.
Русто руста — деҳқон, қишлоқда яшовчи.
Рухом — мрамор тош.
Рўзгор — турмуш, ҳаёт, тирикчилик, толе, бахт.
Рўзи — ризқ, насиба.

Сабон — 1. қўш билан ер ҳайдаш. 2. Омоч.
Савмаъа — христианлар ибодатхонаси; монастыр.
Савоб — хайрли, яхши иш.
Садақа, Садқа — хайр-эҳсон, қурбон.
Сазан — катта, баҳайбат, очкўз.
Сакандир — Зуҳал (Сатурн)
Салавот — раҳматлар, дуолар.

Салот — намоз, ибодат.
Самад — абадий, Оллоҳ сифатларидан бири.
Самузкенд — Самарқанд.
Сандувоч — булбул.
Сарадиб — Цейлон.
Сарв — 1. Тик ўсадиган тўғриқомат дарахт. 2. Қадди-қомати келишган, гўзал аёл.
Сарзаниш — маломат, озор.
Саро — дунё.
Саршич — ёғочдан ясалган челақ.
Сарҳ — қаср, кўшк.
Сарҳанг — саркарда, қўмондон.
Сақит — Зухра (Венера)
Сақиш, соқиш — сон, санок; ҳисоб-китоб.
Сақишсиз — ҳисобсиз, беҳисоб, саноксиз.
Сақлаб ётмоқ — қўриқламоқ, эҳтиёт қилмоқ.
Сақлагучи — соқчи, қоровул, қўриқчи.
Сақф — шифт, том, осмон, фалак.
Сақфиян ўртди — томини, шифтини ёпди.
Сағроқ — идиш.
Саҳба — қизил май, олий сифатли май.
Саҳд — енгил, осон, қийин эмас.
Севинчиламак — суюнмоқ, хурсанд бўлмоқ.
Сибт — авлод, бўғин.
Сидра — кедр, диний эътиқодга кўра еттинчи осмондаги бир дарахт.
Сидрат ул-мунтаҳо — диний ривоятга кўра жаннат ва еттинчи қат осмонда ўсувчи дарахт.
Сидилар — буздилар, синдирдилар.
Сизлоғ — тиш оғриғи.
Сизмоқ — чизмоқ, ёзмоқ, битмоқ.
Сикка урмоқ — (пул) зарб қилмоқ.
Симоъ — 1. Эшитиш, тинглаш, қулоқ солиш; 2. Хониш, сайраш, қуйлаш.

Симоъ қилурда — хониш қилишда.
Сингак — пашша, чивин.
Сингар — томон, тараф.
Синдурмайин — рад этмай, қайтармай.
Синоъат — касб, ҳунар.
Сирот — кўприк, дўзах устига қурилган ингичка қил кўприк.
Сирча — шиша.
Сифлий — паст, тубан.
Сича — қуш номи.
Сиқамоқ — ишонмоқ, инонмоқ.
Сичак — чумчуқ.
Сожд — сажда қилувчи, таъзим қилувчи.
Сотигчи — сотувчи, савдогар.
Софий — соф, тоза, пок.
Соқинди — ўйлади; хаёл сурди, ўйга толди.
Сулаҳо — билимдонлар, ўқимишлилар, соғлом фикрли кишилар. (Солиҳнинг кўплиги)
Соғу — тарози, тарози палласи.
Соқинч — фикр, хаёл.
Сунгу — найза.
Сундуси Румий — Европа ипак кийимлиги.
Суннат — равиш, одат, Муҳаммад пайғамбарнинг йўли ва қилган ишлари.
Сунъ — хайрли иш.
Сур — сурнай.
Сусуб — тортиб, ўлчаб.
Суфра — дастурхон.
Суюрғол — ҳукмдорнинг яқин кишиларига берадиган тортиғи.
Суҳуф — бетлар, саҳифалар.
Сўйди — ечди.
Сўклуб — пишириб.
Сўклубоқ — қовурмоқ.
Сўклубмиш — қовурилган, қовурма.
Сўкулма — қовурма, қовурдоқ.
Сўғалғуси — нурсизланади.
Сўған — пиёз.

Т

Тааммул — 1. Сабр, бардош. 2. Ўйлаб иш қилиш, мулоҳаза билан иш юритиш.

Тааммул қилғил — яхшилаб ўйлагин, мулоҳаза қилгин.

Таба — ...га, ...томонга.

Табав бўлдилар — остин-устин бўлдилар.

Таббоҳ — ошпаз, ошчи.

Табл — ногора.

Табор — болта.

Табуг — 1. хизмат, хизмат қилиш. 2. сажда қилиш.

Табугчи — 1. Хизматкор, жория. 2. Сажда қилувчи.

Таваққуф — тўхташ, тўхтаб туриш, тўхтов.

Таввон, тавон — тоқат, қувват.

Тавозуъ — одоблик, ўзни паст тутиш, ўзни кичик тутиш, камтарлик.

Тавоф — бирор нарсанинг атрофини кезиш, айланиш, зиёрат.

Тавочи — ҳукмдор буйруқларини тегишли жойларга етказувчи амалдор.

Тазарруъ — тавба қилиш, ялиниш, ёлбориш.

Такбир — улуғлаш, «Оллоҳу акбар» иборасини айтиш.

Така қилмоқ — ёнбошламоқ, ёстиққа суянмоқ.

Талашламоқ — тешмоқ.

Талбис — алдаш, ҳийла, найранг, бирор нарсани ўзга рангли қилиб кўрсатиш.

Тамассуж — 1. бирор нарсани маҳкам ушлаш, чанг солиш; 2. ҳужжат, шаҳодатнома.

Тамаз — истак, хоҳиш.

Тамуг — дўзах, жаҳаннам.

Танаъум — неъматланиш, баҳраманд бўлиш.

Тангмоқ — боғламоқ, ўрамоқ.

Тангсуқ — ажойиб, тансиқ.

Танлиғ — мавжудот, тирик жон.

Танур — тандир.

Тануқ — гувоҳ, белги, нишона.

Тапуг — хизмат.

Тар 1 — тор.

Тар, тер II — ёлланма меҳнат.

Тарамоқ — сепмоқ, тикмоқ, экмоқ.

Тарилди — қочиб кетди, тарқалиб кетди.

Таригчилик — деҳқончилик.

Тасарруф — бошқариш, эгалик қилиш, ҳуқуқ, ихтиёр.

Тасниф — ёзиш, асар яратиш.

Татру, тетру — тўғри.

Тафвиз — топшириш, ишни ўзга кишига юклаш.

Таъвил — сўзни ўз маъносидан бошқа маънога буриш, йўйиш, шарҳлаш.

Таъвил суҳуф — китоблар шарҳи, баёни.

Тақа — нағал, этик тақаси.

Тақададус — муқададас, соф, пок.

Тақтеъ — қисмларга, қаватларга бўлиш.

Тағайюр — ўзгариш, бошқа тусга кириш.

Таҳийёт — саломлар.

Таҳийят — салом.

Таҳлил — ибодат қилиш.

Тебундилар, тепундилар — талпиндилар, жунбушга келдилар, ҳамла қилдилар.

Тевачи — туячи, туякаш.

Тегра — теварак, атроф.

Тезгивмоқ, тизгивмоқ — айланмоқ, чарх урмоқ, кезмоқ, сайр қилмоқ.

Текма — ҳар қайси, ҳар бир.

Телим — кўп, зиёд.

Теринг — чуқур.

Терк — тез, дарҳол.

Теркрак — тезроқ, олдин.

Тижорат — савдо-сотиқ, олди-сотти.

Тикмоқ — экмоқ, қадамоқ.

Тикчи — этикдўз.

Тилку — тулки.

Тил олғучи — душман томондан тил (асир) олиб келувчи.

Тилтоғ — баҳона, асос, сабаб.

Тиргук — тирговуч.

Тирилмак — яшамоқ, ҳаёт кечирмоқ.

Тиши — 1. хотин, аёл; 2. Урғочи.

Тилға — тиланчи, гадо.

Тирғоқ — тирноқ, чангал, панжа.

Тобиз — топишмоқ.

Тождул-умаро — амирлар, беклар улуғи.

Този — арабий.

Тонг — ҳайрат, таажжуб; ажойибот, ғаройибот.

Тонглай — эрта билан, эрталаб.

Тонг ўркади — тонг отди.

Тублуг — зотли.

Туб, туз — тик, тўғри.

Туйлук, тулук — тукли.

Туймадилар — сезмадилар.

Тулак — босиқ, камтар.

Тулангай — чайқалгай.

Тувак — ётоқхона; зиндон, қамоқхона.

Тунарда — зулматга чўмишда, қоронгилашишда.

Тунгрук — туйнук.

Тура — қўрғон, қалъа, истехком.

Турушсуилар — жанг қилсинлар.

Тус — пат.

Туруқди — тўхтади.

Тутуғ — гаров тўлови.

Туч — бронза.

Тугмоқ — тугилмоқ, дунёга келмоқ.

Тугурмоқ — тугилмоқ, таваллуд топмоқ.

Тўвлуқи тангсуқ — матоси ажойиб (борлиқ ажойиб рангда, демоқчи.)

Тўпуз — тўқмоқ.

Тўра — қонун-қоида; расм, одат.

Тўритмоқ — яратмоқ, бунёд этмоқ.

Тўрқа — ипак.

Тўқиди — урди.

Тўкуш куни — жанг куни.

Тўғ тўз эмрулди — чанг-тўзон тинди.

У

Ув — уй, жой.

Увут — уят.

Уғутмоқ — янчмоқ, майдаламоқ.

Уд, уй — сигир.

Ужб — манманлик, ўзига зеб қўйиш, мағрурланиш.

Ужмоҳ — жаннат.

Ўз — ишбилармонлик, омаддилик.

Ўза — устига.

Ўзамади — ўсмади, кўтарилмади.

Ўзимок — ухламоқ.

Ўзиюр эрди — ухламоқда эди.

Ўйлуқ — бел, бўкса.

Укак — бурж.

Укуш — кўп, зиёд.

Улуш — ҳар доим, тинмасдан.

Улвий — олий, юксак, юқори.

Ўл йўлдин уругламас — шу сабабдан болаламас.

Ўлув — олий, буюк.

Ўлуғ душман — зўр душман.

Ўлуғ мулк — катта, буюк мулк, давлат.

Ўмам — қавм, гуруҳ, уммат.

Ўманч — ишонч, умид.

Ўмасига тегди — ишончи бекор бўлди.

Ўммат — пайғамбар йўлидан боровчилар.

Ўмуд, амуд — устун, тик таянч ёғоч.

Ўмур — ишлар, ҳодисалар, мушкilot.

Ўнгуз — тўннинг этаги.

Ўноқ — чопқи.

Ўрағут — аёл, хотин.

Ўркумоқ — чўчимоқ, қўрқиб қочмоқ, ҳуркмоқ.

Ўрламоқ — қичқирмоқ, наъра тортмоқ.

Ўрунғ — оқ.

Ўсрук — маст.

Ўфтанмоқ — уялмоқ, андиша қилмоқ.

Ўхруж — тарк эт (уйни), чиқ.

Учуз — арзон.

Учузлик — арзончилик.

Ушоқ — 1. Кичик, майда-чуйда;
2. Кичик, ёш бола.

Ушр — ундан бир йилда бир марта экинларга солинадиган солиқ.

Ушра — ҳажнинг бир қисми.

Уюғ — қоронғулик, зулмат.

Уқало — ақллилар, оқиллар.

Уқбо — охират, нариги дунё.

Уғ — хода, қуноқ.

Уғон — Оллоҳ, тангри, худо.

Ухуд тўқуши — 625 йилда Ухуд тоғи этагида бўлган маккалик ва мадиналиклар ўртасидаги жанг.

Ф

Фараҳ — шодлик, кўнгалхушлик.

Фарж — ёриқ.

Фариза — бажарилиши фарз бўлган ишлар, масалан: рўза, намоз ва ҳ.

Х

Хайлу — хашам, бола-чақа ва таниш-билишлар

Халифан вофий — ўз сўзида турувчи, ўз мавқеига мувофиқ халифа

Халойиқ — халқ, одамлар.

Хамр — май, шароб

Харбуз — тарвуз

Харж — сарф, чиқим

Хидмат — хизмат, иш, юмуш

Харож (Хирож — 1. Ер солиғи;
2. Бирор кимсанинг тасарруфидаги йирик ерлар.

Хозин — ҳазиначи.

Хос — махсус, алоҳида, яқин, тегишли.

Хос вазир — энг яқин, алоҳида ўрин тутувчи вазир

Хуллат — дўстлик, самимият.

Ч

Чанок — ёғоч идиш, товоқ

Черик — қўшин

Чизон — чаён

Чичала — жим-жилоқ

Чикқир — чарх (ип йигиручи асбоб)

Чигай — йўқсил, қашшоқ, камбағал

Чов — 1. Хабар; 2. Шон-шуҳрат, довруғ, донг.

Чуз — алвон рангли хитой парчаси

Чугз — узун, кокил

Чўғи — қичқариш, қаттиқ овоз чиқариш

Ш

Шак — гумон, шуҳба

Шар — милға тенг келувчи узунлик ўлчови

Шаристон — мустаҳкам қалъаси бор бўлган катта шаҳар

Шукр — миннатдорчилик, раҳмат, ташаккур

Шукрона — миннатдорчилик юзасидан суюнчи бермоқ.

Шукр тариқи — миннатдорчилик юзасидан

Э

Эв — уй

Эв илакида — уй олдида

Эвлук — хотин, аёл

Ғурди — айлантирди, тескари қил-
ди

Ғажизиси — уй қизи

Ғин — елка

Ғирди — қамал қилди

Ғирмак — қуршаб олмоқ, ўрамоқ

Эзгу — яхши

Эзгу дуо қил — яхши дуо қил-
моқ

Экшвду — пешин

Экшвду намози — пешин намози

Эктуламак — боқмоқ, тарбияла-
моқ, вояга етказмоқ, озиқ-овқат,
ем-хашак бермоқ.

Элатмак — олиб бормоқ, элтмоқ.

Эл кун — ҳалқ

Элтумас — оқизиб кетмас

Эмгак — машаққат, қийинчилик

Эмганмак — машаққат тортмоқ,
меҳнат қилмоқ.

Энгсалаю бошладилар — энсасига
ура бошладилар

Энг кўсаб — юзи, яноғи сарғайиб

Эран — киши, одам

Эрвак — бармоқ

Эсбарламоқ — илтижо қилмоқ

Эсрутмак — маст қилмоқ

Эссиз — ёвуз, ёмон, бемаъни

Этмак — нон

Эшкак — эшак

Ю

Юкрук — ҳомилали

Юкрук тишилар — ҳомиладор
аёллар

Юлдуз — сайёра

Юлдур — илди

Юлгун — бута

Юмоқ — ювмоқ

Юмгақ — юмалоқ — думалоқ

Юнгул — енгил

Юртуг — тешик

Я

Ялавоч — худонинг элчиси, пай-
гамбар

Ялавочлик — пайгамбарлик

Ялавочлик мулки — пайгамбарлик
мавқеи

Ялчик — ой

Янаша — ёнаша-ёнма-ён

Янашган — ёнма-ён юрган

Янут — эваз, жавоб

Янут бердимиз — жавоб қайтар-
дик.

Явчук — бўкса

Ялқиб — нафратланиб

Ярасик — кўршапалак

Ярмоқ — пул, ақча

Яшиқ — дубулға, жез қалпоқ

Якан — фил

Яшиқ — Қуёш, Шамс

У

Увса — сиқса

Ўг — эс, ҳуш

Ўга — оқил, билимдон, доно

Ўгду — ҳамд, сано, мақтов..

Ўгдумоқ — мақтамоқ, ҳамд, сано
айтмоқ

Ўгинга — ҳушига

Ўгмак — мақтамоқ, ҳамд, сано
айтмоқ

Ўгсуз, ўгсус — етим

Ўзурмақ — жўнатмоқ, юбормоқ

Ўйла — ўшандоқ, ўшандай

Ўксук — кам, оз

Ўксуклук — зиён, зарар, камчилик

Ўкуз — буқа, ҳўкиз

Ўкча — товон, оёқнинг товон қис-
ми

Ўлак — ўлик, мурда

Ўнғай — сайёра номи, Муштарий
(юпитер)

Ўнғалди — ўз ҳолига келди

Ўнгин — бегона, бошқа, ўзга

Ўнғуб — йўниб, қазиб

Унгулка — пушт
Урмамоқ — қолмоқ, бўлмоқ, их-тиёр этмоқ
Урнади — ўрнашди, жойлашди
Урди — беркитди, яширди, тўсди, ёпди
Уртуғлу — берк, ёпиқ
Уртуғлуг — ўртуқлук — яширин, сирли, махфий, ёпиқ.
Урум — йиртиқ, жулдур кийим-кечак
Усамма — четда турма, қочма
Утачи — табиб
Утру — қаршисида, юзма-юз
Уфка — ғазаб
Уфкаламақ — ғазабланмоқ, аччиғи келмоқ
Уқимоқ — чорламоқ, чақирмоқ
Уғлон-ушоқ — кичик, ёш болалар
Уқунмоқ — атамоқ, чақирмоқ
Уғрамоқ — 1. Йўл олмоқ, жўнамоқ; 2. Киришмоқ, қўл урмоқ, бирор ишни мўлжалламоқ.
Угур — вақт, пайт
Учашмоқ — душманлашмоқ, ўчакишмоқ

Қ

Қабз қилмоқ — жонини олмақ
Қава, қова — пақир, челақ
Қавий — кучли
Қавл — сўз, гап
Қадаш — қариндош
Қадашлиғ — қариндошли
Қазо — 1. Тақдир, қисмат, 2. Ўлим
Қазон намоз — намоз вақтининг ўтиб кетиши
Қазгач — ишлаб топиш
Қазғу — қайғу
Қазғулуг — қайғули, ғамли, алам-ли
Қайра — яна, тагин, қайта
Қалинғ — қалин, сеп
Қаллош — камбағал, қашшоқ
Қамуг — ҳамма, барча

Қангли — арава
Қанит тўкиб — қанот қоқиб
Қап — қоп, қанор, меш
Қапуг — эшик, дарвоза
Қаранфул — қалампирмунчоқ
Қарағу — кўр, сўқир
Қари — қўл учидан тирсаккача бўлган ўлчов бирлиги
Қарим — ўра, чуқурлик
Қаринча — қалдирғоч
Қарт — қари, кекса
Қарт киши — қари, чол
Қарят ус-самонина — саксонлар қишлоғи
Қат — қават
Қатарот — кўз ёшлари
Қатланмоқ — бардам бўлмоқ
Қағун — қовун.
Қидва — пешво, раҳбар
Қиёмат — охират куни
Қизлиқ — қимматчилик, очарчилик, қаҳатчилик
Қиз-қирқин — жориялар
Қил — бир турли қуш номи, қил
Қила — дейилган, айтилган
Қилода — бўйинга боғланадиган тасма бўйинбоғ
Қип — қийноқ, азоб, жазо
Қишарлар — қийнарлар, азоб берарлар
Қисмат — тақдир
Қисрақ — ёш байтал
Қисас — қиссалар
Қоб қавсайн (қоба қавсайн) — 1. Икки қош оралиғи, 2. Жуда яқин
Қоз — ғоз
Қалоғлиғ — совутли
Қониъ — қанот ҳосил қилган
Қорабош — қул, хизматкор
Қотилмақ — муомила қилмоқ, аралашмоқ
Қотиғлиқ — машаққат, қийинчилик
Қатланмоқ — ҳаракат қилмоқ, тиришмоқ
Қофила — карвон, сафарга чиққан кишилар тўдаси
Қубла — бўса

Кубош — экинзорларда ўрнатиладиган кўрикчи
Кузи — қуйи, паст
Кузуруқ — қуйруқ, дум
Кула — заъфарон (ранг)
Кулағуз — йўл кўрсатувчи
Кулангутек — қул бўлгудек
Куловуз — йўл кўрсатувчи, йўлчи, кулағуз
Кумартғу — васият, тузук
Қурбат — яқинлик, етишиш
Қурт — бўри
Қуртқа (қуртға) — кампир
Қуруди — қотиб қолди
Қуршаниб — белни боғлаб
Қураъ — шартли белги, чек, қуръа
Қуръа солмоқ — чек ташламоқ, фол очмоқ
Кустантиния — Константинополь, Истанбул
Қушлуқ оши — эрталабки овқат, кун чиққандан сўнг ейиладиган овқат, нонушта
Қуъуш — бўзчи дастгоҳининг бир қисми
Қуғу — оққуш
Қўбормоқ — бунёд этмоқ, қурмоқ
Қўбсаб — соз чалиб
Қўзмоқ I — ижозат этмоқ, рухсат бермоқ
Қўзмоқ II — қўймоқ, жойлаштирмоқ
Қўл — дарёнинг қуриган ўзани
Қўлди — илтимос қилдим, сўрадим
Қўмимоқ — зерикмоқ, чарчамоқ
Қўлмақ — илтижо, илтимос қилмоқ, сўрамоқ
Қўндаглаб — йўргаклаб
Қўнғармоқ — бузмоқ; қўпормоқ.
Қўч — қўчқор

Ғ

Ғайб — 1. Ҳеч ким билмаган жой, маконсизлик, 2. Сир

Ғайб илми — гойибни билиш, кўринмаган нарсани кўра билиш, сир билиш
Ғаним — душман, рақиб
Ғанимат — 1. Қулай фурсат, имконият, 2. Бойлик, мол-дунё.
Ғанин — манқа — манқалаб сўзловчи
Ғариблик — мусофирлик, бечоралик, иложсизлик

Ҳ

Ҳаблуллоҳ — Оллоҳнинг ипи
Ҳавво — Момо Ҳаво
Ҳадя — Совга, тортиқ, инъом
Ҳаж — Исрода беш фарздан бири (Маккага бориб Қаъбатуллони зиёрат қилиш)
Ҳаж ўтамоқ — Маккага бориб, Қаъбатуллони зиёрат қилмоқ
Ҳазор — минг
Ҳазрат — улўғ, мўътабар (зот)
Ҳайбат — қўрқинч, хавф, виқор
Ҳай — тириклик, жон
Ҳай ато қилмоқ — жон ато қилмоқ, тирилтирмоқ
Ҳамиятлик — ориятли
Ҳамал — 1 қуёш йили ҳисобида биринчи ой номи (март) 2. Қўй
Ҳасада — ёмон қараш, кўра олмаслик, ичқоралик
Ҳақ — худо, оллоҳ
Ҳақ итоби — Оллоҳнинг қаҳри
Ҳибор — оқил, билимдон
Ҳижоб — парда, ниқоб, ёпинчик
Ҳижобсиз — пардасиз, ниқобсиз
Ҳижоз — Арабистон ярим оролидаги Макка ва Мадина шаҳарлари жойлашган территория номи
Ҳимоят — ҳимоя, паноҳ
Ҳирфа — касб, ҳунарс

Ҳожиб — эшикоғаси, дарбозабонлар бошлиғи

Ҳомила заъифа — ҳомиладор аёл

Ҳотиф — ғойибдан овоз берувчи, чақирувчи

Ҳудҳуд — сассиқпопишак

Ҳо узрака — улушинғни, ҳиссанғни ол

Ҳури ин — оқ баданли, шаҳло кўзли аёл.

Оятларнинг қайси рақамдаги сураларга таллуқли эканлиги 2-қитобда тўлиқ берилди.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	5
Муқаддима	9
Вал-қавму самовати вал-арзи	12
Сифати ас-самовати	12
Сифати ал — аразина	13
Қиссаи Одам сафий алайҳис — салом	15
Қиссаи Қобил ва Ҳобил	29
Қиссаи Шис алайҳис — салом	33
Ҳикоят	34
Қиссаи Идрис алайҳис — салом бу турур	35
Қиссаи Нух Набий алайҳис — салом	39
Қиссаи Авж Ибн Унук	46
Қиссаи Ҳуд алайҳис — салом	47
Қиссаи Солиҳ яловоч алайҳис — салом	51
Қиссаи Иброҳим алайҳис — салом Маа Намруд алай- ҳил — лаъна	59
Намруднинг кукка оғган сўзлари	68
Қиссаи Иброҳим алайҳис — салом Маа Зул-Арш Ал Малик	70
Қиссаи Исмоил алайҳис — салом	73
Қиссаи Забиҳи Исмоил алайҳис — салом	76
Қиссаи Бинои Каъба	80
Қиссаи Валодати Исҳоқ алайҳис — салом	82
Иброҳим Илкинда тирилган қушлар сўзи	84
Қиссаи Вафоти Иброҳим ва Сора Салаватуллоҳи Алай- ҳим	85
Қиссаи Лут Ан-Набий алайҳис — салом	86
Қиссаи Яъқуб алайҳис — салом	93
Қиссаи Юсуф Сиддиқ Алайҳис — салом	99
Байт	101
Байт. Баҳорийёт. Мавлоно Носируддин Рабғузӣ	103
Байт	114
Шеър	116
Латифа	117

Байт	118
Байт	119
Шеър	121
Ғазал	122
Ҳикоят	125
Ғазал	126
Латифа	127
Ҳикоят	139
Одабийнинг нафси қилган ишни етмиш шайтон қил- маслар. Қола аш-шоиру	139
Туркий	156
Юсуф пайғамбар алайҳис — салом Зулайҳоға қовушқан сўзлари	163
Шеър	166
Жодуларнинг ёлгон сўзлари	170
Ойсанинг қиссаси	171
Чугуртка қиссаси	173
Мусо алайҳис — салом Шомға борган қиссаси	177
Одийлар сифати	178
Яна ёнинда қолган қисса	179
Тавротнинг қиссаси	180
Оят, ҳадис ва арабча шеърларнинг таржимаси	182
Луғатлар	217

Литературно-художественное издание

Носируддин Бурхонуддин Рабгузий

«ҚИСАСИ РАБГУЗИЙ»

На узбекском языке

Художник А. Мамажанов

Ташкент, издательство «Ёзувчи»

Адабий-бадиий нашр

Носируддин Бурхонуддин Рабгузий

«ҚИСАСИ РАБГУЗИЙ»

Муҳаррир: *Ё. Раҳимова*. Расмлар муҳаррири: *А. Мамажанов*.
Техник муҳаррир: *У. Ким Мусаҳҳиҳ: Ш. Хасанов*

ИБ № 5

Босмахонага берилди 2.10.90. Босишга рухсат этилди 20.11.90. Формати 60×90 1/16. Офсет қоғози. «Балтика» гарнитура. Офсет босма. Шартли босма л. 15,0. Шартли кр. оттиск 15,25 Нашр л. 14,78. Тиражи 200000 1— завод (1—150000) Заказ 1399. Баҳоси 5 с. Шартнома 4—90

«Езувчи» нашриёти, 700129. Тошкент. Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Матбуот Давлат комитети «Матбуот» матбаа корхонасида босилди. Навоий кўчаси, 30.

Рабғузий, Носируддин Бурҳонуддин.

«Қисаси Рабғузий» (Масъул муҳар-
рир Н. А. Асилова; Сўз боши Э. Фози-
ловники). К. I.— Т.: Ёзувчи, 1990.—240
б.: расм.

Сарл. олдида: ЎзССР ФА, Ҳ. Сулай-
монов номидаги қўлёзмалар ин-ти.

Рабғузий, Носируддин Бурҳонуддин.
Повесть Рабғузий.

**«ЁЗУВЧИ» нашриёти 1991 йилда қуйидаги
китобларни нашр этади:**

Н. Рабғузий «ҚИССАСИ РАБҒУЗИЙ» II китоб.

Сулаймон Боқирғоний. *Шеърлар ва дoston*

«ХАЛҚ КИТОБЛАРИ» сериясидан.

«ИБРОҲИМ АДҲАМ» қиссаси.

«ҚИССАИ МАШРАБ».

«ҲАЗРАТ АЛИ ҲАҚИДА ТҶРТ ҚИССА».

*Талаб ва таклифларингизни наشريётга
ва «Ўзкитоб» (Ташкент шаҳри, Навоий
кўчаси, 30) га йўллашингизни сўраймиз.*